ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

II-ҚИСМ

(2017 йил, 25-27 май)

Самарқанд 2017

УДК: 338.46

“**Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари”.** Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари.

Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 25 – 27 май 284-бет.

«Проблемы инновационного развития сферы услуг» Материалы международной научно-практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 25-27 май 2017г., с. 284.

Ушбу илмий тупламда иқтисодчи олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, магистларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг назарий масалалари, иқтисодий-молиявий механизмини такомиллаштириш, АКТ, менежмент ва маркетинг хамда бу соха учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган мақолалар ва маъруза тезислари киритилган.

Тупламдаги материаллардан профессор ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистлар, талабалар ва амалиёт ходимлари фойдаланиши мумкин.

В научный сборник включены статьи и тезисы докладов ученных – экономистов, старших научных сотрудников, магистров, посвященные методологическим аспектам, совершенствованию финансово-экономического механизма, внедрению информационно-коммуникационных технологий, менеджменту и маркетингу инновационного развития сферы услуг, а также проблемам повышения конкурентоспособности кадров этой сферы. Сборник предназначен для преподавателей, старших научных сотрудников, магистрантов и практических работников.

Ташкилий қўмита аъзолари

Д.Х.Асланова	СамИСИ илмий ишлар бўйича проректор, раис
К.Б.Уразов	СамИСИ«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, аъзо
З.Д.Ниёзов	СамИСИ«Банк - жамғарма иши» кафедраси мудири, аъзо
О.Ж.Суюнов	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси мудири, аъзо
Ж.Р.Зайналов	СамИСИ«Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси мудири, аъзо;
И.С.Тухлиев	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси мудири,аъзо;
Р.Амриддинова	СамИСИ«Халқаро туризм ва туризм сервиси» ўқитувчиси, аъзо;
Л.Н.Халикова	СамИСИ«Касб-ҳунар таълими» кафедраси ўқитувчиси, аъзо
Н.Р.Зайналов	СамИСИ«Ахборот технологияси» кафедраси мудири, аъзо
Ш.А.Султонов	СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси кафедраси мудири, аъзо
Э. Файзиев	СамИСИ«Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
М.Қ.Пардаев	СамИСИ«Статистика ва менежмент» кафедраси профессори, аъзо
Р.Н.Нормахматов	СамИСИ «Маркетинг» кафедраси профессори, аъзо
С.Ў.Ҳусенов	СамИСИ Босмахона директори, аъзо
Ф.Ишанкулова	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими
Х.Мадиллоева	СамИСИ«Илмий бўлим»ходими

Муаллиф нусхасидан чоп этилди.
Мақолаларнинг мазмуни ва орфографик хатоси учун муаллифлар ўзи жавобгар

Отпечатано с авторских оригиналов
За содержание и достоверность указанной информации несут ответственность авторы

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЕТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

С.Каримов-СамИСИ профессор

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда хизматлар соҳасида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг тарихий илдизлари "Авесто" ва Темур даври мисолида ёритилган*

Таянч сўзлар: *мўътабар инсон, меҳнат ва тадбир, замин покиза қизга ўхшайди, ижтимоий табақалар манфаати, адолатли солиқ тизими, сунъий суғориш, ижтимоий муҳофаза, ижтимоий хизмат кўрсатиш*

Аннотация: *В статье раскрыты исторические предпосылки интеграции науки и производства в сфере услуг Узбекистана в период «Авеста» и А. Темура.*

Ключевые слова: *почтенный человек, труд и мероприятия, вселенная как целомудренная девушка, польза социальной формации, справедливая налоговая система, социальная безопасность, социальная услуга.*

Annotasion: *This artide is soid some examples about sphereres of service, sience and producing of Uzbekistan with integrasions of the root of historical time at the Period of fime « Avesto» and Temuris.*

Key words:*Honorable person, labour, worli and measure condition looks like pure sirl, social degree, blessing, just condition of fax artiticiae watering, social protecton, social sevvice system.*

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелекктуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқиёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада буш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси стратегиясининг асосини инсон ва унинг манфаатлари ташкил қилади. Мамлакатимизда барча соҳа инсон манфаатларига бўйсиндирилган. Бу тамойилни муҳтарам Президентимиз умумлаштириб, **"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади",** деган сермазмун даъват билан мантиқий ифодалаб берган. Бунинг исботи сифатида 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички махсулот 7,8 фоиз усганлиги қайд қилинган. Саноат махсулотлари ҳажмлари 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари-12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси-14,4 фоизга, хизматлар-12,5 фоизга усди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этганлигидан билиб олсак бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатлари хизмат кўрсатиш соҳасининг нечоғлик тараққий этганлиги билан яъни уни тизимли, илмий асосларга қўйилганлиги билан белгиланади.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси сиёсатимизнинг асосий стратегияси қилиб белгиланганлиги, бу соҳага диққат эътиборни илмий асосга қўйиш кераклигини шарт қилиб қўяди.

Тарихга диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, буюк давлатчилигимиз тарихида ҳар бир даврда хизмат кўрсатиш соҳаси ўзига ҳос тарзда сиёсатнинг

диққат марказида турганлигининг гувоҳи бўламиз. Бизнинг давримизда буюк давлатчилигимизнинг янги даврида хизмат кўрсатиш соҳаси илмий, концептуал, стратегик маъно-мазмун касб этганлиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда биз хизмат кўрсатиш соҳасининг буюк давлатчилигимизнинг айрим даврларида намоён бўлишининг хусусиятлари ҳақидқ тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Халқимизнинг буюк маънавий мерос бўлган "Авесто"да "…Эзгу Ният ва Ҳақиқат нурлари остида некогоҳлик билан одамлар манфаати учун хизмат қилсак", дейилади. Бу хизматни Зардушт таълимотида жамиятнинг иқтисодий асоси бўлган мулкчилик шаклларини белгилаб бериш ва давлатнинг иқтисодиётдаги етакчилик роли тан олиниб қонунлаштирилганлигида кўрамиз. Моддий бойликлар яратган кишилар тақдирланган ва моддий бойлик яратишни энг яхши эзгу амал деб тарғиб қилинган.

Зардушт таълимотида ҳар кимнинг оч ёки тўқ юриши унинг ўзидан огоҳлигидан дарак берувчи аломатдир. Унинг асосида эса меҳнат ва тадбир ётади. "Вандидод"нинг тўртинчи фаргарди 47-49 бандларида ушуб ҳолат шундай баён қилинган, "-Эй, Сипийтом Зардушт!

Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир.

Кимнинг уйи бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир, дейилса, кейинги бандда,

Икки кишидан бири ўзини гўшт билан тўйғисса, иккинчиси оч қолса, ул биринчидан яхшилик ёғилгай.

Очнинг мурдадан фарқи йўқ.

Шуниси эътиборлики, "Авесто"да меҳнат фақатгина моддий неъматлар яратиш асоси бўлибгина қолмасдан, балки инсон камолатининг манбаи эканлиги таъкидланади. Инсон ўз меҳнати туфайлигина ўзининг инсоний қиёфасини сақлаб қолади ва охир оқибат меғнат эзгулик рамзи сифатида Мазда динин илҳомлантиради ва бойитувчиси ҳисобланади."Кимда- ким буғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзу- ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади", дейилади зардуштийлик таълимотида.("Авесто".115- бет.)

"Вандидод"нинг13 14 бобларида ердан унумли фойдаланиш, уни ифлослантиришдан сақлаш, суғорганда сувни тежаш ғақидаги одамларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларига алоҳида ўрин ажратилган. Деҳқон экинни суғориши м умкинлишги, деҳқончилик билан шуғулланадиган ҳар бир кишги бир белкурак кенглиги ва чуқурлигидаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлдиги сувни тақсимлаш билан қоҳинлдар шуғулланиши кўрсатилган.

"Авесто" дарёлар, каналлар, сув шахобчалари ҳақида, ернинг мелиоратив ҳолатини сақлаш борасида қимматли фикрлар баён этилган."Чўлга сув чиқариб, ернинг шўрини ювиб, захини қочириб ишлов берган, инсонлар энг муътабар инсонлар", ҳисобланган. Кўриниб турибдики, иқтисодий қонун- қоидаларга амал қилиш иқтисодий барқорорликни сақлашнинг зарур шарти эканлиги таъкидланган. Бунинг зарурий шарти иқтисодий билимларни ошириш эканлиги назарда утилган.

Зардушт таълимотида тадбиркор ишбилармон ашаван ўзининг қўл меҳнати билан ерга ишлов бериш орқали ҳалол ризқ топади. Тилида олий илоҳни мадҳ этиш

билан икки қўллаб ерга ёпишиб меҳнат қилади. бу ҳалол ризқ ерга бўғдой экмоқ ва яна бўғдой экмоқ деб олқишланади. Чунки кимда ким бўғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат)экади. У мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзуниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади. (“Авесто”, 115 бет). Шу ўринда Зарушт замин ҳам унга экилган буғдой ҳам ҳалол меҳнат қилган ашаванга ўз ҳосилини мўл кул қилиб беради. Бу ҳақда “Вандидод”нинг учинчи фаргарди 27 бандида баён қилинган қўйидаги фикрни ўқиймиз. “Эй, мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот!

Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун турли хил хўрак ва мўл кўл буғдой етиштираман”, дейди. (“Авесто”, 115 бет).

Кўриниб турибдики, Зардушт таълимотида ҳалол меҳнат, ҳалол ризқ топиш учун ҳаракат қилиш Мазда динини такомиллаштиришнинг асоси деб қаралади.

“Вандидод”нинг учинчи фаргарди 24,30. Бандларида бу ҳақда жуда қизиқарли фикрлар баён қилинган. Жумладан, “Ўзоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстиқдошга интиқдир.

Кимда ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстиқдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл кўл меваларни ином этади”, дейилади. (“Авесто, 114,115, бетлар).Қизиқарли шундаки, зардушт таълимотида табиат ва жамият бир бирисиз мавжуд эмас улар бир бирига зор ва интизор. Чунки, ерни , заминни балоғат ёшига етган ва ашаван фарзандлар кўриш иштиёқида бўлган соҳибжамол қиз билан тенглаштирилиши унинг табаиат неъматларини ниҳоят даражада улуғлаганлиги ва олқишлаганлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам Зардушт ўз таълимотида Маздапарастлар дининг асосий қудрати ва ҳимоячилари табиат ошифталари ва ҳимоячилари бўлган отурбон, артштор ва тевапарвар деҳқонни кўкларга кўтаради. “Маздарастлар дининг асосий қудрати деб отурбон, артштор ва певапарвар деҳқонни биламан”, дейди Зардушт. (“Виспират”нинг учинчи бўлим бешинчи бандида).

“Авесто”да жамиятнинг молиявий соҳаси, меҳнатни қадрлар меҳнатга қараб ҳақ тўлаш, инсонларнинг умумий манфаатларига хизмат қиладиган иншоатларни маблағ билан таъминлаш, ҳашар каби масалалар кенг жой олган. Биргина мисол сифатида табибларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ масаласига тўхталиб ўтишнинг ўзи кифоя “Вандидод”нинг еттинчи фаргарди еттинчи бўлими 41, бандида шундай дейилади:”Жарроҳ мўбадни унинг дуо ва алқовлари эвазига, хонахудони кам баҳода, деҳ худони ўрта баҳода шаҳрбонни ортиқ баҳода (уч минг стийр) ва шаҳриёрни тўрт отли арава эвазига даволайди”. (“Авесто, 134 бет).

Умуман олганда, мазкур масала ҳақида “Авесто”да жуда қизиқарли ва кўп маълумотлар мавжуд. (Бу ҳақда қаранг: С.Каримов “Авесто” -шарқ ижтимоий фикрлар манби. Тошкент-2016.).

Ижтимоий хизмат кўрсатиш масалалари ҳақида гап кетганда Темур ва темурийлар даври бевосита кўз олдимизга келади. Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида сўз кетганда кўп ҳолларда мавзунинг сиёсий тарих, ҳарбий юришлар билан боғлиқ томонларига кўпроқ эътибор қаратилган. Ўша даврнинг ижтимоий-

иқтисодий муносабатлари масалалари ҳақида гап кетганда эса, фақатгина ҳукмрон ва эзилган халқ манфаатлари ҳар хиллиги ҳақида фикр эритилган. Ваҳолангки, ўз даври учун тараққиётни юксак даражага кўтаришда муайян ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёни асосий мезон бўлиб кўзга ташланади. Дарҳақиқат, Темур давридаги давлатчилигимиз қудрати кўп жиҳатдан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий бақувватлигига бориб тақалади. Энг муҳими "Темур тузуклари"да ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш ва шу асосда жамиятни умумий тараққиётига эришиш алоҳида боб сифатида кўрсатиб берилган. Унга кўра мазкур соҳа иштирокчилари (деҳқон, ҳунарманд, савдогар, солиқчи ва ҳоказо), объектлари (ер-сув, ҳосил ва бошқалар)-ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси аниқ белгилаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, ҳалқ манфаати билан боғлиқ бўлган ҳар бир ижтимоий масалага масъул белгиланиб унинг вазифаси аниқ белгилаб қўйилган. (Темур тузуклари, 122-125 бетлар). Ҳатто хароба ерганлар сув чиқариш ва обод қилиш, бузулган кўприкларни тузатиш, янгиларни қуриш, йўл ҳавфсизлигини таъминлаш, савдо ва элчилик карвонларига кузатувчи ва соқчилар тайинлаш, йўловчиларнинг ҳаётини, мол-мулкини муҳофаза қилиш, карвонсарой, ёмхоналар қуриш каби катта куч ва маблағ талаб қиладиган юмушларга энг масъулиятли ва ҳурматли кишилар тайинланган.

Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, Амир Темурнинг барча ижтимоий табақаларга бирдай муносабатда бўлгани ва, энг муҳуми, жамиятни бошқаришда уларнинг ҳар бири имкониятлардан тўла фойдаланишга интилгани тарихий манбаларда жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сидан билиб олсак бўлади. Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, "олам равнақи ва рўшнолиги йўлида хафсаласи ниҳоятда баланд бўлган (Амир Темур) ободончиликка ярайдиган бирон парча ернинг зойи бўлишини раво кўрмасди. Ҳозифи Абрунинг гувоҳлик беришича эса, Амир Темур Хуросондаги Мурғоб дарёси (ҳозирда Афғонистон ва Туркманистон ҳудудларидан оқадиган дарё) водийсида ободончилик ва деҳқончилик хароб аҳволга тушуб қолганлигини кўриб, дарёдан йигирмата канал қазиб сув чиқаришни буюради. Шу тариқа, деб ёзади Ҳофизи Абру, водийда бунёдкорлик ва деҳқончилик соҳаларига асос солинди.

Амир Темур ва темурийлар даврида сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган ва жуда мулоҳазали суратда амалга оширилган. Жумладан, Амир Темурнинг Озорбойжонда 60-70 км келадиган Барлос ва 35-40 км узунликдаги Бойлақон канали қазилганлигини тарихий манбалардан билиб олсак бўлади.

Яздийнинг "Зафарнома"сида Амир Темурнинг Қобулдан нарироқда оқадиган 30-35 км узунликда канал чиқаргани ва у Жуйи моҳигир ҳамда Жуйи нав номлари билан машҳур бўлгани, натижада бу атрофда ободончилик юзага келганлиги ҳақида маълумот беради. (Қаранг: Яздий "Зафарнома", 621-бет.). "Тузуклар"да таъкидланишича, лалимикор ерлар жарибларга (гектарларга) бўлиниб, йиғиб олинган ҳосилнинг учдан бири ё тўртдан бир қисми солиқ сифатида тўланган. (Қаранг:Темур тузуклари 124-бет).

Миришкор деҳқонлар боғбонлар ҳосил етиштириш билан бир қаторда уларни ўзоқ муддатда сақлашни ҳам яхши эплаганлар. Чунончи, анжир қоқи, қовун қоқи, туршак, майиз ва бошқа кўплаб қуруқ мевалар йил бўйи, айниқса, салқин-совуқ фаслларда бозор расталари ва хонадонларни безаган. Чет элларга олиб бориб сотилган.

Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришишнинг асосида адолатли солиқ тизими мавжудлиги ўз таъсирини кўрсатган. Шу маънода “Тузуклар”даги қўйидаги фикрлар жуда қизиқ: “Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раиййатдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раиййат солиқ тўпловчи юборилмасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агар солиқ йиғувчини юборишга мажбур бўлинса, улар солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак-арқон ишлатиб ишни уриш –сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб занжир билан кишанламасинлар. (Темур тузуклари, 124-бет).

Амир Темур айниқса, ишлаб чиқаришга катта эътибор бериб, уни юқори даражада ривож топтирган. Жумладан, ип, ипак, жундан турли-туман газламалар, маторлар тўқилган, кийим-кечаклар тикилган, қуролсозлик, ойнасозлик, дурудгорлик, тош йўнувчилик, заргарлик, кўнчилик, кулолчилик каби соҳалар тараққий қилган.

Амир Темур савдо –сотиққа катта эътибор берган. Унинг фикрича, “Дунё савдо аҳли ила одобддир”. Шу ўринда Амир Темурнинг ўз тузукларида баён қилган қўйидаги сўзлари диққатга сазовор: “Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладим, улар қаерга боришмасин, Хитой, Чинмочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Жазоир, Фарангистон (Европа), у ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келтирсинлар”. (Темур тузуклари, 124-бет).

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, Темурнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўта зукколик, илмийлик, тизимлилик асосида ташкил қилинганлиги буюк цивилизациянинг пойдевори бўлиб хизмат қилди. Муҳтарам биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Темур тузуклари”ни ўқисам янги-янги фикрлар келаверади, деб бежиз айтмаган. Тарихимизни чуқур англашимиз, уни ўрганишимиз, ёш авлодга етказиб бера олишимиз, халқимизни баҳраманд қила олишимиз ҳозирги тараққиётимизнинг қудратли таянчи бўлиб хизмат қилаверади.

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Х.У.Худайбердиев - Сам ИСИ доценти
З.Ш.Жалилов - КТБ-115 гурух талабаси

Аннотация: *Мақолада бозор муносабатлари шароитида аҳолининг бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг тутган ўрни кўрсатилган. Хизмат кўрсатиш соҳаси турлари жуда кўп бўлиб,уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари ифода этилган.*

Аннотация: *На этот статы обосновоно золъсферы услуг в обеспечение занятости на селение приори тетное напровлиние и его перспективы.*

Annotation: *The article demonstrates role of service sector in provision population with employment in state the market economy. There are a number of aspects in service sector,also it provides information about their features and developments prospects.*

***Kalit so`zlar:*** *Бозор, иқтисодиёт, барқарорлик, xizmat ko`rsatish, soha, аҳоли,ijtimoiy,бандлик,ривожланиш, қишлоқ хўжалиги.*

Ключевые слова: *Рынок, сфера услуг, экономика, стабилность, обслуживание, занятостъ, населения, экономический, занятость, сельское хозяйтво.*

Key words: *Market, economics, steadiness, service, field, population, being busy, sociopoliti-cal, , development, agriculture.*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки босқичларидан бошлаб аҳоли бандлиги ва даромадларининг ошишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда**.** Юртимизда йилдан-йилга ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг таъминланиб бориши, аҳоли фаровонлиги, истеъмол даражаси, бандлиги ва даромадларининг ошиши, ички истеъмол бозорини маҳаллий товарлар билан тўлдирилиши,ташқибозорларда миллий товарларимиз рақобатбардошлигининг таъминланиши заминида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ўрни беқиёсдир. Хизмат кўрсатиш макон ва замонда чегара билмайдиган соҳадир. У иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида, турли мақомдаги субектларда, наф олиш ва наф олмаслик мақсадларида амалга ошириладиган фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Бизга маъкумки аҳолининг асосий бандлигининг манбаи хизмат кўрсатиш соҳасидир. Кундалик ҳаётимизда руборо бўладиган басча соҳаларнинг туб қисми хизмат кўрсатиш соҳасини қамраб олади. Яъни эрталаб остона хатлаб чиқишимиз биланоқ газета оламиз,интернет хизматидан фойдаланамиз, транпорт хизматига эҳтиёж сезамиз, ишга, ўқишга келишимизгача бўлган хизматларнинг бир қисмини санаб мана шу хизматлар ташкил қилади. Хўш аҳоли бандлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни қандай? Аҳоли бандлигини оширишда қандай хизмат турларини мукаммаллаштириш керак? Маълумки аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ролни хизмат кўрсатиш соҳаси эгаллайдиган бўлса, демак шундан кўриниб турибдики биринчи навбатда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш керак. Хўш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш керкак?- деган саволларга жавоб изласак.

Албатта аҳоли бандлиги ҳозирги иқтисодий шароитда ривожланаётган мамлакатлардаги энг муҳим масалалардан биридир. Хизмат кўрсатиш соҳасида 2015 йилда аҳоли бандлиги бўйича амалга оширилган ишлар натижасида тармоқлар тузилмасида қуйидагича манзара ҳосил бўлди:

- саноатда 1668,3 минг киши, жами бандликдаги улуши 12,8 фоиз;
- қишлоқ ва ўрмон хўжалиги улуши 27,7 фоиз;
- қурилишда 1248,5 минг киши, жами бандликдаги улуши 9,6 фоиз;
- транспорт ва алоқада 710,7 минг киши, жами бандликдаги улуши 5,4 фоиз;
- савдо ва умумий овқатланишда 1481 минг киши;
- ижтимоий соҳаларда 3053 минг киши, жами бандликдаги улуши 23,4 фоиз;
- КБХТнинг жами бандликдаги улуши 78 фоизни ташкил этди.[1]

2016 йилда эса бу кўрастккич иқтисодиётда банд аҳоли сони 13,298 миллион нафарни ташкил қилди ва (2015 йилга нисбатан 1,8%га ўсди). Умуман олганда нодавлат секторда банд бўлганлар улуши 82,3%га етган бўлса (2015 йилда эса 82,2%ни ташкил қилган эди). Расмий статистикага кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 2016 йилда 1,7% га ошди — яъни 32,121 миллион кишига етди. Экспертларнинг баҳолашларича, ҳозирда республиканинг уч миллионга яқин фуқароси ёки меҳнатга яроқли аҳолининг деярли учдан бир қисми хорижда меҳнат қилмоқда. 2016 йил декабрда Олий Мажлис Сенати 2017 йилда 900 минг кишини иш билан таъминлашни кўзда тутувчи аҳоли бандлиги дастурини маъқуллади. Дастурга коўра мунтазам иш ўринларида 389,3 минг кишининг бандлиги, мавсумий

[1] «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» таҳлилий журнали 2015-йил 12-бет

ва вақтинчалик иш билан 200 минг киши таъминланади. Шунингдек, шахсий ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандлик ва оилавий тадбиркорлик йўналишларида иш билан банд бўлмаган 309 минг нафар аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. 2016 йилда Республикада726 минг киши иш билан таъминланди.[2]Албатта бу кўрсаткичларни янада яхшилаш мақсадида кўплаб чора тадбирларни амалга ошириш керак.

Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳаси орқали аҳоли бандлигини ошириш йўлларини янада мукаммал равишда ишлаб чиқиш зарурдир.

Хабарингиз бор малакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли даромадларини ва уларнинг турмуш даражасини оширишга эришиш ҳисобланади. Бу борада амалиётда жорий қилинаётган чоралардан кўриниб турибдики бугунги кунда кам харажат қилган ҳолда ушбу сохада қисқа муддатларда даромадлар олиш мумкин. Хусусан ҳозирги кунда хизматлар соҳасининг бир неча йўналишларини шу жумладан алоқа,молия,транспорт,қурилиш,туризм хизматлари ва савдо соҳаларини мисол келтириш мумкин.

Бугунги кун замон талабларидан келиб чиқиб,соҳани ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги ҳамда “ 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари қабул қилинди. Бунинг исботи бўлароқ бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда.

Бинобарин хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат қилаётган аҳоли мавсумий ва доимий иш жойларида фаолият юритмоқда. Жумаладан мобил алоқа,юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевезион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускунларни таъмиркаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар тоборо оммалашиб бормоқда. Сўнги беш йилда анъанавий маиший ва комунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9.5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21.2 фоизга қадар кўтарилди. Замонавий технологияларнинг ривож топиши билан хизмат кўрсатишнинг ҳам имкониятлари кенгаймоқда. Маълумотларга қараганда бир масала ҳам бор, хизмат кўрсатиш тармоқларида банд бўлган аҳолининг кўпчилиги норасмий тарзда фаолият юритмоқда, масалан ошхона, сартарошхона, кафе, гўзаллик салони, транспорт хизматлари ва бошқалар. Юқорида келтирилган хизмат турлари асосан қишлоқ аҳолисида норасмий равишда юритилади. Табиийки бу хизмат кўрсатиш соҳасидаги активликни қоғозда акс этишини камайтиради.

Бизнинг фикримизча аҳолини иш билан таминлашда қуйидаги ишларни амалга ошириш керак;

Хизмат кўрсатиш соҳа турларини кўпайтириш ва уни такомиллаштириш керак.

[2]Маҳнат вазирлиги Ахборот хизмати 2017-йил дастури

- Аҳолини хизмат кўрсатиш соҳаларига кўпроқ жалб қилиш керак. Айниқса қишлоқ жойларда.
- Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун кўпроқ чет эл инвестецияларини жалб қилиш керак.
- Хизмат кўрсатиш соҳасини замонавий технологиялар орқали юритишни жадаллаштириш
- Замонавий хизмат кўрсатиш соҳасига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш в.ҳ.к

Албатта аҳолини иш билан таъминлашда давлатнинг ўрни беқиёс лекин ҳар бир фуқаро биринчи навбатда ўзи интилиши ва ишни узоқдан эмас балки ўзи яшаб турган жойдан барпо қилиши керак. Хизмат кўрсатиш соҳаси эса аҳолини иш билан таминлашда замон билан ҳам нафас тараққий этиб боради ва унинг тараққий этишида аҳолининг фаоллиги энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шундай экан аҳолини иш билан бандлиги юрт келажагининг пойдеворини мустаҳкамлайди.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КАСАНАЧИЛИК, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА.

Ш.А.Султонов – СамИСИ, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири
Г.С.Мустафоев - СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси
Э.Муродов – СамИСИ,ИК-314 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Бугунги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики кичик бизнес ва тадбиркорлик орқали ишга муҳтож аҳоли қатламининг бандлигини таъминлаш энг устувор соҳалардан саналади, мақолада бу ҳақида ёритилган.*

Калит сўзлар: *Касаначилик, компания, фирма, иш билан бандлик даражаси, уй меҳнати, саноат корхоналари, жаҳон тажрибаси.*

Аннотация: *Сегодня, международный опыт показывает, что потребности малого бизнеса и предпринимательства работать через занятости населения рассматривается в статье отражены приоритетные направления.*

Ключевые слова: *надомная, компания, фирма, труд, занятость, жилье, промышленность, международный опыт.*

Annotation

Today, the international experience shows that small business and entrepreneurship needs to work through the employment of the population is considered, the article reflected the priority areas.

Key words: *home-based, company, firm, labor, employment, housing, industry, international experience.*

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда касаначиликнинг роли тобора ортиб бормокда. Шунинг учун Ўзбекистан Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов: "Такрор ва такрор такидлаб айтиш керакки, ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперасия асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмокда. Бу борада мамдакатимизда иш

берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилик билан шу-гулланувчи ахоли учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилган",[1]- деб кўрсатган.

Касаначилик иш жойларини яратиш қишлоқ хўжалиги корхоналарига барқарор ривожланишини энг кам маблағ талаб этган холда энг катта фойда келтирадиган холда таъминлаш максадига хизмат килади. Шу билан бирга касаначилик соҳасиаҳолининг иш билан бандлиги ва оила бюджета даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланган.

Жаҳоннинг ривожланган давалатлари тажрибаси касаначиликнинг биргина иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш учунгина эмас, шунингдек иқтисодиёт тармокларини ривожлантиришдаги аҳамиятидан яққол далолат беради. Шунинг учун мехнатни ташкил этиш-нинг бу усулига алоҳида эътибор каратилмокда. Масалан, ғарбий европада 1995 йилда уйда ишловчилар сони 4,0 млн. кишини ташкил этарди. Хозир уларнинг сони 60,0 млн. нафардан ортган. 2012 йилга бориб эса касаначилар сони 100,0 млн. нафарга етиши мулжалланмокда.[1]

Ғарб мамлакатлари компания ва фирмаларида касаначилик кўпроқ паст рентабелли ёки қўл мехнатини талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чикаришда кенг қулланилади. Аммо кейинги йилларда кўпгина давлатларда, жумладан Буюк Британияда касаначиликдан иқтисодиётнинг барча тармокдарида қўлланилмокда. Айниқса, замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши "янги" (електрон) касаначилик оммалашишига олиб келди. Улар каторига юкори малакали компютер дастурчилари, дастурий маҳсулотлар тайёрловчилар, дизайнерлар, таржимонлар, журналистлар, офис (Интернет ёки телефон оркали) хизматчилар киради. Стокголм иктисодиёт мактаби ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра Россия Федерациясида мамлакат ахолисининг тахминан 1,7 % - 2,7 млн. киши "янги" касаначилик - масофадан туриб ишлаш билан банддир.

Таиландда эса касаначилар умумий сонинг 41,1 % ни тўқимачилик саноати ва кийим-кечак тикишда, 27,0 % ни заргарлик буюмлари тайёрлашда, 8,9 % ни озик-овкат саноатида, 7,2 % ни мебел ва уйинчоқлар ишлаб чикаришда, 3.7 % ни улгуржи ва чакана савдода иш билан бандлар ташкил этади.

1.-жадвал

Касаначилик афзалликлари

Иш берувчилар учун	**Касаначилар учун**
Солиқ имтиёзлари ҳамда касана-чилар иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий туловдан озод қилиниши	Амалдаги қонунчилик ва жамоа шартномалари асосида ижтимоий химоя
Янги иш жойлари яратиш учун маблагларни тежаш	Иш жойига транспортда бориб келиш учун вакт ва маблагни тежаш
Юқори технологах маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш майдонлари вадастгохлар бушаши	Иш вақтини мустақил равишда белгилаш, буюртмаларни бажаришга оила аъзоларини жалб этиш
Мехнат уиумдорлигини касаначи-лар узгарувчан иш вакти бўйича ишлашлари ҳисобига ошириш	Янги билим ва кўникмалар олиш, мехнат жамоаси аъзоси ҳиссасини сақлаб колиш

[1] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”

Хорижий мамлакатларда касаначилик билан бандларнинг куйидаги турлари мавжуддир:

-корхона персонали аъзолари;

-туликсиз иш кунида иш билан бандлар;

-муддатли шартномалар буйинча вактинчалик иш билан бандлар;

- “мини-макс” шартномалари буйича иш билан бандлар, яъни ишлаган соатларига хдк оладиган ходимлар;

- ишчи ширкатлари аъзолари;

- мустакил компаниялар шериклари; чақирик (компания таклифи билан) бўйича ишловчилар.

Мамлакатда касаначиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентииинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3706-сон Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик шакли афзалликлари қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Йирик саноат корхоналари билан касаначилар уртасида кооперасия алокаларининг ривожланиши ишлаб чикаришга иш билан банд булмаган ахолини жалб килишга хизмат кидали. Бунда саноат корхоналарининг буюртмаларини мехнат ресурслари ортикча булган кишлок ахоли пунктларида жойлаштириш нули билан кишлок ахолисини касаначиликка жалб этиш имкониятлари айникса катгалигини таъкидлаш керак. Касаначилик оила бюджета даромадларини оширишнинг жуда мухим, кушимча манбаи эканлигини алохида таъкидлаш лозим.

2. Касаначилар билан кооперасия йирик саноат корхона-ларига янги маҳсулотларни оилавий ишлаб чикариш ёки узлаштиришни юлга куйиш, шунингдек куп мехнат талаб киладиган буюртмаларни касаначиларга топшириш оркали корхоналарнинг ишлаб чикариш кувватларини юкори технологик маҳсулот ишлаб чикариш учун бўшатиш имконини беради.

3. Корхоналар билан касаначилар ўртасидаги кооперасияни меҳнат шартномаси асосида йўлга қўйиш касаначиларни ишончли ижтимоий химоя килишни таъминлайди. Бу эса касаначиликни ривожлантириш халкаро концепциясига, хусусан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1996 йилдаги 177- сон Конвенсиясига тўлиқ мос келади.

Мамлакатда йирик бизнес билан касаначилик ўртасидаги кооперасия куйидаги принсипларга асосланган:

- касаначилар ижтимоий химояси ва мехнати мухофазасини таъминлашни инобатга олган холда ахолини уй мехнати фаолиятига кенг жалб килиш учун кулай шароит яратиш;

- саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш, бирин-чи навбатда саноат ишлаб чикариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчи-лик, кайта ишлаш, мебел, электрон саноатида, шунингдек телекоммуникасия, сервис ва хизмат курсатиш тармокдарида касаначилик билан шугулланаётган фукаролар уртасида кооперасияни ривожлантириш;

- корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фукароларга буюртмачилар томонидан хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чикарган маҳсулотларни сотишни кафолат-лашда баркарор шароитлар яратиш.

Касаначилар томонидан 34,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чикарилди ва хизматлар кўрсатилди. Шундан 40 %дан кўпи қишлоқ жойларга тўғри келади. Касаначилик учун иш ўринлари яратган корхоналар бу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришдилар.

Самарқанд вилоятда қишлоқ жойларида касаначиликни ривожлантириш бу ердаги демографик ҳолат туфайли, айникса, долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда вилоят корхоналарида касаначилар 90 га яқин йўналишда фаолият кўрсатмокдалар. 2012 йилда улар томонидан 155 турдаги 3 млрд. сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Узларига берилган имтиёзлардан фойдаланилган вилоят саноат корхоналари 85,0 млн. сумдан кўпроқ маблағни тежашга эришдилар.

Самарқанд вилоятида ҳам касаначилик асосида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмокда. Кейинги уч йил ичида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 8559 нафар киши иш билан таъминланди. Вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналари аҳоли билан узаро манфаатдор шартномалар асосида ишга мухтож ахолини иш билан таъминламокдалар.

Шу билан бирга касаначиликни янада жадал суръатларда ривожлантиришни таъминлаш учун баъзи муаммоларни ҳал этиш талаб қилинади. Жумладан, яхши маълумки, қишлокда ҳунармандчилик фаолияти касаначиликнинг энг оммалашган турларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун улар меҳнат фаолиятини касаначилик сифатида эътироф этиш, ҳунармандлар ҳам касаначилар учун белгиланган имтиёзлардан фойдалана олишлари учун тегишли ҳуқуқий масалаларни ҳалэтиш талаб этилмокда.

Уй мехнати билан шуғулланаётганларга иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармасидан имтиёзли кредитлар ажратиш фойдадан ҳоли бўлмасди. Айни пайтда ишсизларни "Уста-шогирд" усулида қишлоқ меҳнат бозорида талаб бўлган каб-хунарларга ўкитиш ва ўргатишни молиялаштиришни янада кенгайтириш ҳам керак. Бу чора-тадбирлар касаначилик барча афзалликларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш даражасини ошириш ижтимоий вазифасини хал этишга хизмат килади.

Ҳозирги даврда иш билан бандликка энг кучли таъсир кўрсатувчи омил иқтисодиётнинг глобаллашувидир. Бу жараён жаҳон савдоси, капитал миграсияси ўсишининг жадал суръатлари, тараққий этган давлатларда энг янги технологияларни амалда деярли бир вақтда жорий этилиши каби жиҳатлар билан ажралиб туради.

Глобаллашув давлатлар иқтисодиёти, шу жумладан унинг молиявий бозорларини бир-бирларига ўзаро боғлиқлигини тобора кучайишига катта таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, иш билан бандликка кўпроқ тааллуқлидир. Глобаллашув турли мамлакатлардаги меҳнат унумдорлиги, даромадлар, моддий фаровонлик ўртасидаги фарқларни чуқурлаштириши оқибатида халқаро меҳнат бозорида ҳар хил давлатлар иш кучи имкониятларини тенглаштириш йўлига ғов қўяди.

Меҳнат бозорида рўй берадиган умумий жараёнларни ўрганиш учун унинг алоҳида сегментлари хусусиятларини яхши билиш керак. Жумладан, ташқи ва ички

меҳнат бозорлари фарқланади. Ташқи меҳнат бозорида иш кучи корхона ва тармоқлар ўртасида, минтақаларараро ҳаракатда бўлади. Ички меҳнат бозори персоналнинг бир корхона, ташкилот, муассаса ичидаги силжишини акс эттиради.

Ихтисосликлар бўйича меҳнат бозори саноат ишчилари, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари, ўқитувчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва ҳоказолар меҳнат бозоридан иборатдир.

Г.Г.Руденко ва Б.Ч.Муртозаевларнинг фикрича, аниқ бир меҳнат бозори қуйидаги хусусиятларга эга:

– кўп сонли иш берувчилар муайян меҳнат турини ёллаш учун бир-бирлари билан рақобат қиладилар;

– бир хил касб-ихтисосликка эга кўп сонли малакали ходимлар бир-бирларидан мустақил равишда иш берувчиларга ўз иш кучини тақдим этадилар;

– иш берувчилар ҳам, ёлланиб ишловчилар ҳам иш ҳақининг бозор миқдори устидан назорат қила олмайдилар[3].

Бундай шароитларда иш кучининг таклифи меҳнатга бўлган талаб ҳамда иш ҳақининг бозор миқдори кўпайиб боришига мутаносиб равишда ортаверади.

Агар иш берувчи иш кучини сотиб олиш (ёллаш) монопол ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда меҳнат бозори қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

– монопол иш берувчи корхонасида иш билан бандлар меҳнатнинг муайян бир тури билан машғул бўлган барча ходимларнинг аксарият кўпчилигини ташкил этади;

– меҳнатнинг мазкур тури ёки жўғрофий омиллар, ёки ходимлар ўз меҳнатларини қўллашнинг муқобил имкониятини топганликлари сабабли малакани ўзгартириш билан боғлиқлиги учун нисбий равишда кўчиб юриш хусусиятига эга эмас;

– иш берувчи иш ҳақи миқдорини монопол белгилайди, яъни у тўлайдиган иш ҳақи миқдори бевосита ёлланадиган ходимлар сонига боғлиқдир.

Одатда иш кучига монопол ҳуқуқ муайян худуд – шаҳар ёки туманда ягона йирик корхона мавжудлиги билан боғлиқ бўлади.

Меҳнат бозори мураккаб тузилишга эгадир. Шу сабабли, энг аввало, аҳоли умумий сонидан ёлланиб ишлашга лаёқатлиларни ажратиб олиш керак.

Меҳнат бозори таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги рақобат. Талаб иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш - ижтимоий инфратузилмаси ва бошқа соҳаларнинг меҳнат бозорига буюртма берган, иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган ишчи кучи эҳтиёжининг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор ишчи кучининг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди.

Меҳнат бозоридаги ишчи кучининг таклифи мураккаб демографик тузилишга эга. Аввалламбор аҳолининг умумий сонидан ёлланиб ишлашга қодир, яъни меҳнат қобилиятига эга бўлиб, унинг эгаси - ходим меҳнат бозорида уни таклиф қилишдан,

[3] Формирование ринков труда. Учебное пособие // Руденко Г.Г., Муртазаев Б.Ч., под. ред. проф.Одегова Ю.Г. – М.: «Йекзамен», 2004. -С. 89.

тадбиркор эса уни ўз корхонасида белгиланган вақт давомида фойдаланиш учун ёлланишидан манфаатдор қисмини ажратиш керак.

MUSTAHKAM INFRATUZILMANI YARATISH, KENG QAMROVLI BARQAROR INDUSTRIALIZATSIYA VA INNOVATSIYALARNI HAYOTGA TADBIQ ETISHGA KO‘MAKLASHISH

Jomonqulova F.E. SamISI t.f.n,,
Muxamadiyev A.N., **Uzakova S.B**.

Ushbu maqola iqtisodiyotni modernizatsiya qilish xizmatlarini rivojlantirishning muhim va samarali tomonlarini ochib beradi. Maqolada iqtisodiyotning turizm sohasining asosiy elementlarini o’rganishga kata e’tibor qaratilgan.

Kalit so‘z: *infratuzilma, texnologiyalar, strategik tarmoq, turizm industriyasi, sertifikatlashtirish.*

The article clarifies important and effective aspects of improving services to modernize economy. The focus of the article is addressed to main elements of tourism sector in economy.

Key words: *infrastructure, technology, strategic network, industry of turism, sertification.*

Это статья открывает важные и эффективныестороны развития услуг модернизации экономики. В статье уделяется большое внимание изучения основных элементов сферы туризма в экономике.

Ключевые слова: *инфраструктура, технология, стратегическая сеть, индустрия туризма, сертификация.*

Infratuzilma (lot. infra - ostida) — i. ch. va Tovar muomalasi, shuningdek, inson hayot faoliyati uchun zarur boʻlgan meʼyoriy sharoitni taʼminlashga xizmat kiluvchi turli-tuman yordamchi xizmat koʻrsatuvchi sohalar (tashkilot, korxona va muassasa) majmui; nomoddiy i.ch. sektori. I. xizmatlari moddiy shaklga ega boʻlmagan tovarlar boʻlib, ular hayotiy ehtiyojlarni qondiradi. I. zaruriy shart boʻlganidan uning ishlab turishini taʼminlashga iqtisodiy resurslarning bir qismi jalb etiladi. I. xizmat koʻrsatish sohasiga koʻra ishlab chiqarish infratuzilmasi (i.ch. ga xizmat koʻrsatuvchi sohalar — yuk tashish transporti, elektr va issiqlik taʼminoti, yoʻl xoʻjaligi, suv xoʻjaligi, ombor xujaligi, ilmiy konstruktorlik xizmati, axborot xizmati va b.) va ijtimoiy-maishiy infratu-zilma (aholiga xizmat koʻrsatib, uning ehtiyojini qondiruvchi sohalar — maorif, sogʻliqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport, maishiy xizmat va b.) ga ajraladi. I. xizmati Tovar boʻlganidan oldi-sotdi etiladi. Uning asosiy vazifasi insonga xizmat koʻrsatish, ammo bu ish pulli, bepul va imtiyozli tarzda bajarilishi mumkin. I. xizmatlarini harakteriga koʻra guruxlaganda bozor infratuzilmasi ajralib turadi. Chunki unda bozor munosabatlarini amalga oshiruvchi xizmatlar koʻrsatiladi. Qaysi darajada xizmat koʻrsatilishiga koʻra, korxona, tarmoq i. ch. majmualari va hududiy I. ham mavjud. I. sohasida yaratilgan xizmatlar i. ch. va inson uchun naf keltiradi. I. xizmat koʻrsatishini tashkil etish uchun mablagʻlar sarflanadi. Shuning uchun ularni hisoblash mumkin va ular yalpi milliy mahsulot tarkibiga kiritiladi. I. ni yaratuvchi mehnat ham unumli hisoblanadi. I. ning samaradorligi koʻrsatilgan xizmatlarning sarf-harajatlarga nisbati orqali aniqlanadi

Mustahkam infratuzilmani yaratish, keng qamrovli barqaror industrializatsiya va innovatsiyalarni hayotga tadbiq etishga ko‘maklashish bu asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Iqtisodiy o‘sish va taraqqiyot jarayonining barqarorligini ta’minlash uchun

infratuzilma va innovatsiyalarning rivojlanishiga sarmoya jalb etish nihoyatda muhimdir. Hozirgi sharoitda, dunyo aholisining yarmidan ko‘prog‘i shaharlarda yashashini inobatga olganda, ommaviy transport vositalari va yangilanuvchi energiya manbalarini rivojlantirish, yangi sanoat sohalari va aloqa texnologiyalarini takomillashtirish umumiy rivojlanish jarayoni uchun o‘ta muhim omillardandir.

Texnologiyalar sohasidagi yutuqlar iqtisodiy va ekologik masalalarning yechimi hamdir. Xususan, yangi texnologiyalar yangi ish o‘rinlarini yaratish va energiyani tejamkorona, samarali iste’mol qilish va undan foydalanish kabi dolzarb masalalarni yechishga yordam beradi. Barqaror sanoat sohalarining rivojlanishi, ilmiy izlanish va tadqiqotlar, innovatsiyalarga sarmoya ajratish – buning hammasi barqaror taraqqiyotni ta’minlashda o‘ta muhimdir.

Dunyo bo‘ylab 4 milliarddan ortiq aholi internetdan foydalanish imkoniga ega emas. Ushbu aholining 90 foizi rivojlanayotgan mamlakatlarda yashaydi. Bunday holat odamlarning ma’lumot va bilimlarni olish imkonini keskin cheklab, innovatsiyalarni hoytga tadbiq qilish va tadbirkorlikni rag‘batlantirish yo‘lida katta to‘siq tug‘dirishi tabiiy.

Inftratuzilma va innovatsiyalarga sarmoya ajratish Barqaror taraqqiyot 2030 dasturining 17 maqsadidan biridir. Belgilab olingan vazifalarni yechish uchun keng qamrovli chora-tadbirlarni amalga oshirishni ko‘zda tutuvchi “majmuaviy yondashuv”ni qo‘llash talab qilinadi.

O'zbekistonda turizm iqtisodiyotning strategik sektoriga aylantiriladi. Bu O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2 dekabrdagi «O'zbekiston Respublikasi sayyohlik sohasini rivojlantirishni tezlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmonida ko'zda tutilgan.

Farmon mamlakat iqtisodiyotining strategik tarmog'i sifatida turizmni jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy va tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlar yaratish, hududlarning ulkan turizm salohiyatidan yanada to'liq va samarali foydalanish, turizm tarmog'ini boshqarishni tubdan takomillashtirish, milliy turizm mahsulotlarini yaratish va ularni jahon bozorlarida targ'ibot qilish, turizm sohasida O'zbekistonning ijobiy qiyofasini shakllantirishga yo'naltirilgan.

"Turizm sohasida ulkan imkoniyatlar mavjudligiga qaramay, O'zbekistonning turizm infratuzilmasi, turizm xizmatlari sifati va uning darajasi, shuningdek tarmoqni boshqarish tizimi globallashuv va keskin raqobat sharoitida zamonaviy talablarga mos kelmaydi. Turizmning mamlakat iqtisodiyotiga qo'shayotgan hissasi, xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va aholini ish bilan ta`minlash jahondagi o'rtacha ko'rsatkichlardan orqada qolmoqda", deyilgan farmon sharhida.

Farmonda turizm sohasida davlat siyosatining sifat jihatdan yangi bosqichga o'tishini belgilab beradigan ushbu tarmoqni tubdan isloh qilish bo'yicha misli ko'rilmagan chora-tadbirlar nazarda tutiladi, quyidagi asosiy maqsadli vazifalar va ustuvor yo'nalishlar belgilanadi:

- turizm industriyasi sub`yektlari faoliyati uchun qulay shart-sharoitlarni shakllantirish, turizmni rivojlantirishdagi barcha to'siq va g'ovlarga barham berish, viza va ro'yxatdan o'tkazish tartib-taomillarini, pasport va bojxona nazoratini soddalashtirish;
- turizm xizmatlarini tashkil etishda turistlar va ekskursantlarning hayoti va sog'lig'i xavfsizligini ta`minlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- turizmning yangi salohiyatli turlari – ziyorat qilish, ekologik, ma`rifiy, etnografik, gastronomik, sport, davolash-sog'lomlashtirish, qishloq, sanoat, ishbilarmonlik, bolalar, yoshlar va oilaviy turizmni jadal rivojlantirish;
- turizm sohasida xalqaro va milliy tashkilotlar, yirik xorijiy brendlar va kompaniyalar bilan hamkorlikni kengaytirish, turizm xizmati ko'rsatishning ilg'or jahon sifat standartlarini joriy etish;
- respublika mintaqalarida turizm infratuzilmasining zamonaviy ob`yektlari, eng avvalo mehmonxonalar, transport-logistika tuzilmalari, muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasini jadal rivojlantirish, ushbu maqsadlar uchun xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish;
- raqobatbardosh turizm mahsulotlarini ishlab chiqish, mintaqalarda yangi turizm yo'nalishlarini yaratish, ularni jahon turizm bozorlariga olib chiqish;
- turizm tarmog'i uchun malakali kadrlarni sifatli tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish.

Davlat siyosatini samarali amalga oshirish, yuqorida ko'rsatib o'tilgan maqsadli vazifalar hamda ustuvor yo'nalishlarni tashkil qilish va muvofiqlashtirish maqsadida O'zbekston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi tashkil etildi, uning mintaqalarda bo'limlari va vakolatli vakillari faoliyat olib boradi.

Shuni alohida qayd etib o'tish kerakki, Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasining faoliyati eng avvalo nazorat va ma`muriyatchilik vazifalarini amalga oshirishga emas, balki turizm sohasidagi tadbirkorlik faolligini kuchaytirishga butun choralar bilan ko'maklashishga, turizmni rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan barcha g'ovlar va to'siqlarni bartaraf etishga, turizm xizmatlari bozorida raqobatni rivojlantirishga yo'naltiriladi.

Farmonda turizm sohasida litsenziya berish, sertifikatlashtirish hamda boshqa ruxsatnomalar berish tartib-taomillarini takomillashtirishga qaratilgan davlat tomonidan boshqariladigan bir qator prinsipial yangi mexanizmlar belgilab qo'yildi.

Jumladan, 2017 yilning 1 yanvaridan boshlab turizm faoliyatiga litsenziya berish vazifasi Vazirlar Mahkamasidan yangi tashkil qilingan davlat qo'mitasiga o'tkazildi, bunda mehmonxonalar va odamlar yashaydigan boshqa joylarning litsenziya olishlari to'g'risidagi talab bekor qilinadi. O'z navbatida 2018 yildan boshlab xorijiy turistlarga xizmat ko'rsatishga ixtisoslashgan umumiy ovqatlanish korxonalari va avtotransport korxonalarini xorijiy turistlarning hayoti va sog'lig'i xavfsizligini ta`minlash maqsadida majburiy sertifikatlash joriy etiladi.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И РОССИЕЙ.

Мухитдинов Д.Х. к.э.н., с.п.кафедры
«Банковского и сберегательного дела» (Сам ИСИ)
Мирзакобилов.Ж.Сам ИСИ
Авлаев Ш. магистрант Сам ИСИ

Аннотация: *эта статья посвящена итогам официального визита Президента Республики Узбекистан Шавката Мирамоновича Мирзияева в Российскую Федерацию прошедшему 4-5 апреля 2017 года. Основное внимание*

уделено соглашениям касающимся дальнейшему развитию сферы услуг между двумя государствами.

Аннотация:*ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирамонович Мирзиёевни 2017 йил 4-5 апрельда Россия Федерациясига бўлиб ўтган официал ташрифининг натижаларга бағишланган. Шунда асосий диққат икки давлат ўртасида хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга бағишланган келишувларга берилган.*

Annotation: *This article is devoted to the results of the official visit of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Miramonovich Mirziyayev to the Russian Federation on April 4-5, 2017. The main attention is paid to the agreements concerning the further development of the sphere of services between the two states.*

Ключевые слова: *торговый баланс страны, инвестиции, инвестиционные соглашения, инвестиционные проекты, меморандумы о намерениях, рамочное соглашение, соглашение о разделе продукции, таможенные операции, «зеленый коридор», военно-техническое сотрудничество.*

Калит сўзлар*: мамлакатининг савдо баланси, инвестициялар, инвестиционн келишувлар, инвестиционн лойиҳалар, ният меморандумлари, рамкали шартномалари, маҳсулот тақсимотига оид битим, божхона операциялари, "яшил коридор", ҳарбий-техникавий ҳамкорлик.*

Keywords:*Trade balance of a country, Investments, investment agreements, investment projects, memorandums of intent, framework agreement, production sharing agreement, customs operations, "green corridor", military-technical cooperation.*

Россия является одним из ключевых экономических партнеров Узбекистана.

Сегодня в Узбекистане действует более 960 предприятий с участием российского капитала, аккредитованы представительства 64 ведущих компаний России.

По итогам 2016 года объем взаимной торговли превысил 4,2 млрд.долларов.

Только в 2017 году предусматривается поставка на российский рынок свыше одного миллиона тонн свежих фруктов и овощей, а также широкого ассортимента продуктов их переработки.

4-5 апреля 2017 года был осуществлен официальный государственный визит Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на котором достигнуты очень большие соглашения и прежде всего касающиеся развития сферы услуг, которые позволят Узбекистану сделать внушительный шаг в своем дальнейшем экономическом развитии.

Вот некоторые интересные результаты этих переговоров. Переговоры в Москве многие эксперты оценили как очень результативные – это и в высшей степени благожелательная атмосфера встреч, да и в цифровом выражении – пакет инвестиционных соглашений на $ 12 млрд. и торговые контракты на $ 3,8 млрд.

Abstract: *The article briefly describes the essence of the types of diversification of service sector based on private entrepreneurship in rural areas, as well as the process of their implementation.*

Keywords: *service sector, private entrepreneurship, diversification, consolidated diversification, horizontal diversification, vertical diversification, parallel diversification.*

Ҳозирги пайтда, диверсификация тушунчаси бозор иқтисодиётида амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Диверсификация дейилганда, иқтисодиётда корхоналар фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, хизматларнинг турларини кўпайтириш, янги-янги бозорларни эгаллаш жараёнлари тушунилади.

Қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда, иқтисодиётни диверсификациялашнинг турларини аниқлаб олишимиз лозим. (1-расмга қаранг)



1-расм. Иқтисодиётни диверсификациялашнинг турлари[15]

Иқтисодиётни диверсификациялашнинг юқорида қайд этилган турлари бир-бирига боғлиқ бўлиб, уларни ҳар бирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Жамланма диверсификация дейилганда, корхонанинг технологик жараёнларни, кескин ўзгармасдан олдинги ишлаб чиқараётган товарига (хизматига) ўхшаш янги товарларни ишлаб чиқаришни (хизмат кўўрсатишни) кўпайтириш тушунилади.

Горизонталь диверсификация дейилганда, корхонанинг олдинги қўллаётган технологиясидан бошқа ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологияни қўллаб, уларни кенгайтирган ҳолда ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) йўлга қўйиши тушунилади.

Вертикаль диверсификация дейилганда, корхонанинг янги филиалларини, қўшма ва шуъба корхоналарини очиш, янги товарларни ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш), янги бозорларни топиш эвазига олдинги ҳолатини кенгайиши тушунилади.

Юқорида қайд этилган иқтисодиётни диверсификациялашнинг турларини инобатга олган ҳолда, тадқиқотимиз объекти бўлган қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификациялашнинг аниқ бир муаллифлик таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификациялаш дейилганда, иқтисодиётда салмоқли

[15] Пардаев М. Мирзаев Қ. Пардаев О. “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” ўқув қўлланма. Тошкент. “Iqtisodd-moliya” нашриёти. 2014 йил. 85-бет.

ўрин олаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб кенгайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, кўпайтирилган турли хизматларга аҳолини ўргатиш механизмларини шакллантириш орқали янги бозорларни эгаллаш ҳамда хизматларни истеъмолчига етказишнинг янги йўналишларини аниқлаш тушунилади.[16]

Шу ўринда, иқтисодиётни диверсификациялашнинг юқорида қайд этилган турларидан келиб, илмий тадқиқотимиз давомида қишлоқ жойларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилишнинг турларини қўйидагича белгиладик.
(2-расм қаранг)

Юқорида қайд этилган тадқиқотимиз объекти бўйича қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилиш турларининг мазмун, моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтамиз.



2-расм. Қишлоқ жойларидахусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилишнинг турлари[17]

Жамланма диверсификация дейилганда, хизмат кўрсатиш субъекти фаолиятини кескин ўзгартирмасдан, олдинги кўрсатилаётган хизматга ўхшаш янги хизмат турини яратиш ва кўпайтириш тушунилади.

Масалан, қишлоқ жойларида фирма тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, одамларни уқалаш муолажасини йўлга қўйди. Сўнгра шу жойнинг ўзида бошқа тиббий хизматларни, яъни укол қилиш, айрим тиббий асбоб етказиб бериш каби хизматларни ҳам кўрсата бошлади.

Яна бир мисол, қишлоқ жойида якка тартибдаги тадбиркор кир ювиш, қуруқ ва кимёвий тозалаш фаолияти билан шуғулланишни йўлга қўйди. Сўнгра шу жойнинг ўзида шу каби бошқа хизматлар, дазмоллаш хизмати ҳамда гилам ювиш хизматини ҳам йўлга қўйди. Тадбиркорлар шу тариқа хизматларини жамланма диверсификация қилди.

[16] Муаллиф томонидан илмий тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган.
[17] Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Горизонталь диверсификация дейилганда, тадбиркорлик субъектлари қўллаётган технологиядан бошқа ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологияни қўллаб, уларни кенгайтирган ҳолда хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш тушунилади.

Масалан, қишлоқ жойида якка тартибдаги тадбиркор маиший хизмат кўрсатишда кир ювишни олдин оддий кир ювиш машинасида амалга оширилган бўлса, сўнгра ушбу юмуш автоматлашган ускуналарда амалга ошириладиган бўлди, натижада технологиянинг такомиллашуви эвазига бир вақтнинг ўзида кўпроқ хизмат кўрсатишга эришиладиган бўлади.

Яна бир мисол, қишлоқ жойида якка тартибдаги тадбиркор якка буюртмалар бўйича пойабзал тайёрлаш ва тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш фаолиятини оддий ҳунармандчилик дастгоҳлари асосида амалга оширган бўлса, сўнгра ушбу юмуш замонавий минитехнологиялар ёрдамида амалга ошириладиган бўлди. Натижада, технологиянинг такомиллашуви эвазига пойабзал тайёрлаш ва тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш сифати ошиб, кўпроқ хизмат кўрсатишга эришиладиган бўлади. Тадбиркорлар шу тариқа хизматларини горизонталь диверсификация қилди.

Вертикаль диверсификация дейилганда, фирманинг янги филиалларини, қўшма ва шуъба корхоналарини очиш, янги хизматларни кўрсатиш орқали, харидорларни ушбу хизматларга ўргатиб, янги бозорларни топиш эвазига олдинги ҳолатини кенгайтириши тушунилади.

Масалан, қишлоқ жойида якка тартибдаги тадбиркор аёл маиший хизмат кўрсатиш турларидан бири бўлган гўзаллик салони очди. Сўнгра келинлар либоси билан таъминлаш учун қўшимча бино барпо этди.

Яна бир мисол, қишлоқ жойида тадбиркор ёғочдан ва алюминий профилдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар тайёрлаш фаолияти билан шуғулланади. Сўнгра биноларга ойна ўрнатиш хизматлари учун қўшимча бино барпо этди. Тадбиркорлар шу тариқа хизматларини вертикаль диверсификация қилди.

Қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилишда, уларнинг иқтисодий турларига тадқиқотларимиз натижаси бўйича параллел диверсификациялаш тури киритилди.

Параллел диверсификация дейилганда, қишлоқ жойида тадбиркорлик субъекти бошқа тармоқ (хусусан, ишлаб чиқариш соҳаси)да фаолият юритсада, фаолиятини ўзгартирмасдан, мавжуд бино, иншоот ва асосий воситалари ёрдамида асосий фаолиятига қўшимча равишда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш йўналиши киритиши, мазкур йўналишда аҳолига хизмат кўрсатиши тушунилади.

Масалан, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда еткачи бўлган фермер хўжаликлар асосий фаолияти турига қўшимча равишда бошқа фермер хўжаликларга ёки аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, ҳосилини йиғиш ва сақлашга кўмаклашувчи агротехника хизматлари кўрсатади. Тадбиркор шу тариқа фаолиятини кенгайтиришда параллел диверсификациядан фойдаланади.

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий юксалишларни ифодалаловчи кўрсаткичларга эришаётганлигимиз ҳар бир соҳани диверсификация қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини

диверсификациялашнинг асосий йўналишларига эътибор қаратилиши, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи юқори бўлган маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини кенгайтиришга ундовчи омил бўлади.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Бобоқулов С.Б.СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Аннотация:*Ушбу мақолада муаллифнинг коммунал хўжалик тизими самарадорлигини ошириш йўллари, механизмлари, уни оширишда таьсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида фикрлар келтирилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *коммунал хўжалиги, коммунал тизим, коммунал, сервис, маиший хизмат, уй-жой ширкати, самарадорлик, сув таьминоти,реконструкция, иссиқлик таьминоти.*

Аннотация:*В данной статье автором разработаны предложения и рекомендации путей повышения эффективности в системе коммунальных услуг, их механизмы и факторы влияюшие наних.*

Ключевые слова:*коммунальные хозяйства, коммунальная система, услуги, бытовые услуги, эффективность, водоснабжение, реконструкция, теплоснабжение.*

Annotation:*The author developed proposals and recommendations on improving efficiency of the public utilitiessystem, their mechanisms and factors influencing themin this article.*

Keywords: *municipal services, communal system, services, household services, efficiency, water supply, reconstruction, heat supply.*

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилганлигидир. Мамалакатимиз президенти Шавкат Мирамонович Мирзиёв “Ислохатларнинг асосий мақсади-аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таьминлашдир”[18] деб таькидладилар. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари бўйича харакатлар Стратегияси қабул қилинди.

Маьлумки, мамлакатимиз аҳолисини турмуш даражаси ва сифатини яхшилашда коммунал хизматлар сохасининг ўрни ва рўли жуда каттадир. Бу холат коммунал хизматлар кўрсатиш сохаси фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга алохида эьтибор беришни талаб этади. Ушбу сохани ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор хуқуқий-меьёрий хужжатлар хусусан, “Уй-жой”, “Шаҳарсозлик” кодекслари, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Электр энергияси тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

[18]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 14 январдаги Вазирлар махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маьркзаси. Зарафшон газетаси, 18 январ 2017 йил

Аммо коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг тоза ичимлик суви, иссиқлик, газ таъминоти, оқова сувлар ва ободончилик каби соҳалари алоҳида қабул қилинган қонун билан тартибга солинмасдан балки, Вазирлар Махкамаси тамонидан қабул қилинган элликдан ортиқ қорор ва фармонлар орқали уларнинг фаолияти тартибга солинади ва юритилади. Бизнинг фикримизча, ушбу сохада фаолиятни самарали ташкил этиш ва юритиш кўп жихатдан оптимал иқтисодий механизмларни жорий этиш билан узвий боғлиқдир. Шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “коммунал- маиший хизматлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, энг аввало, янги сув ўтгазиш тармоқларини қуриш, замонавий тежамкор ва самарали технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилаш; хамда янги электр ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва аҳолини бошқа ёқилги-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш”[19] масалаларига алоҳида этибор берилган.

Хозирги даврда коммунал хизмат кўрсатиш тизимини самарали фаолиятинитаъминлашда фикримизча, биринчи навбатда соҳадаги жисмоний ва маънавий эскирган асбобо ускуналарни тубдан янгилаш, замонавий техникаларни, технологияларни жорий этиш мақсадга муофиқдир. Бунинг учун мазкур соҳага маҳаллий ва хорижий инвеститцияларни киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги даврда мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини ошириш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг тармоқлари ривожини таъминлаш мақсадида бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Хусусан, “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”[20]ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида 36 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, уни амалга ошириш мақсадида жами 4.8 триллон сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлиги унинг тармоқлари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш билан узвий боғлиқдир. Бунинг учун “Ўзкоммуналхизмат” агентлиги ва унинг бўғинларида ташкилий бошқарув таркибини ҳамда меҳнат фаолиятини тубдан яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакатимизда бир қатор тадбирлар ва дастурлар оширилиши кўзда тутилган. Бу борада давлат томонидан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида маскур соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларниҳамда технологияларни киритиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда коммунал тармоқни ривожлантириш йўлида 2011-2016 йиллар мобайнида 13минг километрдан иборат йирик сув қувурлари ва тармоқлари, бино ҳамда иншоотларда 1 минг 600дан ортиқ сув чиқариш қудуқлари, 1400та сув миноралари қурилди ва реконструкция қилинди.

[19]2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси.

[20]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев“2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон, 24 апрел 2017 йил. 3568.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар билан биргаликда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлариҳам амалга оширилиб келмоқда. Бу борада кўплаб аҳоли яшаш пункитларида тоза ичимлик сув иншоотлари аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун барпо этилиб келинмоқда. Аммо кейинги йилларда аҳолининг кўпайиши, янги уй-жойлар қурилиши, аҳоли яшаш жойларининг кенгайиши инсонларнинг тоза ичимлик сувига бўлган талабини янада оширмоқда ҳамда сув иншоотларни модернизация қилишни тақоза этмоқда. Бу борада қарорда кўзда тутилган дастур ва лойиҳалар ижроси амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда 26 та ичимлик суви таъминоти обьектини қуриш ва реконструкция қилиш, 302 километрдан иборат сув ўтказиш тармоқларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш халқ саломатлигининг асосий омилларидан бири хисобланади. Халқ саломатлиги нафақат мамлакат фаровонлиги, балки иқтисодий ривожланишнинг муҳим жихатларидан биридир. Фикримизча, аҳолини тоза ичимлик суви билан тўлақонли таъминлаш мамлакат аҳолисининг саломатлик кўрсатгичларини юксалтириш, меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш, аҳоли учун қулай ижтимоий шароит яратиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга тоза ичимлик суви соҳасида замонавий ҳисоблагич асбоблари жорий этиш коммунал тўловларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда иссиқлик таъминоти соҳасида бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлиб, самарали фаолият олиб бормоқда. Бироқ, ҳозирги даврга келиб иссиқлик таъминоти тизимида қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, истемолчилар тамонидан иссиқ сув учун тўловларни ўз вақтида тўламаслик холатлари, иссиқлик тизими иссиқ сув билан аҳоли эҳтиёжларини қондира олмаётганлиги, бир қатор шахарларда иссиқлик маньбаларининг самарали фаолият кўрсатмаётганлиги, иссиқ сув таъминоти тизими тамир талаб бўлиб қолган ҳолатлар каби камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Қарордан кўзланга асосий мақсад истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, замонавий тежамкор ва энергияни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиш, иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш, модернизациялаш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бир қатор ташкилотлар тамонидан 1.7 триллон сўм сармоя ажратилган. Сармояларни мақсадли йўналтириш учун тизимда кўп қаватли уйлар учун алоҳида иситиш таъминоти тизимини ўрнатиш, кадрларни қайта тайёрлаш, меҳнат ресурсларидан самари фойдаланиш, иситиш қурилмаларини замонавий техникалар билан таъминлаш ва иссиқ сув тўлов тизимини такомиллаштириш мақсадга муофиқ бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли харидини ошиши, халқ фаробонлигини юксалиши қувонарли холатдир, аммо истемол жараёнидан сўнг вужудга келадиган маиший чиқиндилар хажмининг ошиб бориши коммунал соҳанинг долзарб масалаларидан биридир. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги

маълумотига кўра, йилига 100 миллион тонна саноат чиқиндилари, 35 миллион метр куб маиший-рўзғор чиқиндилари ҳосил бўлади. Бу чиқиндиларни утилизация қиладиган, қайта ишлайдиган тизимли корхоналарнинг йўқлиги натижасида мамлакатимиз миқёсида 2 миллиард тонна чиқинди йиғилиб қолгани экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам бу борада зарур чоралар кўришни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, саноат шахарларида чиқиндини қайта ишлаш ва ундан саноат тармоқлари учун хом-ашё ишлаб чиқариш, қаттиқ маиший чиқиндиларни органик ўғитлар ишлаб иқиш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбирларни амалга оширилиши натижасида янги иши ўринлари яратилади, экологик ва санитария муҳитини яхшиланади, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби ишлар амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамият ижтимоий ҳаётини барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш учун коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид қонунлар, қонуности ҳужжатлари асосида ишлаш, қонунларимиз мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғибот қилиш, қолаверса, соҳада жамият тараққиётига ва инсон манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш зарур бўлади.

АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ СИФАТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ

Холмуродов О. Н.ҚарМИИ,асс**,**
Худаярова Ч.,1-босқич магистранти

Аннотация:*Ушбу мақолада аҳолининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳамияти,аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган йўналишлар кўрилган.*

Аннотация:*В статье внимание уделено созданию класса собственников и основных доходов направлениям семьи через предоставление их занятостем населению, сущности повышения отраслей в сфере услуг.*

Annotasion:*In the article, the importance of servicing on the improvement of public life levels and prosperity, the income for the family with providing the employment and creating the class of propertyship has been considered.*

Калит сўзлар: *аҳолининг турмуш даражаси, хизмат кўрсатиш, инновация, банк, молия, ахборот,хизматлар экспорти.*

Ключевые слова: *прожиточного уровня насиления, инновация, банк, финансы, информация, экспорт услуг.*

Key words: *Life levels of population, service, innovation, bank, finance, information, service export.*

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизациялаш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсат амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни

шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳага катта эътибор қаратилмоқда ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устиворликларни босқичма-босқич амалга ошириш хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига асос бўлмоқда.

Хусусан, 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга, саноат маҳсулоти ҳажмлари 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,4 фоизга, хизматлар 12,5 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Яъни, демократик бозор ислоҳотлари асосида ривожланаётган мамлакатимизда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, моддий ва маиший фаровонлигини ошириш жамият ривожининг устувор йўналишларидан биридир. Бу ҳолат ўз навбатида, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва унинг турларини кўпайтириш, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш корхона ва муассасаларини аҳоли эҳтиёжини чуқур ўрганган ҳолда ташкил этиш масалаларининг долзарблигини тақоза этади. Шунинг учун ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига оилалар фаровонлигини ошириш ва иш билан бандлик масаласини таъминлаш даркор.

Аҳолининг ҳаёт сифатини ва фаровонлигини оширишда, яъни хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қуллай шарт-шароит яратиш, хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, хизматлар соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини кўпайтириб бориш, қишлоқ жойларда хизмат соҳасини жадал ривожлантириш, яъни, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш, мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, хизматларнинг янги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг, ахборот ва бошқаларни жадал ривожлантириш, мамлакатимиз хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш каби вазифалар қўйилган.

Қашқадарё вилоятининг 2016 йилдаги хизмат турларини таҳлил қиладиган бўлсак, умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 135,2 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январ-декабрга нисбатан 113,4 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 112,0 фоизга ошди ва 3057,5 минг сўмни ташкил этди (2015 йил январ-декабрь ойиларида 2992,3 минг сўмни ташкил этган). 2016 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4556,2 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1226,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 116,3 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-декабрида қуйидагича

Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	**4556,2**	**116,3**	**100,0**
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	328,7	109,7	7,2
Молиявий хизматлар	412,7	131,0	9,1
Транспорт хизмати	910,1	113,9	20,0
шу жумладан автотранспорт хизматлари	869,2	114,4	19,1
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	146,8	106,4	3,2
Савдо хизматлари	1646,3	119,3	36,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	170,2	114,8	3,7
Таълим соҳасидаги хизматлар	131,1	106,7	2,9
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	45,7	104,6	1,0
ижарава прокат хизматлари	135,9	116,0	3,0
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	216,4	117,8	4,7
Бошқ ашахсий хизматлар	209,2	113,4	4,6
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	30,0	118,2	0,7
Бошқа турдаги хизматлар	173,1	105,2	3,8

Манба: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тузилди.

Шу ўринда бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш учун шаҳар ва қишлоқларда қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- миллий қадриятларимизга кўра, анъанавий хизматлар ва касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тиклашни рағбатлантириш ва ривожлантириш;
- аҳолига хизматлар тақдим этувчи ташкилотларни инноватцион ривожлантириш учун шароитлар яратиш, бу эса рақобатбардошлик муҳитини шакллантиришга кўмаклашади;

•хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

•миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги кичик корхоналарни тиклашда, уларга ўз фаолиятларини бошлаб олиши учун зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлашда имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим.

Хусусан, хизмат соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

Джалилов Ф, СамДУ ассистенти

Аннотация: *Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш меъёрларининг жорий қилиниши ва мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солиш усуллари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *маиший хизмат**,** меъёрлар, ижтимоий меъёрлар, хизматлар ва сервис соҳаси, кичик бизнес, тартибга солиш.*

В данной статье изучены методы внедрения нормативов бытовых услуг и методы государственного регулирования данной сферы в условиях модернизации экономики.

Ключевые слова: *бытовые услуги, норма, социальные нормы, сфера сервиса, малый бизнес, регулирование.*

Methods of introducing standards of public services and methods of state regulation of this sphere in conditions of economic modernization are studied in this article.

Keywords:*public services, norms, social norms, services sphere, small business, regulation.*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўлай имкониятлар, яъни иқтисодий ислоҳотлар маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакиллари ва усулларинг вужудга келишига имконият яратди.

Бугунги кунга келиб, хизмат кўрсатиш фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларни айланиши тезроқ, ҳам асосий дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этилади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик охирги йилларда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши, аҳолининг маиший хизматларга

бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан чамбарчас боғликдир. Кичик маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бозор канъюнктураси талаблари ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига саноат корхоналарига қараганда тез мослашиш қобилиятларига эгадир.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида маиший хизматлар миқдори ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида истеъмол бозори тузилмасида ўзгаришларни вужудга келтирди. Шунингдек аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлигини ошиши натижасида маиший хизматларга ўзларининг талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчилар ўзларининг ҳаёт қўлайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги маиший хизматларга катта талобгорлар ҳисобланишадилар. Шу сабабли айрим маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини аҳолининг айнан шу талаблари, эҳтиёжларини қондиришга қаратдилар.

Республикамиз иқтисодий фаровонлигининг ошиши ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар янги турдаги талабларни шакллантиради, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифтига талабларни оширади.

Ушбу қарор хизматлар ва сервис соҳасини республикамизда қисқа муддат ичида жадал суръатлар билан ривожланишига туртки бўлиши шубҳасиздир. Фан-техника техника тараққиётининг ривожланиши ахборот узатиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан янги турдаги хизматларни вужудга келтирди.

Ҳозирги кунда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кўпроқ эътиборни истеъмолчиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга қарата бошлашдилар. Чунки бундай йўл тутишига уларни соҳада вужудга келаётган рақобат муҳити мажбур қилади. Рақобат ўз навбатида хизматлар сифатига қаттиқ талаблар қўяди. Лекин, бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, маиший хизмат корхоналари ўртасидаги рақобат муҳити мамлакатимиз бозор конъюнктурасига мувофиқ равишда энди шакилланиб бормоқда.

Рақобат муҳитининг яратилиши Ўзбекистондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, хизматларга янги харидорларни топиш, аҳолининг таъминланган ва кам таъминланган қатламлари учун маиший хизматлар ассортиментини тааллуқли нархларда шакиллантириш ва таб

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қоида тариқасида, функционал аҳамиятга эга бўлган барча кўринишдаги фаолият турлари тушинилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш ва реализация қилиш жараёнларини ифодалайди[21]. Уларнинг фаолиятидан боғлиқ равишда такрор ишлаб чиқариш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият кўринишлари бўйича эҳтиёжларни қондириш хусусиятларига кўра, аҳамиятли равишда бир-биридан фарқланади.

Маиший хизматлар нафақат эҳтиёжларни қондиришда, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. Мамлакатимизда бозор муносабатларини ҳозирги ривожланиш босқичида маиший хизмат кўрсатиш

[21] Свириденко Ю.П.. Сфера услуг: Проблеми и перспективы развития. -М.: Изд “Кандир”, 2001.- с.5.

соҳасида кичик корхоналарнинг кенг миқёсда ривожланиши тадбиркорлик фаолияти ривожланиши, аҳолининг қўшимча даромадлари ошиши, иш билан бандлик ва иш ўринлари сонининг юксалишига, шунингдек асосий ишдан ташқари ностандарт иш билан бандликни таъминлаш имкониятини яратади.

Шахсий эҳтиёжларни қондиришда хизматлар муҳим рол ўйнайди. Улар ўзига хос истеъмол қийматига эга бўлган турли хил кўринишдаги (жисмоний, интелектуал, ижтимоий) эҳтиёжларни қондириш бўйича функционал аҳамият касб этади. Маиший хизматлар муҳим ва жуда керакли ҳаётий восита сифатида аҳоли истеъмол фондининг асосий қисмини ташкил этувчи ва эҳтиёжларни қондирувчи товарлар қаторига киради.

Маиший хизмат категорияси шаклланиши ва ривожланишининг қўйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш зарур:

- маиший хизмат соҳаси аҳолининг маиший хизматларга эҳтиёжларини қондиришда турли йўналишлардиги функционал тизим бўлиб, хизмат кўрсатишда ўзига хос шакли ва усуллардан фойдаланишни ифодалайди;

- маиший хизмат соҳасининг моддий ишлаб чиқаришдан фарқи, хизмат кўрсатиш бўйича провард натижаларга эришишда бевосита истеъмолчининг иштирокида юзага келади;

- маиший хизмат соҳасида кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлиги ўзига хос ва алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;

- маиший хизмат кўрсатиш натижасида аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг истеъмол қийматига эга эканлиги.

Бизнинг фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда “Маиший хизмат” категорияси моҳиятини қуйидагича талқин этамиз: Маиший хизмат – бу фойдали фаолият бўлиб, аҳолининг жисмоний, ижтимоий, моддий аҳамиятига эга маиший эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, провард натижаларга эришишда бевосита истеъмолчиларнинг иштироки билан характерланадиган, бозор коньюнктураси талаблари ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига тез мослашадиган ҳамда ривожланиш даражаси аҳоли турмуш даражаси ва моддий фаровонлиги билан шартланадиган кўп қиррали функционал фаолиятдир.

Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги шароитда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволига эга ўсиб бораётган маиший эҳтиёжларни қондиришга қўлай шарт-шароитларни таъминлайди.

Мамлакатимизда маиший хизматлар кўрсатиш пуллик хизматлар тизимида кенг ривожланиб бормоқда. Бу соҳа аҳолини турли хил маиший эҳтиёжарини қондиришда уй хўжалигида меҳнат сарфини қисқартириш ва уни юритишни енгиллаштирш асосида фуқароларнинг бўш вақтларини ошириш имконини беради. Пировардида эса ишчи кучи тўлиқ такрор ишлаб чиқариш, ҳудудда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашади.

Бугунги кунга келиб, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан моддий ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиши тезроқ ва энг асосийси дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоя талаб этилади.

Ўзбекистонда аҳолига тақдим этилаётган маиший хизматлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;

– тикув, мўйна ва чарм маҳсулотлар, бош кийим ва тўқимачилик атторлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, трикотаж маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;

– турар жойларни (хонадонларни) аҳолининг буртмаси бўйича таъмирлаш ва қуриш;

– маиший техника ва ускуналарни, соатларни таъмирлаш, заргарлик маҳсулотларни таъмирлаш ва тайёрлаш, радиоэлектрон аппаратура, кампютерлар, теливизорлар, магнитафонлар, мусиқа товарларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

– фуқароларга тегишли бўлган транспорт воситаларини (енгил машиналар, мотоцикллар ва ҳоказолар) таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш**;**

– мебелни тайёрлаш ва таъмирлаш;

– кимёвий тозалаш ва бўяш;

– қишлақ хўжалиги маҳсулотлари ва хом-ашёни қайта ишлаш хизматлари, қолган қишлоқ хўжалик хизматлари;

– фотоателье ва фотолобаратория хизматлари, шунингдек овоз ёзиш хизматлари;

– сартарошхоналар хизматлари.

Ҳозирги кунда маиший хизмат кўрсатиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари билан тартибга солинади. Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий усуллари вазифаларига ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш киради. Кўпгина илмий ишларда уларни худудий даражада ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурати асослаб берилади. Бундан шу нарса ифодаланадики, ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқилмаслиги ҳудудий даражада келгусида соҳанинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Шундай ижтимоий меъёрларни кенг жорий қилиниши аҳолига маиший хизмат кўрсатиш таъминотининг меъёрлари сифатида мазкур соҳанинг белгиланган даражада ривожланишига ёки мақбул чегарада эҳтиёжларни тўлиқ қондиришни ҳисобга олишга мувофиқ келишини таъминлайди.

Ижтимоий меъёрлар – бу ижтимоий аҳамиятга эга кўрсаткичларни қатъий равишда аниқлаш тизими бўлиб, инсонларнинг ҳаётий фаолиятлари жараёнлари ва жамият ижтимоий гуруҳларининг аниқ даврдаги шароитида юзага келадиган талабларининг маълум типик даражасини ифодалайди.

Ижтимоий меъёрлар, қоида сифатида товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бошлангунича ишлаб чиқарилади ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга марказлашган ҳолда таъсир кўрсатувчи воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий меъёрларга қуйидагилар киради: 1000 кишигача тўғри келадиган маиший хизмат соҳасидаги ишчилар сони; аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми; 1000 кишига тўғри келадиган маиший хизмат кўрсатиш объектлари сони; ҳудудий жойлашиш меъёрлари кабилар.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш меъёрларининг жорий қилиниши мураккаблашмоқда. Бу шу ҳолат билан шартланадики, барча маиший хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ҳисобга олганда, улар ижтимоий гуруҳлар нуқтаи назаридан ҳам, уларнинг кўринишлари бўйича ҳам хизматларга эҳтиёжларнинг таркибини акс эттирмайди. Бундан ташқари, бу

кўрсаткичларнинг қиймат кўринишида ифодаланиши инфляцион мойиллик мавжуд шароитида улардан фойдаланиш статистик маълумотлар олишда реал воқиеликка эга бўлиш имкониятини чегаралайди.

Шунинг учун бизнинг фикримизча, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий меъёрларни қабул қилишда хусусий жараёнлар ривожланиши ҳолатини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бунда хусусий жараёнлар бўлиб, бозор конъюктураси талаблари, иқтисодий моҳиятнинг ўзгариши, аҳолининг ижтимоий қатламлари табақаланиши, инфляцион жараёнлар, рақобатчилик муҳити, кенг аҳоли қатламининг паст даражадаги харид қобилияти, юқори солиқ тўловлари кабилар ҳисобланади.

Ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқариш жараёни ўзининг таркибий тузилишига эга.

Мазкур тузилмада бирдан-бир энг мураккаб ва муҳим босқичи бўлиб, аниқ ижтимоий меъёрларни ҳисоблаш бўйича методикани ишлаб чиқиш ҳисобланади. Хизматларни истеъмол қилишнинг минимал меъёрлари бўйича дастлабки методикани қабул қилиш таҳлили амалдаги хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий нормалашга ёндашувни аниқлашни юзага келтиради.

Жаҳон тажрибасида хизмат соҳаси тармоқларини таснифлаштиришни ишлаб чиқариш техник ва функционал ёндашишларни бир-бирига қўшиш асосида ўтказиш қабул қилинган.

Истеъмолчиларнинг якка тартибдаги буюртмаларин таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, тайёрлаш бўйича маиший хизматлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

–кийим-кечак ва оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;

–метал ва заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;

–мебелни таъмирлаш ва рестоврация қилиш;

–техника, бино ва қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатш.

Таъмирлаш бўйича хизматлар замонавий техник воситалардан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Улар жумласига:

–ихтисослашган ишлаб чиқариш асбоб ускуна ва инструменлар;

– маҳсулот носозликлари ва камчиликларини аниқловчи диогностика воситалари;

–сифат назоратининг технк воситалари кабилар киради.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Х.Дустова – ҚарМИИ “Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси
Ш.Б.Бутунов – ҚарМИИ “Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси

Мазкур мақолада хизмат кўрсатишнинг моҳияти, унга оид тушунчалар талқини, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг назарий масалалари ва уни ривожлантириш зарурияти, иқтисодиётни ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятлари келтириб ўтилган.

В данной статье демонстрируется роль сферы услуг в экономике, увеличение благосостояния населения в регионе. А также сущность понятий услуг и сервиса,

теоретические аспекты сферы услуг, анализируется достижения и недостатки в сфере услуг в регионе, приводятся предложения и рекомендации по дальнейшему развитию данной сферы.

In this article the role of service sector in producing gross domestic pr oduct and increasing wealth of the population in the region is shown. And also obtained achievements and deficiencies on service sector of the region are analizied, the proposals and recommendations for further development of this sector are given.

***Калит сўзлар**: иқтисодиёт, модернизация, диверсификация, хизмат, сервис, хизматлар соҳаси, ЯИМ (ялпи ички маҳсулот), ижтимоий соҳа.*

***Ключевые слова:** экономика, модернизация, диверсификация, услуги, сервис, сфера услуг, валовый внутренний продукт, социальная сфера*

***Key words:** economy, modernization, diversification, services, services sphere, gross domestic product, social sphere.*

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини тез ривожланувчи тармоқлардан бири бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашда, истеъмолчининг эҳтиёжини юқорироқ даражада қондирилишида, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда муҳим ўринни эгаллайди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Шу боисдан ҳам республика ҳукумати олдида турган ўта муҳим масалалар қаторида мазкур соҳани ривожлантириш ҳисобланади. Иқтисодиётда хизматлар соҳасини ривожлантириш, биринчидан, аҳолининг хизматларга бўлган талабини тўла қондириш орқали; иккинчидан, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, хизматлар моддий-ашёвий маҳсулотлардан фарқ қилади. Одатда хизматлар соҳаси тадқиқотчилари унинг хусусиятларини моддий-ашёвий товар хусусиятлари билан таққослашади. Соҳа тадқиқотчилари кўпинча хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтишади: хизматлар ҳаракат ёки жараённи ифода қилиб, номоддий хусусиятга эга ва уларни сақлаб бўлмайди; уларнинг сифати моддий-ашёвий товарларга нисбатан кўпроқ ўзгарувчан, хизмат кўрсатиш ва истеъмол қилиш ўртасида масофа мавжуд эмас. Мисол учун, россиялик иқтисодчи олим А.В.Раков хизматларнинг хусусиятларини қуйидагича таърифлайди:

- хизматлар хизмат кўрсатиш ва хизмат натижасини истеъмол қилиш жараёнининг бирлиги билан ифодаланади;
- объект ва натижасига қараб хизматлар моддий ва номоддийларга ажратилади;
- кўп ҳолатларда хизматнинг субъекти (ижрочиси) бўлиб хусусий тадбиркор ёки кичик корхона ҳисобланади;
- кўп ҳолларда истеъмолчи (инсон) хизмат кўрсатилишининг объекти бўлади ва (ёки) хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок қилади;
- хизмат кўрсатиш ва хизматни истеъмол қилиш бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин (қоида тариқасида, хизмат кўрсатилиши ва истеъмол қилиниши индивидуал хусусиятга эга бўлади), хизматлар соҳасида қўл иши юқори бўлади, ва ушбу ишнинг сифати ишчи ходимларнинг маҳоратига боғлиқ бўлади;

- одатда хизматларнинг ижрочиси хизматлар натижасининг эгаси бўлиб ҳисобланмайди;

- хизматлар маҳаллийлашган бўлишади, уларни ташиш имконияти бўлмайди, улар ҳудудий хусусиятга эга бўлишлари мумкин;

- баъзи хизматларни сақлаб бўлмайди[22].

Республика ҳукумати томонидан ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервисни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда мазкур соҳаларни шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, ушбу йўналишда сервис хизматларини кенгайтириш, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг масалаларини муҳим муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ушбу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Биринчи Президент И.А.Каримов қуйидагича таъкидлаган: “... бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш - ... хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”[23]

“Хизмат”, “Хизмат кўрсатиш” ва “Сервис” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг мазмунига ўзимизнинг қарашимизни билдирмоқчимиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Хизмат-иш, лавозим, хизмат кўрсатиш, ёрдам” деб кўрсатилган. Бунан ташқари “хизмат” ибораси бировнинг ишини бажариш, яхшилик қилиш, яхшилик қилиш, яхшилик мазмунида ҳам келтирилган[24].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловлар “Сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади[25]” деб таъриф берганлар.

Мамлакатимизда хизматлар соҳаси учун қулай имкониятлар яратиш борасидаги изчил ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Биринчи Президент И.А.Каримов маърузаларида таъкидланишича, “Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда”[26].

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, хизмат (жумладан, сервис) иқтисодий фаолиятнинг муҳим бир шакли. У моддий ва номоддий кўринишга эга бўлиб, аҳоли ва юридик шахслар эҳтиёжларини (талаб

---

[22] Стандартизация и сертификация в сфере услуг: учебник/ под ред.А.В.Ракова. М.: Мастерство, 2002

[23] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010

[24]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008.395-396 бетлар.

[25] Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. 11 б.

[26] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожолантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январ.

чегарасида) қондиришга қаратилган фаолиятдир. Бундай фаолиятда иқтисодий муносабатлар амал қилади.

Жумладан, хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш мақсадида республика ҳукумати томонидан “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури”[27] ишлаб чиқилиб, 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55 фоизга етказиш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари кўзда тутилган.

Шуларга мувофиқ, республикамизда 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади.

Иқтисодиётда хизматлар соҳасини ривожлантиришда узоқ муддатли стратегик йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, ўрта муддатга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш, уларни замонавий усуллар асосида прогноз қилиш, хизматлар соҳаси бозорининг иштирокчилари тезкор, аниқ ва текширилган маркетинг ахборотларидан самарали фойдаланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим. Булар эса, иқтисодиётда хизматлар соҳасини янада ривожланишига олиб келади.

ДИСЦИПЛИНА ОЖИДАНИЯ И ПРИОРИТЕТЫ

З.Х.Хайдаров (СамИЭС),
И.А.Хайдарова (СамСХИ)

Аннотация: *Система массового обслуживания рассматривается как некоторая физическая система с дискретными состояниями, функционирующая при непрерывном времени. Такой поток называетсястационарным пуассоновским потоком или простейшим. До этого были рассмотрены простейшие потоки однотипных заявок с дисциплиной выборки на обслуживание в порядке поступления. В этой работе показано, что и в случае случайного выбора на обслуживание полученные ранее оценки не претерпят изменения, но их дисперсия (разброс относительно ожидаемой величины) возрастет.*

Ключевые слова: *Система массового обслуживания, поток событий, Пуассоновский поток событий, система с относительными приоритетами.*

Annotation: *The queuing system is considered as some physical system with discrete states, functioning at continuous time. Such a flow is called a stationary Poisson flow or the simplest one. Prior to this, the simplest flows of the same type of applications with the sampling discipline for servicing in the order of receipt were considered. In this paper it is shown that in the case of a random choice for maintenance, the estimates obtained earlier will not change, but their variance (spread relative to the expected value) will increase.*

Key words: *Queuing system, event flow, Poisson stream of events, system with relative priorities.*

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1754-сонли Қарори. 10.05.2012.

***Annotatsiya**: Ommaviy xizmat ko'rsatish tizimi uzluksiz vaqt mobaynida faoliyat yurutuvchi diskret xolatli bir fizik tizim sifatida qaraladi. Bunday oqimi Puassonning statsionar oqimi yoki oddiy oqim deyiladi. Shu kunga qadar arizalar kelib tushish tartibida xizmat ko'rsatiladigan bir turdagi arizali oddiy oqimlar qaralgan. Bu ishda, xizmat ko'rsatishda tasodifiy tanlab olish natijasida oldin olingan baholar o'zgarmasligini, ammo ularning dispersiyalari (kutilgan qiymatiga nistaban tarqalishi) ortishi ko'rsatilgan.*

***Kalit so'zlar:** Ommaviy **x**izmat ko'rsatish tizimi, xodisalar oqimi, Puassonning xodisalar oqimi, nisbiy ustuvorli tizim.*

Очевидно, что среднее время сидения в очереди не изменится от того, что кто-то пройдет без очереди, но для отдельных клиентов время ожидания увеличится. Так отношение дисперсий времени ожидания в неупорядоченной и упорядоченной очереди имеет порядок $\frac{2+\rho}{(2-\rho)}$, где $\rho = \lambda/\mu$ (мы обычно предпочитаем систему с жесткой дисциплиной обслуживания из-за предсказуемости ее поведения и всякое "возмущение" в ее работе отрицательно действует на нашу психику).

Существует множество систем, в которых присутствует $N > 1$ входных потоков с различной интенсивностью $\lambda_i (i = 1,..,N)$, время обслуживания заявок которых распределено по показательному закону с параметрами μ_i. Здесь при условии пуассоновости входных потоков можно считать, что суммарный поток

$$\Lambda = \sum \lambda_i$$

будет пуассоновским с интенсивностью функция распределения времени обслуживания заявок суммарного потока в одноканальной системе

$$S(t) = \sum_{i=1}^{N} \frac{\lambda_i}{\Lambda}(1 - e^{-\mu_i t});$$

среднее время ожидания определяется формулой Полачека-Хинчина:

$$W = \frac{\Lambda/2 \int_0^\infty t^2 dS(t)}{1 - R_N}, \quad R_N = \Lambda \int_0^\infty t\, dS(t),$$

которая для данного случая дает $R_N = \Sigma [\lambda_i/\mu_i] = \Sigma \rho_i$ и в случае стационарности режима ($R_N < 1$)

$$W = \frac{\sum_{i=1}^{N} \rho_i / \mu_i}{1 - R_N}.$$

Определенный интерес представляют системы, где каждому входному потоку сопоставлено целое число k - показатель приоритета потока (наивысший приоритет определяется k=1).

Если обслуживание заявки не прерывается ни при каких условиях и выбор на обслуживание происходит с учетом приоритета (при одинаковом приоритете выбирается первый пришедший в систему), то такая система называется *системой с относительными* приоритетами.

Можно показать, что поскольку время ожидания заявки с приоритетом k складывается из времени завершения обработки требования, вошедшего в канал,

времени обслуживания ранее поступивших требований приоритета от 1 до k-1 и ранее поступивших требований с приоритетом k, то его среднее значение равно

$$W_k = \frac{\sum_{i=1}^{N} \rho_i / \mu_i}{(1 - R_k)(1 - R_{k-1})} \quad , \quad R_k = \sum_{i=1}^{k} \rho_i \quad (k=1..N) \; .$$

На этой основе можно определить среднюю длину очереди заявок k -го приоритета $L_k = \square_k W_k$ и среднее число таких заявок в системе $L_k + \square_k$. Показано, что введение приоритетов улучшает функционирование системы, если более высокое преимущество присваивается заявкам с меньшей длительностью обслуживания. Если учитывать стоимостные характеристики, то более высокое преимущество предоставляется заявкам с большим значением $C_k \square \square_k$, где C_k - средняя стоимость ожидания.

$$W_k = \frac{\sum_{i=1}^{N} \rho_i / \mu_i}{(1 - R_k)(1 - R_{k-1})} \quad , \quad R_k = \sum_{i=1}^{k} \rho_i \quad (k=1..N) \; .$$

Существуют системы с абсолютными приоритетами, где появление заявки более высокого уровня прерывает обслуживание текущей заявки, которая вернется в очередь и потом снова поступит на обслуживание с места прерывания (или с начала). Здесь среднее время ожидания заявки с приоритетом k

$$W_k = \frac{\sum_{i=1}^{N} \rho_i / \mu_i}{(1 - R_k)(1 - R_{k-1})} + \frac{R_{k-1}}{\mu_k (1 - R_{k-1})} \quad , \quad R_k = \sum_{i=1}^{k} \rho_i \quad (k=1..N) \; .$$

В рекомендуется для минимизации затрат на пребывание заявок в очереди в системах с относительными и абсолютными приоритетами, равных

$$\Phi = \sum_{k=1}^{N} \alpha_k \lambda_k W_k \; ,$$

где $\square_k$- издержки на ожидание заявки *k*-го приоритета в единицу времени, более высокий приоритет давать заявкам с наибольшим значением $\square_k \square_k$.

Исключительно сложно установить разумные приоритеты в случае многофазных систем, где заявка проходит обслуживание в нескольких последовательных подсистемах . Здесь относительно простые выводы удается сделать лишь для случая двух подсистем, и для получения выводов для более сложных систем приходится прибегать к моделированию.

Суть математического моделирования системы заключается в следующем.

Время функционирования системы разделяется на достаточно большое количество подинтервалов (единиц времени, в течение которых не может возникнуть более одной заявки или завершиться выполнение более одной заявки). Для каждого такого подинтервала последовательно моделируется факт появления новой заявки (да/нет), проверяется наличие свободного канала (закончено ли обслуживание какой-то заявки) и загрузка его заявкой из очереди, проверяется наличие мест в очереди с последующим выводом (принять в очередь/отказать в обслуживании) и т.д. При этом фиксируется число отказов, время ожидания заявок в очереди и в системе вообще, число заявок в очереди в каждый момент и другие значения, которые позволяют найти вероятность отказа, распределение времени ожидания и среднее время, вероятность простоя каналов и т.п. Для надежности выводов такое разовое моделирование повторяется достаточно много раз.

Очевидно, что ни о каком ручном моделировании не может быть речи (объем работы здесь слишком велик для нормального индивида). Здесь приходится использовать компьютер с встроенным или программным датчиком псевдослучайных чисел с равномерным законом распределения в интервале от 0 до 1. Псевдослучайные числа получаются по какому-то алгоритму, но в совокупности подчиняются всем законам проверки на случайность (мы не останавливаемся на методах их получения, так как есть отличные программные датчики во всех системах программирования).

В процессе моделирования возникает необходимость генерации случайных чисел с законом распределения, отличным от вышеуказанного.

Пусть R - случайные числа с равномерным законом распределения в [0,1] и X - создаваемые случайные числа с плотностью распределения *p(X)*. Между ними можно установить соотношение

$$R = \int_{-\infty}^{X} p(X)\,dX$$

Так для показательного распределения $p(X) = \lambda exp(-\lambda x)$ для X>0 легко установить, что *X= -ln(1-R)/*□. Для равномерного распределения в [a,b] с очевидностью *X=a+(b-a)R*. Получение дискретных случайных чисел сводится к поиску наименьшего значения X, при котором

$$R \le e^{-\lambda} \sum_{k=0}^{X} \lambda^k / k!$$

Если взятие интеграла и представление X через R составит затруднение, можно воспользоваться методом Неймана. Здесь при неограниченности области значений X усекаем ее до некоторого интервала [a,b]; например для нормального распределения концы интервала берем отстоящими от среднего на 3-4 стандартных отклонения. Затем генерируется пара случайных чисел R_1 и R_2; если $R_2 \le (b-a) \times p(a+(b-a)R_1)/\ p^*$, где $p^*=max[(b-a) \cdot p(x)]$, то берем $X=a+(b-a)R_2$ и в противном случае берем следующую пару случайных чисел.

Таким путем мы можем моделировать интервалы времени между заявками входного потока, продолжительность обслуживания заявки, вероятность выхода канала из строя и т.п.

Вопрос о числе N отдельных реализаций системы решается на основе закона больших чисел и вывода о том, что погрешность оценок имеет порядок $R_2 \le (b-a) \times p(a+(b-a)R_1)/\ p^*$, где $p^*=max[(b-a) \cdot p(x)]$,

Существуют многочисленные примеры успешного моделирования вполне реальных СМО.

Описанный подход к поиску характеристик сложной системы называют методом статистических испытаний (методом Монте-Карло), который обычно используют там, где другие методы терпят фиаско (моделирование сложных систем, вычисление интегралов кратности 10 и выше, поиск экстремумов функций с очень большим числом переменных и др.).

МАҲАЛЛАЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИРИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мардонов Б.Б.ТАТУ Самарқанд филиали
«Гуманитар ва ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация:*В статье проанализировано состояние сферы обслуживания в некоторых махаллях районов и городов Самаркандской области и показаны пути развития этой сферы. Также указаны некоторые типы развития сферы обслуживания в махалле.*

Опорные термины: *модернизация, инновация, занятость, сфера услуг, доход.*

Annotation: *There is analyzed in this article a service sector condition in some Samarkand region mahallas of districts and cities and shown a ways of development in this sector. Also shown some type of sector service development in mahalla.*

Key words: *modernization, innovation, employment, sphere of services, income.*

Истиқлол йилларида маҳаллани мамлакатдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилди. Маҳалла шахс ва жамият муносабатларини боғловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ҳир бир кишининг ҳаётида «шахс-оила-маҳалла» деган учлик катта аҳамият касб этади. Маҳалла мамлакат тараққиётида ижтимомий-иқтисодий ва маънавий вазифаларни ҳам бажаради. Ҳалқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналари ифода этган улкан ғоявий жиҳатлари маҳаллани мамлакатдаги маънавий ўрнини кўрсатади. Маҳаллани ижтимоий вазифаларини, аввало кексалар холидан хабар олиш, вояга етаётган меҳнат ресурсларини жисмонан соғлом, маънавий етук, баркамол шахс сифатида тарбиялаш, кам таъминланган ҳамда ногирон кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш каби ишларни бажаришида кўриш мумкин. Туман, шаҳар, вилоят ЯҲМ хажмини ошириш, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, кишиларни бўш вақтини самарали ташкил этиш, оила фаровонлигини, кишилар турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда маҳалла иқтисодий вазифаларни бажаради.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни маҳалла тизими орқали самарали ҳал этиш имкониятлари жуда кўп. Кишиларни иш билан таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш, туман, шаҳар бюджетининг даромад манбасини оширишда ҳам маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Чунки, маҳалла ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини очиш имкониятлари юқорида айтилган муаммоларни тизимли ҳал этади. Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда маҳалла худудидаги ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш корхоналар имкониятлари ўрганилди.

Самарқанд вилоятида жами маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 1122 та, шундан шаҳар маҳаллалар сони 175 та, қишлоқ фуқаролар йиғинлари сони 125 та, қишлоқ аҳоли пунктлари 1829 та. Шулардан 12та маҳалла ўрганилди. Қўшработ, Ургут ва Пастдарғом туманларидан 2тадан 6та, Самарқанд туманидан 4та, Жомбой ва Пайариқ туманларидан биттадан маҳалла ўрганилиб чиқилди.

Таҳлиллар маҳалла ҳудудларидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари нотекис жойлашганлигини кўрсатди. 1-жадвал маълумотларига кура Қўшработ туманидаги «Майин тепа» маҳалласидаги 1та гўшт дўкон, 1та дорихона, 2та савдо дўконлари, 1та сартарошхона, 3006 кишига ёки 457 хонадон

соҳибларига хизмат қилмоқда. Қўшработ туманидаги «Юқори сарой» маҳалласининг 2978 кишисига 1та ҚВП, 1та тикувчилик, 1та сартарошхона, 2та дуродгорлик хизмати, 1та автомашиналарга техник хизмат кўрсатадиган шахобча, 3та савдо дўконлари, 1та пойафзал таъмирлаш устохоналари хизмат кўрсатяпти. Бошқа маҳаллаларда ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам худди шундай маълумотларни беради.

Маҳаллаларда асосан савдо дўконлари, гўшт дўконлари, сартарошлик, баъзисида нон махсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик билан шуғулланадиган кичик корхоналар фаолият юритяпти. Бизнингча, махаллаларда мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари кўрсатаётган хизматлари махалла ахолиси учун камлик қилади. Масалан, ўтказилган тадқиқотда 12 маҳалладан атиги 4 тасида дорихона мавжуд бўлиб, шундан Жомбой туманидаги «Наймантепа» маҳалласида 1та, Пастдарғом туманидаги «Мирза тўп» маҳалласида 1та, Ургут туманидаги «Қайроқли» маҳалласида 2та, ва Пайариқ туманидаги «Хўжа Исмоил» махалласида 3та дорихона фаолият юритяпти. Маҳаллаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини аҳоли сонига ёки хонадонга нисбатан ҳисобласак, жуда ҳам кам.

Шунинг учун ҳам айрим маҳалла фуқаролари шаҳар марказларига бориб, турли хизматлардан, шу жумладан, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш, сартарошлик, дурадгорлик, дорихона, тикувчилик ва бошқа маиший хизматлардан фойдаланишяпти. Бу, ўз навбатида, уларнинг қимматли вақтларининг кўп қисми, беҳуда йўлларга сарфланишига, ортиқча харажатларни эса кўпайишига олиб келади.

Бугунги кунда ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга. 47 оила шахсий компьютерлар билан таъминланган. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга[28]. Ушбу маълумотларга асосан ҳисоблайдиган бўлсак, ўрганилган маҳаллаларнинг ҳар икки хонадондан биттаси енгил автомобилга, хонадонлардан яримидан кўпи шахсий компьютерларга, ҳар уч хонадондан биттаси кондиционерга эга(2-жадвал). Демак маҳаллаларда автомашиналар учун техник хизмат кўрсатадиган шахобчаларга, шахсий компьютерлар ва кондиционерлар, кирювиш машиналарни ўрнатиш ва таъмирлаш, мобиль телефонларни созлаш каби хизматларга эхтиёж катта. Худди шундай хулосаларни вилоятнинг бошқа маҳаллалари бўйича ҳам чиқариш мумкин.

Таҳлиллар маҳаллаларда фойдаланилмаётган бўш жойлар ва ярим тайёр бинолар борлигини ҳам аниқлади. Бу, ўз навбатида, маҳаллаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини очиш имконияти борлигини англатади. Тадқиқотлардан келиб чиқиб маҳаллаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим;

Биринчидан, вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарда хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган меъёрларга асосан барча хизматлар қамраб олинган намунавий маҳаллаларни ташкил этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

[28].Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “Бош мақсадимиз мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир" номли Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил, 17 январ.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш марказлари намунали тарзда ташкил этилган маҳаллалар мисолида ҳар бир туман, шаҳарнинг чекка ҳудудлари маҳаллаларида шундай марказлар ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш;

Учинчидан, туман, шаҳар ҳокимликлари маҳаллалардаги тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли хоҳиши бўлган фуқароларга (компьютерларни, кондиционерларни, кирювиш машиналарини ўрнатиш ва таъмирлаш, енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, мобиль телефонларни созлаш, пойафзал таъмирлаш, тикувчилик-тўқувчилик ва бошқа маиший хизматлар) тадбиркорликни амалга оширадиган тайёр бизнес лойиҳалар ва маслаҳатлар тақдим этилишини ташкил этиш;

Тўртинчидан, тижорат банклари томонидан айнан маҳалла ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш тизимини ишлаб чиқиш;

Бешинчидан, маҳаллада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини

Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Пайариқ, Пастдарғом, Жомбой, Ўргут ва Қўшработ туманларидаги маҳаллалари ҳудудида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳақида

МАЪЛУМОТ

1-жадвал

№	Туманлар	Махалла номи	Аҳоли сони, киши	Хонадонлар сони	Махалла ҳудудида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналар шу жумладан														
					Кандалотчилик махсулот. тайёр.	Нон ва нон махсулотларини и.ч.	Ошхона	Ресторан (туй маросим. ут. ж.)	Хусусий шифохона	Дорихона	Тикувчилик ва тукувчилик	Сартарошлик (эркак ва аёллар)	Дурадгорлик (эшик ва ром ясаш)	Автомобил. тех.хиз. курсатиш	Укув марказлари	Савдо дукончари	Пойафзал таъмирлаш устохонаси	Гузит дукончари	Компьютер. урнат. ва уларга тех. хиз.кур.-хамда-разъяс.
1	Қўшработ	Майин тепа	3006	457			1			1	2	1	1			2		1	
2	Қўшработ	Юкори сарой	2978	448							1	1	2	1		3	1		
3	Жомбой	Найман тепа	4016	665		2		2		1	2	4	2	2	2	2	1	2	1
4	Ўргут	Қайрокли	3501	431		6	3			2	6	2	1			9	1	2	2
5	Ўргут	Пастки Қалангар	3010	412		5	1				2	2	4	2	1	5		1	3
6	Пастдарғом	Чор тут	5230	860			1	1				3				13		1	
7	Пастдарғом	Мирза туп	4580	612			3			1		1	4	4		11	1	1	
8	Самарқанд т	Кора сув	5603	661		1						1	1	2		3		1	
9	Самарқанд т	Янги обод	3506	659	1	2	2	1				1		3		6		3	1
10	Самаркан т	Ўзбек кенти	3035	554		3	6	1								10	1	2	
11	Самарқанд т	Деволи кундаланг	2431	602	2	1					6	1	1			2		1	
12	Пайариқ	Хужа Исмоил	5655	1020		2	5	1		3	5	4		4		40	2	5	6

ташкил этган тадбиркорларга солиқда белгиланган умумий имтиёзлардан ташқари қўшимча имтиёзлар беришни.

2-жадвал

Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Пайариқ, Пастдарғом, Жомбой, Ургут ва Қўшработ туманларидаги маҳаллалар хонадонларининг енгил автомобиль, шахсий компьютер ва кондиционерлар билан таъминланганлик ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ*

№	Ҳудуд номи	Маҳалла номи	Жами хонадонлар сони	Шу жумладан, енгил автомобиль, компьютер, кондиционер билан таъминланган хонадонлар сони		
				енгил автомобиль	шахсий компьютер	кондиционер
1	Қўшработ	Майин тепа	457	192	215	141
2	Қўшработ	Юқори сарой	448	188	211	139
3	Ургут	Қайроқли	431	181	203	134
4	Ургут	Пастки Қалангар	412	173	194	128
5	Жомбой	Найман тепа	665	279	313	206
6	Пастдарғом	Чор тут	860	361	404	267
7	Пастдарғом	Мирза тўп	612	257	288	190
8	Пайариқ	Хўжа Исмоил	1020	428	479	316
9	Самарқанд т.	Қора сув	661	278	311	205
10	Самарқанд т.	Янги обод	659	277	310	204
11	Самарқанд т.	Ўзбеккенти	554	233	260	172
12	Самарқанд т.	Деволи кўндаланг	602	253	283	187

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси маълумотлари асосида тайёрланди.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАНИНГ ЎРНИ

Музаффарова.К. З. ҚарМИИ,
“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби” каф.катта ўқ.

Аннотация:*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти ҳамда*

аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича таклифлар ва хулосалар келтирилган.

***Калит сўзлар**: турмуш даражаси, реал даромад, ялпи ички маҳсулот, ялпи даромад, хизмат кўрсатиш ва сервис, солиқ, солиқ имтиёзлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.*

***Аннотация:** В данной статье опубликована проделанная работа по улучшению уровня жизни населения в Республике Узбекистан, а также предложения и выводы по улучшению условий жизни населения и важность роли сектора услуг.*

***Ключевые слова:** уровень жизни, реальный доход, валовой внутренний продукт, валовой доход, услуги и сервис, налоги, налоговые привилегии, малые бизнес и частное предпринимательство.*

***Annotation:** In this article, the works made on improving the life levels and standarts of the people of the Republic of Uzbekistan, as well as the proposals and the conclusions on how to improve living essenses of the people and the role and importance of service sphere in the improvement of people's living prosperities.*

***Key words:** life lives, real income, gross domestic product (GDP), gross product, service, taxing, tax awards, small business and sole propriotorship.*

Ҳозирги кундаЎзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар негизида аҳоли турмуш даражасини ошириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар бир қилинаётган чора-тадбирлар замирида аҳолининг фаровонлигини таъминлаш ётади.

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танланганлиги ва изчил амалга оширилганлиги ўз натижасини берди. Ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлимизнинг асосларини ишлаб чиқишда бир қатор жаҳон ҳалқларининг тараққий топиш тажрибалари билан бир қаторда ўзбек халқининг, ўзбек миллатининг буюк тарихий мерослари, қадимий анъаналари, ўзининг қадим урф-одатлари, мамлакатимиздаги аввалдан мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва бошқа кўплаб бир қатор омиллар ҳисобга олинди ҳамда улар асосида тараққиётнинг "ўзбек модели" нинг бешта асосий тамойили белгилаб берилди. Ушбу "ўзбек модели"нинг муаллифи Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан белгилаб берилган "Ўзбек модели"га асосланган тараққиёт йўли жаҳондаги бошқа мамлакатлар миллий моделларидан ўзининг фақат иқтисодий ривожланиш йўли билан эмас, балки давлат қурилишини, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини бевосита қамраб олиши билан ажралиб туради.

Ислоҳотларнинг "Ўзбек модели"нинг асосий мақсади – инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланувчи фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни қуриш.

Ушбу моделнинг ҳар бир тамойили инсон тараққиёти учун хизмат қилади. Чунки, ушбу тамойилларнинг ҳар бирининиг негизида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш асосий масала бўлиб турибди.

Бу борада, бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг тенгсизлигини келтириб чиқарувчи бир нечта умумий омиллар мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;
- таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги ҳукмронлик даражасидан келиб чиқиб) даражасидаги фарқлар.

Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси, шунингдек даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ҳамда жамият барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлаш масаласини тақозо этади.

Маълумки, ҳозирги кунда инсон тараққиёти концепциясига кўра мамлакатда жамиятнинг ривожланиши марказида фақатгина иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки инсон фаровонлиги муҳим мезон сифатида қаралади.

Хусусан, 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди[29]

Ушбу кўрсаткичлардан ҳам кўриниб турибдики, аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари мамлакатимизда йилдан йилга юксалиб бормоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлиги масаласи бутун жаҳондаги ривожланган мамлакатлар олдига қўйилган асосий мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатнинг ривожланганлиги – бу аҳоли турмуш даражасининг яхшиланганлиги билан боғликдир.

Ҳар бир инсон борки яхши яшаш учун курашади, доимо интилишда бўлади. Маълумки, турлича жамиятлар, миллатлар ва халқларнинг дунёқараши, тили, дини, эътиқоди, маданияти, миллий қадриятлари турлича бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш – жамият тараққиётининг асосини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари даромадни кўпайтириш, фойда олишга зўр бериб уриниш пойгасини кучайтиради. Бозор иқтисодиёти шундай қудратли стимул яратадики, бу барқарор ривожланишни белгилайди. Иқтисодий тараққиёт даражаси аҳолининг фаровонлигини таъминлайди, лекин аҳолининг даромадлигидаги фарқларни бартараф қила олмайди, даромаднинг тенгсизлиги, фарқи сақланиб қолаверади.

Ушбу кўрсаткичлар тизимидан кўриниб турибдики, дунёдаги мамлакатларнинг тараққиёт даражаси рейтинги уларнинг иқтисодий салоҳияти ёки ҳарбий қудратига

[29]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

қараб эмас, балки аҳоли турмуш маданияти ва инсон ресурсларининг ривожланиш даражасига қараб белгиланади.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида ўтган 25 йил давомида бир қатор ютуқларга эришдик. Ушбу ютуқларимизни янада давом эттириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида қилинаётган ишларни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили деб эълон қилинди. 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида шунингдек, 2017 йил 7 февраль куни2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси" тасдиқланди. Ушбу Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилгани муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилади.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Ҳар бир аҳоли ўз иш ўрнига эга бўлиши, айниқса мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривож топиши аҳоли даромадларини кўпайтириш манбаидир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси энг илғор ва шиддат билан ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 2015 йилда 54,5 фоизга етди. Республикадаги жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.[30]

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга яратилган шарт –шароитлар ва имтиёзлар етарли даражада. Масалан, маиший хизматлар кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белги-ланган солиқ ставкаси 2016 йилда Тошкент шаҳрида энг кам иш ҳақининг 3,5 бараварини ташкил этган бўлса, Нукус шаҳри ва вилоятлар бўйсунивидаги шаҳарларда энг кам иш ҳақининг 1,5 бараварини, бошқа аҳоли пунктларида энг кам иш ҳақининг 0,5 бараварини ташкил этади. Кўриниб турибдики, бошқа турдаги Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган солиқ ставкалари маиший хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларда нисбатан паст. Бу эса ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар сонининг янада ошишига эришиш мумкинлигини кўрсатади. Масалан, озиқ-овқат товарларини сотиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар Тошкент шаҳрида энг кам иш ҳақининг 9,0 бараварини, Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда энг кам иш ҳақининг 6,0

[30]Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари, "Халқ сўзи" газетаси, 2016 йил 16 январ

бараварини ҳамда бошқа аҳоли пунктларида энг кам иш ҳақининг 3,0 бараварини ташкил этади. Демак, солиқ соҳасида ҳам маиший хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ ставкалари бирмунча паст экан. Бу эса, ушбу соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлади.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- биринчи ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини кенг ривожланишига эришиш;

-ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бу орқали янги техника ва технологияларни кириб келишига имкон яратилади. Бу эса сифатли ва арзон маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳамда маҳсулот экспортини амалга ошишига кўмаклашади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича корхоналар ташкил этиш;

- юқоридаги таклифларни амалга ошириш учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва ҳоказолар.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан тўлдириш ва улар ҳажмини оширишга эришиш мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга сезиларли тарзда таъсир кўрсатади.

Яна бир асосий жиҳати, ушбу соҳани ташкил этишда катта маблағ талаб этилмайди. Бундан ташқари хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун маҳаллий моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларида ва туманларда истиқомат қилувчи аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва сервис соҳа тармоқлари кўпайиб, хизмат кўрсатиш даражасини ўстиради. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминланиш даражасини оширади.

Демак, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишини таъминловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳанинг ривожлантириш иқтисодиётда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ортишига ҳамда аҳоли даромадларини ошишига олиб келади. Бу соҳани ривожлантириш орқали истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизматлар турлари билан тўлдирилади.

XIZMATLARNING PAXTACHILIK SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI O’RNI

Muratov Sh.A,SamQXIassistenti
Hasanov Sh.T.i.f.n., dotsent,
Nurullaev U.U.asistent

Annotatsiya. *Ilmiy maqolada Samarqand viloyati xizmat ko’rsatuvchi soha (SIU, Agrokimyo, YoMM)lari fermer xo’jaliklarida paxta xom ashyosini ishlab chiqarishda ulardan foydalanishning texnik samaradorligi tahlil etilgan. Tahlilda fermer xo’jaliklarida paxta xom ashyosini ishlab chiqarishga sarflangan resurslarning ish va xizmatlari, shuningdek, ishlab chiqarishda bevosita ishtirok etgan resurs (yer, organik o’g’itlar va mehnat sarfi)ning miqdor ko’rsatkichlari so’rovnoma usulidan foydalanilgan*

holda "Ma'lumotlar muhiti tahlili" (DEA)dan foydalanilgan. Tahlil natijasida paxta yetishtirishda resurslardan foydalanish holati, ulardan istiqbolda har bir sub'yekt fermer xo'jaligi uchun samarali foydalanish uchun variantlari ishlab chiqilgan hamda qaysi turdagi xizmat ko'rsatish soha(resurs (omil))lar paxta hosildorligini oshirishda muhimligi baholangan.

Kalit so'zlar. *Samaradorlik; texnik samaradorlik; resurslarni taqsimlash samaradorligi; ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA); hududdan olinadigan o'zgarmas qaytim (CRS).*

Kirish. Mamlakatimiz aholisini oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishda cheklangan resurslardan samarali foydalanishga alohida e'tibor qaratilib kelinmoqda. Natijada, g'alla ekin maydonlarining umumiy yer maydonidagi ulushi 1991 yilda 25,7 foizdan bugunga kelib 45 foizga, sabzavot, kartoshka va poliz ekinlari maydoni 7 foizdan 8,8 foizga oshdi, va aksincha, paxta maydoni 41,9 foizdan 35,4 foizga kamaydi. Shuningdek, suv resurslaridan samarali foydalanishda suv ko'p talab qiladigan paxta ekin maydonlari qisqartirilib suv kam talab qiladigan boshqa ekin turlari ko'paytirildi [7].

Mamlakat dehqonchiligi sug'orishga asoslanganligi uchun katta miqdordagi suv resurslarini talab etadi. Lekin, bu talab ichki suv resurslari bilan atigi 40 foizgagina qondirilmoqda[1]. Bugungi kunda yer va suv resurslaridan foydalanish yomonlashuvi qishloq xo'jaligi mahsulotlar hosildorligining pasayishiga, ishlab chiqarish xarajatlarining ortishiga olib kelmoqda. Natijada, bunday holatlar qishloq xo'jaligida yetishtiriladigan mahsulotlar miqdori va sifati aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bulgan talabini qondirishda muammolar tug'diradi. Bunday holda, ximat ko'rsatish sohalarini rivojlantirish, fermer xo'jaliklariga samarali xizmat ko'rsatishni tashkil etish hamda ulardan o'z vaqtida to'g'ri foydalanish sifatli qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish bilan bir qatorda mahsulot hosildorligi yoki mahsuldorligi oshishiga, resurslardan samarali foydalanishga xizmat qiladi.

Ilmiy ishning asosiy maqsadi – xizmat ko'rsatuvchi sohalarning paxtachilikda o'rnini baholashda fermer xo'jaliklarida resurslardan foydalanishning texnik samaradorligini tahlil etish hamda ilmiy xulosa va takliflar berishdan iborat.

Materiallar. Mazkur ilmiy ish Samarqand viloyati fermer xo'jaliklar misolida o'rganildi. Ilmiy ishda Samarqand viloyati tumanlarida: Ishtixon, Kattaqo'rg'on, Narpay, Payariq va Pastdarg'omda paxta va g'allachilikda ixtisoslashgan 37 ta fermer xo'jaliklarining ishlab chiqarish faoliyati, resurslaridan foydalanish holati to'g'risida ma'lumotlar so'rovnoma asosida olindi va tahlil qilindi(1-chizma).



Tumanlar:
1 – Bulung'ur
2 – Jomboy
3 – Ishtixon
4 – Kattaqo'rg'on
5 – Narpay
6 – Nurobod
7 – Oqdaryo
8 – Payariq
9 – Pasdarg'om
10 – Paxtachi
11 – Samarqand
12 – Tayloq
13 – Urgut
14 – Qo'shrabot

1-chizma. Samarqand viloyat tumanlarining joylashuvi

Metodlar. Fermer xo'jaliklari xizmat ko'rsatish sohalaridan samarali foydalanishda xizmat ko'rsatuvchi sohalar tomonidan yetkazib berilgan resurs yoki foydalanilgan resurslarning samaradorligini tahlil etishda noparametrik metoddan foydalandik. Noparametrik yondashuv tadqiqotlar matematik modellashtirish asosida amalga oshiriladi. Ya'ni, matematik dasturlash orqali samaradorlik vektorlar hisoblash orqali amalga oshiriladi.

Samaradorlik quyidagi tarkibiy qismdan tashkil topgan[2]:

- Texnik samaradorlik, biror bir korxonaning resurslari hisobiga eng yuqori daromad(foyda)ga erishish imkoniyati;
- Resurslarni taqsimlash samaradorligi, korxona imkoniyatini xarajatlarning optimal miqdorda sarflashi natijasida erishilgan samara.

Bu ikki ko'rsatkichning ko'paytmasi iqtisodiy samaradorliki tashkil etadi.

Fermer xo'jaliklarida paxta ishlab chiqarishga sarflangan resurs (yer, suv, organik va mineral o'g'itlar, YoMM, mehnat sarfi)lar va ulardan olinadigan paxta mahsulotining texnik samaradorligini tahlil etishda "Ma'lumotlar muhiti tahlili" (Data Envelopment Analysis, DEA) modelidan foydalandi. DEA modelining afzalligi qaror qabul qiluvchi sub'yektlar uchun ishlab chiqarishga kiritiladigan resurslar va ishlab chiqarilgan mahsulot o'rtasidagi munosabatlarni, samaradorligini va resurslardan optimal foydalanishni aniqlashda qo'llaniladi.

Ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA) [6] modelida "Hududdan olinadigan o'zgarmas qaytim" (CRS-Constant returns to scale) ishlab chiqarish holatida so'rovnoma ma'lumotlari asosida fermer xo'jaliklarida paxta ishlab chiqarishining texnikaviy samaradorligi va ishlab chiqarish omillarini o'zgarishi tahlil etildi. Bunda 37 fermer xo'jaliklari yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, YoMM va mehnat resurslaridan foydalanib paxta mahsulotlari ishlab chiqarishi o'rganildi. Barcha N sondagi fermer xo'jaliklarning K*N ishlab chiqarish resurslari matritsiyasini Y bilan belgilaymiz. Ma'lumotlar muhiti modelining maqsadi ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig'ida va uning atrofida yotgan nuqtalardan iborat noparametrik nuqtalar muhiti chizig'i (izokvanta)ni yaratishdir. Ya'ni, ushbu chiziq ishlab chiqarish to'plamiga kiritilgan barcha resurs (yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, YoMM, mehnat sarfi)lar paxta mahsuloti kombinatsiyalaridan tashkil topadi va uning asosida ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig'i yaratiladi.

Ishlab chiqarilgan mahsulotlar miqdori sifatida yalpi hosil hamda ishlab chiarishga sarflangan resurslar soni 6 ta, ya'ni yer, suv, organik va mineral o'g'itlar, YoMM va mehnat sarfi olindi. Dastlab fermer xo'jaliklarining tuproq sifati(unumdorligi)ni shartli bir hil muhitga keltirish asosida resurslar sarfi aniqlanadi. Ya'ni, fermer xo'jaliklarida tuproq sifatining o'rtachasi aniqlandi. Ushbu o'rtacha tuproq sifatining fermerlar tuproq sifatiga nisbatan o'zgarish koeffitsiyent(shartli) qilib olindi. Olingan koeffitsyientni bir xil sharoitda har bir fermer xo'jaliklarining tuproq unumdorligi sifatida olindi. Har bir fermer xo'jaliklarida ishlab chiqarishga sarflangan resurslarni har bir fermer xo'jaliklarining tuproq unumdorligini koeffitsyientiga nisbati olindi. Umumiy olingan barcha ma'lumotlarni bir xil muhitga keltirgandan so'ng DEAP 2.1 dasturiy paketi[2]dan foydalangan holda ma'lumotlar tahlil etildi.

Tahlil natijalari. Tahlilda olingan natijalar, ya'ni texnikaviy samaradorlik ko'rsarkichlari 0 dan katta 1 dan kichik bo'ladi. Agar fermer xo'jaliklarida resurslardan samarali foydalanilgan bo'lsa 1 ga teng bo'ladi va aksincha.

O’rganilgan fermer xo’jaliklarining 22% paxta ishlab chiqarishda mavjud resurslardan samarali foydalanilgan holda texnik samaradorligi 1 ga teng(1-jadval) bo’lsa, 78% fermer xo’jaliklarida bu ko’rsatkich 1 koefitsiyentdan kichik. Ya’ni, kelgusida 78% fermer xo’jaliklari paxta ishlab chiqarishda resurslar sarfini 11% ga kamaytirsa ham joriy yilda erishgan natijaga erishishi yoki undan ham yuqori natijaga erishishi mumkin.

1-jadval

Paxtachilikda resurslardan foydalanishning texnik samaradorligi

Fermer xo’jaliklari	Yalpi hosil, ts	Yermaydoni, ga	Suv sarfi, m^3	Organik o’g’it, kg	Mineral o’g’it, kg	YoMM, kg	Mehnat sarfi, kishi-soat	TE*
O’rtacha	76261	28	221370	60484	17363	6495	40328	0.95
Max	173568	64	460936	141120	39872	15552	92864	1.00
Min	30610	10	91330	18768	6630	2090	17960	0.83

TE	Fermer xo’jaliklari, %
=1	22.0
≥0.96, ≤0.99	32.0
≥0.95, ≤0.91	35.0
≤0.90	11.0

*Izoh: TE – texnik samaradorlik

Fermer xo’jaliklarida kelgusida paxta ishlab chiqarishda o’rtacha ekin maydonini 9%(0.91) ga kamaytirsa ham joriy yilda erishilgan natijaga erishish mumkin (2-jadval).

2-jadval

Paxtachilikda resurslardan foydalanishda texnik samaradorlikka erishishning bashorat qiymati*

F/X	EM	Bashorat qiymat (1 ga uchun)						EM	H	haqiqatda/bashorat qiymat				
		H	S	OO’	MO’	YoMM	MS			S	OO’	MO’	YoMM	MS
O’rtacha	26	3049	7625	2278	636	241	1537	0.91	1.11	1.06	0.97	0.98	0.97	0.96
Max	61	4137	9928	3951	760	300	2010	1	1.38	1.46	1.15	1.1	1.05	1
Min	7	2312	6304	1104	533	204	1122	0.73	1	0.86	0.82	0.77	0.77	0.77
1	Resurslar yetishmasligi, (< 1)									19.0	48.0	46.0	27.0	54.0
2	Resurslardan ortiqcha foydalanish, (> 1)									49.0	22.0	30.0	49.0	16.0
3	Resurslardan normal foydalanish, (= 1)									32.0	30.0	24.0	24.0	30.0
	Fermer xo’jaliklari, %									100	100	100	100	100

*Izoh: EM-ekim maydon, H-hosildorlik, S - suv, OO’- organik o’g’it, MO’- mineral o’g’it, YoMM – yoqilg’i moylash materiallari, MS – mehnat sarfi.

Xo’jaliklardapaxta ekin maydonlari o’zgarmagan holda kelgusida mineral va organik o’g’itlar, YoMM, mehnat sarfidan foydalanishni ko’paytirish joriy yilda erishilgan natijadan ham yuqori natijaga erishish mumkin. Bunda, fermer xo’jaliklari “Agrokimyo” va YoMMlari xizmatidan ko’proq, ya’ni mineral va YoMMlaridan ko’proq miqdorda foydalanishi lozim. Shuningdek, fermerlar paxtachilikda yuqori hosildorlikka erishishda organik o’g’itlar va mehnat sarfidan ko’proq fodalanish lozim. Ushbu

resurslardan ko’proq foydalanishi paxta hosildorligini o’rtacha 11%(1.11)ga oshishiga olib kelish mumkin. Paxta ishlab chiqarishda o’rtacha suv resurslaridan foydalanishni kelgusida 6%(1.06)ga kamaytirsa ham joriy yildagi natijaga erishish mumkin. SIU xizmati tomonidan fermer xo’jaliklariga suv resurslari ko’proq yetkazib berilgan. Shuningdek, ushbu xizmat(SFU, Agrokimyo, YoMM) lar fermer xo’jaliklariga bir xilda xizmat ko’rsatmagan. Ya’ni, fermer xo’jaliklarida ushbu xizmatlardan foydalanishda tafoutlar mavjud. Max darajada resurslardan foydalangan fermer xo’jaliklari resurslar sarfi(S=1.46; OO’=1.15; MO’=1.1; YoMM=1.05) ni 1 koefitsyientga keltirsa ham joriy yildagi natijaga erishish mumkin. Ya’ni, fermer xo’jaligi suv sarfini 46% ga, organik o’g’itni 15% ga, mineral o’g’itlarni 10% ga va YoMMlarini 5 %ga kamaytirsa ham joriy yildagi 4137 kg hosildorlikka erishishi mumkin.

Xulosa va takliflar. Mamlakatimiz iqtisodiyotida paxta xom ashyosi muhum ahamiyatga ega. Bunda fermer xo’jaliklarida paxta hosildorligini oshirishda bevosita ishlab chiqarishda qatnashadigan xizmat ko’rsatish soha (resurs)laridan oqilona, samarali foydalanish talab etiladi. Ilmiy ishni o’rganishda paxta hosildorligining oshishida xizmat ko’rsatish sohalarining fermer xo’jaliklarida foydalanilgan resurslarning texnik samaradorligini aniqlashda quyidagi xulosa va takliflarga keldik:

- fermer xo’jaliklarida paxtachilikda texnik samaradorlikka erishish uchun ekin maydonlaridan foydalanish 9% ga kamayishi, hosildorlikning 11% ga oshishi hisobiga bo’lishi mumkin;
- fermer xo’jaliklariga SIU xizmati tomonidan paxta ekin maydonlarini sug’orishda suv resurslarini gektar hisobiga kamaytirish hisobiga ham samaradorlikka erishish mumkin;
- fermer xo’jaliklari paxta yetishtirishda mineral va YoMM xizmatidan ko’proq foydalanishi hosildorlikning oshishiga ijobiy hissa qo’shadi;
- organik o’g’itlar va mehnat sarfidan foydalanish paxta hosildorligini oshishiga ijobiy ta’sir ko’rsatadi;

ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ЖАЛБ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўринова Н.– СамҚХИ Асс.
Холмаматов Д.-СамИСИ Кат. ўқит.

Аннотация: *Инновацияларни яратиш ва бозорга киритиш, инновацияларни ҳаётий цикли давомида сервиснинг аҳамияти каттадир. Мақолада инновацияларга сотувдан кейинги сервисни ташкил этишнинг аҳамияти ёритилган.*

Калит сўзлар: *инновация, сервис, сотувдан олдинги сервис, сотувдан кейинги сервис, маркетинг стратегиялари, сервис марказ.*

Аннотация: *Создание и внедрение инноваций, обслуживание имеет большое значение на протяжении всего жизненного цикла инноваций. В данной статье рассматривается важность организация после продажного обслуживание в инноваций.*

Ключеввые слова:*инновация,сервис,предшествующее обслуживание, послепродажное обслуживание, маркетинговые стратегии, сервисный центр.*

Annotation:*Creation and introduction innovation, service is of great importance on length of the whole life cycle innovation. In give article is considered importance organization after sale service in innovation.*

Key words:*innovation, service, foregoing service, after sale service, marketing strategies, service centre.*

Инновацияларга кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил этиш бир қатор ўзаро боғлиқ асосий ечимларни ўз ичига олиб, улар учта кўрсаткич билан белгиланади:

– инновацияларни ишлаб чиқиш;

– хизмат кўрсатишни режалаштириш;

– инновацияларнинг бутун ҳаётийлик даврида хизматлар таклифини бошқариш тизимини ўрнатиш.

Инновацияларни ишлаб чиқишда унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни: техник хизмат кўрсатишнинг ҳисоб-китоб қийматини, модулли лойиҳалаштиришни, автодиагностика ва масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини интеграциялашни маҳсулотни келажакда қайта тиклаш имконияти ва ишончлилик ҳисоб-китоб коэффициентини максимал даражада ҳисобга олиш зарур.

Хизмат кўрсатишни режалаштириш хизматлар ҳажмини аниқлаш ва аралаш сервиснинг турли таркибий элементларини мувозанатлаштириш, хизматлар таклифини сегментлаш, асбоб-ускуналарга қараш бўйича рақобатчи фирмаларнинг хизматлари, шунингдек, барча кўрсатилаётган хизматлар сифатининг кутилаётган даражасини аниқлашни ўз ичига олади.

Хизматларнинг ҳаётийлик даври давомида бошқарув тизими уларга юкланадиган иқтисодий вазифаларга мувофиқ ўзгариб бориши лозим: бевосита ва билвосита рентабеллик, тўлов усуллари, техник хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш ёки ўрнатмаслик, хизматлар функцияларининг интеграцияси ёки дифференциацияси, корхоналар фаолиятини мотивациялаш.

Шундай қилиб, рақобатбардош сервис стратегиясини пухталик билан ифодалаш истеъмолчиларнинг янги истакларига жавоб берадиган товар характерини белгилаб берадиган учта фаолият тури ўртасидаги алоқаларнинг барчасини ҳисобга олишни тақозо этади.

Сервис хизматлари цикли товар ҳаётийлик даврининг етуклик босқичида бўлган пайтда кучая бошлайди, яъни янги товарнинг ҳаётийлик даври ва сервис хизматлари цикли эгри чизиқлари ўртасида мос келмаслик ўрингa эга бўлади. Янги товарнинг ҳаётийлик даври пасайиш босқичида бўлган пайтда хизматлар ҳаётийлик даври энди-энди тез ўсиш босқичига кираётган бўлади. Шундай қилиб, аввал корхона бевосита янги товарни сотишдан, кейин эса – унга ҳамроҳлик қилувчи хизматларни сотишдан фойда олади.

Сотувдан кейинги сервисни кафолатли ва кафолатдан кейинги турларга бўлиш расмий белги бўйича амалга оширилади: сервис рўйхатида кўзда тутилган ишлар амалга оширилади, биринчи ҳолатда «бепул» ёки кейинги ҳолатда пул эвазига. Бу ерда расмийлик шунда намоён бўладики, кафолатли даврда ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар қиймати сотув нархига ёки бошқа (кафолатдан кейинги) хизматлар нархида киритилади.

Кафолатдан кейинги сервис фақат пул тўлаш эвазига бажарилади, унинг ҳажми ва нархи эса ушбу сервис турига шартнома шартлари, прейскурантлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар билан белгиланади. Сервисдан мақсад – харидорларга харид қилинган товардан энг катта фойда олишда ёрдам кўрсатишдир. Харидорларга сервис хизматлари кўрсатишнинг аҳамияти ўсиб бораётганини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

– тобора тўйиниб бораётган товар бозорларида рақобатнинг ўсиши;

– сервис марказлари барпо этилиши ва ихтисослаштирилиши;

– харидорларнинг харид қилинган товардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлиш истагининг ўсиши;

– товардан фойдаланиш жараёнининг мураккаблашуви.

Маркетинг воситаси сифатида асосий сервис функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

1.Харидорларни жалб қилиш.

2.Янги товар сотувини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

3.Харидорларни ахборот билан таъминлаш.

Сервис бу – харидорга ўзи учун оптимал харид варианти ва янги товар истеъмолини танлаш, шунингдек, ундан оқилона келишилган муддат давомида иқтисодий наф билан фойдаланиш имконини берадиган таъминот тизимидир.

Агар сервис тамойиллари ҳақида гапирадиган бўлсак, бир қатор умум эътироф этилган меъёрлар мавжуд бўлиб, уларга амал қилиш хатоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

1. Таклифнинг мажбурийлиги. Юқори сифатли товарлар ишлаб чиқарувчи, лекин уларга ҳамроҳлик қилувчи хизматлар билан яхши таъминламайдиган компаниялар глобал миқёсда ўзларини ноқулай аҳволга солиб қўяди.

2.Фойдаланиш мажбурий эмаслиги. Фирма мижозга сервисни зўрлаб ўтказмаслиги лозим.

3. Сервиснинг мослашувчанлиги. Фирманинг сервис тадбирлари пакети жуда кенг: минимал зарурийдан тортиб максимал мақсадга мувофиққача бўлиши мумкин.

4. Сервиснинг қулайлиги. Сервис харидорни қониқтирадиган жойда, вақтда ва шаклда тақдим этилиши лозим.

5. Сервиснинг техник мослиги. Замонавий корхоналар маҳсулот тайёрлаш технологиясини мураккаблаштириб юборадиган энг янги техникалар билан тобора кўпроқ қуролланиб бормоқда.

6. Сервиснинг ахборот самараси. Фирма раҳбарияти сервис хизмати товар эксплуатацияси, мижозларнинг фикри ва баҳолари, рақобатчилар сервиси усуллари ва ҳ.к. ҳақида бериши мумкин бўлган ахборотга қулоқ солиши лозим.

7.Сервис соҳасида оқилона нарх сиёсати. Сервис қўшимча фойда манбаси бўлишидан кўра кўпроқ фирма товарларини харид қилиш учун рағбатлантириш ва харидорлар ишончини мустаҳкамлаш воситаси бўлиши лозим.

8.Ишлаб чиқаришнинг сервисга кафолатли мувофиқлиги. Истеъмолчига виждонан муносабатда бўладиган ишлаб чиқарувчи ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини сервис имкониятлари билан қатъий солиштириб боради ва ҳеч қачон мижозни «ўзингга ўзинг хизмат кўрсат» ҳолатида қолдирмайди.

Сервиснинг асосий вазифалари қаторига қуйидагилар киради:

1. Потенциал харидорларга ушбу корхона маҳсулотларини харид қилиш олдидан уларга тушуниб етган ҳолда танловни амалга ошириш имконини берадиган маслаҳатлар бериш.

2. Харидор персоналини (ёки унинг ўзини) харид қилинаётган техникадан энг самарали ва хавфсиз фойдаланишга тайёрлаш.

3. Харидорнинг мутахассисларига ўз функцияларини тегишли тарзда бажариш имконини берадиган зарур техник ҳужжатлар етказиб бериш.

4. Потенциал харидорга намойиш вақтида ишдан чиқиб қолиш борасида кичик эҳтимол ҳам қолдирмаслик учун маҳсулотни сотувдан олдинги тайёрлаш.

5.Маҳсулотни эксплуатация қилинадиган жойга етказиб бериш.

6. Маҳсулотни (техникани) эксплуатация қилинадиган жойда ишчи ҳолатга келтириш ва уни харидорга ишчи ҳолатда намойиш этиш.

7. Маҳсулотнинг истеъмолчида бўладиган муддат давомида эксплуатация қилишга тўлиқ тайёрлигини таъминлаш.

8. Эҳтиёт қисмларни тезкорлик билан етказиб бериш ва бунинг учун зарур омборлар тармоқларига эга бўлиш, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчилар билан қалин алоқада бўлиш.

9. Техниканинг истеъмолчилар томонидан қандай эксплуатация қилинаётгани ва бунда қандай таклифлар, мулоҳаза ва шикоятлар билдирилаётгани ҳақида ахборот тўплаш ва тизимлаштириш.

10. Рақботчиларнинг сервис ишларини қандай олиб бораётгани, уларнинг мижозларга қандай янгиликлар таклиф этаётгани ҳақида ахборот тўплаш ва тизимлаштириш.

11. Корхонанинг маркетинг хизматига бозорлар, харидорлар ва товарни таҳлил қилиш ва баҳолашда ёрдам кўрсатиш.

12. Бозорда доимий мижозлар шакллантириш.

Шундай қилиб, сервис машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ хизматлар тўпламини ифодалайди. Сервиснинг асосий функциялари харидорни жалб қилиш, товар сотувини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда харидорни ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Сервиснинг асосий тамойиллари қаторига таклифнинг мажбурийлиги, фойдаланиш мажбурий эмаслиги, сервис мослашувчанлиги ва қулайлиги, сервиснинг техник мослиги, сервиснинг ахборот ссмараси, оқилона нарх сиёсати ва сервиснинг ишлаб чиқаришга кафолатли мослиги киритилади.

Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш соҳасида ёрдам ҳақида илтимосга тез жавоб бериш қобилияти истеъмолчи нуқтаи-назаридан етакчи бўлган самарадорлик мезонини ифодалайди. Иккинчи мезон деталларни алмаштиришга буюртмаларни бажариш самарадорлиги ҳисобланади; бунда, табиийки, тақсимот тизимининг ҳар бир поғонасида деталларнинг катта захираси талаб этилади. Фавқулодда характерли буюртмаларни бажариш қобилияти оғир асбоб-ускуналар ишлаб чиқариладиган саноат тармоқларида ёки кучли рақобат шароитларида фаолликнинг ўсиши кузатиладиган бозорларда биринчи ўринга чиқиб олади.

Асбоб-ускуналарни таъмирлаш тезлиги ва хизмат кўрсатиш ходимларининг техник билимдонлиги учинчи ва тўртинчи ўринларда туради.

Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш соҳасидаги уни режалаштириш, амалга ошириш ва тижоратлаштиришдан иборат бўлган сиёсат кўпинча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи каби эътиборга лойиқдир. Бунинг устига, хизматларни режалаштириш кўпинча бу хизматлар улар билан боғлиқ бўлган реал маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва тайёрлаш жараёнида чуқур ўзгаришларга олиб келади. Хизматлар таклифининг катта аҳамиятга эга эканлигини тўлиқ тушуниш корхона фаолияти соҳасида янги ихтисосликлар вужудга келишига сабабчи бўлади.

Сотувдан кейинги хизмат кўрсатишнинг анъанавий шаклларини алмаштиришнинг кўплаб ва хилма-хил имкониятлари мавжуд. Корхонанинг стратегик йўналганлигига қараб, ушбу феномен саноат корхонаси унга қарши курашиши лозим бўлган жиддий бир хавф ёки ундан фойдаланиш лозим бўлган қулай имконият сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Рахимов З.О, СамИСИ, и.ф.н.

Аннотация: *Мақолада олий таълим муассасасини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиб чиқиш бу жараёнда унинг ролини кўрсатиш ва хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.*

Калит сўзлари: *Бюджет, таъминот, молиявий манба, маблаг, хўжалик шартномалари, таълим хизматлари, молиявий таъминот, тадбиркорлик, самарадорлик.*

Аннотация: *В статье описывается анализ состояния использования бюджетных средств по финансовому обеспечению высших учебных заведений, его роли и специфике в данном процессе.*

Ключевые слова: *Бюджет, обеспечения, финансовые ресурсы, активы, контракты, услуги образование, финансовое обеспечение, предпринимательство, эффективность.*

Annotation: *This article is about the analysis of financial support carried out in higher education system from budget. And to identify its role as well as importance of its features.*

Key words: *budget, supply, financial source, finance, agreements, education service, financial support, business, efficiency.*

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда олий таълим муассасаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджетдан ташқари маблағлар қанчалик муҳим аҳамият касб этаётган бўлишига қарамасдан, улар таркибининг хилма-хил эканлиги ва бу жараёнда улар ролининг турлича бўлиши мумкинлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Шу муносабат билан, дастлаб олий таълим муассасаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда иштирок этаётган бюджетдан ташқари маблағлар таркибининг хилма-хил эканлиги ва улар, асосан, қуйидаги икки гуруҳга бўлинишини кўрсатиб ўтишимиз керак [5]:

1. Тўлов-контракт маблағлари;
2. Тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар.

Ўз навбатида, тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Хўжалик шартномалари асосида келиб тушган маблағлар;
2. Қўшимча таълим хизматлари кўрсатишдан олинган маблағлар.

Олий таълим муассасаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда иштирок этадиган бюджетдан ташқари маблағларнинг таркибида асосий ўринни тўлов-контракт маблағлари эгаллаб, уларнинг салмоғи муттасил равишда ошиб бориш тенденциясига эга.

Олий таълим муассасасининг молиявий таъминотида бюджет маблағларининг салмоғи пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиб бораётган бўлишига қарамасдан, охирги йилларда унинг даражаси 33-35% атрофида эканлигини қайд этишимиз мумкин. бу ҳозирги шароитда мамлакатимизда олий таълим муассасасини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг 1/3 қисми бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаяпти, демакдир.

Кейинги йилларда олий таълим муассасаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджетдан ташқари маблағлар ролининг кучайиб бораётганлиги шароитида тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар таркибида қўшимча таълим хизматлари кўрсатишдан олинган маблағларга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Бундай шароитда маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш олий таълим муассасаси молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши, табиийдир.

Олий таълим муассасасида бюджет маблағларидан самарали фойдаланмасликнинг асосий сабабларига бугунги кунда кўп учраётган жараёнлар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Масъул ва мансабдор шахслар томонидан олий таълим муассасасида пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ҳамда ўзлаштиришларга йўл қўйилаётганлиги ва уларнинг такрорий характерга эга эканлиги;

2. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузишда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ риоя этилмаганлиги;

3. Масъул ходимлар томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги оқибатида бюджет маблағларининг ноқонуний ва кўзда тутилмаган мақсадларга сарфланишига йўл қўйилаётганлиги;

4. Олий таълим муассасасида Адлия вазирлигида 2004 йил 16 апрельда 1339-сон билан рўйххатга олинган “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига тўлиқ риоя этилмаганлиги сабабли ортиқча ва ноқонуний тўловларга йўл қўйилаётганлиги;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрельдаги 154-сонли “Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори талабларининг тўлиқ бажарилиши таъминланмаганлиги;

6. Олий таълим муассасасининг масъул ходимлари томонидан ижара тўловларини белгиланган тартибда ундирилиши юзасидан назорат талаб даражасида олиб борилмаганлиги сабабли хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармони талабларига етарли даражада риоя этилмаётганлиги;

8. Бухгалтерия ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги ва ҳ.к.

Олий таълим муассасасида бюджет маблағларидан бундай йўналишларда самарасиз фойдаланилаётганларининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат [1,2,3]:

а) Олий таълим муассасасининг масъул ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни моҳиятини етарли даражада тушуниб етмаётганлиги;

б) Олий таълим муассасаси раҳбарлари томонидан бюджет маблағларини сарфлаш устидан назоратни талаб даражасида олиб борилмаётганлиги;

в) бюджет маблағлари харажатини режалаштиришда масъул ходимлар томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаслиги;

г) бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича масъул ходимлар иштирокида доимий равишда амалий семинар ва йиғилишларнинг ўтказиб турилмаслиги ва бошқалар.

Шу муносабат билан, олий таълим муассасаси молиявий таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ✓ Олий таълим муассасасида ҳар чорак якуни бўйича топшириладиган ҳисоботларда вакант штатларига режалаштирилган маблағларни инобатга олинишига алоҳида эътибор қаратиш;
- ✓ Олий таълим муассасаси масъул ходимларининг билими ва масъулиятини ошириш мақсадида молия органлари ва назорат-тафтиш бошқармалари ходимлари иштирокида семинарлар ташкил этиб, уларда текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликларни муҳокама этишга кўпроқ эътибор бериш;
- ✓ жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномаларнинг белгиланган тартибда тузилишини ҳамда товар-моддий бойликлар ва нақд пулларни белгиланган муддатларда мунтазам равишда санокдан ўтказилиб борилишини йўлга қўйиш;
- ✓ Олий таълим муассасасининг иқтисодчи ходимлари ўртасида аниқ вазифалар ва жавобгарлик белгиланган иш тақсимотини ишлаб чиқиш ҳамда юклатилган вазифаларни ҳар бир масъул ходим томонидан бажарилишини қатъий назоратга олиш;
- ✓ Олий таълим муассасасида моддий жавобгар (кассир, омбор мудири, хўжалик ишлари мудири, таъминотчи ва б.) ва ҳисобчи (иш ҳақи ва моддий бойликлар ҳисобини юритувчи) ходимларни маълум муддатларда алмаштириб туриш ёки ротация қилиш.

Шу билан бир қаторда олий таълим муассасасида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг асосий йўлларидан бири сифатида шу муассасада бюджет маблағларининг сарфланишига бевосита ва билвосита дахлдор бўлган шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини кескин ошириш эътироф этилмоқда.

Албатта, юқоридаги ишларнинг систематик тарзда уддаланиши олий таълим муассасасини молиялаштиришда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин.

Олий таълим муассасасида фақат сарфланаётган бюджет маблағларининг юқори самарадорлигига эришиш эмас, балки бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам

самарали фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор бермоқ лозим. Чунки улар фаолиятининг асосий қисми ана шу маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда [2].

Ҳақиқатдан ҳам бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтириш ҳозирги пайтда олий таълим муассасаси молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилиши, шак-шубҳасиздир.

Олий таълим муассасаси молиявий таъминотини мустаҳкамлашда “бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтириш” деганда фақат бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми (суммаси)нинг ҳам абсолют ва ҳам нисбий кўрсаткичларда кўпайиши назарда тутилмаётганлигини қайд этиб ўтиш зарур. Бу жараёндаги “бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтириш” комплекс тушунча бўлиб, у бу маблағлар суммаси ҳажми (миқдори)нинг ортишидан ташқари яна уларни шакллантириш ва фойдаланишнинг тартиби, шарт-шароитлари, усуллари, методлари ва ҳ.к.ларни ҳам қамраб олади.

Олий таълим муассасасини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтиришнинг катта заҳиралари бу муассасалар доирасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (албатта, олий таълим жараёнларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда) ва шу асосда ишлаб топилган пул маблағларини кўпайтиришдадир.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЦЕЛЕСООБРАЗНОСТИ РЕАЛИЗАЦИИ ПРЕДЛОЖЕНИЙ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГУП МЕЖДУНАРОДНОГО АЭРОПОРТА «САМАРКАНД»

Усманова Д.К - Кандидат экономических наук**,**
Амиров.А.М - СамГУ соискатель

Аннотация: *В деятельности аэропорта с помощью методов корреляционно-регрессионного анализа возможно выявления связи между факторами и силы этой связи, а также определения размера вмешательства в процессы регулирования, контроля, оценки и управления деятельности оценочных организаций. Важнейшим этапом построения модели повышения эффективности является выбор формы связи, характеризующей зависимость результативного, прогнозируемого показателя от установленных факторов, влияющих на этой показатель.*

Ключевые слова: *Факторы, корреляция, регрессия, модель повышения эффективности, реинжиниринг бизнес-процессов, многофакторная модель, авиационная деятельность.*

Аннотация: *Аэропортлар фаолиятида корреляцион-регрессион тахлил услублар ердамида омиллар уртасилаги алокани ва хамда назорат килиш, бахолаш ва такшилотларни фаолиятини бошкаришда уларнинг таъсирини аниклаш мумкин. Самарадорликни оширадиган моделни ишлаб чикаришда энг мухим жараён натижа ва башорат курсаткичларнинг белгиланган омиллар билан богликлигини аникловчи алока шаклини танлаш хисобланади.*

Калит сузлар: *Омиллар, корреляция, регрессия, самарадорликни ошириш модели, бизнес-жараёнлар реинжиниринги, куп омилли модел, бахолаш фаолияти.*

Annotation: *In the airports activity using the methods of correlation and regression analysis to identify possible linkages between factors and forces that regard, as well as determining the amount of intervention in the regulation, monitoring, evaluation and control of valuation organizations.*

The most important stage of constructing the model is the choice of increasing the effectiveness of forms of communication that characterizes the dependence of the efficiency, the projected figure of the identified factors affecting this indicator

Key words: *Factors, correlation, regression, improve the efficiency of the model, business process reengineering, multifactor model, airport activity.*

Одной из приоритетных направления развития деятельности аэропорта «Самарканд» является повышение его экономической эффективности. Поэтому необходимо определить факторы, которые оказывает значительное влияние на результативность, рентабельность аэропорта. Среди большого количества факторов нами выявлены те, которые по мнению руководства компании оказали влияние на положительный сдвиг показателей за последние 5 лет. Управление этими факторами позволить рационально использовать производственные ресурсы аэропорта и обеспечит более высокие прибыли транспортным организациям. В целях анализа необходимо провести комплексное исследование факторов с помощью разработки моделей. В анализе эффективности деятельности были применены традиционные статистические приёмы: группировки, абсолютных и относительных величин, средних величин, Однако эти методы не дают возможность определить размер влияния факторов на эффективность организации. Эконометрические методы позволяют одновременно применять традиционные приёмы и сочетать качественно-теоретический анализ с количественно-математическим, выявлять существование взаимосвязи факторов и размер влияния этих факторов на стоимость туристского продукта.

Определение всех неизученных факторов и их целенаправленное использование для повышения эффективности является важнейшим элементом стратегического планирования и разработки смет, размеров вмешательства в определение тарифов. Экономико-математические методы анализа создают большие возможности для исследования силы связи и выявления закономерностей и эмпирического наблюдения за сложными социально-экономическими явлениями. В настоящее время создано огромное число программных продуктов, ускоряющих процесс применения этих методов и позволяющих произвести отбор наиболее значимой модели прогнозирования.

В нашем исследовании поставлена задача разработки модели повышения эффективности деятельности аэропорта на базе существующих и вовлекаемых в оборот ресурсов. В этой связи были рассмотрены научные работы ряда ученых таких, как О.Э.Башина [1], М. Иванова [2], Эндрю Ф.Сигел [3], Р.А.Шмойлова [4], И.И.Жуманов [5], М.К.Пардаева [6], которые разработали и усовершенствовали методы прогнозирования на основе корреляционно-регрессионного анализа.

В деятельности аэропортов с помощью методов корреляционно-регрессионного анализа возможно выявления связи между факторами и силы этой связи, а также определения размера вмешательства в процессы регулирования, контроля, оценки и управления деятельности аэропортов.

Важнейшим этапом построения модели является выбор формы связи, характеризующей зависимость результативного, прогнозируемого показателя от установленных факторов, влияющих на этой показатель.

Задача заключается в нахождение аналитического выражения, показывающего как величина Y - доходность организации зависит от величин x1, x2 ,. xn факторов. В нашем исследовании таковыми являются ставка за авиационную безопасность, ввод новых регулярных рейсов, ставка за обслуживание прибывших, частота полетов, количество отправленных пассажиров, число прибывших пассажиров.

Необходимо найти зависимость Y = f (x1, x2 ,....xn). Для этого следует использовать метод корреляционно-регрессионного анализа.

Таблица 1

Результаты множественного регрессионного анализа

П.н.	Название	Результат
1	Константа, постоянный член	A
2	Коэффициент множественной корреляции	R
2	Коэффициенты регрессии	b1, b2,... bk
3	Ошибки прогнозирования	Y
4	Стандартная ошибка оценки	Se или S
5	Коэффициент детерминации	R квадрат
6	F – тест	Значимый или незначимый
7	t- тесты для отдельных коэффициентов регрессии	Значимый или незначимый для каждой X-переменной
8	Стандартные ошибки коэффициентов регрессии	Sb1, Sb2, ….Sbk,
9	Число степеней свободы	n-k-1

Основным методом решения задач нахождения параметров уравнения прогнозирования является метод наименьших квадратов, разработанный К.Ф.Гауссом, заключающейся в минимизации квадратов отклонений фактически измеренных значений зависимой переменной y от её значений, вычисленных по уравнению связи с факторными признаками. В прогнозировании параметров наиболее распространенными и изученными являются следующие уравнения:

Линейное уравнение – $Y = a + b1\ x1 + b2x2 + \ldots. + bnxn$;

Параболическое уравнение - $Y = a + b\ x + cx^2$;

Гиперболическое уравнение - $Y = a + b/\ x$;

Логарифмическая - $Y = a + b1\ln x1 + b2\ln x2 + \ldots.. + bn\ln xn$;

Степенная – $Y = ax1^{b1}x2^{b2}\ldots xn^{bn}$.

При изучении зависимости доходности аэропорта и факторов используем линейную форму многофакторных связей не только как наиболее математически обоснованную, но и как форму, предусмотренную пакетами прикладных программ для ПЭВМ.

С целью выявления факторов, влияющих на эффективность деятельности, нами были отобраны 55 показателей производственно-хозяйственной деятельности аэропорта за последние 5 лет

В процессе наблюдения было выявлено 5 основных фактора, влияющих на эффективность деятельности аэропорта ставка за авиационную безопасность, ввод новых регулярных рейсов, ставка за обслуживание прибывших, частота полетов, количество отправленных пассажиров, число прибывших пассажиров.

Таблица 3.2

Факторы, влияющие на эффективность деятельности аэропорта

№	Фактор	Обозначение
1	Эффективность деятельности аэропорта	Y
2	Ставка за авиационную безопасность, у.е.	*x*1
3	Ввод новых регулярных рейсов, единиц	*x*2
4	Ставка за обслуживание прибывших, у.е.	*x*3
5	Частота полетов, единиц	*x4*
6	Количество отправленных пассажиров, человек	*x5*
7	Число прибывших пассажиров, человек	*x6*

С помощью программы Excel мы получили результаты регрессионого анализа данных об эффективности деятельности. Высокий показатель R свидетельствует о сильной положительной взаимосвязи между выявленными факторами, данные довольно плотно сгруппированы (с небольшим случайным разбросом) вокруг прямой линии, направленной вверх и вправо.

Таблица 3.3.

Результаты регрессионного анализа

Регрессионная статистика	
Множественный коэффициент регрессии R	0.879968255
Коэффициент детерминации R квадрат	0.77434413
Нормированный R квадрат	0.734522506
Стандартная ошибка оценки Se	7.175414006

Установленные факторы на 77.4 % объясняют изменчивость цены туристского продукта, а остальные 22.6% объясняются влиянием других неустановленных факторов.

Таблица 3.3.

Результаты множественной регрессии

		Коэффициенты	*Стандарт-ная ошибка*	*t-статистика*	*P-Значение*	*Нижние 95%*	*Верхние 95%*
	Y-пересечение	-37474225,01	168840	65535	0.812	-37474225,01	-37474225,01
1	Переменная X	0	0.2809	65535	0.000	0	0
2	Переменная X	593324,5284	137.8	65535	0.374	593324,5284	593324,5284
3	Переменная X	0	0	65535	0.001	0	0
4	Переменная X	36164,68024	0.3696	65535	0.233	36164,68024	36164,68024
	Переменная X	88,59101018	23167	65535	0.763	88,59101018	88,59101018

5							
	Переменная X						
6		-184,6722759	7643	65535	0.214	-184,6722759	-184,6722759

Стандартная ошибка оценки Se= 7.17 млн.сум говорит о размере расхождения фактической эффективности и прогнозируемой эффективности деятельности. Уравнение регрессии в нашем случае имеет вид:

Y=–37474225,01+593324,53x1+36164,68x2+ 88,59x3 + 184,67 x4;

Постоянные расходы аэропорта составляют **37474225,01млн.сум**, остальные расходы относятся к переменным расходам. В нашем случае к постоянным расходам относятся расходы на содержание офиса, заработная плата администрации и прочие расходы административно-управленческого характера.

Результаты F теста говорят о том, что данная модель является значимой. Коэффициент регрессии b1= 593324,53 указывает на то, что ввод 1 нового регулярного рейса увеличивает эффективность на 593324,53 млн.сум. Увеличение частоты полетов приносит дополнительные 36164,68 млн сум в год. Ежегодно аэропорт должен увеличит число прибывших пассажиров как минимум на 88 тыс.человек., каждый отправленный пассажир увеличивает доходность аэропорта на 185 тыс.сум

Наибольшее влияние на эффективность деятельности аэропорта оказывает ввод новых регулярных рейсов. Можно быть уверенным на 95% в том что ввод 1 нового рейса увеличивает доходность аэропорта по меньшей мере на 593324,53 млн.сум в год (односторонее значение из t-таблицы для n-k-1- 17 степеней свободы составляет t=1.746). Это еще раз свидетельствует о необходимости концентрации капитальных вложений в разработку новых регулярных рейсов

Таким образом, для определения влияние факторов на эффективность деятельности аэропорта нами разработана следующая многофакторная модель:

	Показатель	Вид уравнения	Модель	Вид модели
	Эффективность деятельности аэропорта	Y = a + b1 x1 + b2x2+ ….+bnxn;	**Y=–37474225,01+593324,53x1+36164,68x2+88,59x3+184,67 x4;**	Многофакторная линейная модель

Применение этой модели обеспечит научную обоснованность повышения экономической эффективности деятельности аэропорта. Уменьшение постоянных расходов аэропорта являются важным резервом повышения экономической эффективности аэропорта.

ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Юсупов А.С, ТДИУ

Мазкур мақолада ташқи савдони тартибга солишнинг молиявий-иқтисодий дастаклари, уларнинг турлари ҳамда амал қилиш механизмлари назарий ва илмий жиҳатдан асосланган.

Калитли сўзлар: *ташқи иқтисодий сиёсат, ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо сиёсати, ташқи савдони тартибга солишнинг молиявий-иқтисодий дастаклари.*

In this article theoretically and scientifically based the financial instruments of foreign trade regulation, their types and mechanisms.

Keywords: *foreign economic and trade policy, foreign economic activity, financial instruments of foreign trade regulation.*

В статье теоретически и научно обоснованы финансовые инструменты регулирования внешней торговли, их виды и механизмы.

Ключевые слова:*Внешнеэкономическая и торговая политика, внешнеэкономическая деятельность, финансовые инструменты регулирования внешней торговли.*

Маълумки, ташқи иқтисодий сиёсат – чет мамлакатлар билан иқтисодий, фан-техника, ишлаб чиқариш сингари серқирра алоқаларни ривожлантириш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик вазифаларини амалга ошириш мақсадида мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ҳукумат тадбирларининг йиғиндисидир.

Ташқи иқтисодий сиёсат: ташқи савдо, хорижий инвестициялар, валюта-кредит муносабатлари, технологик алмашинув ва ишчи кучи миграциясини тартибга солувчи механизм саналади. Ташқи иқтисодий фаолият, айнан, ташқи иқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади.

Собиқ иттифоқ даврида ташқи иқтисодий сиёсат монополияга асосланган давлат маъмурий бошқарув усуллари орқали амалга оширилар эди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятга таъсири кўпроқ маъмурий воситалар орқали эмас, балки кўпроқ иқтисодий усуллар орқали юритилади.

Америкалик иқтисодчи олим М.Портер[31]нинг таъкидлашича, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги устунлиги – юқори сифатли ва доимо ўсиб борувчи ишлаб чиқариш даражасига эришиш билан белгиланади. Бунинг учун давлат ташқи бозорда фирмаларнинг рақобатга чидамлилигини оширишга олиб келадиган ички рақобат муҳитини яратишда асосий ташаббускор бўлиши лозимлиги қайд этилади. М.Портер назарияси жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари, хусусан АҚШ ва Австралияда товарларнинг рақобатга чидамлилигини давлат аҳамияти даражасига кўтариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг объектив зарурлиги иқтисодий назарияда тан олинган ва саноати ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам тасдиқланган. ТИФнинг давлат томонидан тартибга солиниши бутун жаҳонда кенг қўлланилган. Бозор хўжалиги шароитида у миллий иқтисодиёт манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ТИФни амалга ошириш чора-тадбирларининг такомиллаштирилишини рағбатлантирувчи давлат сиёсати саналади.

Тартибга солишдан мақсад – мамлакат ташқи иқтисодий комплексини халқаро меҳнат тақсимотининг ўзгарувчан шароитларига мослаштиришдан иборатдир.

Замонавий ташқи иқтисодий сиёсат ташқи савдони назорат қилувчи ва рағбатлантирувчи бир қатор воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун ҳар бир мамлакатда ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солувчи махсус давлат тизими яратилади ва амал қилади.

[31]1. Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993. 2. Портер М. Конку-рентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Майкл Портер; Пер. С англ. – 3-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиниши миллий иқтисодиёт бошқа соҳаларини тартибга солишга қараганда ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай ўзига хослик шу билан изоҳланадики, ТИФни тартибга солувчи миллий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқишда халқаро миқёсда умумэътироф этилган тартиб-қоида ва меъёрлар ҳисобга олинади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўз ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш жараёнида бошқа мамлакатлар манфаатларига путур етказмаслиги ва халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоидалар чегарасидан чиқмаслиги талаб этилади. Демак, ташқи савдони тартибга солиш:

бир томондан, милий экспортни кенгайтириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутса,

иккинчи томондан, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва умумэътироф этилган тартиб-қоидаларга ҳам сўзсиз амал қилишни заруратга айлантиради.

Давлатнинг тартибга солиш омиллари ўз хусусиятига кўра иккига бўлинади: Тариф ва нотариф.

Нотариф усуллар миқдорий ва яширин протекционизм усулларига бўлинади. Савдо сиёсатининг алоҳида омиллари кўпроқ импортни чеклашда, ёхуд экспортни кўпайтиришда ишлатилади. Савдо сиёсати омилларнинг туркумланиши қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.Савдо сиёсати омилларнинг туркумланиши

Усуллар		**Савдо сиёсати омиллари**	**Имтиёзли тартибга солиш**
Тариф		Божхона божлари Божхона квоталари	Импорт Импорт
Нотариф	Миқдорий	Квоталаш Лицензиялаш Ихтиёрий чеклашлар	Импорт Экспорт\импорт Экспорт
	Яширин	Довлат харидлари Маҳаллий компонентлари Таъминлашни талаб қилиш Техник тўсиқлар Солиқ ва йиғимлар	Импорт Импорт Импорт Импорт
	Молиявий	Субсидиялар Кредитлаш Демпинг	Экспорт Экспорт Экспорт

Манба: Информационный бюллетень МВЭС РУз., 2001 г., 38 с.

Халқаро савдо доирасидаги давлатнинг асосий вазифаси – экспортчиларга ўз маҳсулотларини олиб чиқишга ёрдам беришдир.

Жаҳонинг турли давлатлари ўз савдо сиёсатларини амалга ошириш учун ҳар хил омилларни қўллайдилар. Агар давлат божхона ҳимоясининг уртача даражаси деярли аниқ миқдорий баҳолашга тўғри келса, у ҳолда нотариф усуллардан фойдаланиш уларнинг жуда хилма-хиллиги ва турли иқтисодий таъминлаши ҳисобига тахминан баҳоланиши мумкин. Тарифнинг ўртача даражаси бож солиниб импорт қилинадиган товарларга ҳисобланади. Нотариф чеклашларнинг ўртача даражаси одатда импорт ёки экспортнинг қиймат улуши сифатида ҳисобланади.

Давлатнинг савдо сиёсати протекционистик, муътадил ёки очиқ (эркин савдо) бўлади (2-жадвал).

Албатта бу тушунчалар нисбатан олинган. Бироқ уларнинг барчаси икки шошилинч ҳолатда ҳам битта ўққа жойлашади. Ҳақиқий амалиётда шошилинч ҳолатлар учрамайди, лекин алоҳида давлатлар ривожланишининг турли даврида ўз савдо сиёсатига (жуда яқин ёндашганлар) ёки ташқи дунё билан савдони тухтатишга (Албания), ёки савдо режимини тўлиқ эркинлаштиришга (Исландия) интилиш бўлган.

2-жадвал. Ташқи савдо сиёсати режимлари

Ўртача ўлчанган тариф (%)да		**таъқиқланган**	**чекланган**		**муътадил**		**очиқ**		**эркин**
		40-100	25		10-15		10		0
Миқдорий чеклашлар	Савдони коплаш улуши (%) да	40	5	10	0-25	0-10	0-10	0-25	0
	Тезлик даражаси	юқори	ихтиёрий	юқори	юқори	ўрта	паст	ўрта	0

Манба: Информационный бюллетень МВЭС РУз., 2001г., 39 с.

Давлат савдо режимининг хусусияти, яъни унинг қаттиқлик даражаси одатдакўрсаткич сифатида аниқланади. У божхона тарифи ўртача даражаси билан бирга миқдорий чеклашларнинг ўртача даражаси ва тезлигини ҳам ҳисобга олади.

Масалан, давлатнинг савдо режими импорт божларини олиб ташлади, аммо импортнинг асосий товарларига миқдорий квоталарни киритди. Ёки бунинг акси:квоталарни олиб ташлади, лекин импорт тарифни тақиқланган даражасигача кўтарди. Импортга бож солишнинг ўртача даражаси 10%, миқдорий чеклашлар импортнинг 25%ини қопловчи ва паст тезликдаги хусусиятга эга давлатларга савдо режими нисбатан очиқ бўлиши мумкин. У ёки бу омиллардан савдо сиёсатида фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилишда давлат одатда уларнинг савдо сиёсати ва савдо ҳамкорларига таъсирини баҳолайди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, ҳар қандай иқдисодий тоифа сингари, ҳуқуқий меъёрларга эга бўлиб, улар юридик жиҳатдан турлича қонунлар ва директив ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Ташқи савдони давлат томнидан тартибга солиш билан боғлиқ миллий усуллардан ташқари уни халқаро тартибга солиш амалиёти ҳам мавжуд бўлиб, бу жараён халқаро ихтисослаштирилган ташкилотлар (масалан, ЮНКТАД, ГАТТ/ЖСТ ва бошқалар) томонидан амалга оширилади.

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ ИНВИСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ ЙЎЛЛАРИ

З.Д.Ниёзов доц.**, Ж.Қ.Мирзакобилов,** Сам ИСИ

Аннотация: *Мақолада кичик бизнес корхоналарини миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни ва уни ривожлантириш учун инвистицион кредитлашнинг ахамияти тўғрисида баён этилган.*

Калит сўзлар*: экспорт, молия, тенденция, ресурс, микрокредит, капитал, тадбиркорлик, саноат, инвестиция.*

Annotation: *In this article, we are talking about "Priority ways of development of small business and private entrepreneurship in the national economy and the importance of investment lending".*

Key words: *export, finance, trends, resources, credit, capital, business, industry, investment.*

Аннотация: *В этой статье, речь идёт о "Приоритетных путях развития малого бизнеса и частного предпринимательства в национальной экономике и значении инвестиционного кредитования".*

Ключевые слова: *экспорт, финансы, тенденции, ресурсы, кредит, капитал, бизнес, промышленность, инвестиции.*

Ҳар қандай жамият тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Айниқса ўтиш даврида бозор ислоҳотлари турлича намоён бўлаётган мамлакатлар, хусусан, МДҲ давлатларида бу тенденция яққол кўзга ташланмоқда. Бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий ҳаётда қатор функсияларни бажаради. Жаҳон амалиётида кичик бизнес ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқламоқда. Шу боисдан, республикамиз ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини шакллантириш, айниқса, аҳолининг кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатламининг тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлишига имкон яратиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини юксалтириб, фаровонлигини ошириб боришга катта эътибор берилмоқда.

Кейинги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг ўзгаришларига тез мослашувчан соҳа сифатида ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия ва вақт харажатларининг камайганлиги, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони жадал ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий тенденциялар юз бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субьектлари кам харажат эвазига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай

ташкилий шакл эканлиги уларни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизими субъектлари "Банклар - тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!" шиори остида фаолият кўрсатган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштириш ва янада соддалаштирилди. Бунда, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошлангич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитлаштириш механизмларини кайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йилда оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошлангич капиталга кредит ажратиш билан асосан Микрокредитбанк шуғулланган бўлса, 2011 йилда барча тижорат банклари томонидан ушбу йўналишга микрокредитлар ажратишни кенгайтиришга алохида зътибор қаратилади. Мазкур Дастурга асосан, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиётини кенг жорий қилинмокда.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш мақсадида, кам микдордаги кредитлар учун таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг кафиллигини қабул қилиш амалиёти кенг қўлланилмокда.

Ушбу амалиёт ўзининг ижобий самарасини бериб, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларида алоҳида аҳамият касб этмокда.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чукурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражагларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинмокда.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлди: 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана

савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди.[32]Ана шу йуналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички махсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2016 йилда 56,9 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошгани бежиз эмас. Иш билан банд жами оҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармокда меҳнат қилаётгани, ўз бешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани аввало мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи хисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи уларни молиявий ресурслар ва молиявий қўллаб қувватлашга боғлиқ экан, авволо бу жараёнларни такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунда тижорат банклари тамонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион кредитлашнинг ўз ўрни ва амалга ошириш механизми мавжуд.

Тахлил ва хулосалардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, банк тизимида инвестицион кредитлашнинг умумий қабул қилинган механизми мавжуд эмас. Ҳар бир кредит ташкилоти ўзининг фаолият қилиш механизмини ўзи яратади. Инвестицион кредитлаш бу тижорат банкларининг преспектив йўналиши бўлиб, унинг асосий вазифаси ишлаб чиқаришни бошлаш ва ривожлантириш учун молиявий ресурсларни ажратишдан иборат.

Кичик бизнес корхоналарини инвестицион кредитлаш механизмини тахлил қилиш, ушбу механизмнинг камчиликларини бартараф этиш ва доимий равишда қуйдагиларни амалга ошириш лозим:

- кредитлаштириш жараёнларини оптималлаштириш, ундан кредитни тақдим қилиш бўйича қарор қабул қилиш учун етарли аҳамиятга эга бўлмаган хужжатлаштиришларни чиқариб ташлаш;
- кредитлаш хужжатларини кўриб чиқиш жараёнларини қисқартириш;
- ликвидли гаровлар билан таъминлаш орқали кредит портфелининг сифатини ошириш;
- кредит шартномаси бўйича маъсулиятни ошириш;
- инвестицион лойихаларни молиялаштиришда улушли қатнашишдан доимий фойда олишни таъминлаш мақсадида инвестицион лойихаларга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ва мулохазалар кичик бизнес крхрналирини инвестициялаш жараёнида эътиборга олинса ва бу жараёнда камчилилик ва нуқсонлар бартараф этилса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари ривожланиб, махсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш хажмлари кўпаяди ҳамда улар ушбу фаолиятдан олинадиган даромадлари ошиб, мамлакат ривожи ва ахоли турмуш даражасининг юксалишига катта хисса қўшилади.

[32]2017 йил 14 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидан

ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

З.Д.Ниёзов – СамИСИ и.ф.н.
Р.И.Азимова - СамИСИ ас**с.**

Банк хизматларининг бошқа хизматлардан ажралиб турадиган ўзига хос фарқлари мавжудми, агар мавжуд бўлса улар нималарда ўз аксини топади? Бу мақолада айнан мана шу жиҳатларни акс эттирмоқчимиз.

Имеет ли смысл особое выделение банковских услуг, ведь во всех остальных отраслях также разрабатываются товары (услуги), устанавливаются цены и применяются аналогичные инструменты рыночной политики. Существуют ли специфические отличия банковских услуг от услуг в других отраслях, и если да, то в чем они заключаются?

Does it make sense to specialize banking services, because in all other industries, goods (services) are also developed, prices are set and similar market policy instruments are applied. Are there specific differences in banking services from services in other sectors, and if so, what are they?

Таянч сўз ва иборалар: *хизматлар бозори, тижорат банклари, хизмат тушунчаси, банк хизматлари, банк хизматларининг ўзига хос хусусиятлари.*

Основные слова и фразы: *понятие рынка, коммерческие банки, услуги, особенность банковских услуг, банковские услуги.*

Keywords and word-combinations: *concept of the market, commercial banks, services, feature of banking services, banking services.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқни тадбиркор қилиш керак - банк орқали” деган фикрларидан келиб чиқиб банк хизматларини янада такомилаштириш ва ривожлантириш ўта долзарб бўли қолади. Бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳаси мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, у турли фанларнинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланмоқда. Замонавий иқтисодиётда хизматлар моҳиятининг ошиши, хизматларнинг янги турларининг ва соҳаларининг пайдо бўлиши хизматлар соҳасидаги тадқиқотларни янада долзарброқ этади.

Хизматлар соҳасининг кенгайиши бугунги кунда асосий янгиликлардан бирига айланмоқда. Хизматлар соҳаси институтлари жуда хилма-хил бўлиб, хизматлар соҳасига давлат сектори ва катта қисмдаги секторлар киради, яъни банклар, меҳмонхоналар, суғурта компаниялари, юридик ва консалтинг фирмалар, кучмас мулк агентликлари, умумий овқатлантириш корхоналари, лизинг компаниялари, мулкни баҳолаш бўйича хизматлар, аудиторлик хизматлари,нотариал хизматлари ва ҳ.к.лар киради.

Хизматлар бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган яна бир соҳа банк соҳаси ҳақида фикр юритмоқчимиз. Хуш, хизматлар бозорида банк хизматларига алоҳида эътибор қаратиш муҳимми? Банк хизматларининг бошқа хизматлардан ажралиб турадиган ўзига хос фарқлари мавжудми, агар мавжуд бўлса улар нималарда ўз аксини топади? Бу мақолада айнан мана шу жиҳатларни акс эттирмоқчимиз.

Замонавий тижорат банклари – булар аҳолига, корхона ва ташкилотларга бевосита хизмат кўрсатувчилардир. Тижорат банклари банк тизимининг асосий звеноси бўлиб ҳисобланади. Уларнинг мижозлар билан муносабатлари тижорат характерига эга.

Банк қонунчилигига мувофиқ банк бу – кредит ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан воситаларни қайтариб бериш шарти билан жалб қиладиган ва жалб қилинган воситаларни таваккалчилик асосида жойлаштириш ва мижозлар талабига кўра ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга юридик ташкилотдир.

Банк хизматларининг ўзига хослиги унинг маҳсулотидадир. Бизга маълумки, иқтисодий адабиётларда хизматлар дейилганда – бир томоннинг иккинчи томонга тақдим этадиган чора-тадбирлари ёки фойдаси тушунилади. Бунда иккинчи томон бирор нарсани кўрмайди ҳам, эгалик ҳам қилмайди.

Банк хизматларида – банк маҳсулотлари муҳимдир. «Банк маҳсулотлари» деганда банк томонидан амалга оширилган хизмат ёки операцияларни тушуниш мумкин.

Банк хизматларининг ўзига хос бўлган **хусусияти**қуйидагилардир:

- ✓ ***абстарктлилик (ўшлаб кўриб бўлмайди);***
- ✓ ***хизматни хизмат кўрсатувчи манбадан ажратиб бўлмаслик;***
- ✓ ***хизмат сифатининг доимий эмаслиги;***
- ✓ ***банк хизматларининг сақланмаслиги;***
- ✓ ***банк хизматларининг шартномали характери;***
- ✓ ***банк хизматларининг пул билан боғлиқлиги;***

Хизматларнинг абстарклилиги (ўшлаб кўриб бўлмаслиги). Моддий товардан фарқли ўлароқ банк маҳсулотларини татиб, сезиб, эшитиб ёки ҳидини билиб бўлмайди. Шунинг учун мижозлар банк хизматларини банк офисини жойлашган ўрнига, интеръерга, жиҳозланганлигига, хизмат кўрсатаётган сотувчига, тақдим этилаётган маълумотларга ва ҳ.к.га қараб танлашадилар. Шундай экан хизмат кўрсатаётган сотувчининг асосий вазифаси «идрок (сезиш) этишни бошқариш».

Хизматни хизмат кўрсатувчи манбадан ажратиб бўлмаслиги деганда,товарнинг моддий кўринишидаги турларини унинг манбаси борлиги ёки йўқлигидан қатъий назар мавжуд бўлаверади, банк хизматларида эса хизмат хизмат кўрсатувчидан алоҳида мавжуд бўла олмайди. Хизматларнинг манбаси ҳам техника, ҳам инсон бўлиши мумкин. Банк хизматлар йиллар давомида малакаси мавжуд бўлган банк ходимлари томонидан кўрсатилар эди. Охирги вақтларда замонавий банк тизимининг техник таъминоти даражасининг ўсишига кўра, банк хизматлари манбаси бўлиб, машиналар, механидлар, компьютер ва улар орқали хизматлар амалга ошириладиган дастурлари ҳисобланмоқда, мижозларда банкка вазифаларни электрон каналлар орқали (банкоматлар, модем алоқалар) бериш имконияти тўғилди. Бунда шуни таъкидлаш зарурки, персонал контакт кўпгина банк хизматларини олиш учун зарурият сифатида қолмоқда, чунки автоматлаштириш стандарт, оддий хизматларни қамраб олган.

Хизмат сифатининг доимий эмаслиги. Кўпгина банклар мижозларга бир хил хизматларни тақдим этсаларда, банк хизматларининг айнан бир хиллигига эришиб бўлган йўқ. Бу аввалом бор автоматлаштирилган хизматларга хосдир. Бундай хизматларда мижоз бевосита банк ходими билан мулоқот қилади, бунда банк ходимлари ишга турлича ёндашишлари мумкин, бундан ташқари бир ходимнинг ўзи шу бир хил хизматда ҳам унинг соғлигидан, кайфиятидан вазиятдан келиб чиққан ҳолда турли даражани кўрсатиши мумкин.

Банк хизматларининг сақланмаслиги. Банк хизматларини сақлаб бўлмайди (аммо банк хизматларининг асосий қисми бажариладиган пул ва моддий активлар ҳақида бундай деб бўлмайди). Бу характеристика банк хизматларига нисбатан талабнинг доимий эмаслигини инобатга олсак, аҳамиятли бўлади. Уларга нисбатан талаб ҳажми доим ўзгаради.

Банк хизматларининг шартномали характерга эга эканлиги. Банк хизматларининг аксариятида хизматни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида ҳуқуқий шартнома тузишни талаб этади.

Банк хизматларининг пул билан боғлиқлиги. Асосий банк хизматларини кўрсатиш пуллардан турли шакл ва сифатлардан фойдаланишни тақозо этади (ташкилотлар пуллари, тижорат банклари пуллар, маркзий банк пуллар ва ҳ.к.). пул билан боғлиқ ҳар қандай нарсага инсонлар алоҳида эътибор билан қарашадилар. Бу ўз навбатида банк фаолиятини мижозлар ишончига қарам қилиб қуяди ва бу ишончни мустаҳкамлашга қаратилган ишларни кўчайтиришни талаб этади.

Бундан ташқари банк хизматларининг вақт билан чегераланганлиги ва банк хизматлари билан эҳтиёжларнинг қондирилишининг иккинчи даражалилиги каби хусусиятлари ҳам мавжуд. Биз банк хизматларининг энг асосий хусусиятларига тўхталиб ўтдик.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ШАРОИТДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мусаев Ҳ .Н - СамИСИ и.ф.д.
Сайид-Ахмедов Т. Н, - СамИСИ, талаба

Аннотация: *мақолада компьютерлаштирилган шароитда аудит ўтказишнинг хусусиятлари ифодаланган. Замонавий ахборот технологиялари шароитида аудиторлик хизматлари кўрсатишнинг илмий-методологик асослари ёритилган.*

Калит сўзлар: *аудит, аудиторлик текширувлари, аудиторлик хизматлари, компьютер, компьютерлаштирилган ахборот технологиялари, компьютерлаштирлиган шароитда аудит ўтказиш хухусиятлари.*

Аннотация: *в статье изложены особенности проведения аудиторских проверок и операция аудиторских услуг. Обоснованно методики проведения аудита в условия информационных технологии.*

Ключевые слова: *аудит, аудиторских проверки, аудиторские услуги, компьютер, компьютерная технология, особенности проведения аудита в условиях информационной технологии.*

Annotation:*in the article the features of audit checks on computerized conditions were represented . The scientific and methodological bases of audit services on conditions of modern information technologywere covered.*

Key words: *audit, audit checks, audit services, computer, computerizing information technology, the features of audit checks on computerized condition.*

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли даромадларини ва уларнинг турмуш даражасини оширишга эришиш ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг фаровон ва қулай

шароитда ҳаёт кечиришлари учун хизматлар кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7-февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган[33]

Миллий иқтисодиётни янги босқичга кўтариш корхоналар хўжалик жараёнлари ва бошқарув тизимини замонавий ахборот технологиялари асосида юритишни тақозо қилади. Республикамизда бугунги кунда электрон ҳукумат, электрон имзо каби масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган[34]. Компьютер воситалари бошқа кўпгина соҳалардаги каби бухгалтерия ҳисоби хизмати ва аудиторлик текширувларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Маълумотларни электрон воситалар орқали шакллантириш ва уларга ишлов бериш бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик текширувларининг сифатини оширишга ҳизмат қилади. Мижоз корхона ушбу жараёнда компьютерлардан мустақил равишда фойдаланиши ёки учинчи шахс билан шартнома тузиб ушбу вазифани уларнинг зиммасига юклатиши мумкин. Компьютерлар корхона молия-хўжалик фаолиятининг барча жараёнларини ёки алоҳида жараёнларини ҳисобга олишда фойдаланилиши мумкин. Маълумотларни электрон технологиялари асосида қайта ишлаш шароитида ҳам аудиторлик текширувларининг асосий мақсади ва услубияти ўзгармайди, яъни корхонада бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг амалдаги қонун-қоидаларга мос юритилишини текширишдан иборат. Корхоналар хўжалик фаолиятини текшириш жараёнида бошланғич ҳужжатлар билан бир қаторда маълумотларни электрон сақловчи ва ташувчи воситалар, шу жумладан, компьютер хотирасиги маълумотлар ҳам текширилади.

Аудитор иқтисодий ахборотларнинг автоматлаштирилган тизимидан самарали фойдаланиши учун хўжалик юритувчи субьект фаолияти, унинг кўрсаткичлари, ҳисобга олиниш қоидаларини мукаммал билиши керак.[35] Пировард натижасида текширувларга вақт тежалади, ўтказилаётган назоратнинг сифати ошади. Корхона фаолиятини электрон тизимда аудит қилишда аудиторлар махсус билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак. Аудитор компьютерларнинг тури, дастурий ва математик таъминоти ва маълумотларни электрон қайта ишлаш тизими бўйича амалий тажрибага эга бўлиши керак. Агар, аудиторнинг билими ушбу соҳада етарли бўлмаса, текширув жараёнига соҳа мутахассислари жалб қилиниши лозим. Маълумотларни электрон технологиялар шароитида аудиторлик текшируви бўйича жавобгарлик бошқа шахс зиммасига юклатилмайди. Шу сабабли, аудитор

[33] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони "Халқ сўзи" 28(6722) 8.02.2017

[34] Ўзбекистон Республикаси "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун 18.11.2015 . Ўзбекистон Республикаси "Электрон имзо тўғрисида"ги Қонун 11.12.2003

[35] Аудиторлик фаолияти 11-сонли миллий стандарти "Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ)нинг аудити" 09.09.1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

аудит текширувига мутахассис, мисол учун, ахборот технологияси соҳасидаги экспертни жалб қилса, ушбу мутахассис ишини биргаликда режалаштириши, мувофиқлаштириши ва назорат қилиб бориши керак. Экспертнинг асосий вазифаси — аудиторлик текшируви жараёнида аудиторга яқиндан кўмаклашишдан иборат. Мисол учун, компьютер орқали маълумотларни олиш ёки киритиш, ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш учун дастурларнинг алгоритмини тузиш, уларнинг мантиқий тўғрилигини текширишда ёрдам беради.

Компьютер технологияларидан бухгалтерия ҳисоби жараёнларида кенг фойдаланиш орқали содир этилаётган кўплаб операцияларни қисқа вақт ичида қайта ишлаш, молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларни назорат қилиш имконияти кенгаяди. Компьютер технологияларидан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ва аудитлик текширувлари жараёнида фойдаланиш мижоз молиявий ҳисоботларини қисқа вақт ичида, самарали ва ишончли тарзда текшириш имкониятини беради. Шу билан биргаликда компьютер технологияларини аудит амалиётида кенг қўллаш аудиторлар олдига янгича талабларни ҳам қўйди. Эндиликда, аудиторлар мижоз бухгалтерия ҳисоби хизмати бўлимида компьютер воситалари ва дастурларининг тўғри тузилганлиги, ҳужжатларга ишлов бериш технологиясини мукаммал билишлари керак. Улар компьютер воситалари ва дастурларидан самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

Электрон технологиялари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш шароитида аудиторлар қуйидагиларга эътибор беришлари керак:

-бухгалтерия ҳисоби маълумотларини компьютерга киритиш дастурларига;

-маълумотларни электрон технологиялари асосида юритишда қўлланиладиган техник воситаларнинг турларига;

-бухгалтерия ҳисоби маълумотларига компьютерлар орқали ишлов бериш ва узатиш тартиби (магнитли ташувчилар воситаларига);

-электрон дастурлар таъминоти (қачон ишлаб чиқилган ва фойдаланилган, ушбу дастурларнинг амалдаги қонун-қоида талабларига мос келиши);

-корхонада маълумотларни электрон қайта ишлаш тизимининг ташкилий шаклларига (мижоз томонидан ёки шартнома асосида бошқа юридик шахс орқали);

-маълумотларни электрон қайта ишлаш тизимида фаолият юритувчи ходимларнинг малакасига;

-маълумотларни архивлаш ва сақлашга.

Маълумотларни электрон технологиялари асосида ишлов бериш шароитида аудиторлик текширувини ўтказиш учун алоҳида режа ва дастур тузилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида қуйидаги масалаларнинг ечимига боғлиқ:

-корхонада компьютер тизимини текшириш учун алоҳида мустақил экспертни жалб қилиш;

-электрон тизимида аудит ўтказиш учун махсус усулларни белгилаш;

-аудиторлик объектини аниқлаб, унинг кетма-кетлигини ишлаб чиқиш.

Маълумотлар электрон технологиялари асосида текширилса, аудиторлик риски даражаси нисбатан пасаяди. Чунки барча керакли маълумотлар компьютер хотирасида мужассамлашган бўлади. Компьютерлаштирилган шароитда аудит ўтказишга қаратилган дастурнинг ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши натижасида компьютер воситаси автоматик равишда корхона фаолиятидаги маълумотларнинг амалдаги қонун-тартиблардаги четланишларини аниқлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, турли фаолият билан шуғулланаётган корхоналарда барча жараёнларнинг бухгалтерия ҳисоби компьютерларда амалда оширилади. Шу боис хўжалик юритувчи субектларда аудит ўтказиш тартиби ҳам компьютер технологияларига асосланиши керак. Бу ўз навбатида аудитнинг компьютерлаштирилган услубиятини ишлаб чиқиш ва қўллашни тақозо қилади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА СКОРИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА КРЕДИТ БЕРИШНИ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хайдаров З.Ш - СамИСИ и.ф.н.
Бегалиев З.С.

Аннотация. *Мақолада тижорат банкларида кредит операцияларини амалга оширишнинг замонавий ҳолати ва уни такомиллаштиришда скоринг усулларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, кредитлаштириш жараёнида скоринг тизимининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ҳамда уларнинг турларига тавсифлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Тижорат банки, кредит, скоринг, скоринг турлари, кредит скоринг, истеъмол кредити, кредит олиш қобилияти, таҳлил, тўловлар.*

Аннотация. *В статье изучены современное состояние проведения кредитных операций и возможности использования методов скоринга, их совершенствование в коммерческих банках Республики Узбекистан. В том числе рассмотрены специфические особенности скоринговой системы в процессе кредитования, а также даны характеристики их видам.*

Ключевые слова. *Коммерческий банк, кредит, скоринг, типы соринга, потребительский кредит, риск кредита, кредит скоринг, анализ, платежи, кредитоспособность получения кредита.*

Annotation. *The article highlights the modern state of conducting credit operations and possibilities of scoricy methods applying in commercial hanks activities improving in Republic of Uzbekistan. Specilic features of scoricy system in crediting procces were touched upon as well and their types charactoristics were given.*

Key words: *commercial banks, credit, scoring, type of scoring, credit scoring, consumer credit, analysis, payments, possibility to get a credit.*

Республикамиз тижорат банкларининг кредит стратегияси ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошидан кечирмоқда. Бу босқич макроиқтисодий вазиятдаги жиддий ўзгаришлар, умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишда банк потенциали ва таъсирининг ўсиши билан боғлиқдир. Мамлакатимизда тижорат банкларининг кредит бериш механизмини қайта қуриш банк стратегиясини муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кредитлаш механизмини янада такомиллаштиришда замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан, скоринг усулларидан тўлақонли фойдаланишни тақозо этмоқда. Кредитлаш механизмини скоринг усулларини жорий этиш асосида такомиллаштиришини долзарблиги қуйидагилар билан асосланиши мумкин:

- сўнгги йилларда “Ипотека тўғрисида”, “Истеъмол кредити тўғрисида” ҳамда “Микромолиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилинганидан сўнг аҳолининг истеъмол кредитига бўлган талабининг тез ўсиши;
- тижорат банклари кредит сиёсатининг демократлашуви ва банк кредит портфеллари ҳажмининг ошиши ҳамда уни бошқаришдаги муоммолари;
- банкни потенциал қарз олувчилар маълумотлари базасининг шаклланаётганлиги ва истеъмол, ипотека кредити бозорига талабни юқорилиги;
- банк мижознинг тўлов қобилиятини таҳлил қилишда мавжуд қийинчиликларни бартараф этишининг зарурлиги;

Тижорат банкида кредит бериш жараёнида энг катта муоммо – бу қарз олувчи томонидан сўралаётган суммани кредит шартномаси шартлари асосида қайтара олиш қобилияти ва унга тайёрлигини аниқлаш, ушбу субъектни кредитлаш билан боғлиқ рискларини баҳолаш ва мижозга берилиши мумкин бўлган кредит миқдори ва унинг шартларини тўғри аниқлаш ҳисобланади. Бугунги кунда, ушбу муоммоларни хорижий мамлакатлар кредитлаш тизимида скоринг усуллари асосида ҳал этмоқда.

Скоринг (инглиз тилидан олинган бўлиб – scoring) “балларни ҳисоблаш” ва қарор қабул қилишда балларни баҳолаш деган маънони англатади.

Кредит амалиётида банклар учун скоринг – бу рискларни баҳолаш усули ва шу асосда мижознинг кредитни қайтариш истиқболини статистик усул орқали баҳолаш деб тушунилади. Скоринг банклар томонидан кредит бўйича қарор қабул қилишнинг автоматлаштириш жараёни кредит қарорларини қабул қилиш ҳамда кредитлашдаги бизнес жараёнларни автоматлаштириш асосида ҳисобни юритишдир.

Кредит скоринги – мижозни кредит олиш қобилиятини баҳолаш тизими, қарз олиш учун ариза берган шахсларни кредит рискларини тез ва объектив баҳолашнинг статистик усулидир. Скорингда мижоз билан кредит муносабатларининг барча босқичларида ишлашни тақоза этади. Скоринг асосида кредит беришда қарздорни ижтимоий-демографик тавсифлари ва ахборотларнинг математик таҳлили, ҳамда қарздорни кредит буйича ўз-ўзини ўқитиш ҳисобланади.

Скоринг – мавжуд бўлган статистик тизимлар асосида кредит беришни XX асрнинг 40-йилларида биринчи маротаба америкалик иқтисодчи олим Дэвид Дюран таклиф қилган. У кредитларни “яхши” ва “ёмон” гуруҳларга маълум бир баллар асосида ажратишга ҳаракат қилган. Дюраннинг кредит скоринги тизимлари, кредит олувчининг лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги факт ва қоидаларга асосланган ва маълум бир баллар бериш ёрдамида ҳисоблаган:

1. Жинси: аёл (0.40 балл), эркак (0 балл);
2. Ёши: 20 ёшдан йуқори ҳар бир ёш учун 0.1 балл берилган, лекин 0.30 балдан ошмаслик лозим;
3. Ҳозирги вақтда турган манзилда яшаш муддати: ҳар бир йил учун 0.042 балл берилган, лекин 0.42 балдан ошмаслик лозим;

4. Касби:Риск даражаси паст бўлган касб учун 0.55 балл, риск даражаси йўқори бўлган касб учун 0 балл ва бошқа касблар учун 0.16 балл берилган;

5. Молиявий кўрсатгичлари:Банк ҳисобварағида пул маблағи мавжудлигига 0.45 балл, кучмас мулкка эга бўлса 0.35 балл ва суғурта полиси бор бўлса 0.19 балл берилган;

6. Иш жойи: Умумий турдаги корхоналар бўлса 0.21 балл, бошқа турдаги корхоналар учун 0 балл берилган;

7. Бандлиги: Йўқоридаги тур корхоналарда ишлаган ҳар бир йил учун 0.059 балл берилган.

Агар жамғарилган балл 1.25 дан ошмаса қарз олувчи лаёқатсиз ҳисобланган ва аксинча, агар 1.25 балдан ошса лаёқатли ҳисобланган.

Биринчи скоринг карталари XX асрнинг 40-йилларида АҚШда пайдо бўлган. Унда экспертлар томонидан 10 тадан ошмаган тавсифловчи кўрсаткичлар асосида скоринг баллари қўйилган. Чунки 1941 йилда АҚШда ёппасига банк эксперт-таҳлилчиларининг фронтга кетиши муносабати билан банк кредит фаолиятида скоринг автоматлашган усулларидан фойдаланиш кенг қўлланилган.

Скоринг дастурларнинг биринчи оммавий дастурий таъминот асосида қўлланилиши эса 1950-йилларда “Diners Club”нинг “Тушлик қилиб, имзо чек” номли карточкалик дастурли тизими банк кредитларини баҳолаш ва беришда қўлланилган. Кредит скоринги биринчи маротаба кредит карточкалари тизимлилик дастури асосида шаклланган. Скоринг дастури ва усули орқали мижозга берилган кредитнинг риск даражаси эмас, балки мижознинг хулқ-атворидаги очилмаган қонунлари ҳам баҳоланиши мумкин.

Кредит скоринги тизимлари бешта турга бўлинади:

1. Application scoring (*мурожаат скоринги ёки буюртма*) – янги мижознинг кредитни тўлаш эҳтимоли баҳоланади: анкета тўлдириш (*қарз олувчи тўғрисидаги маълумотлар*); қайта ишлов бериш; хулоса (*кредит бериш ёки бермаслик*).

2. Behavioral scoring– кредитни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш билан боғлиқ фаолият(х*атти ҳаракат*); қарз олувчи қуйидаги кўрсатгичлар билан баҳоланади: молиявий ҳаракатлари; пул оқими; молиявий ҳолатини ўзгариши эҳтимоли; лаёқатлилиги даражасининг ўзгариши истиқболлари; кредит муносабатларини қайта кўриб чиқиш; кредит бўйича ўрнатилган лимитни ўзгартириш(*камайтириш ёки ошириш*) бўйича қарор қабул қилиш; мижозга қўшимча хизматлар пакетини таклиф қилиш.

3. Collection scoring (*муддати ўтган қарзлар билан ишлаш шартнома шартлари асосида*) – кредитни ўз вақтида тўламаганлар учун қачон қандай чоралар қўллаш зарурлиги аниқланади.

4. Fraud scoring (*фирибгарликка қарши*) – қарз олувчини фирибгарлик ҳаракатларини аниқлаш ва олдини олиш жараёни, яъни, фирибгарлик аломатлари бор йўқлиги эҳтимолига статистик баҳо беришади.

5.Response scoring (*чақирув скоринги)* – истеъмолчининг банк томонидан унга қилинган таклифга бўлган муносабати баҳоланади.

6. Attrition scoring (*йўқотишлар скоринги*) – маҳсулотни келажакда фойдаланиш имконияти ёки бошқа товар етказиб берувчига ўтиш имконияти баҳоланади.

Халқаро тажриба кўрсатиб турибдики, Ўзбекистонда статистика скорингини жорий этиш ва кредитлаш жараёнини автоматлаштириш молиялаштиришнинг даромадлилигини ва ҳажмини ошириш, айни бир вақтда операциялар билан боғлиқ харажатларни анчагина қисқартириш, муаммоси бўлган қарздорлар сонини камайтириш ва кредит портфели сифатини яхшилаш имконини беради.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СКОРИНГ УСУЛИ АСОСИДА КРЕДИТ БЕРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Хайдаров З.Ш - СамИСИ и.ф.н.
Бегалиев З.С.

Аннотация. *Мақолада тижорат банкларида кредит операцияларини амалга оширишнинг замонавий ҳолати ва уни такомиллаштиришда скоринг усулларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган.*

Калит сўзлар: *Тижорат банки, кредит, скоринг, скоринг турлари, истеъмол кредити,кредит риски, скоринг индекаторлари, таҳлил, тўловлар.*

Аннотация. *В статье изучены современное состояние проведения кредитных операций и возможности использования методов скоринга, их совершенствование в коммерческих банках Республики Узбекистан.*

Ключевые слова. *Коммерческий банк, кредит, скоринг, тип соринга, потребительский кредит, риск кредита, скоринговая индекатор, анализ, платежи.*

Annotation.*The article highlights the modern state of conducting credit operations and possibilities of scoricy methods applying in commercial hanks activities improving in Republic of Uzbekistan.*

Key words: *Commercial bank, credit, scoring, type of scoring, consumer credit, credit risk, scoring indicators, analysis of, payments.*

Республикамиз тижорат банкларининг кредит стратегияси ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошидан кечирмоқда. Бу босқич макроиқтисодий вазиятдаги жиддий ўзгаришлар, умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишда банк потенциали ва таъсирининг ўсиши билан боғлиқдир. Мамлакатимизда тижорат банкларининг кредит бериш механизмини қайта қуриш банк стратегиясини муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кредитлаш механизмини янада такомиллаштиришда замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан, скоринг усулларидан тўлақонли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Қарз берувчи кредит ташкилотига кредит сўраб мурожаат қилган пайтда кредит бўлимининг ходими тақдим этилган ҳужжатлар асосида унинг кредит лаёқатини баҳолайди ҳамда кредит бериш ёки бермаслик ҳақида хулоса тайёрлайди. Эҳтимоли бўлган субъектив омилларни бартараф этиш учун хулоса энди кредит қўмитасида кўриб чиқилади. Ушбу субъектив баҳолаш аҳолини ва кичик бизнесни чакана кредитлашда ва уни қўлланишини самарасиз қилиб қўяди. Ушбу муоммони ечиш скоринг усули асосида кредитлаш бўлиши мумкин.

Чакана кредитлаш учун энг самаралиси статистика скорингидир. Скоринг қарз олувчининг кредитни қайтариш имкониятлари ва баҳолашнинг аввалги кредитлар тўғрисидаги ахборотларни математика ва статистика усуллари ёрдамида автоматлашган дастурий ишловдан ўтказишга асосланган тизимидир. Статистика скорингини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш учун молия ташкилотига 300 дан ортиқ берилган ва қайтарилган (сундирилган) кредитлар тўғрисидаги маълумотлар

жамламаси зарур. Уни таҳлил этиш риск даражасига таъсир қилувчи кредит операцияларининг тўлиқ тавсифини аниқлаш имконини беради.

Статистика скоринги ечимининг соддароқ қоидалари скоринг харитаси (баҳолаш варағи) ҳамда кредит рискларини баҳолаш қоидалари мажмуидан иборатдир. Қарз олувчининг барча кўрсаткичлари рискнинг ҳар бир идентификация қилинган омили учун балл олади. Баллар суммаси якуний кредит бални ташкил этади.

Мисол тариқасида келтирилаётган скоринг балли кўринишидаги умумий кредит риски аниқланади. (*Скоринг харитаси намунаси*)*

Индикатор	**Қарз олувчи кўрсаткичи**	**Балл**
Қарз олувчининг уй-жой мулки мақоми	Уй мулкдори	+18
Қарз олувчининг ёши	40 ёш ва ундан катта	+6
Қарз олувчининг оилавий аҳволи ва оиласи таркиби	Уйланмаган/турмушгачиқмаган	-5
	Уйланган, болалари бор	+11
	Уйланган, болалари йўқ	+8
Фаолият тури	Ҳунарманд	+12
Бизнес соҳасида неча йилдан бери шуғулланади	2 йилдан камроқ	–8
Йиллик даромад (фаолиятдан жами ва иш ҳақи)	40 млн сўм ва ундан кўпроқ	+15
Қарздорликнинг жорий даражаси (шу жумладан мўлжалланаётган кредит)	3–10 млн сўм	+14
Муассасада олинган аввалги кредитлар	3 марта ва ундан ортиқ	+25
Аввалги кредит вақтида ўтказиб юборилган энг кўп муддат	35 кундан ортиқ	–45
Мўлжалланаётган кредит валютаси	Сўм	+5
Сўралаётган (талаб қилинаётган) кредит суммаси	15 млн сўмдан камроқ	+6
Жами		+62

**Мазкур намунадаги барча маълумотлар ва баллар мисол тариқасида келтирилмоқда. Реал баҳо кўп миқдордаги кузатувлар таҳлили натижаси асосида аниқланган тегишли омил салмоғига қараб белгиланади.*

Шундай қилиб, қарз олувчининг берилган ариза-буюртма 62 баллдан иборат якуний скоринг натижасига эга бўлди. Илгари скоринг бали 62 бўлган 10 та кредитдан 9 таси ўз вақтида, тўла-тўкис узилган, биттаси эса муаммоли кредит бўлиб қолган. Демак, кўриб чиқилган кредит ариза-буюртмаси 10 фоизли рискли бўлган муаммоли кредит бўлиши мумкин.

Тижорат банки скоринг балига эга бўлган 1000 та кредит бериш ҳақида қарор қабул қиладиган бўлса, уларнинг 900 таси вақтида, тўлиқ қайтарилади, 100 таси эса, муаммоли бўлиши мумкин. Банк ана шундай эҳтимолликни билгач, кредит рискининг ўзи учун мақбул даражасини белгилаб олиши мумкин.

Статистика скорингини қўллаш қарз олувчининг кредит лаёқатини тез, ишончли тарзда баҳолаш имконини беради. Скоринг тизимини жорий этиш истеъмол кредитлари бериш муддатини қисқартирди, бу ишни бир ҳафта ўрнига 15 дақиқада амалга ошириш имконини беради. Бу эса банк чакана кредитлаш борасида Ўзбекистон бозорида тезгина етакчи мавқени эгаллашига олиб келади.

Скоринг тижорат банкларига кўплаб миқдордаги чакана кредитларни қамраб олиш имконини берадиган, нисбатан қиммат бўлмаган воситадир. Чакана кредитларда ҳар бир қарз олувчи бўйича даромадлар тижорат банкининг қарз олувчининг кредит лаёқатини анъанавий усул билан таҳлил этишдаги харажатларини қоплай олмайди. Оқибат натижада чакана кредитлар бўйича фоиз ставкалари анчагина ошиб кетади.

Статистика скорингини қўллаш тижорат банкларининг кредит бўлимларининг ходимлари профессионал малакаси даражасига боғлиқлигини камайтиради. Скорингга асосланган кредитлаш алоҳида кўникма талаб этмайди, кредит бериш тўғрисидаги қарор математик модуль ёрдамида қабул қилинади, мутахассисларнинг субъектив фикри эса, фақат алоҳида ҳоллардагина инобатга олинади.

Скоринг асосида кредитлаш жараёнини автоматлаштириш амалда инсон омилини истисно этишга замин яратади, даромадлиликни ошириш мақсадидаги молиялаштириш операциялари билан боғлиқ рискларни камайтиради, ишни ташкил этишнинг очиқ-ошкоралигини таъминлайди. Бундай баҳолаш банкни ва унинг ходимларини кредитлар бериш ва уларнинг вақтида қайтарилиши учун жавобгарликка тортишни ҳамда рискни камайтиришига олиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги тижорат банклари скоринг тизимлари чакана кредитлашни ривожлантиришнинг зарур ва керакли воситаси эканлигини тушуна бошладилар. Банкларга хизмат кўрсатишнинг амалдаги тизими кредит сўралган ариза-буюртмаларни ишловдан ўтказиш учун анча вақт талаб қилади. Қарз олувчининг кредит лаёқатини баҳолашни «қўлбола» амалиёти ва кредит буюртмаларини банкларнинг кредит қўмиталари томонидан маъқуллаш тажрибаси ўз ичига чакана кредитлашни ҳам оладиган молиявий маҳсулотлар кўпайиб бориши билан банк кредит мутахассислари ўз вазифасини уддалай олмай қоляпти.

Баъзи банклар истеъмол кредитлари беришда скоринг-калькулятор деб юритиладиган усулни ҳам қўлламоқдалар. Веб-сайтда скоринг-жадвални тўлдириб, қарз олишнинг дастлабки баҳоси ва эҳтимолини билиш, истеъмол кредити бериш юзасидан скоринг-таҳлилдан ўтказиш мумкин ва бу субъектив скоринг бўлади. Кредит бериш ҳар бир кредитга доир буюртма-ариза кредит ходими томонидан ва банкнинг кредит қўмитаси томонидан индивидуал тарзда таҳлил этиш йўли билан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, статистика скорингига ўтиш мақсадга мувофиқ кўринади. Халқаро тажриба ҳам кўрсатиб турибдики, Ўзбекистонда статистика скорингини жорий этиш ва кредитлаш жараёнини автоматлаштириш молиялаштиришнинг даромадлилигини ва ҳажмини оширади, айни бир вақтда операциялар билан боғлиқ харажатларни анчагина қисқартиради, муаммоси бўлган

қарздорлар сонини камайтириш ва кредит портфели сифатини яхшилаш имконини беради.

ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ УЧЕТА И АУДИТА АВТОСЕРВИСНЫХ УСЛУГ

Пашаходжаева Д.Д.Ст. преп., **Мукумова Р.Х.**Асс.
Вафаходжаева Д.М, Боронов Б.Ф.Асс.

Аннотация. *В данной статье раскрыты пути улучшения учета и аудита автосервисных услуг*

Аннотация. *Мазкур мақолада Автосервис хизматлари ҳисоби ва аудитининг яхшилаш йўллари очиб берилган.*

Annotation*.This article discloses ways to improve the accounting and audit of automobile repair shops.*

Ключевые слова: *либерализация экономики, бухгалтерский учёт, международные стандарты аудита,снижение издержек, рентабельность, конкурентоспособность, финансовая отчетность.*

Калит сўзлар: *иқтисодиётни либераллаштириш, бухгалтерия ҳисоби, халқаро аудит стандартлари, харажатларни камайтириш, рентабеллик, рақобатбардошлик, молиявий ҳисобот.*

Keywords:*liberalization of the economy, accounting, international auditing standards, cost reduction, profitability, competitiveness, financial statements* .

В период усиления приоритетных направлений развития и либерализации экономики вопросы организации и регулирования внешнеэкономической деятельности при проведении экспортно-импортных операций приобретают еще большее значение. В докладе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, посвященный итогам 2016 года и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год – отмечается, что «Первое – это результаты реализации целевых программ, раскрывающие эффективность реформ. В их числе надо отметить следующие экономические и финансовые показатели развития промышленности и других отраслей: состояние производственных мощностей, снижение издержек и себестоимости, повышение уровня локализации, рентабельности и конкурентоспособности продукции.

При сокращении себестоимости по отраслям в среднем на 10 процентов отдельная продукция химической и легкой промышленности, автомобилестроения, строительной индустрии и ряда других отраслей из-за своей дороговизны не конкурентоспособна на внешних рынках»[1].

Узбекистан сегодня – это составная часть мирового пространства и глобального финансово – экономического рынка. И вполне закономерно, что глобальный финансовый кризис и, в первую очередь, его последствия уже сказываются на развитии и эффективности экономики республики[2]. А это значит, что в условиях мирового кризиса с необходимостью развития предприятий автосервисных услуг сталкиваются и отечественные экспортеры, и импортеры с

[1] Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, посвященный итогам 2016 года и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. Источник: Пресс-служба Президента Республики Узбекистан, 15 января 2017 года.

[2].Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 2009 г. – С.10

целью избежания рисков потерь и хищений и проблем по своевременности поставки товаров.

В последние годы проводился ряд исследований, посвященных вопросам методики отдельных отраслей и видов деятельности, однако отраслевые особенности деятельности предприятий сферы услуг оказываемых автомобилям и их влияние на организацию бухгалтерского учёта и аудита изучены недостаточно.

Необходимость проведения исследования, направленного на разработку методических подходов к организации бухгалтерского учёта и аудита с учётом влияния отраслевых и организационно-технологических особенностей на предприятиях сферы автосервиса, обусловили актуальность выбранной темы статьи.

Рынок транспортных услуг – это сфера осуществления перевозок грузов, пассажиров, багажа, технического обслуживания и ремонта транспортных средств, подсобно-вспомогательных и других видов работ (услуг), связанных с перевозками на транспорте.

Целью данной статьи является комплексное исследование теоретических и практических проблем проведения учета и аудита предприятий автосервисных услуг с учетом особенностей их деятельности, разработка ее методологии, а также выработка предложений по повышению эффективности проведения учета предприятий автосервисных услуг.

Комплексный подход в изучении особенностей проведения учета и аудита финансово-хозяйственной деятельности предприятий отрасли услуги дает возможность совершенствования их в предприятиях автосервисных услуг, а также способствует рационализации и экономическому развитию транспортной отрасли в целом.

Сфера услуг в настоящее время является одной из важных отраслей экономики призванной удовлетворять индивидуальные запросы и потребности населения страны в различных видах услуг. Сфера услуг как отрасль экономической деятельности представляет собой совокупность организаций, цель которых – оказание разнообразных платных услуг по индивидуальным заказам населения. Таким образом, сфера услуг решает важнейшие социально-экономические задачи и ее значение в жизни общества неуклонно возрастает.

Экономическая обусловленность учёта и аудита транспортных предприятий объясняется возросшей потребностью пользователей финансовой отчетности в экспертной оценке ее достоверности, так как показатели финансовой отчетности используются для принятия управленческих решений. Все те, кто желал взаимодействовать с экономическим субъектом, а также уже принимал участие в его деятельности, были заинтересованы в получении качественной информации. Пользователи финансовой отчетности самостоятельно не могут проверить достоверность ее показателей в связи с отсутствием доступа к соответствующим сведениям, специальных знаний, однако зависимость последствий принятых решений от качества используемой информации может быть значительна. Все эти предпосылки привели к возникновению общественной потребности в услугах независимых экспертов, а точнее аудиту транспортных предприятий.

Совершенствование учёта и аудита транспортных предприятий на основе Международных стандартов аудита предполагает применение в нашей стране зарубежного опыта, методологии аудита, используемой международными

аудиторскими компаниями, приближение Национальных стандартов аудиторской деятельности к Международным стандартам аудита.

Необходимо отметить, что рост трудоемкости аудита, проводимого по Международным стандартам аудита, связан с увеличением обязательных требований к аудитору по сравнению с требованиями, установленными в Национальных стандартах аудиторской деятельности.

Итак, совершенствование аудита транспортных предприятий на основе Международных стандартов аудита предполагает, что

- аудитор должен следовать всем требованиям Международных стандартов аудита и Кодекса этики профессиональных бухгалтеров:

- большую часть аудиторских работ выполнять на этапе планирования.

Служба внутреннего аудита отвечает за оценку принятых мер по устранению нарушений, обнаруженных в ходе аудиторской проверки, и по повышению эффективности финансово-хозяйственной деятельности предприятия.

Важным аспектом в совершенствовании внутреннего аудита на транспортных предприятиях является разработка внутрифирменных стандартов внутреннего аудита, что обеспечивает надлежащее качество проведения внутренних аудиторских проверок. В связи с этим рекомендована разработка таких внутрифирменных стандартов, как: «Цель и основные принципы внутреннего аудита транспортных предприятий», «Документирование внутреннего аудита», «Планирование внутреннего аудита», «Доказательства внутреннего аудита» и др.

Вышеизложенные рекомендации при их практическом применении помогут устранить недостатки при осуществлении учёта и аудита автосервисных услуг.

«ЯГОНА ОЙНА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА КАДАСТР ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Ғ.Н.Алиқулов қ.х.ф.н..
Б.Н.Жуманов асс.
Й.Зухуров ҚарМИИка. ўқ.

Аннотация.Мақолада *«Ягона ойна» тамойили асосида кўчмас мулкни расмийлаштириш ва кадастр ҳужжатини тайёрлашда юзага келадиган муаммолар ва уларнинг мақбул ечимлари тўғрисида мулоҳаза юритилган.*

Таянч сўзлар: кўчмас мулк, ягона ойна, хатлов ўтказиш, рақамли харита, топографик-геодезик, рекогносцировка, сервитут, AutoCAD, Panorama, CredoDAT,GeoniCS.

Аннотация*.В статье приведены соображения по возникновению проблем и их оптимальных решений при оформлении кадастровых документов недвижимостей по принципу «Единое окно»*

Ключевые слова: *недвижимость, единое окно, цифровая карта, топографо-геодезический, рекогносцировка, сервитут, AutoCAD, Panorama, CredoDAT,GeoniCS*

Annotation. *The article contains considerations on the appearance of problems and their optimal solutions for the registration of cadastral documents of immovable property on the principle of a "single window"*

Keywords: real estate, single window, digital map, topographic and geodetic, reconnaissance, easement, AutoCAD, Panorama, CredoDAT, GeoniCS

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли «Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида» ги қарори Низомининг 3-боб 29-бандига асосан худудий кадастр хизматларига топография-геодезия ишларини ва ер участкаларини тегишли масштабларда харитага олишни ташкил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги қонунга асосан кадастр учун суратга олиш, ер кадастр хариталари ва режаларини тузиш, ер ресурслари тўғрисидаги фазовий мувофиқлаштирилган маълумотларни тўплаш, улар устида ишлаш, уларни акс эттириш ва тарқатишни амалга оширувчи автоматлаштирилган жуғрофий ахборот тизимини яратиш вазифалари юклатилган.

Ушбу вазифаларни жойларда амалга ошириш учун ҳар бир ер участкаси ва унда жойлашган бино-иншоотлар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, ер участкасига ва бинога бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бажарилмоқда.

Жойларда худудий кадастр хизматлари «Ягона ойна» тамойили асосида (1-шакл) кадастр ҳужжатларини мулк эгаси (юридик ёки жисмоний шахсларнинг) аризасига асосан расмийлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

Фуқаро (жисмоний ёки юридик шахс) ўзи яшаб турган ёки сотиб олган ва ҳоказо кўчмас мулкини (турар жой бўлсин ё нотурар жой бўлсин) кадастр ҳужжатини тайёрлатиб, давлат рўйхатидан ўтказиши шарт. Бу учун фуқаро «Ягона ойна» бўлимига ёзма равишда ариза билан мурожаат этади. «Ягона ойна» бўлими кўчмас мулк турига қараб, турар жой ёки нотурар жой бўлимларига ишни бажариш учун фуқаро томонидан берилган аризани расмийлаштиради. Ариза расмийлаштирилганда фуқаро билан ташкилот ўртасида ўзаро шартнома тузилади. Шу вақтнинг ўзида фуқаро томонидан бериладиган ҳуқуқий ҳужжатларни асл нусхасини (суд ёки ҳокимият қарори, мулк қўмитаси ордери, олди-сотди шартномаси нусхаси, солиқдан индентификация рақами ва ҳоказолар) қабул қилади. Ариза расмийлаштирилгандан сўнг, «Ягона ойна» бўлими ҳужжатларини ўрганиш учун архивга ва маълумотлар баъзасига мурожаат этади. Архивда ушбу кўчмас мулкнинг ер участкасига ва бино-иншоотига тегишли мавжуд архив материалларини ўрганади. Маълумотлар баъзасидан ушбу кўчмас мулкга қўйилган таъқиқларни текширади.

Ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг, уни «Ягона ойна» бўлими ижрочиларга яъни ишлаб чиқариш бўлими (турар жой, нотурар жой, топография, баҳолаш) бошлиқларига тақсимлайди. Кўчмас мулк турига қараб турар жой ёки нотурар жой мутахассислари тамонидан хатлов утказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини бажарадилар. Улар кўчмас мулкнинг ташқи кўринишини фото суратга олади, кўчмас мулкнинг ўлчови асосида литер режасини 1:100, 1:500 масштабда чизади, кўчмас мулкнинг ички ўлчов ва ҳажмини ҳисоблаш қайдномаларини тузади. Кўчмас мулкнинг конструктив турлари бўйича маълумотнома тайёрлайди.

Топография бўлими мутахассислари кўчмас мулкнинг кадастр съёмкасини бажаради, ер участкаси хатловини ўтказади, ер участкасининг чегарасини ўрганиш, белгилаш ва келишиш далолатномасини тузади. Сервитутлар ва ҳимоя зонаси ўрганилади, ер худудининг навбатчи харитасига мазкур ер участкаси тасвири киритилади.

«Ягона ойна» тамойили асосида кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш жараёни (наъмуна)



4-шакл

1-шакл

Баҳоловчи мутахассислар кўчмас мулкни Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш меъёрий ҳужжатлари асосида баҳолашади, яъни бино ва иншоотларни баҳолаш далолатномасини тузади ва бино ва иншоотларнинг ҳозирги ҳолати бўйича баҳолаш далолатномаси тайёрланади.

Бухгалтерия бўлими фуқаро билан тузилган шартнома ижросини ҳамда хизмат ҳақи тўловларини амалга оширади. «Ягона ойна» бўлими юқорида бажарилган ишларни муддатида бажарилишини бевосита назорат қилади ва тайёр бўлган икки нусхадаги «Кадастр ҳужжати тўплами» ни техник ҳужжатлар экспертизасидан ўтказиш учун кўчмас мулк турига қараб турар жой ёки нотурар жой бўлими бошлиқларига беради. Бўлим бошлиқлари кадастр ҳужжати тўпламини тўлиқ бажарилганини ўрганиб чиқади, кадастр ҳужжатлар тўплами, корхона бошлиғи томонидан имзолангач, «Кадастр ҳужжати тўплами» давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига топширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи «Кадастр ҳужжати тўплами» даги ер участкасини «Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида» ги 1999 йил 27 майдаги 736-сонли, бино ва иншоотларини «Бино-иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида» ги 1998 йил 7 январдаги №387-сонли йўриқномаларга асосан 2014 йилнинг 7 январигача давлат рўйхатидан ўтказилар эди. Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиботлар сонини ва муддатларини қисқартириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

биринчи Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 7 январидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 2014 йил 7 январдаги 1-сон қароридаги Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулкка гувоҳнома расмийлаштирилиб, ҳуқуқий ҳужжатига давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида мухр босилади. «Кадастр ҳужжати тўплами»даги тегишли маълумотлар давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлари базасига ва худуд рақамли харитасига киритилиб, кадастр ҳужжатининг бир нусхаси ижрочи ташкилот архивга топширилади. Иккинчи нусхаси эса «Ягона ойна» бўлими орқали «Бино ва иншоотга бўлган ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида» ги гувоҳномалари билан бирга кўчмас мулк эгасига берилади.

«Ягона ойна» тамойили асосида кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнининг афзалликлари:

- Фуқаро кўчмас мулки тўғрисидаги хато ва камчиликлардан ўз вақтида хабардор бўлади ва тўғрилайди.
- Кадастр ҳужжатини тайёрлашда юзага келадиган саволларга тушунтиришлар ва маслахатлар олади.
- Битта бўлимга мурожаат этади ва шу бўлимдан тайёр ҳолатда «Кадастр ҳужжати тўплами» ни олади.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш худудий кадастр хизматидаги «Ер тузиш ва кадастр съёмкаси бўлими» нинг топография мутахассислари ҳамда «Кўчмас мулк кадастри бўлими» нинг турар жой ва нотурар жой мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Ушбу бўлимнинг тўлиқ иш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин.

1.Кадастр съёмкасини тайёрлаш бўйича топографик-геодезик ишлар материаллари тайёрланади, улар қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

- топографик-геодезик ишлар материаллари титул варағи;
- папкада сақланадиган материаллар рўйхати;
- топографик-геодезик ишларни бажариш учун техникавий топшириқ;
- топографик-геодезик ишларни бажариш дастури;
- топографик-геодезик ўрганилиш – рекогноцировка ишлари;
- топографик-геодезик ишларнинг тушунтириш хати;
-геодезик белгиларни топшириш – қабулқилиш далолатномаси;
- техникавий иш.

2. Топографик-геодезик ишларни бажариш учун мазкур ер участкасига тегишли мавжуд архив материалларини ўрганиш (ҳуқуқий ҳужжатлар, топографик съёмка материаллари ва бошқалар).

3. Мазкур ер участкаси жойлашган худуддаги мавжуд геодезик таянч шахобчаларининг координаталари каталоги, абриси ўрганилиб, жойдаги ўрни аниқланади. Агар мавжуд худудда геодезик таянч шахобча мавжуд бўлмаса, бошланғич пункитга боғланиб, мазкур худуд учун геодезик таянч шахобча ҳосилқилинади.

4. Кадастр съёмкасини бажариш усулларига қараб, геодезик асбоблар танланиб, тегишли текшириш ва синаш ишлари ўтказилади.

5. Жойда рекогноцировка ва геодезик таянч шахобчаларига боғлаш ишлари ўтказилади.

6. Кадастр съёмкасини бажариш (меньзула съёмкаси, тахеометрик съёмка, корректировка ишлари) амалга оширилади.

7. Кадастр съёмкасини расмийлаштириш (анъанавий усулда қўлда чизиш, компъютер дастурлари асосида – «AutoCAD», «Panorama», «CredoDAT», «GeoniCS 2007 для AutoCAD 2007 (Русский)», «AutoCAD» ва бошқа дастурлар) ишлари бажарилади.

8. Ер участкаси чегара нуқталари координаталарини ва майдонини ҳисоблаш қайдномасини тўлдириш (Анъанавий ҳисоблаш ишлари: график, механиқ, аналитик усулларда ёки компьютер дастурлари асосида).

9. Бино ва иншоотларнинг (турар жой ёки нотурар жой) кадастр ҳужжатлари тўплами кадастр хизматидаги турар жой ёки нотурар жой бўлимининг тегишли мутахассислари томонидан бажарилади, унда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- бино ва иншоотларга бўлган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ўрганилади;

- бино ва иншоотларҳақидаги маълумотлар ва кўрсатгичлар (хатлов натижалари бўйича) расмийлаштирилади;

- биноларнинг ички ва ташқиўлчовлар қайдномаси тузилади;

- бино ва иншоотлар режаси ва чизмалари чизилади;

-баҳоси ва конструктив элементлари ҳақидаги маълумотлар расмийлаштирилади;

- бино ва иншоотлардан фойдаланишни чеклаш, чегаралаш ва махсус режим асосида ишлатиш тўғрисидаги маълумотлар расмийлаштирилади.

Тайёрланган барча маълумотлар, қайдномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, ижрочи кадастр хизмати ходими ҳамда мулк эгаси томонидан имзоланади, кадастр хизмати бошлиғининг имзоси ва мухри билан тасдиқланиши ва ижро саналари кўрсатилиши шарт.

10.Кадастр съёмкасини ва бино-иншоотлар хатловини бажариш бўйичақуйидаги молиявий ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- кадастр хизмати ишларни бажаришга шартнома тузилиб, «Буюртмачи» ва «Ижрочи» томонидан расмийлаштирилади;

- «Ўздавергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан 12.06.2009 йилда ишлаб чиқарилган № 62-1-сонли «Ер участкаларини ташкил этиш, топографик-геодезик, кадастр съёмкалари ишларининг қийматлари тўғрисида» ги йўриқнома асосида бажариладиган ишлар сметаси ва бажарилган ишларни топшириш-қабулқилиш далолатномаси тузилиб, «Буюртмачи» ва «Ижрочи» томонидан расмийлаштирилади;

11.Ер участкасининг ва бино-иншоотнинг кадастр ҳужжатлари тўплами тайёрланиб, давлат рўйхатига тақдим этилади;

12.Кадастр съёмкаси худуднинг навбатчи харитасига киритилади (Анъанавий усулда ёки компьютер дастурлари асосида рақамли харитага);

13.Мазкур ер участкасининг бино-иншоотларнинг маълумотлари ДКЯТ нинг маълумотлар базасига киритилади;

14.Асл нусха ҳужжатларнинг бир нусхаси ташкилот архивига, бир нусхаси мулк эгасига топширилади;

15.Белгиланган тартибда тегишли органларга ҳисоботлар берилади (Давлат солиқ инспекциясига ва талаб бўйича).

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳ.Н.Мусаев, иктисод фанлари доктори,СамИСИ
Ш.Умарова,талаба, СамИСИ

Аннотация: *мақолада иқтисодиёт тармоқларида ички аудитни ташкил қилиш хусусиятлари ва объектлари илмий жиҳатдан асосланган.Ҳизмат қўрсатиш соҳаси корхоналарида ички аудит самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилган.*

Калитли сўзлар: *иқтисодиёт тармоқлари, ҳизмат кўрсатиш соҳаси, корхоналарда назорат, ички ва ташқи назорат, аудиторлик назорати, ички аудит.*

Аннотация: *в статье рассмотрены особенности организации внутреннего аудита на предприятиях отраслей экономики. Обоснованыособенности внутреннего аудита на предприятиях сферы услуг. Даны рекомендации по повышению эффективности внутреннего аудита.*

Ключевые слова: *сфера услуг, контроль деятельности предприятий сферы услуг, аудит, внешний аудит, внутренний аудит, объекты внутреннего аудита.*

Annotation: *in the article features of organizing and objects of internal audit were based on scientific aspectsin the fields of economics. Recommendations for improving effect of internal audit on the field of service enterprises were stated.*

Key words: *fields of economics, field of service, control in companies, internal and external control, audit, internal audit.*

Республикамиз иқтисодиётида ижобий таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳизмат кўрсатиш соҳасининг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Биргина 2016 йилда ҳизматлар кўрсатиш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 12,5 фоизга ўсди.[36] Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхоналарда моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари мужассамлашган. Булардан самарали фойдаланиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.Турли мулкдаги корхоналар фаолияти ташқи ва ички назорат қилинади. Корхоналардаички назоратни тўғри ташкил қилиш самарадорликка эришишнинг муҳим шартидир. Мамлакатимизда ички ва ташқиназоратни мувофиқлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, мамлакатимиз Конституцияси қабул қилингандан кейинок, биринчилар қаторида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб бориши, мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш, содир бўлган таркибий ўзгаришлар,кенг миқёсда хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши вабошқариш тизимини халқаро

[36]Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.

талабларга мослаштирилиши ички назоратнинг ролиниянада ошишди. Ички назорат шаклларидан бири - ички аудитдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига асосан "Корхоналардаги ички аудит хизматлари тўғрисида"ги Низом қабул қилинди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 27-сентябрдаги ПҚ-475-сон "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофик активларининг баланс қиймати 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда, шунингдек активларининг баланс қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди.[37]

Ички аудитнинг келиб чиқишига яна бир муҳим сабаб корхоналар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби хизматини тўғри ташкил қилиш ва юритишни доимий назорат қилиш билан боғликдир. Қабул қилинган "Корхоналардаги ички аудит хизматлари тўғрисида"ги Низомда ички аудитга қуйидагича таъриф берилган: "ички аудит– корхона бошқарувинингижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, таъсис хужжатларига ва ички хужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йули билан унинг ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик опецияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тамойиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти" дейилган.[38]

Ички аудиторлик хизмати аудиторлик фаолиятининг муҳим тури ҳисобланади ва ташқи аудитдан фарқ қилади. Ички аудит корхонада доимий равишда олиб борилса, ташқи аудитшартномаларга асосан маълум муддатда ўтказилади.Корхоналар бошқарув тизимидаги ички аудитнинг аҳамиятиникуйидагича ифодалаш мумкин:

- ички аудит хизматларидан мунтазам равишда фойдаланилади;
- ички аудит ташки аудитга нисбатан кам харажат талаб қилади;
- назорат килишнинг доимийлиги ва узлуксизлиги таъминланади;
- ички аудитнинг асосий объекти корхонанинг ички иқтисодий сиёсати, бошқарув карорларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг тўғри ташкил этилиши ҳисобланади;
- мавжудхато-камчиликларни тез аниқлаш ва бартараф этиш имкониятларининг мавжудлиги;
- ташки аудит натижасида аниқланган хато-камчиликларниички аудит орқали бартараф этилади;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ички аудиторлик хизмати бўлими корхона кузатув кенгашинианиқ маълумотлар билан таъминлайди.

[37] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Корхоналардаги ички аудит хизматлари тўғрисида"ги Низом, 2006 йил 16 октябрь.

[38]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Корхоналардаги ички аудит хизматлари тўғрисида"ги Низом, 2006 йил 16 октябрь.

Низом талаблари асосидатармоқ корхоналарида ички аудит булимитузилади.Текшириш натижалари бўйича аудиторлар корхона кузатув кенгашига мунтазам равишда ҳисобот бериб туради ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чикади. Хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув кенгаши ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун қарор қабул килади.

Ички аудит хизматининг ҳисоботида бухгалтерия ҳисобидаги четланишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар берилади. Шунинг учун ички аудит текширувлари сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишикерак. Бу эса ички аудит хизматлари аудиторларидан ўз билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб боришларини тақозо этади.

Корхоналар амалиёти билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики, жойларда ички аудит хизматидан етарлича фойдаланилмасдан келинмоқда. Улардаги маблағлар(активлар) ички аудитни ташкил қилиш меъзонларига мос келсада, ички аудиторлик хизмати ташкил қилинмаган. Натижада, жорий бухгалтерия ҳисобини юритишда маълум чалкашликлар ва ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Ушбу ҳоллар ташқи аудит жараёнида аниқланмоқда, холос.

Татқиқот натижаларига асосланиб, турли тармоқ корхоналарида ички аудитни такомиллаштириш ва унинг самарадорлиги оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати бўлимини ташкил этиш ва корхонада бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш;
- ички аудит режасини тузишда корхонанинг фаолият тури ва сифат кўрсатгичлари, уларнинг тўғри шаклланиши ва ҳисобга олишини эътиборга олиш;
- ички аудит аудиторларига аниқ вазифаларни белгилаш;
- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш бўйича хорижийтажрибадан кенг фойдаланиш;
- ички аудит ва ички назоратни уйғунлаштирилган ҳолда олиб бориш юқори самара беради деб ҳисоблаймиз.

ФИНАНСИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОДУКТОВ

Алиева С.С.к.э.н., ст. преподаватель СамИСИ
Хамраев Ш.С.студентII курса,

Аннотация. *Данная статья посвящена вопросам сущности и содержания инновационного продукта, механизмов государственной финансовой поддержки инновационных продуктов. В статье рекомендован метод краудфандинга как способ финансирования разработки и реализации инновационных продуктов.*

Ключевые слова: *инновационный продукт, финансирование проекта, инновации, краудфандинг.*

Аннотация*. Ушбу мақолада инновацион маҳсулотнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда уни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг механизмлари ёритилган. Мақолада инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилишни молиялаштириш усули сифатида краудфандингдан фойдаланиш таклифи берилган.*

Калит сўзлар: *инновацион маҳсулот, проект молиялаштириш, инновациялар,краудфандинг.*

Annotation. *This article is devoted to the essence and content of innovative products, mechanisms of state financial support of innovative products. The article recommends the method of crowdfunding as a way of financing the development and implementation of innovative products.*

Key words: *innovative product, project financing, innovation, crowdfunding.*

Ввиду постоянно растущей конкурентной борьбы между предпринимателями, предприятиями и государствами в условиях глобализации и развития разветвленных внешнеэкономических связей и взаимозависимости экономик, большое значение имеет разработка и внедрение инновационных продуктов.

Именно поэтому, одним из приоритетных направлений развития отечественных предприятий является внедрение инновационных продуктов в производственную и непроизводственную сферы.Однако, возможность внедрения инновационных продуктов в деятельность предприятий зависит не только от способности руководства предприятия разработать его или приобрести где-либо (что само по себе нелегкий вопрос, требующий способности, времени, навыков, квалифицированных кадров и т.д.), но и от наличия у предприятия в достаточном объеме финансовых ресурсов, способствующих обеспечению внедрения данных продуктов. И, частенько, при реализации данной задачи предприятия сталкиваются с проблемой нехватки собственных средств и недоступностью внешних финансовых источников.

При использовании в обороте терминов «инновационная деятельность» и «инновационный продукт» некоторые ученые-экономисты[39] выделяют два подхода. В первом подходепервичным является определение инновационной деятельности, а инновационный продукт при этом трактуется как «конечный результат инновационной деятельности». Второй подход первичным предполагает определение инновационного продукта, а инновационной деятельностью при этом признается деятельность, «направленная на создание инновационного продукта». Второй подход, предполагающий базовымопределение инновационного продукта, представляется нам более обоснованным и прозрачным.

Поэтому, инновационный продукт, на наш взгляд – это результат инновационной деятельности, в виде нового или значительно усовершенствованного товара или услуги.

В нашей республике в 2012 г. была принята Концепцияинновационного развития Республики Узбекистан на 2012-2020 гг., в которой отражены важнейшие приоритеты развития, принципы формирования имеханизмы реализации инновационного развития страны на долгосрочнуюперспективу с учетом развития инновационно-ориентированной экономики.

Реализация мер, запланированных в данной концепции, предполагает достижение эффективной модернизации отдельных приоритетных отраслей экономикис учетом обеспечения необходимого уровня конкурентоспособности иозначает сохранение политики государственной поддержкинаучно-технической сферы при значительном повышении ее активности исистематизации (см.: табл. 1).

[39]Аверченков В.И. Инновационный менеджмент: учеб.пособие. – 2-е изд. – М.: Флинта: МПСИ, 2008. – 280 с.; Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2001. – 304 с.

Таблица 1

Показатели инновационного развития экономики Республики Узбекистан на период 2012-2020 гг.[40]

Показатели	**2012-2015 гг.**		**Прогнозные параметры 2016-2020 гг.**
	план	**отчет**	
Доля затрат на научно-технические работы к ВВП, %	0,2	1,0	3,0
Доля высокотехнологичных отраслей (в % к общему объему ВВП)	11,3	15,0	31,0
Доля инновационной продукции (в % к общему объему ВВП)	2,9	15,0	22,0
Доля затрат на инновационную деятельность (в % к общему объему ВВП)	0,4	2,8	5,0
Доля экспорта инновационной продукции в общем экспорте, %	5,76	15,0	28,0
Доля приема студентов по естественным наукам и инженерному образованию, %	28,7	40,0	45,0
Количество патентов, ежегодно регистрируемых резидентами Узбекистана в зарубежных патентных ведомствах, ед.	8	1000	1300

Как видно из данных таблицы, последующий этап реализации государственной финансовой поддержки инновационной деятельности (2016-2020 гг.) по показателям превышает первый этап (2012-2015 гг.).

Это подтверждает и рост расходов из государственного бюджета Республики Узбекистан (см.: рис. 1).



Рис.1.Расходы государственного бюджета Республики Узбекистан на науку

в 2010-2015 гг., млрд.сум[41]

[40] Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012- 2020 гг. [Электронный ресурс] http://uzb69.blogspot.com/2012/06/2012-2020.htm

[41] https://www.mf.uz. - официальный сайт Министерства финансов РУз

Предприятиям же, для решения задачи приобретения и внедрения инновационного продукта, необходимо развивать не только традиционные, но и нетрадиционные финансовые подходы, и способы активизации инновационной деятельности.

Одним из таких способ финансирования инновационных продуктов является краудфандинг. Исследование, проведенное в области источников финансирования инновационных продуктов и эффективность их применения на каждом этапе формирования предприятия показывает, что краудфандинг можно использовать на любом этапе развития предприятия. Это полезно тем, что данный способ получения заемных средств концентрирует в себя практически все источники инвестирования.

Инвестирование посредствомкраудфандингапредполагает то, что если у предприятия есть какой-то интересный проект, сфера вложения, он может интересно описать его и привлечь внимание других – потенциальных инвесторов, которые помогут осуществить этот проект, безвозмездно вложив какую-то часть своих финансовых ресурсов.

Аннотация: *Цель данного механизма – обеспечение относительно равных возможностей для комплексного социально-экономического развития регионов на основе эффективного использования их природно-экономического потенциала, факторов и резервов экономического роста, рационального разделения труда.*

Ключевые слова: *аграрной продукции, повышение эффективности, природно-экономических условий, природным потенциал, иностранных инвестиций.*

Annotatsiya: *Asosiy maqsad - korxonalarning tabiiy va iqtisodiy salohiyat, omillar va zaxiralari o'sishi, mehnat oqilona bo'linish samarali foydalanish asosida*

mintaqalarning har tomonlama ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha nisbatan teng imkoniyatlar ta'minlash.

Kalitso'zlar: *qishloqxo'jalikmahsulotlari, samaradorliknioshirish, tabiiyvaiqtisodiysharoitlar, tabiiysalohiyat, xorijiyinvestitsiya.*

Abstract:*The purpose of this mechanism is to provide relatively equal opportunities for integrated socio-economic development of regions on the basis of effective use of their natural and economic potential, factors and reserves of economic growth, rational division of labor.*

Key words: *Agricultural products, increase of efficiency, natural and economic conditions, natural potential, foreign investment.*

Современная экономика Республики Узбекистан и ее региона базируется на ряде отраслей, среди которых сельское хозяйство занимает немаловажное значение. Сегодня экономика Республики Узбекистан тесно интегрирована в мировую экономику. В этих условиях определяющим факторами эффективности функционирования сельскохозяйственного производства являются внешние факторы, которые не зависят и не поддаются контролю со стороны конкретных товаропроизводителей аграрной продукции. В целом, развитие сельскохозяйственного сектора имеет для Узбекистана чрезвычайно важное значение ввиду его значимой роли сейчас и в будущем. Именно поэтому одной из приоритетных целей проводимой в республике аграрной реформы является повышение эффективности и конкурентоспособности национального сельскохозяйственного производства.

Критерии повышения экспортного потенциала регионов тесно связаны с выбором отраслей промышленности. В числе отраслей для создания полюсов роста следовало бы назвать информационно-коммуникационные технологии, энергетику, машиностроительную, фармацевтическую, химическую, нефтехимическую и текстильную промышленность[54].

За последние годы расширена материально-техническая база регионов. Расширены полномочия и выросла ответственность местных органов власти и управления за комплексное социально-экономическое развитие территорий.

Исторически сложилось тесное транспортное сотрудничество, которое является центром внимания региональных международных организаций. Решением Совета глав государств СНГ, сотрудничество государств – участников в транспортной сфере было определено ключевой сферой взаимодействия в 2008 году. Разработаны «Приоритетные направления сотрудничества государств – участников СНГ в сфере транспорта на период до 2020 года» и «Основные направления развития рынка международных автотранспортных услуг», ориентированные на период до 2020 года, утвержденные Решением Совета глав правительств СНГ 14 ноября 2008 года.

Для экономики Узбекистана региональные аспекты его развития в условиях углубления рыночных преобразований имеют большое значение как следствие различий природно-экономических условий отдельных территорий, так и в результате того, что региональные факторы в определённой степени определяют характер и направленность рыночных реформ, темпы и пропорции развития экономики, эффективность и результативность структурных преобразований.

[54] Калмуратов Б. Развитие региона в условиях модернизации экономики. - СХУ ж., №10, 2010

Создание рациональной территориальной структуры экономики регионов предусматривает совершенствование законодательно-правовой базы, организационных и экономических механизмов регулирования территориального развития экономики и социальной сферы. Цель данного механизма – обеспечение относительно равных возможностей для комплексного социально-экономического развития регионов на основе эффективного использования их природно-экономического потенциала, факторов и резервов экономического роста, рационального разделения труда. Такой механизм, прежде всего, обусловлен целенаправленной региональной структурной политикой и предполагает:

- совершенствование территориальной структуры экономики с целью максимального и эффективного использования природно-экономических условий каждого региона и района, всемерный учёт их специфических особенностей;
- ускоренное формирование производственной и рыночной инфраструктуры в регионах, в целях стимулирования размещения новых производств, в том числе с иностранными инвестициями;
- формирование рациональной региональной специализации в соответствии с экономическим социально-демографическим и природным потенциалом регионов;
- существенное улучшение инвестиционного климата и повышение привлекательности регионов для реализации инвестиционных проектов с участием прямых иностранных инвестиций;
- эффективное использование природно-экономического потенциала регионов, особенно минерально-сырьевых ресурсов, для развития экспортоориентированных и локализующих производств;
- поддержка развития малого бизнеса и частного предпринимательства в регионах с целью формирования среднего класса, создания новых рабочих мест и обеспечения занятости населения;
- углубление экономической интеграции между регионами и расширение их экспортных возможностей;
- качественное улучшение жизненного уровня населения регионов, государственная поддержка и стимулирование развития сферы услуг, особенно в сельской местности.

Важнейшим условием выполнения указанных концептуальных направлений является совершенствование экономического механизма территориального хозяйствования на основе перевода экономики регионов на рельсы рыночных отношений с формированием эффективно действующих структур, развитие и укрепление местных органов власти и негосударственных структур, а также повышение эффективности регулирования экономики и социальной сферы регионов в соответствии с их природно-экономическим потенциалом. Резервами роста социально-экономической эффективности функционирования предприятий АПК региона, являются восстановление и пополнение основных фондов социального и культурно-бытового назначения путём использования собственных, привлечённых и заёмных источников инвестиций; всё более полное и бережное использование материально-технических ресурсов по эксплуатации объектов непроизводственной сферы; увеличение внутрипроизводственных фондов индивидуального и общественного потребления работников, расходов на социальные и культурно-бытовые нужды трудового коллектива.

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШИНГ ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Маматкулова Ш.Ж. - СамИСИ доц
Наркулова Ш.Ш. - СамИСИ, асс
Зокиров Ш.- СамИСИ *ИК*-415 гуруҳ талабаси

Аннотация*:Мазкур маколада глобаллашув жараёнида туризм индустрияси баркарор ривожини маркетинг тамойиллари негизида бошкаришнинг назарий услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан айрим фикрлар баён килинган.*

Калит сўзлар*: туризм, туризм индустрияси, трансакцион, электрон тижорат, маркетинг стратегияси, бозорни сегментлаш*

Аннотация: *В данной статье рассматривается совершенствование теоретических и методических основ управления туристической индустрии в процессе глобализации на базе использования принципов маркетинга.*

Ключевые слова: *туризм, индустрия туризма, трансакцион, электронный коммерция, стратегии маркетинга, сегментация рынка*

Annotation: *This article has been written about the improvement of the theoretical and methodological foundations of the management of the tourism industry in the process of globalization based on the use of marketing principles.*

Keywords: *tourism, tourism industry, transaction, e-commerce, marketing strategies, market segmentation*

Республикамизда туризм индустриясининг баркарор ривожланишини таьминлаш маркетинг стратегияларини бошкарувда қўллаш, жахон туризм хизматлар бозорига турмахсулотларни етказишда риск ва мегатрендларни инобатга олган холда тармок корхоналарида инновацион маркетинг стратегияларини жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганишни долзарб илмий муаммо сифатида кун тартибида қўймоқда. Ушбу муаммони ўрганишда туризм индустриясини баркарор ва самарали ривожланишини таьминлашга қаратилган бошқарувнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш, трансакцион харажатларни пасайтириш максадида ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) ва электрон (Ecommerce) тижоратда фойдаланиш, тур махсулотларнинг сифати ва сарф-харажатларини аудит ва контроллинг килиш муаммоларига оид илмий тадкикотларни кенгайтириш зарур.

Мазкур мақолада глобаллашув жараёнида туризм индустрияси барқарор ривожини маркетинг тамойиллари негизида бошқаришнинг назарий услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан айрим фикрлар баён килинган. Туризмдаги маркетинг қоришмаси (5-Р тамойили) - истетмолчилар талабини тўла инобатга олиш, сегментлаш, мақсадларни тўғри ифодалаш ва натижани баҳолаш зарурлигини билдиради. Туризм индустриясида ушбу иборалар кенг қўлланилади ва тармоқнинг югуги ушбу ибораларни маркетинг фаолиятида ўринли ишлатишга боғлиқ. “Маркетинг” иборасини баъзан маҳсулотларни сотиш ва реклама қилиш билан адаштириб ишлатадилар. Сотиш ёки реклама одатда маркетингда маҳсулотларни харидорларга етказишдаги қўйиладиган кўприк ҳисобланади ва улар маркетингнинг элементларидир. Маркетинг тушунчасининг маъноси бўлиб, у маҳсулотларни (ёки хизмат) ривожлантириш, сотиш ёки таксимлаш ва нархлариниоширади. У эса истеъмолчилар хакида, уларининг маҳсулотларга

қизиқиши, каерда ва канча сотиб олиш хакида ахборотга эга булишини тақозо этади. Маркетингнинг вазифаси керакли махсулот (ёки товар)ни харидорларга таклиф этишдан иборат. Шу маънода маркетинг санъат ва фан хисобланади. Замонавий маркетинг бизнес юритишнинг “қуроли” ҳисобланади ва унда қуйидаги тамойиллар ўрганилади:

1. Маҳсулот ёки хизматларни истеъмолчилар хоҳиши ва талабига биноан ишлаб чиқариш;
2. Бутун бозордаги харидорларнинг эмас, балки шу махсулотларни сотиб олиш эҳтимоли бўлган харидорларнинг талабини инобатга олиш;
3. Маркетинг фаолиятини бизнес максадларига монанд равишда амалга ошириш, маркетинг тамойилларини туризм индустриясини бошқаришда қўллаш орқали истеъмолчиларга қимматли махсулотларни етказиш мумкин, бу эса кераксиз ёки харидоргир булмаган махсулотларничиқаришдан халос этади.

Туризмда махсулот “ғоя”, “хизматлар” ва “товарлар” бўлиши мумкин. Туризм тармоғи асосан хизматларни ишлаб чикаради. Улар “кўриб ва ушлаб бўлмайдиган махсулотлар” бўлгани учун маркетинг фаолияти мураккаблашади. Айникса “кўз илғамаслик" муаммоси сифат назоратини мураккаблаштиради. Шунингдек, потенциал харидорлар ҳам туристик хизматлар сифатини билишда қийналишади. Агар бошка соҳаларда маҳсулот истеъмолчиларга егказиб берилса, бу хақда харидорлар махсулотга эга бўлишлари учун ўша минтақа ёки худудга сафар қилишлари туристик хизматлар маркетингида истеъмолчиларнинг сафарга отланишдаги вақт ва маблағ сифати улуши юқори бўлганлиги инсонларнинг туристик саёхат хақида қарорлар кабул килишига таъсир этади. Туризм индустриясида сафар харажатлари “бир неча компонентлар”дан иборат. Жумладан, уларга транспорт, мехмонхоналарда туриш, озиқ-овқат ва хизматларни истеъмол килиш, дўконлардаги харидлар ва бошкалар киради. Ягона бизнес корхонаси бу турдаги махсулот яратмайди ва хизматлар курсатиш фаолиятини амалга оширмайди. Буларнинг ҳаммаси биринчидан, барча соҳада хизматларнинг сифат даражаси юқори бўлишини мураккаблаштиради, биринчидан, бу кийинчиликларни бартараф этиш мақсадида туристик мажмуага алокадор корхона ва ташкилотлар биргаликда, хамжихатлик билан фаолият юргизишини хамда худудда туризм имкониятларини ягона “пакет” тариқасида харидорларга етказилишини тақозо этади. Туризм бизнесида барча фаолият ва максадларни муштараклигини таъминлаш учун корхонанинг маркетинг соҳасини ишлаб чикиш зарурдир. Бу режа маркетинг қарорларини қабул килишда мавжуд барча ресурслар, вакт ва маблағларни самарали тақсимлашга хизмат килади. Жумладан, режа қуйдагиларни кўзда тутади:

- бизнеснинг умумий мақсадлари ва вазифаларини ифодалайди;
- маркетинг фаолиятига ташки омиллар таъсирини баҳолайди;
- корхона ёхуд ташкилотнинг бизнес йуналиши, ресурс ва имкониятларини таьрифлайди;
- бозорни сегментлаш ва идентификациялашни, харидорлар тоифаси ва гурухини ифодалайди:
- хар бир сегмент учун маркетинг максадларини кўрсатади;
- турли бозорлардаги корхонанинг маркетинг стратегияларини, хар бир сегмент учун маркетиш уюшмаси (4-Р: маҳсулот, нарх, жой ва юклама)ни билдиради;

- маркетинг режасини жорий этиш: маркетинг бюджет ва сарф-харажатларини кўрсатади;

Маркетинг фаолиятининг натижасини бахолаш усуллари ва зарур булган такдирда фаолияти тўхтатиш чора-тадбирларини белгилайди.

Туризм корхонасининг умумий максадлари миқдор ва сифат жиҳатидан маълум даврда аниқикланиши зарур. Мақсадлар жумласига сотиш хажми, тушум, фойда микдори, бозор улуши ва фаолият даражасининг ўзгариши киради. Корхона ёки тармоқ одатда туристлар сонини кўпайтириш, корхона имиджи ва мавқеини кўтариш, бошқа туризмга алокадор бизнес тузилмалари билан хамкорликни таъминлаш, туристларнинг сафарини чўзиш каби вазифаларни ўз ичига олади. Бунда белгиланган максад ва вазифалар корхоналарнинг ресурс имкониятларини инобатга олмоғи лозим. Туризм корхонасининг режасини тузишда ташки иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омилларнинг жорий ва истиқболдаги бозорларга таъсирини бахолаш катта ахамиятга эга. Бу омилларниш ўзгариши маркетинг фаолиятида имкониятлар ва муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Улар ўртасида ахоли демографиясидаги ва яшаш тарзидаги ўзгаришларни аниқлаш ўта муҳим ҳисобланади. Жумладан, қуйидаги омиллар ички туристик бизнесга ўз таъсирини ўтказади.

1) аҳолининг ўсиши ва миграцияси;
2) шахар ахолисининг қишлок ахолисига нисбатан тез ўсиши,
3) уй хўжаликлари сонининг ошиши;
4) ишловчи оилалар сонининг ортиши ва реал даромаллар ўсиши;
5) молиявий жихатдан таъминланган ва саёхат қила оладиган нафақахўрлар ортиши;
6) соғлом бўлиш ва умр кўришнинг узайиши.

Туризм индустрияси тараққиётида иқтисодий омиллар, жумладан, ишсизлик даражаси суръати, оилаларнинг реал даромади, кредит олиш имкониятлари, фоиз ставкаси ва таъсирини ўтказади. Шунингдек махсулотни ўрнини тўлдирувчи товарларнинг на махсулотларининг нархи, дам олиш жиҳозларининг нархи ҳам таъсир этади.

Шунингдек, маркетинг стратегиясини белгилашда:

- қонуний хужжатлар ва давлатнинг туризм тармоғини ривожланишини қўллаб -қувватлаб инобатга олиниши керак;
- туризм корхоналари шунингдек, жорий ва потенциал ракобатчиларни хам аниклашлар.

Бундан максад: рақобатчиларнинг устунлик ва заиф жихатларини аниқлаш.

Ракобатчиларни аниклашда, айникса, қуйидагиларга катта эътибор қаратиш лозим:

- маҳсулот(ёки хизмат)ларнинг хусусиятлари ва сифати;
- хар хил географик бозорларга нисбатан жойлашганлик даражаси;
- реклама мавзулари ва хатлари(матнлари);
- нархлар даражаси ва истеъмолчиларнинг тури хамда уларни жалб килиш механизми.

Индустрия тармогиниш муваффакиятли ривожланишидаги асосий омиллардан бири. хизматлари талабиа ва таклифига таъсир этувчи омилларни аниклаш ва улар орасидаги алоқани тугри акс эпиришдир.

Ўтган асрнинг охири ва янги аср бошида жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар

туристик маҳсулотларни истеъмолчиларининг хатти-ҳаракати, сиёсий кучлар, ташқи шиддатли янгиланишлар, ахборот ва коммуникацион технологияларидаги прогрессив ўсиши туризм тармоғи ривожига катта таъсирини ўтказди. Таклиф томонидаги туристларни жўнатиш индивидуал операторларнинг қарорлари истеъмолчиларнинг талаби ва хоҳишига мос колмокда. Бу маркетинг фанида профессорлар Жонсон ва Скулар таърифи буйичи "кичик силжиш" деб аталади. Яъни, туристик ташкилотнинг бизнес страгегияси аста-секин ташқи омиллари талабидан ўзгача томонга силжийди. Туристик корхоналарнинг вазифалари омиллардаги ўзгаришларни инобатга олган холда уларга фаол жавоб қайтариш ва шу корхонанинг узвий рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

Иктисодиётдаги ўзгаришлар глобаллашув жараёнлари бир тарафдан чегараларнипг натижасида туризм тармоғи учун туристлар оқими тезлашувини англатса,иккинчиданрақобатнинг туристик масканларига таъсирини кучайтиради. Иқтисодий омиллар иктисодиётнинг либераллашуви, халқаро савдо ва инвестициялар оқимининг ортишида технологияларининг кенг таркалишида, шахсий (хусусий) мулкнинг динамик ўсишида бўлади. Иктисодий либераллашув ва глобаллашув, хавф ва хатарларнинг кучайишига сабаб бўлиши натижада жиддий муаммолар вужудга келиши мумкин.

Жумладан, Республикамизда туризм сохасидаги асосий муаммоларга шахсий турни рағбатлантириш ва давлатнинг тартиблаштириш механизмининг самарасини ошириш заруратшқи туристик бозорларга миллий турмаҳсулотларни олиб боришдаги миллий стратегия йўқлиги, сервис хизматининг пастлиги ва туристик корхоналарда юқори малакали кадрлар етишмаслиги, туристик хизматларни сертификациялаш ва стандартлаш тизимини яхшилаш тармоғининг иқтисодиётга қўшаётган ҳиссасини баҳолаш ва аниқлаш мақсадида статистик яхшилаш зарурати кабиларни киритишимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистан Республикасининг миллий иктисодиётнинг тармокларидан бўлган туристик секторнинг ҳозирги ҳолати мамлакатимиз туристик, мажмуалари потенциал имкониятлари ва замонавий тенденцияларига тўла жавоб бермайди, жаҳондаги туристик бозорлардаги қонуниятлар талабини тўла инобатга олмайди. Асосий камчиликЎзбекистан туристик хизматларининг экспорт жозибадорлиги ва ракобатбардошлигини сифатига янгича ёндошишни ишлаб чиқилмаганлигидан иборат. Чунки туризм тармоғи ва корхоналар бошқариш услублари. маркетинг стратегиялари ва ривожланиш парадигмалари хамглобаль таьсирида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ЭГИЛУВЧАНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Насимов Д - СамДУ доценти
Насимов Д - СамДУ талаба

Аннотация:*Ушбу мақолада ахборот-коммуникацион технологияларининг, хусусан, электрон тижоратнинг халқаро савдони ривожлантириш ва аҳолини иш ўринларини билан таъминашдаги ўрнини ўрганишга ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган.*

Калит сўзлар: *ахборот коммуникацион технологиялари, иш билан бандлик, иқтисодий тараққиёт, халқаро савдо, электрон тижорат.*

Аннотация: *В данной статье рассмотрены тенденции развития информационно-коммуникационных технологий, в частности электронной коммерции и их роли в обеспечении занятости населения и приведены соответствующие рекомендации.*

Ключевые слова: *экономическое развитие, информационно-коммуникационные технологии, электронная коммерция, международная торговля, занятость.*

The article studies trends in the development of information and communication technologies, particularly e-commerce, and their role in increasing employment indicators.

Keywords: *economic development, information and communication technologies, electronic commerce, international trade, employment.*

Дунё миқёсида рақобатнинг кучайиши, илм-фаннинг ривожи, ҳамда истеъмолчилар талабларининг такомиллашуви эски иқтисодий тузумўрнида замонавий, инновацион иқтисодиётни шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ушбу шароитда дунё миқёсида кескин рақобат муҳити шаклланиб, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантириш ҳамда янги технологияларни иқтисодиётнинг барча соҳаларида жорий этишни талаб этмоқда. Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши ўз навбатида демографик ва ижтимоий-иқтисодий омилларни такомиллашувига туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида АКТ ҳамда электрон тижоратнинг тараққиёти вақт ва масофани сезиларли даражада қисқартириб, ишлаб чиқариш жараёни харажатларини камайтиришга хизмат қилмоқда. Шу сабабли электрон тижорат замонавий иқтисодиётнинг динамик омили сифатида шаклланиб бормоқда.

Ахборот-коммуникацион технологияларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг жорий қилиш, ушбу сохани ривожлантириш йўлида хуқуқий асосни такомиллаштириш ҳамда юқори малакали кадрларни тайёрлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Электрон тижоратнинг тараққиёти ҳар бир мамлакат иқтисодиётнинг ривожига улкан имкониятлар яратиб, АКТнинг ривожланиши халқаро савдо алоқаларини мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Республикамизда ҳам электрон тижорат тизимини янада такомиллаштириш йўлида “Электрон тижорат тўғрисида”ги [2] янги таҳрирдаги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2018 йиллар даврида Узбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори [3] қабул қилинди.

Дунё миқёсида электрон алоқа воситалари 1980 йиллардан бошлаб амалиётда фойдаланиб келишига қарамай фақатгина 1990 йил ўрталаридан савдо соҳасида кенг қўлланила бошлади. Ушбу давр мобайнида электрон тижорат тушунчаси турлича таърифланиб, бизнинг фикримизча энг кенг қамровли тарифлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига биноан “электрон тижорат бу ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган

товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир”; Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти таърифига кўра “электрон тижорат – бу бизнес вакиллари, оила хўжаликлари, индивидуал шахслар, давлатлар ва бошқа хусусий ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги товарлар ва хизматларни компьютер воситалари орқали харид қилиш”дир; Халқаро Савдо Ташкилот таърифига кўра “электрон тижорат - бу бизнес муносабатларини мамлакат миқёси ва халқаро даражада Интернет орқали амалга оширишдир”. Электрон тижорат очиқ ва ёпиқ тармоқларда моддий товарлар савдосини англатиб, ахборот, маслаҳат, молиявий, ҳуқуқий, соғлиқ, таълим, транспорт, аудио, видео, буюртма, банк ва пул ўтказмалари, биржа ва бошқа хизматларни ҳам ўз ичига олади. Электрон тижоратда қуйидаги тўртта гуруҳни ажратиб кўрсатиш мумкин: корхоналар, истеъмолчилар, фуқаролар ва давлат.

Дунё миқёсида электрон тижорат хажми 2014 йилда 1,336 трлн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич мунтазам равишда 20% ўсиш даражасини сақлаган ҳолда 3,578 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши таҳмин қилинмоқда.

Технологияларнинг такомиллашуви ҳамда бозор талабларининг ўзгариши компаниялар томонидан махсулот етказиб бериш стратегияларни қайта кўриш чиқиш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун компаниялар янги технологияларни қўллаш, электрон бозор имкониятларидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчилар билан алоқаларни самарали ташкил этишда замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишлари лозим. Бундан ташқари ахробот коммуникацион технологиялар корхоналар учун янги бозорларни ўрганиш ва маркетинг тадқиқотларни олиб бориш имкониятларини енгиллаштиради ҳамда корхона ҳудудида ва узоқ масофада жойлашган корхона вакиллари фаолиятини самарали ва кам харажат эвазига ташкил этиш ва назорат қилиш имконини беради. Электрон тижоратни самарали қўлланилиши рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра электрон тижоратнинг ривожланиши, биринчи навбатда, улгуржи савдо хизматлари, почта хизматлари ва сайёҳат агентликлари соҳаларида мавжуд иш ўринларига таъсир этади. Таъкидлаш лозимки, ушбу таъсир барча мамлакатлар, географик ҳудудлар, соҳалар ва аҳоли қатламлари ўртасида турлича бўлади. АҚШ ҳамда Европа Ҳамжамияти давлатларида АКТга ҳамда молия, бизнес ва электрон тижорат соҳаларида иш билан бандлик жами иш билан бандлар сонида мос равишда учдан бир қисмини ва тўртдан бир қисмини ташкил этган.

Ривожланган мамлакатларда АКТ соҳасида иш билан бандлик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ирландия, Жанубий Корея, Венгрия, Финляндия ва Швейцарияда умумий иш билан бандлар миқдорида АКТ соҳасида иш билан бандлар улуши юқори кўрсаткичга эга. Умуман олганда ИҲРТ аъзо давлатларида АКТ хизматларида иш билан бандлик улуши юқоридир.

Меҳнат бозорида талаб ва таклиф даражаси ҳамда таркибий тузилишига таъсири билан бирга электрон тижорат меҳнат ресурсларининг қобилиятларига бўлган талабни оширади. АКТ ҳамда электрон тижоратни кенг тарқалиши ходимларни масъулиятини оширишни ҳамда қарорлар қабул қилиш қобилиятларини оширишни назарда тутувчи янги талабларни белгилайди. Ходимлар томонидан нафақат ахборот технологияларини самарали бошқариш

балки истеъмолчилар талаблари ҳамда ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида маълумотларни қайта ишлай олиши ва тезкор қарорлар қабул қилиши талаб этилади. Янги технологиялар юқори малакали ходимларга ҳамда маълумотларга бой бўлган корхоналарда тўғри ва самарали қарорларни қабул қилиш қобилиятига эга бўлган менежерларни талабни оширади.

АКТни ривожланишинг афзал томонларидан бири бу ишсизлар томонидан бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотларни тезкор олиш имконияти мавжудлигидадир. Статистик маълумотларга кўра дунё бўйича 12 млн.га яқин ишсизлар айнан АКТ кўмагида ишга жойлашишга муваффақ бўлишмоқда. Таъкидлаш лозимки, ахборот коммуникацион технологияларининг ривожланиши янги, эгилувчан иш ўрнларини яратишга хизмат қилмоқда, буларга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

Онлайн шартномалар иш берувчилар учун дунё миқёсида иш таклиф қилиш имконини бермоқда. Бунга мисол қилиб, oDesk ҳамда Elance хизматларини келтиришимиз мумкин. 2012 йилда ушбу хизматларда 2,5 млн.га яқин истеъмолчилар хизматига маълум меҳнат вазифаларини бажаришдан тортиб то дастурий воситаларни яратишгача бўлган эълонлар келтирилган;

Микро платформалар (Microwork platforms) мураккаб ва кенг қамровли бизнес жараёнлари маълумотларни киритиш ва тасдиқлаш, қайта текшириш, дизайн яратиш каби алоҳида кичик вазифаларга бўлиб, географик жойлашувидан қатъий назар ишчилар ўртасида тақсимлайди. Бунга мисол қилиб CloudFactory, MobileWorks ва Samasource каби компанияларни келтиришимиз мумкин. Мутахассисларнинг фикрича ушбу корхоналарнинг бозордаги улуши 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилга бориб 5 млрд. АҚШ долларига етиши таҳмин қилинмоқда [16].

Ахборот-коммуникацион технологиялари иқтисодий тараққиётни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб, мамлакатга инвестицияларнинг жалб этилишига, янги иш ўринларининг яратилишига, ёш мутахассислар учун доимий иш ўрнини эгаллаш учун бошланғич поғона ва тажриба ҳамда қўшимча даромадга эга бўлишга, ишлаб чиқаришда ва давлат бошқарувида илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашмоқда, бозор иштирокчилари ўртасида ахборотлар алмашишда, битимларни амалга оширишда ҳаражатларни қисқартириш воситасига айланмоқда. АКТ ҳамда электрон тижоратнинг ривожланиши янги имкониятларни очиб бериши билан бирга иш берувчилар ва ёлланма ходимлар учун айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мукин. Иш билан бандликнинг янги шаклларини яратиш билан бирга, мавжуд иш ўринлари таркибий тузилишини, карьерани ва ишни олиб бориш тартиби ўзгаришига олиб келиши, АКТга боғлиқ бўлган ишларнинг асосий қисмини вақтинчалик ва бир марталик ишлар ташкил этгани сабабли, ишчилар ижтимоий ҳимоя хизматларидан маҳрум этиши мумкин.

Хулоса қилиб таъкидлашимиз мумкинки, иқтисодиётнинг барча соҳаларида АКТнинг жорий этилиши муқаррардир, ушбу жараёнда янги иш ўринларининг яратилиши таҳлиқа ва муаммолардан ҳоли эмас, шу сабабли давлат, компаниялар, ходимлар ва асосан ёш мутахассисларни ушбу жараёнга тайёр бўлиш ҳамда АКТнинг ривожланишини иш билан бандликка ижобий таъсирига эришиш қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратишни талаб этади: меҳнат бозорида рақобатбардошликка эга бўлиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида замонавий билимларга эга бўлиш; кичик бизнес ва хусусий корхоналарда инновацияларни

қўллаб-қувватлаш ва янги технологияларни жорий этиш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш; замонавий талабларга асосан ходимларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда АКТни жорий этилиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олиш; инновацияларни ҳамда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш; ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, янги иш ўринларини яратишга ҳамда меҳнат бозори эгилувчанлигини оширишга хизмат қилувчи муҳитни ва тартибга солиш тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХИЗМАТЛАРИ – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Р.Нормахматов - СамИСИ, т.ф.д,
Ғ.Я.Пардаев, Ш.И.Исмоилов – СамИСИ, ассистентлар

Аннотация: *Мазкур мақолада бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси хизматларини ташкил этишнинг ва ўтказишнинг зарурияти, шунингдек бу борада мутахассис кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар ёритилган.*

Калит сўзлар:*экспертиза, товар экспертизаси, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, товарларнинг истеъмол қиймати, истеъмолчининг қониқиш ҳисси.*

Аннотация: *В этой статье описана необходимость проведения и организации услуг по экспертизе продовольственных товаров, также здесь рассматриваються вопросы связанные с подготовкой квалифицированных специалистов в этой области.*

Ключевые слова:*экспертиза, экспертиза товаров, безопасность пищевых продуктов, потребительская ценность товаров, удовлетворенность потребителей.*

Annotation: *This article describes the need to conduct and organize services for the examination of food products, and also consider issues related to the training of qualified specialists in this field.*

Key words: *examination, examination of goods, food safety, consumer value of goods, customer satisfaction.*

Шуни таъкидлаш жоизки, XXI аср глобаллашув жараёнида сайёрамиз аҳолисини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш катта муаммога айланиб бормоқда. БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ҳозирги кунда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, 30 фоиздан зиётроғи эса тўлақонли овқатланмасдан энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда(2).2008 йилда бошланган инқироз туфайли жаҳон миқёсида нарх-наво кўтарилиб, озиқ-овқат таъминотидаги узулишлар юзага келмаслиги сабабли кўпгина мамлакатларда норозилик ва оммавий тартибсизликлар рўй берганлиги ва бераётганлиги ҳам озиқ-овқат муаммосининг ҳеч муболаҳасиз глобал муаммога айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда эса истиқлолга эришган дастлабки кунларимизданоқ аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлган озиқ-овқат мустақиллигига эришиш энг устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди. Шу сабабли ҳам

аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ва саноат корхоналарини эса қишлоқ хўжалик хом ашёлари билан таъминлаш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бугунги кунда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Табиийки, глобаллашув жараёни товарлар ва хизматлар бозорига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бу эса товарлар ва хизматлар бозорида ҳам рақобат муҳитини вужудга келтиради. Бугунги кунда фаолият олиб бораётган кўплаб бизнес ва тадбиркорлик соҳаси мутахассислари рақобатлар мавжуд муҳитда ҳар қандай фирма ёки корхонанинг фойда олиши ишлаб чиқарилаётган товарларнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва шу асосда истеъмолчиларнинг талабининг қондирилиши асосий мезон эканлигини тан оладилар. Бу эса ҳар бир хизмат кўрсатувчи субъект ўзларининг фаолиятини истеъмолчиларнинг хоҳиши, кайфиятини ҳисобга олган ҳолда, бир сўз билан айтганда сотиб олинган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлардан истеъмолчининг қониқиш ҳиссини таъминлаш асосида ташкил этиши кераклигини кўрсатади. Бу мақсадларга эришишнинг бирдан-бир йўлиниэса товарлар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Экспертиза (лот. expertus-тажрибали) – мутахассис ёки мутахасислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечимлар талаб қилинадиган масалаларни тадқиқ этишдир(3). Экспертиза хизматлари инсон фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олади. Ана шу экспертиза хизматлари орасида товарлар ва хизматлар экспертизаси инсоннинг ҳаёти, соғлиғини таъминлашда ва атроф-муҳит муҳофазасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, бугунги кунда озиқ-овқат товарлари ассортиментининг кундан-кунга ортиб бориши ва чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларнинг тобора юксалиши экспертиза хизматларини замон талаблари даражасида амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Бу вазифаларнинг ечимини эса замонавий жиҳозлар ва ўлчов асбоблари билан жиҳозланган синов лабораторияларисиз ва бу жиҳозлар, ўлчов асбобларида озиқ-овқат товарларининг экспертизасини амалга ошириш бўйича билимларга, кўникмаларга эга бўлган мутахассисларсиз тасаввур қилиш қийин.

Экспертиза хизматини кўрсатаётган ташкилотларга экспертиза ўтказишга буюртма берувчи субъект экспертиза муддатини ва унга сарф қилинадиган харажатларни ҳисоблаш мақсадида қуйидаги маълумотларни бериши талаб этилади:

- экспертиза ўтказиш мақсади ҳақидаги;
- товар жойлашган жой ҳақидаги;
- экспертиза объекти ва унинг миқдорий кўрсаткичлари ҳақидаги;
- экспертиза ўтказиш ва экспертиза хулосасини олиш муддатлари ҳақидаги;
- экспертларнинг ишлаш шароитлари ҳақидаги;
- тадқиқотлар натижалари бўйича шакллантирилган ҳисоботдан қанча нусха кераклиги ҳақидаги;
- экспертиза ўтказишга буюртма берган субъектларнинг реквизитлари ҳақидаги ва бошқалар.

Озиқ-овқат товарларининг сифати ва хавфсизлиги экспертизаси хизматини бажарувчи мутахассислардан озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қиймати ва уни аниқлаш, сақлаш ва ташишнинг рационал усулларини жорий этиш, истеъмол

қийматининг сақлаш, ташиш жараёнларида ўзгариши, товарларни ўраб-жойлаш, маркалаш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш борасида махсус билимларга эга бўлишлиги талаб этилади. Афсуски, сўнгги йилларгача товар экспертизаси хизматлари кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрланмасдан келди. Бу камчиликка 2014 йилда барҳам берилиб, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 5610100 – “Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)” таълим йўёналиши бўйича талабалар қабулига рухсат этилиб, ҳозирги кунда кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, товар экспертизаси хизматлари соҳасида тайёрланаётган бу мутахассис кадрлар экспертиза хизматларини бугунги кун даражасида ташкил этиб, инсон соғлигини сақлаш ва мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришдек муҳим ишларга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

МАРКЕТИНГ-ЛОГИСТИКА ИННОВАЦИЯ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ КОМПЛЕКС УСУЛИ

Бобоев Н.Д. – СамИСИ и.ф.н., катта ўқитувчи
Холмаматов Д.Ҳ. - СамИСИ катта ўқитувчи
Садинов Ш.Х. - СамИСИ магистр

Аннотация: *Бугунги кунда ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг товар моддий ресурслари ҳаракатини оптимал бошқаришда маркетинг-логистика усулидан фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада маркетинг-логистика инновация тизимини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг айрим амалий жиҳатлари ёритилди.*

Аннотация: *В настоящеевремя одной из актуальных проблем является использование логистических методов маркетингадля управления движением материальных ресурсов в коммерческих и производсвенных предприятиях. В данной статье рассматривается некоторые практические аспекты разработки и внедрения инновационной системы маркетинговой логистики.*

Annotation: *In our days, one of the pressing problems is the use of marketing-logistics methods in managing the movement of material resources in commercial and manufacturing enterprises. The article describes development and implementation of marketing-logistics innovations.*

Муалифларнинг кўп йиллик кузатиш ва тадқиқотлари маркетинг-логистика инновация тизимини микротизим шаклида лойиҳалаш кераклигини кўрсатмоқда. Бу тизим ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг товар моддий ресурслари ҳаракатини самарали(оптимал) бошқарувчи восита сифатида лойиҳаланиши керак. Тизимнинг элеменларини прогноз ва режалаштириш модели, ассортимент ва буюртмалар портфелини шакллантирувчи қуйитизим, товар-моддий ресурслар ҳаракатини бошқарувчи ва ахборот-коммуникация қуйитизимлари ташкил қилади.

Прогноз ва режалаштириш қуйитизимида бозор талаби ҳажмининг прогнози ва маҳсулот сотиш ҳажмининг режаси ишлаб чиқилади. Замонавий маркетинг концепциясига кўра бизнес фаолият аниқ истеъмолчига, истеъмолчилар гуруҳига, аниқроғи уларнинг талабига ва уни қондиришга йўналтирилиши лозим. Шу сабабли истеъмолчилар талабини прогнозлаш асосида ишлаб чиқариш ассортименти ва маҳсулот сотиш ҳажмини тўғри режалаштириш бизнесда

муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралиши керак. Чунки ишлаб чиқариш ёки савдо жараёнлари дастурини ишлаб чиқишда сотиш режаси асос вазифасини бажаради.

Иккинчи қуйитизим маҳсулот ассортиментининг рационал портфелини шакллантиришга хизмат қилади. Маҳсулот ассортименти портфели деганда ишлаб чиқариш корхонаси томонидан ишлаб чиқариш жараёнида яратиладиган ва корхона тайёр маҳсулот омборларида сақланадиган барча тур ва номдаги маҳсулотлар ассортименти тушинилади. Товар ёки ишлаб чиқариш ассортименти портфелини илмий асосланган ҳолда, тўғри шакллантириш бизнес субъекти учун долзарб муаммо ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш ассортименти қанчалик кенг ва чуқур бўлса, корхона ўз бизнес йўналишлари соҳасини доимий равишда ўрганиб, баҳолаб туриши талаб қилинади. Баҳолаш натижаси маҳсулот турлари бўйича сотиш ҳажмларининг ялпи сотиш ҳажмидаги улушлари ва сотиш ҳажмларининг тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, махсус маркетинг усул ва воситаларидан фойдаланиб ҳисоб-китоб қилинади.

Маҳсулот етказиб берувчилар билан узоқ муддатли ҳамкорликнинг ахборот-коммуникация қуйитизими корхонанинг маҳсулот етказиб берувчилари портфелини шакллантиради. Бу тизимда маҳсулот етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотлар базаси таркибан иккита папка шаклда яратилади. Биринчи папкада корхнанинг мавжуд маҳсулот етказиб берувчилари файллари яратилади. Бу файлларнинг ҳар бирида аниқ бир маҳсулот етказиб берувчининг буюртмани бажариш жараёнида йўл қўйган хато-камчиликлари ва амалга оширган ижобий иш натижалари ҳисобга олиб борилади. Ҳисобга олиш узлуксиз тарзда барча буюртмалар бўйича амалга оширилади. Ҳисобга олинган маълумотлар асосида регламентда белгиланган вақтда маҳсулот етказиб берувчиларнинг рейтинги тузилади ва улар кластерларга ажратилади. Кластерлар истъемолчи корхоналар томонидан буюртмаларни бажаришда қайси бир маҳсулот етказиб берувчиларга устуворлик бериш, қайсиларига имтиёзлар бериш, ёки қайсиларига чекловлар қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. Иккинчи папакада корхонанинг потенциал (имкониятли) маҳсулот етказиб берувчилари файллари яратилади. Потенциал етказиб берувчилар дейилганда мазкур пайтгача корхонанинг бирорта ҳам буюртмасини бажармаган, корхона учун мутлақо янги ҳисобланган маҳсулот етказиб берувчилар тушунилади. Уларнинг маҳсулотлари ва етказиб бериш имкониятлари тўғрисидаги ахборотлар маҳсулот каталоглари, реклама эълонлари, интернет сайтлари ва бошқа манбалардан олинади. Бу маълумотлар асосида потенциал етказиб берувчилар рейтинги тузилиб, кластерларга ажратилади. Мақбул кластердан буюртмаларни бажаришга талабгор маҳсулот етказиб берувчилар танланади.

Буюртмалар портфели қуйитизимида буюртмаларнинг оптимал миқдорини хисоблаш асосида буюртмалар портфели шакллантирилади. Буюртманинг оптимал миқдори бу товар-моддий ресурслар(ТМР)нинг шундай миқдорики, фақат шу миқдордаги ТМРга буюртма берилгандагина буюртмани бажаришнинг жами харажатлари минимал(энг кам) бўлади. Буюртмани бажаришнинг жами харажатларига ТМРларни харид қилиш харажатлари, юклаш-тушириш, ташиш ва сақлаш харажатлари киради. Буюртманинг оптимал миқдори махсус усулдан фойдаланиб ҳисобланади. Бу усулни жорий қилиш натижасида корхонада оптимал буюртмалар портфели шакллантирилади. ТМР ҳаракатини оптимал буюртмалар

асосида ташкил қилиш натижасида заҳираларни яратиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тежалади. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Товар-моддий ресурслар ҳаракатини оптимал бошқариш қуйи тизими.Товар моддий ресурслар ҳаракати янги инновацион моделдан фойдаланиб ташкил қилинади ва бошқарилади. Моделнинг ахборотлар базасини буюртмаларнинг оптимал миқдори ифодаланган буюртмалар портфели файли, товар моддий ресурслар қолдиғи (заҳираси)нинг чегаравий миқдорлари файли ва товар моддий ресурслар ҳақиқий жорий қолдиғи ифодаланган маълумотлар файли ташкил қилади. Товар моддий ресурслар ҳаракати буюртмаларни бошқариш орқали ташкил қилинади ва назорат қилинади.

Инновацион тизимни корхона амалиётга жорий қилиш натижасида қуйидагиларга эришиш кутилади:

1. Маҳсулот ассортименти бўйича талаб ҳажмининг ўрта ва қисқа муддатли прогноз миқдорлари ҳисоб-китоб қилинади.
2. Талаб ҳажмининг ҳисобланган прогноз миқдорлари асосида корхонанинг йиллик (чораклар ёки белгиланган даврлар бўйича) ишлаб чиқариш дастурлари ишлаб чиқариш ассортименти кесимида ҳисоб-китоб қилинади.
3. Парето, АВС ёки БКГ усуллари ёки уларнинг комбинациясидан фойдаланган ҳолда корхона ишлаб чиқариш ассортименти таҳлил қилинади, ва ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ассортимент портфели танланади.
4. Мавжуд ва потенциал(имкониятли) маҳсулот етказиб берувчиларнинг ахборотлар банки шакллантирилади.
5. Барча даражадаги омборларнинг буюртмалари портфеллари шакллантирилади.
6. Буюртмаларни бошқариш самарали ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш ёки товароборот ҳажми камаймаган ҳолда корхонадаги товар-моддий бойликлар заҳираси (қолдиғи) минималлаштирилади (энг кам миқдорга келтирилади).

Биринчи ва иккинчи бандлар бўйича олинадиган натижаларни олинадиган натижаларни жадвал (табуляграмма) шаклида, учинчи банд бўйича таҳлилий ҳисобот ва тавсиялар шаклида, тўртинчи ва бешинчи бандалар маълумотларнинг электрон банки ва олтинчи банд бўйича натижалар график (иш жадвали) шаклида, яъни буюртма бериш вақти, миқдори, бажариш вақти, бажариш учун масъул ходим ва таъминотчи корхона тўғрисида маълумотлар кўрсатилган ҳолда тақдим этилади. Тақдим этилган маълумотлар корхонага қуйидаги имкониятларни яратади:

1. ишлаб чиқариш, таъминот, молия ва бошқа мақсадли режалар (дастурлар) бевосита реал бозор талабига асосланган сотиш режасига мувофиқ ишлаб чиқилади ва натижада корхона ресурсларининг самарали тақсимотига эришилади.

2 ишлаб чиқариш ассортименти бозор талабига йўналтирилади ва натижада ассортимент бўйича рақобат устунлигига эришилади.

3. товар-моддий ресурслар заҳираси(қолдиғи)нинг минималлашуви (камайиш) натижасида ортиқча заҳира кўринишда банд бўлиб турган маблағлар ва заҳираларни сақлаш билан боғлиқ маблағлар бандликдан бўшайди ва фаоллашади. Бандликдан халос бўлган, маблағлар суммасига тенг миқдордаги иқтисодий самарадорликка эришилади. Иқтисод қилинган маблағлардан инновацияларда фойдаланиш имконияти яратилади.

Пировардида корхонанинг тўлов қобилияти яхшиланиб, мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имконияти яратилади. Корхонанинг мижозлар ва ҳамкорлар олдидаги имиджи юксалади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир бўғинидаги мавжуд ресурсларни тўғри тақсимлаш орқали меъёридан ортиқча хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва тайёр маҳсулотлар заҳирасининг тўпланишига барҳам берилади, ҳамда маблағларнинг самарали айланишига эришилади.

Натижада корхона айланма маблағларидан фойдаланиш ва тайёр маҳсулотни сотиш рентабеллиги, камайган маблағлар суммасига тескари пропорционал равишда ошади.

СТРАТЕГИЯ ТОРГОВЛИ БИНАРНЫМИ ОПЦИОНАМИ ПО ТЕПЛОВОЙ КАРТЕ

У.Х. Каландаров ст.п. к.т.н., **М.У.Тилябов, Шукуров З.К.** (СамИЭС), **С.С. Абдурахимов** студент 2-курс (СамИЭС).

***Annotatsion**: At the work at the company of the broker and rebationships of triyder and the arrangement amang them and at the company of broker valuabli documents and shares and signals of trade and indirarion tacties unsing them*

***Аннотация**: Ишда брокерлик корхоналарида ва трейдерлар муносабатлари ва улар ўртасидаги шартномалар ва брокерлик корхоналарида қимматли когозлар ва акцияларни сотилиши ва савдо сигналларини қабул қилиш ва улардан фойдаланиш тактикалари кўрсатилган.*

Заключенный между трейдером и брокером на определенное время договор, с прогнозированием стоимости актива, называется бинарным опционом. Если у вас остались вопросы в отношении определения, то наша тема пригодится для более точного понимания.

Кто такой брокер: давайте поговорим кем являются участники договора. Допустим, трейдером являетесь вы, и на этом этапе вопросов не возникает, но есть сложности с определением брокера и кем он является. Брокер — компания, которая для торговли бинарными опционами, предоставляет электронную платформу. В связи с существованием большого количества подобных компаний, перед трейдеров возникает вопрос как выбрать самую достойную среди них.

Итак, предметом договора, заключенного с брокером, выступает базовый актив, вернее его стоимость по истечению определенного промежутка времени. Финансовые товары, которые торгуются на биржевых рынках, являются базовыми активами. Ими могут быть акции, разные валютные пары, индексы. Многие брокеры предлагают более сотни подобных активов для торговли.

Фиксированная прибыль, таймфрейм и экспирация

В договоре, заключенном с брокером, четко оговаривается промежуток времени для торгов. Например: трейдер прогнозирует стоимость определенной пары через договоренный промежуток времени (таймфрефм). Все зависит от возможностей платформы, поэтому значение таймфрейма может варьироваться от одной минуты до года. По истечению времени договор закрывается, происходитэкспирация, как говорят профессионалы. Вне зависимости от того был куплен Call (увеличение цены) или Put (снижение цены) опцион и прогноз трейдера был успешным, то его прибыль составит 70% от сделанной инвестиции. Прибыль

фиксирована. Процесс торговли самими бинарными опционами предельно прост. Главной задачей является спрогнозировать верное направление движения выбранного актива.

Стратегия торговли бинарными опционами по тепловой карте, эта стратегия является доступной, простой, понятной не только опытным трейдерам, но и новичкам. Эта стратегия позволяет заработать средства быстро и без напряжения. Благодаря ей можно увеличивать свою прибыль постоянно. Есть трейдеры, которые каждый день используют именно эту стратегию.

Стратегия также имеет название «Денежный индикатор». В чем же загадка этой великолепной стратегии? Как на ней можно заработать? Для начала необходимо перейти по ссылке: Пояснения можно найти под представленной картинкой. Это особая карта, которая называется тепловой. С ее помощью можно хорошо зарабатывать, торгуя бинарными опционами. Чтобы не упустить прибыль из рук нужно максимум внимания уделить именно тридцатиминутной тепловой карте. Это необходимо, чтобы сделать оценку поведения курса валют. За основу берется тридцатиминутный график. Красного прямоугольник отображает ситуацию, при которой курс пары валют находится ниже предыдущего минимума. Зеленый прямоугольник является отображением ситуации, когда курсы пары валют в настоящее время находится выше предыдущего максимума.

Чтобы было понятнее, как использовать тепловую карту, рассмотрим на примеры.

1. Будем анализировать таблицу вверху. Рассматриваемая валютная пара будет EUR/USD. Нам нужно узнать на каком уровне в данный момент находится курс именно по этой паре валют. Для этого ищем прямоугольник необходимый нам, который соответствует этой паре валют. Он находится между EUR (в левом столбике) и USD (нужно посмотреть на верхнюю строку). Нужно найти пересечение выше обозначенных валют. Мы получаем прямоугольник красного цвета, когда смотрим на пересечение. Это означает, что курс валют в данный момент находится ниже предыдущего минимума. Из этого следует, что движение скоро развернется в сторону увеличения роста.

2. А теперь смотрим на пару валют AUD/JPY (таблица вверху). Нужно определить курс в данный момент по этой паре. Находим прямоугольник. Он располагается между AUD (в левом столбике) и JPY (верхняя строка над самой таблицей). Зеленый прямоугольник получается в точке пересечения этих двух валют. Значит, курс располагается выше предыдущего максимума. Это значит, что очень вероятен разворот в ближайшее время в противоположную сторону. Стоит ждать падения, это случится быстрее всего. Что касается вывода, то если при пересечении валют выбранной пары получаем зеленый прямоугольник, то следует открыть сделку на понижение. Что касается длительности, то выбираем 30 минут или больше, но не меньше. Если при пересечении валют получаем в результате красный прямоугольник, то следует открыть сделку на повышение, время выбираем не менее тридцати минут. Если выпадут прямоугольники цветов: розовый, серый, салатовый, то это будет означать, что сигнал довольно слабый, соответственно, лучше такой актив пропустить.

3. Считаю, что тепловая карта это не панацея, это всего на всего подсказка для трейдера. Прежде чем легкомысленно жать на кнопку «купить», неплохо бы посмотреть на живой график. Оценить ситуацию. Посмотреть как это

вяжется с вашей стратегией, что показывают индикаторы на других ТФ. Где уровень ПС. И потом принимать решение. Если неправ поправьте.

Все очень просто! И так**:** Если при пересечении валют соответствующей валютной пары получился зеленый прямоугольник, то открываем сделку «на понижение» сроком не менее 30 минут. А если при пересечении валют соответствующей валютной пары получился красный прямоугольник, то открываем сделку «на повышение» сроком не менее 30 минут. Салатовый, розовый или серый цвета, в которые окрашены прямоугольники, являются подтверждением того, что сигнал является слабым и в таком случае необходимо данный актив пропустить.

Переводим "**Техническое резюме**" в режим интервала **30 минут**. После чего, дожидаемся позиции **"Нейтрально"** по какому нибудь из активов, например это может быть EUR/JPY как в нашем видео. Это значит, что по этому активу не ожидается никаких движений рынка ни вверх ни вниз в течении ближайших 30 минут.

Обратите внимание на то, что торговля Форекса и торговля в других продуктах с внешним финансированием включают значительный уровень риска и не подходят для всех инвесторов. Прежде, чем предпринять любые такие сделки Вы должны гарантировать, чтобы Вы полностью поняли включенные риски и обратились за независимым советом при необходимости. Любые мнения, новости, исследование, исследования, цены или другая информация, содержавшаяся в этой электронной почте, обеспечены как общий комментарий рынка и не составляют консультации по инвестициям.

Аннотация*: В статье анализируются тенденции развития лизинговых услуг в Узбекистане и перспективные направления их применения в сфере туризма.*

Ключевые слова: *сфера инвестиции, сервис лизинга, рынок сервиса, финансовый аренда, Мерседес, Вольво, инвестиционый товар*

Annotation*: The article analyzes development tendencies of leasing services in Uzbekistan and promising areas of their application in the sphere of tourism.*

Key words:*Sphere of investment, leasing service, service market, financial lease, Mercedes, Volvo, investment goods.*

Кейинги йилларда инвестиция муҳитини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини, бевосита лизинг хизматлари ва сервиси бозорини қўллаб-қувватлаш бўйича республикамиз ҳукуматининг олиб бораётган изчил иқтисодий сиёсати туфайли лизинг хизматлари ва сервиси бозори кенгайиб бормоқда.[65] Жумладан, 2016 йилда республикамизда янги лизинг битимлари ҳажмининг ошиши 14% ни ташкил қилди, лизинг портфелининг ўсиши эса 5,5% га тўғри келди. Лизинг бозорининг охирги 20 йиллик фаолияти даврида илк бор технологик ускуналар сектори етакчи ўринга чиқиб олди ва унинг бозордаги улуши 36% ни ташкил этди.[66] (1-расм)

Айни пайтда, иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоқларига тегишли бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш компаниялари ишинифункционал жиҳатдан тўғри йўналтиришда лизинг хизматларининг ўрни катта аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ичида туризм соҳаси ҳам ўз ишлаб чиқариш қувватига кўра, лизинг хизматларидан фойдаланишни четлаб ўтмайдиган тармоқлардан ҳисобланади.

Маълумки, лизинг молиявий ижаранинг механизми сифатида корхоналарни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, туризм соҳасига

[65]Ф.О.Абдуллаев. Минтақада лизинг хизматлари ва сервисининг ривожланиши: муаммолар, ташкилий-иқтисодий омиллар ва ечимлар// Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012.
[66]Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси. Ўзбекистон лизинг хизматлари секторининг таҳлили: 2016 йил якунлари бўйича. Тошкент 2017.

йўналтирилганлик томонидан олиб қаралганда, лизинг - бу туристик бизнесга инвестициялар киритишнинг янги шакли ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари халқаро даражада истеъмолчилар эҳтиёжини тўла қондиришлари учун юқори даражадаги хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ташкил эташи талаб қилинади. Бунда меҳмонхоналар, ресторанлар, транспорт ва бошқа объектлар мижозларга қулай ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил қилишлари учун корхоналарнинг материал базаси жаҳон стандартларига жавоб бериши ўз навбатида сайёҳнинг мамлакатда қолиш вақтини узайтириш ва туристик дестинациянинг сайёҳлик жозибадорлигини янада ошишига сабаб бўлади.



Жаҳон тажрибасидан олиб қараганда сайёҳлар учун энг қулай ва сифатли транспорт воситалари Мерседес (Германия), Вольво (Швеция); бошқарувни автоматлаштирувчи компютер тизимлари ва дастурларини ишлаб чиқарувчи АҚШ ва Япония каби ривожланган мамлакатлар компаниялари стандартидаги асбоб ускуналардан фойдаланиш туристик маҳсулотни харидоргир бўлиш омилини бир неча баробарга оширади. Туристик корхонанинг материал техник базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаши биринчи навбатда катта миқдордаги капитал талаб этади. Бу ҳолатда тадбиркор ўз маблағлари эвазига ёки банк кредитларини жалб қилган ҳолда инвестиция киритиши мумкин ёки лизинг хизматларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мумкин.

Халқаро туристик ташкилотлар тажрибасида лизинг тушунчаси тез-тез қўлланиладиган тушинча ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник-технологик жиҳатдан янгилашга эришиш мамлакатда инвестицион жараёнларни фаоллаштиришни талаб қилади. Инвестицион қўйилмалар ва молиявий лизинг (сотиб олиш шарти билан ижарага бериш) молиявий ва ишлаб чиқариш капитали ўртасидаги механизм ҳисобланиб, молиявий инвестицияларни реал инвестицияларга йўналтириш усули ҳисобланади.

Туристик корхоналарни ривожлантиришга маблағларни жалб қилишнинг турли усулларни танлаш жараёнида инвестицион лойиҳани молиявий-иқтисодий баҳолаш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда аксарият туристик корхоналарда хорижда ишлаб чиқарилган йирик техника ва

технологияларга эҳтиёж каттадир. Бу каби инвестицион товарлар ҳақида сўз кетганда замонавий шартлар асосида, нафақат юқори техник иқтисодий кўрсаткичларни балки самарали молиявий шартларни ҳам инобатга олиш фаолият истиқболларидан бири ҳисобланади. Лизинг асбоб-ускуналарни сотиб олишдан фарқли равишда уларга юридик жиҳатдан уларни хусусийлаштирмасдан иқтисодий хусусийлаштиришга эришиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда туризм мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик сектор бўлиб хизмат қилиши белгилаб қўйилган. Турли дастурлар ва стратегик режалар тузилиб, соҳа ривожланиши учун катта миқдордаги инвестициялар киритилиши кўзда тутилган.

Лизинг хизматларидан фойдаланиш салоҳиятига эга объектлар сифатида биргина жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи меҳмонхоналарни таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда жами 571 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, шу жумладан 82 та 3 юлдузли, 40 та 4 юлдузли ва 4 та 5 юлдузли меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.[67] (2-расм)

Истиқболли туристик салоҳияти мавжуд бўлган Ўзбекистонда лизинг операцияларни хизматлар соҳасини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялар ва диверсификациялашга йўналтирилганлик даражаси ва кўламини янада ошириш ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ва инвестицион жозибадорлигини янада ривожлантиришга замин яратади. Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда лизинг



асосида ўз материал базасини жаҳон стандартларига монанд янгилашни режалаштирган тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлашни янги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқади.

Республиканинг туристик минтақаларида туризм соҳасининг қуйидаги устувор йўналишларида лизинг хизматларини кенгайтириш истиқболли ҳисобланади:

- туристларни ташишга мўлжалланган замонавий транспорт воситалари ҳарид қилиш;

[67]Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси тўплами. “Ўзбекистонда туризм” 64-бет, –Тошкент, 2016.

•якка туристлар учун йўл бўйида мотеллар ташкил этиш;

•меҳмонхона ва ресторан бизнесини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий қилиш;

•туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАБИИЙ, ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАРНИНГ РОЛИ

Х.Маматқулов Доцент
У.Бойназаров Ассистент
О.Хайдаров Ассистент

Аннотация: *Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятининг туристик объектлари, улардан туризмни ривожлантиришда фойдаланишнинг аҳамияти, мазкур табиий, тарихий ва маданий объектларнинг вилоят туризм салоҳиятини янада орттиришдаги роли акс эттирилган.*

Калит сўзлар: *Қашқадарё, туризм, ресурс, туристик объектлар, қўриқхона, қизил китоб.*

Аннотация: *В этой статье привидены Кашкадарьинской туристические районы, в том числе на развитие туризма в области, важность использования природных, исторических и культурных объектов, отражают роль туристического потенциала региона решений.*

Ключевые слова: *Кашкадарья, туристические ресурсы, туристические объекты, заповедник, красная книга.*

Annotation: *In this article the Kashkadarya tourist areas are prized, including the development of tourism in the region, the importance of using natural, historical and cultural sites, reflect the role of the region's tourism potential solutions.*

Key words: *Kashkadarya, tourism resources, tourism objects, reserve, red book.*

Қашқадарё вилояти шимолдан Самарқанд, шимоли–ғарбдан Бухоро вилоятлари, шимоли–шарқдан Тожикистон республикаси, жануби–шарқдан Сурхондарё вилояти, жануб ва жануби–ғарбдан Туркманистон республикаси билан чегараланади. Вилоят таркибига Ғузор, Деҳқонобод, Қарши, Касби, Косон, Китоб, Муборак, Миришкор, Нишон, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари киради.

Қашқадарё вилояти территориясининг кўпчилик қисми текисликлар, жумладан Китоб–Шаҳрисабз текислиги, Ғузор текислиги, Қарши чўли, Нишон чўли ва Сандиқли қум чўлидан иборат. Текислик шимоли–шарққа томон кўтарила бориб, тоғлар орасидаги Китоб–Шаҳрисабз ботиғини ҳосил қилади. Шимоли–шарқ ва жануби–шарқдан чўлларни Зарафшон (Қоратепа, Чақилкалон тоғлари) ва Ҳисор тизмаларининг тармоқлари (Осмонтарош, Шертоғ, Яккабоғ, Эшакмайдон, Кўкбулоқ, Чақчар, Қорасирт, Деҳқонобод тоғлари) ўраб туради. Вилоятнинг шимоли–шарқида Китоб–Қамаши текислиги жойлашган, шимолда Зарафшон ва жануби–шарқда Ҳисор тизмаларининг адирлари эгаллайди.

Иқлим шароити қуруқ ва қисман қуруқ субтропик иқлим. Бу ерда пахта, ғалла экинлари ва субтропик мевалар ҳам етиштирилади. Вилоятнинг йиллик ўртача температураси $+15^0$C. Январь ойининг ўртача температураси $+2^0$C, айрим йилларда – 27°C гача тушади. Июль ойининг ўртача температураси 29°C, баъзан 48^0C гача

етади (1978). Ўсимликларнинг вегетация даври 242 кун, баъзи йилларда 280 кунга боради. Вилоят ҳудудида йиллик ёғин миқдори 225—250 мм ташкил қилади. Ёғин, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Тоғларда ёғин 1000—1500 мм ташкил қилади.

Вилоятнинг асосий дарёси Қашқадарё ҳисобланади. Унинг узунлиги 378 км, ҳавзасининг майдони 8780 км^2. Дарё Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий тармоғидан бошланади. Қашқадарёга серсув бир қанча ирмоқлар: Жиннидарё, Чироқчидан 18 км юқорида Оқсув, Танхоздарё, Ғузордарёлар қуйилади. Бу ирмоқлар юқори оқимида чуқур ва тор водийда тез оқадиган типик тоғ дарёларидир. Қашқадарёнинг ўнг қирғоқ томонидан унчалик баланд бўлмаган Қоратепа тоғининг жанубий ён бағридан йигирмага яқин сой оқиб тушади. Масалан, Шўробсой, Макридсой, Оёқчисой, Қалқамасой ва бошқалар. Тоғлардан текисликка чиққач, дарё водийси кенгаяди. Шу ердан дарё суви бутунлай суғоришга олинади ва Қарши даштига етганда дарё тугайди.

Вилоят ёввойи ўсимликлар дунёсига жуда бой бўлиб, улар 1184 турни ташкил этади. Булардан бир қанчаси фармацевтика саноати ва тиббиётда ишлатилади. Вилоят территориясининг 76,6 минг гектарини ўрмонлар эгаллайди. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, чўчқа, қуён, тоғ эчкиси, жайрон, эчкемар, жайра, типратикан, тошбақа, илонлар, кемирувчилар, қушлардан бургут, тустовуқ, какликлар ўчрайди.

Қашқадарё вилояти ҳудудида ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш учун иккита қўриқхоналар мавжуддир.

Ҳисор давлат қўриқхонаси**.** Қашқадарё вилоятида Ҳисор тизма тоғининг ғарбий ёнбағрида жойлашган. 1983 йилда у иккита давлат кўриқхонаси – Қизилсув ва Мироқи қўриқхоналарининг бирлашиши натижасида ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда ушбу қўриқхона Ўзбекистондаги энг катта қўриқхоналардан бири ҳисобланади. Унинг умумий майдони 80,986 га ни ташкил қилади.Қўриқхонада ўрмон, дала экотизимлари ажралган. Қўриқхонанинг асосий ўрмон ҳосил қилувчи ўсимликлари Зарафшон ва ярим шарсимон арчалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб турлардан қўриқхона ҳудудида 32 турдан кам бўлмаган томирли ўсимликлар турлари ўсади. Қўриқхона ҳайвонот оламига бой бўлиб турли–туман ва тоғли ўрмонларга хос бўлган деярли барча ҳайвонлар турларини қамраб олади. Қўриқхонада 2 турдаги балиқ, 19 турдаги амфибия ва рептилия, 103 турдаги уяли қушлар, 28 турдаги сутэмизувчилар яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ҳайвонлардан оқтирноқ, айиқ, илвирс, туркистон силовсини, эрон қундузи, қушлардан: бургут, болтаютар, итолғи, қумой, кичик бургут киритилган.Қизилсуй майдонида Осмонталаш чўққиси жойлашган бўлиб, айнан шу ерда сибирь қўзиси, илвирс ва қизил суғур каби ҳайвонлар яшайди. Қўриқхона ҳудудида судралиб юрувчи ҳайвонлардан сувилон, чипорилон, қалқонтумшуқ, кўлвор илон, туркистон агамаси ва бошқалар учрайди.

Китоб давлат қўриқхонаси. 1979 йилда 3938 га майдонда ташкил топган. Китоб – Шаҳрисабз водийси қулай сайёҳлик имкониятлари жиҳатидан ватанимизнинг ноёб, бетакрор ўлкалардан бири ҳисобланади. Ҳисор ва Зарафшон тоғлари ўртасидаги хушманзара гўшалар экологик туризмни ривожлантиришнинг манзиллари бўлиб хизмат қилади. Ушбу Давлат қўриқхонаси Қашқадарё вилоятида Зарафшон тоғ тизмасининг жануби–ғарбий тармоқларида жойлашган. Қўриқхона

ҳудудида 168 турдаги ҳайвонлар мавжуд. Қушлар–128, сутэмизувчилар–21, судралиб юрувчилар–14, балиқлар–3 турдан иборат. Шундан 10 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га кирган. Қўриқхона ҳудудида 800 турдаги ўсимликлар ўсади, шундан 23 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган.

Қўриқхона ҳудудидаги Обисафид, Хўжақўрғон, Занзилбан, Новабак, Қўшнова, Қизилолма, Жаршаи даралари қўриқхона ҳудудини чуқур кесиб ўтиб такрорланмас табиат манзараларини ҳосил қилади. Қўриқхонадаги Занзилбан сойининг кесмаси Қуйи Девон даври Эм яруси қуйи чегарасининг дунё бўйича стратиграфик эталон–стандарти ҳисобланади.

Китоб давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига буйсунади ва Китоб геология экспедицияси томонидан бошқарилади. Бу қўриқхонанинг халқаро миқёсдаги аҳамияти шундан иборатки, қўрихона ҳудудида халқаро меридиан чизиғининг ўтганлиги ҳақида халқаро белги қўйилган. Бу имкониятлар экотуристларни ўзига жалб этади.

Қашқадарё вилояти археологик ёдгорликларига бой бўлиб, улар Октябрь революциясигача етарли даражада ўрганилмаган эди. Собиқ Совет тузуми даврида, хусусан 1916–48, 1952–53, 1964–67, 1970–72 йилларда Ўзбекистон ФА Археология институти томонидан Қашқадарё вилояти ҳудудида кенг миқёсда қазиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, у 1970–72 йилларда Қарши магистрал канали трассаси яқинидаги Қўштепа, Хўжалитепа, Полвонтепада археологик текшириш ишларини амалга оширди. 1973 йилдан Қашқадарё воҳасида (айниқса, Ерқўрғон ш. харобасида) археологик ёдгорликлар картасини тузиш ишлари олиб борилди. Китобдан 30 км шимоли–шарқда Ҳазрати Башир қишлоғи яқинидаги ғорда палеолит даврига оид одам яшаганлик белгилари аниқланди. Чимқўрғон сув омбори жанубий соҳилидаги Бўржарсойнинг қуйилиш жойида сўнгги бронза даври (мил. ав. 9–8–асрлар)га оид қадимий деҳқонлар манзилгоҳи топилди.

Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида рўйхатга олинган қадимги археологик тарихий, маданий мерос объектларнинг умумий сони 927 тани ташкил қилади. Шулардан 129 таси Қарши туманида, 127 таси Китоб туманида, 109 таси Ғузор туманида, 95 таси Касби туманида, 92 таси Косон, 66 таси Қамаши, 49 таси Яккабоғ туманлари, 58 таси Қарши шаҳри ҳудудларида жойлашган (жадвал-1).

Қашқадарё вилоятида археологик, тарихий, маданий мерос объектларининг ҳудудий тарқалиши

Жадвал–1

Т/р	Туманлар номи	Жаъми тарихий объектлар	Шу жумладан		
			Меъморчилик объектлари	Археологик объектлар	Ҳайкаллар
1	Қарши шаҳри	58	25	27	6
2	Қарши тумани	129	19	104	6
3	Косон	92	12	75	5
4	Ғузор	109	12	93	4
5	Қамаши	66	6	59	1
6	Деҳқонобод	40	5	33	2

7	Нишон	8	2	3	3
8	Муборак	8	4	2	2
9	Миришкор	18	7	9	2
10	Касби	95	13	79	3
11	Шаҳрисабз	84	43	34	7
12	Китоб	127	26	98	3
13	Яккабоғ	49	12	47	–
14	Чироқчи	34	7	20	7
	Жами:	**927**	**193**	**683**	**51**

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятдаги аксарият тарихий–маданий мерос объектлари Қарши, Ғузор, Касби, Шахрисабз, Косон, Қамаши туманларида жойлашган. Ушбу туманлар хозирги кунда вилоятда тарихий–маданий туризмнинг марказлари ҳисобланади. Айниқса номлари келтирилган туман ва шаҳарлар ичида Қарши, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари алоҳида ажралиб тўради. Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий–маданий объектлар ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон ёдгорлик мероси мақомини олган.

Қашқадарё вилояти ҳудудида сақланиб қолган тарихий архитектура объектлари воҳа қадимдан ривожланганидан далолат беради. Ҳозирги кунга қадар воҳа ҳудудида 193 тадан ортиқ меъморчилик объектлари сақланиб қолган. Жумладан Қарши шаҳрида тарихий меморчилик объектлари 25 тани ташкил қилади.

Кўк гумбаз масжиди. Ушбу масжид шаҳарнинг марказида жойлашган бўлиб, у XVI аср охирида қурилган. Масжиднинг кўк гумбазли декаратив қуббаси XIX аср ўрталарида йиқилиб тушган. Масжиднинг пойдевори тоғ тошидан ва унинг устидан ғишт билан кўтарилган. Масжид деворлари пиширилган ғишт материалларидан қурилган. Деворларда ғишдан ясалган мозаикалар ишлатилган. Масжидда қадимги ёзувлар сақланиб қолган. Унда Абдуллахон II ва бошқа бир кишининг исми эслатилади. Бу масжидни қурдирган кимса Мир Бека Баҳодир қизи, яъни Абдуллахон II нинг хотинидир.

Қашқадарё дарёси устида қурилган кўприк ва ўрта аср минораси. Ушбу кўприк 12 та йирик қозиқ оёқ(пиширилган ғишт)дан иборат бўлиб, кенг ва пастқам арклар билан боғланган. Кўприкнинг узунлиги 122 метр, эни 8,2 метр, баландлиги 5,35 метрни ташкил қилади. Маҳаллий аҳолининг табирича бу кўприк Абдуллахон II даврида бунёд этилган.

Қарши шаҳрида ўрта асрларда қурилган ҳаммом ҳам бор. Мутахассис олимларнинг фикрича ушбу ҳаммом XVI асрда қурилган деб тахмин қилинади.

Шахрисабз шаҳрининг тарихий, меъморчилик ва археологик объектлари. Шахрисабз шаҳридаОқ Сарой мажмуаси, Дор ут-Тиловат мажмуасига Кўк Гумбаз масжиди, Гумбази Сайидон мақбараси, Шамсиддин Кулол мақбараси, Асрлонхон масжиди киради.

Дор ус–Сиёдат мажмуаси, Жаҳонгир мақбараси ва Темур даҳма (ер остидаги соғана)си Темур саройидаги йилномаларни ёзиб борувчи Шарофиддин ал–Йозди хабарларига кўра унинг катта ўғли Жаҳонгир 20 ёшида тусатдан вафот этади. Уни Самарқанддан Шахрисабзга олиб бориб дафн этишади. Кейинчалик харазмлик усталар унинг қабри устига баҳайбат баланд даҳмани қуришади. Бу даҳма Дор–ус–

Сиёдат мажмуасининг асосини ташкил этади. Дар–ус–Сиёдат мажмуаси охиригача қуриб битказилмайди. Бу бинолар мажмуасининг ҳажми жуда катта майдонни эгаллайди. Унинг узунлиги 70 метр, эни эса 50 метрни ташкил қилади. Бу ерда 20 метрлик арк, гумбазли мақбара "Ҳазрати Имом" ва Темур учун алоҳида ер даҳма остида қўрилган. Мажмуа таркибида ошхона, мачит, кутубхона, яшаш учун хоналар бор. Ҳозирги кунда бу ерда ғиштдан мозайка шаклда ясалган кўк хилма–хил рангларга эга бўлган 3 та кўринишли олд деворлари сақланиб қолган объектлар мавжуд.

Темур даҳмаси–унчалик катта бўлмаган квадрат шаклидаги хона. Бу оқ мармар тошдан силлиқланиб ясалган бино. Ушбу бино XVI асрда Абдуллахон II ҳужумидан кейин вайрон бўлган.

Хазрати Шайх мозори (XIV–XVII асрлар) мажмуаси. Дор–ут–Тиловат мадрасасида учта бинолар сақланиб қолган. Бу ерда Дор–ут–Сиёдат мавзолейи жануби–ғарбида 2 та мавзолей ва унинг қаршисида Жоме масжиди жойлашган. Шайх Шамсиддин Кулол Мозори Шахрисабздаги энг қадимги ёдгорликлардан бири саналади. Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг ва отасининг устози бўлган. У 1370 йилда вафот этган. 1373–1374 йилларда Шайх Шамсиддин қабри ёнида Дор–ут–Тиловат мадрасасида Темурнинг отаси – Тарағай дафн этилган.

Гумбази – Сайид мақбараси 1437–1438 йилларда бунёд этилган. Мақбара ичидаги ёзувларда термизлик Сайидлар номи кўрсатилиб утилинади. Шу сабабли Гумбази Сайид деб номланган бўлса ажаб эмас.

Юқорида қайд қилинганидек, Дор–ут–Тиловат мадрасаси ёнида Кўк Гумбаз Жоме масжиди сақланиб қолган. У 1435 йилда Улуғбек томонидан қурдирилган. Масжид тўртбурчак шаклда қурилган.

Чорсу савдо гумбази. Ушбу савдо биноси XV аср охири XVI аср бошларида бунёд этилган. Бино квадрат шаклда қурилган бўлиб, унинг ҳар бир томони 21 метрни ташкил этади.

Шаҳрисабз шаҳрида қурилган қадимий масжидлар. Хазрати Имом масжиди, Малик Аждар масжиди, Кундузак масжиди, Кунчиқар масжиди, Ўрта аср Ҳаммоми, Чорсу гумбази, Абдушукур Оголлик мадрасаси, Уйчилик масжиди, Шаҳар қалъа девори, Тезғузор масжиди, Қорасув масжиди, Катта новкат масжиди, Хитой масжиди, Сувтушар масжиди, Келхаит масжиди, Сувсултон масжиди, Тўдамайдон масжиди, Чоршанбе масжиди, Тепар масжиди, Сарчашма масжиди, Қарапойча масжиди, Чуқун масжиди, Наматон масжиди, Каттаноки масжиди, Гилон масжиди, Алмати масжиди, Авазмалик масжиди, Вардон масжиди, Хўжа Мурод Бахш зиёратгохи, Полмон масжиди, Коба карвонсаройи, Чубин мадрасаси, Эшон Пир қози масжиди, Китоб масжиди, Саъд ибн Ваққос ота зиёратгоҳи, Қиёмшайх зиёратгоҳи жойлашган.

Оқсарой Шаҳрисабздаги енг йирик ва машҳур тарихий–меморчилик объекти ҳисобланади. У XIV асрда Амир Темур томонидан қурдирилган. Оқсарой шаҳарнинг шимолий–шарқида жойлашган бош майдондир. Оқсаройни қуриш Амир Темур Хоразмни қўлга олгандан кейин бошланади. У Хоразмдаги ишга яроқли бўлган усталарнинг барчасини Хоразмдан Мовароуннаҳрга кўчириш учун буйруқ беради. Хоразмлик усталар Шахрисабзда энг баланд ва салобатли саройни қуришади. Ҳозир у Оқсарой номи билан юритилади. Оқсаройдан бизгача улкан пештоқнинг икки чаккаси ва саройнинг бир қисмигинаси етиб келган халос. Бундан 200 йил олдин қулаб тушган баланд пештоқнинг эни 22,5 м, баландлиги 40 метр

бўлган. Тоқи устидаги равоқлари билан пештоқнинг баландлиги 50 метрдан ошган. Оқсарой ҳозирги ҳолатида ҳам салобатли ва гўзалдир(38 метр). Гумбаз ичи ва ёнларига, бурчаклардаги миноралларга кошин–ғиштлардан қалқон шаклидаги геометрик нақшлар ишланган.

Бу нақшлар силлиқланган ғишт ва феруза рангли сиркор парчиндан ёзилган куфий хатлар фонида йўғон кўк белбоққа ўхшаш компазицияни ташкил этган. Оқсарой деворларидаги турли–туман рангларнинг жилоси, кошинкорий сюжетлар, тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги куфий, сулс ёзувлари, исломий, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг ўзаро уйғунлиги бинога ажойиб ва сеҳрли мазмун бағишлаган. Рангларнинг ой ёруғида жилоланиб оқариб кўринишидан ушбу бинони Оқсарой деб аташган. Ёзувлар орасида бинога ишланган безакларнинг вақти битилган (1396 йил), байтларда Оллоҳ ва Темур улуғланган. Испания элчиси Клавихо (1404 йил 29 августда) Самарқандга ўтишда Оқсарой қурилишини кўздан кечириб, жуда ҳайратланган. Оқсарой 20 йил давомида қурилган. Оқсарой турар–жой ва жамоат биноси сифатида қурилиб, хоналар улкан ҳовли атрофига жойлашган. Миш–миш гапларга кўра Оқсаройнинг вайрон бўлиб бузилиб кетишида Абдуллахон II нинг қўли бор деган гаплар ҳам тарқалган.

Шаҳрисабздаги қадимий архитектура ёдгорликлари реставрация қилинди (2016 й.). Шаҳарда кўпгина икки қаватли турар жой бинолари, маъмурий бинолар (касалхона, боғча ва ясли, мактаблар) қурилди, кўчалар кенгайтирилди ва кўкаламзорлаштирилди. Аҳоли яшайдиган янги микротуман барпо қилинди.

Лангар ота масжиди ва мақбараси. Қамаши туманидаги Лангар қишлоғида жойлашган. Ёдгорлик XV аср охири ва XVI асрнинг ўрталарида қурилган. У қадимги мозорлар ҳудудида жойлашган. Пистазор буталар орасида ўрнашган.

Лангар ота масжиди баланд тўғри тўртбурчакли бино бўлиб, унда номоз ўқиш жойи мавжуд. Номоз ўқиладиган жойлар катта ва кичик заллардан иборат, унда айвонлар ҳам бор. Масжид мозай ика билан хилма–хил зийнатли қилиб безатилган.

Лангар ота мақбараси – бу баланд пештоқли гумбазли қурилма бўлиб, унинг размери 10х12,5 метрга тенг бўлган зийнатли бинодир. Мақбаранинг олд томони кичик плитали ғиштлар билан қопланган.

Ҳусам ота мажмуаси. Ушбу мажмуа Косон туманидаги Фидина қишлоғи ҳудудида жойлашган. Мажмуани қурдирган киши ислом динининг тарғиботчиларидан бири хазрати Хусамота бўлади. У XI аср охирларида вафот этган. Мажмуа майдони пахса деворлар билан ўралган. Бу ерда катта ҳовуз, тоҳоратхона, масжид айвони билан 2 та дарвоза сақланиб қолган.

Косон шаҳридаги масжид. Бу ерда 4 та гумбазли масжид айвони билан XVII асрнинг бошларида қурилган бинодир.

Каттагон қишлоғидаги Тўра масжиди. Ушбу ёдгорлик Косон туманидаги Каттағон қишлоғида жойлашган. Бунёд этилган йили номаълум. Пештоқли–гумбазли масжид Макка томонга қаратиб қурилган. У тўрт бурчакли плитали ғиштлардан қурилган.

Имом Майин ва Ҳазрати Шайх мажмуаси. Ушбу мажмуа Касби туманидаги Қовунчи қишлоғида жойлашган. Имом Майин ва Ҳазрати Шайх мажмуасида Имом Аъзам мақбараси ибодат қилишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бу ерда от боғлайдиган отхона, бир қатор яшаш хоналари, дарвоза, ҳовли ўртасида ҳовуз бор. Мажмуадаги энг қадимги бинолардан бири бу масжиддир. Масжидда айвон бор.

Айвоннинг устунлари ўймакорлик билан безатилган. Масжид таркибида зиёратхона, чиллахона, мақбара (даҳна)си бор.

Имом Аъзам Қовуқчи қишлоғидан унча узоқ бўлмаган жойда яна бир мажмуа бўлиб, унда Хазрат Шайхнинг қабри мавжуд. Қабрга қўйилган тошда 1339 йил ёзилган. Ушбу мажмуа хом ғиштдан қурилгандир.

Султон Мирҳайдар мажмуаси (XI– XVI асрлар). Ушбу мажмуа Касби туманидаги Касби қишлоғида жойлашган. Султон Мирҳайдар мажмуаси касби туманидаги энг йирик мемориал ёдгорликларидан бири саналади. Ушбу ёдгорликлар мажмуаси ёпиқ, ярим ёпиқ хоналардан иборат бўлган 3 та ховлилардан ташкил топган. Бу ерда номоз ўқиладиган масжид (XVI аср) айвонлари билан, қадимги мақбаралар (XIV–XVI асрларга оид) мавжуд. Бу ердаги мақбараларда Сайид Амир Шамсиддинбек ал–Хаж Ҳайдар (1491 й.) қабри бор.

Касби қишлоғида Қишқи масжиди (XVIII–XIX асрлар) сақланиб қолган. Бу ерда яна бир XVI–XVII асрларда қурилган иккинчи масжид мавжуд. Касби туманида фуқаролик биноларидан сув сақлагич сардоба ҳам бор. Ушбу цилиндирсимон ерга чуқур қазилиб қурилган гидротехник иншоотнинг диаметри 16 м. га тенг. Сардобанинг устки қисми пиширилган ғишт билан гумбаз шаклида қурилган.

Юқоридаги келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики Қашқадарё вилоятининг табиий, тарихий ва маданий объектлари вилоят туризмини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

И.ф.н. Ф.Абдуллаев –УрДУ Туризм кафедраси мудири,
М.Рўзметов –УрДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси**,**
А.Исмаилов – УрДУ туризм йўналиши 2 босқич талабаси**.**

Мақолада туристик корхоналарда иқтисодий стратегияларни қўллашнинг самарасини аниқлаш усуллари таклиф этилган.

В статье предлагаются методы определения эффективности применения экономических стратегий в туристических предприятиях.

In this article the author proposes methods for determining the effect of the implementation of the economic strategy for a tourism enterprise.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделига хос мавжуд 5 тамойилни янада такомиллаштириш ва изчил давом эттириш мақсадларини ўз ичига олган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсадларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштиришдан иборат. Бу борада дастур томонидан белгиланган институционал ривожланиш босқичлари иқтисодиётнинг аксарият тармоқларини тўла ислоҳ этишни қамраб олади. Шунингдек, дастурда мамлакат иқтисодиётида туризм соҳасини янги поғонага олиб чиқиш масалалари ҳам устувор вазифалар қаторидан жой олган.

Маълумки, иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсишни доимий таъминлаб туриш биринчи навбатда аниқ мақсадларга йўналтирилган стратегиялар ишлаб чиқишни талаб этади. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик сектор сифатида тан олинаётган туризм соҳаси билан боғлиқ

тадбиркорлик фаолиятида айнан стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишнинг янги механизмини яратиш соҳа ривожини доимий таъминлаб туриши билан боғлиқ долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу масалани ҳал қилиш туристик корхоналар фаолиятини стратегик режалаштиришда муҳим аналитик аҳамиятга эга бўлган структураланган иқтисодий стратегиялар моделини яратиш орқали таъминланади. Структураланган иқтисодий стратегиялар махсус классификацияланган хусусиятлар орқали миллий иқтисодиётда корхоналараро ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш тамойилларини ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир. Мазкур моделни қўллаш орқали туристик корхоналарнинг стратегик мақсадларини идентификациялашга, иқтисодий стратегияни алоҳида гуруҳлашга ҳамда самарадорликни таҳлил қилишга имконият яратилади.

Статистик маълумотларга қараганда мамлакатимизда 2015 йилда туризм соҳаси корхоналари, яъни туристик фирма ва ташкилотларнинг сони 398 тани ташкил этган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 47 тага кўпайган. Мамлакатга жами ҳисобда 2012 йилда 6 027 685 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 7 176 204 нафарни ташкил қилган. Ҳамда виза ва хорижий паспортни расмийлаштириш, меҳмонхона ва бошқа яшаш жойларини банд қилиш хизматлари кўрсатилган жами сайёҳлар сони 2012 йилда 511 596 нафарга тенг бўлиб, бу 2015 йилда 560 406 нафарга етган ҳолда 2012 йилга нисбатан 9,5 фоизга ўсган.[68] Мазкур кўрсаткичлар ўртача ҳисобда ҳар бир туристик фирма ва ташкилотга 1400 нафардан зиёд сайёҳ тўғри келишини кўрсатади. Фаолият юритиш мақомидаги туристик корхоналарнинг рентабиллик даражаси, бошқа корхоналар билан ўзаро интеграциялашуви ва жорий ҳолатдаги жаҳон тажрибаси билан таҳлил қилинганда бу кўрсаткичлар жуда паст суръатларда бўлганлигини кўриш мумкин.

Шу боисдан ҳам, бугунги кунда мазкур кўрсаткичлар салмоғини ошириш ва туризм соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорлик фаолиятлари ишини жойларда ўзаро интеграциялашган ҳамда самарали йўлга қўйиш учун аввало корхоналарнинг иқтисодий стратегияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш механизми яратилиши талаб этилади.

Аввало, туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятларини интеграциялашган стратегик ривожланиши қуйидаги босқичлар орқали таъминланади:

- мақсадга эришиш усули;
- муаммоларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- корхоналар стратегиясини яратиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш технологияси;
- мақсадларга эришишда амалий ҳаракатлар тизими.

Шу билан бирга, аниқ интеграциялашган хусусиятлар комплексини ишлаб чиқиш туристик корхоналарнинг стратегик ривожланиш босқичлари тизимига асосланган структуравий иқтисодий стратегиялар моделига замин яратади ва бу структуравий модел сифатида 3 та босқичга ажратилади

[68]Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси тўплами. “Ўзбекистонда туризм”, –Тошкент, 2016.



1-расм Туристик корхоналарнинг интеграциялашган ривожланиш босқичларига асосланган иқтисодий стратегияларнинг структуравий модели

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари туризм соҳасида ҳам ҳар бир мақсад учун стратегиялар портфели шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бунда ривожланиш босқичларининг биринчи мақсади, яъни иқтисодий фойдага эришиш ўз навбатида қуйидаги стратегиялардан ташкил топади:

– маҳсулотлар стретегияси;
– ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш стратегияси;
– нархлаш стратегияси;
– ишлаб чиқариш ресурслар бозори билан ўзаро манфаатли алоқалар стратегияси;
– инқирозга қарши тадбирлар ва молиявий хавфсизлик стратегияси;

Мазкур ривожланиш босқичларининг иккинчи босқичи рақобатдошликни кучайтириш стратегияси ҳисобланади. Соҳадаги корхоналар рақобатдошлик позициясини кучайтириш ўз ичига қуйидаги стратегиялар портфелини қамраб олади:

– инновацион фаолият стратегияси;
– тур-маҳсулот сифатини ошириш стратегияси;
– глобаллашув стратегияси;
– бозорга мос рақобатдош хусусиятни шакллантириш стратегияси;

Дарҳақиқат, корхоналар иқтисодиётини барқарорлаштиришдаги муҳим масалалардан бири - бу уларнинг қиймат даражасини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида рўй бериши кўзда тутилган ислоҳотлар асосини ана шу турдаги кўрсаткичлар тизими ташкил этади. Уларнинг мамлакат иқтисодиётининг стратегик сектори сифатида қаралаётган туризм саноатида қўлланилиши долзарб масала ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар синфи яъни ривожланиш босқичларининг учинчи босқичи бўлган корхоналар қийматини ошириш босқичи ўз ичига қуйидаги стратегияларни қамраб олиши таклиф этилади:

– иқтисодий ўсиш стратегияси;

– бизнес муҳитини яхшилаш стратегияси;
– инвестицион стратегия;
– корхоналар қийматини максималлаштириш стратегияси;

Шуни алоҳида такидлаш зарурки, бу турдаги стратегик ривожланиш жараёнида корхоналарнинг баланс кўрсаткичлари бўйича ҳамда бозордаги кўрсаткичлар бўйича корхоналр активлари ўзгаришларини кузатиш мумкин. Тизим натижасида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва ўзгариш жараёнларини мониторинг қилиш мақсадида қуйидагича формуладан фойдаланилади:

СПҚН = КАБН - КА (1)

Бу ерда: *СПҚН*- стратегиялар портфелини қўллаш натижаси;

КАБН - корхоналар активларининг бозор нархи (стратегик ривожланиш портфеллари қўлланилгандан кейинги кўрсаткичлар);

Ка- корхоналар активи;

Умуман олганда, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларида кенг қўлланилиши устувор деб қараладиган иқтисодий стратегиялар дастурини хизматлар соҳасининг туризм соҳаси сингари истиқболли тармоқларда қўллаш тизимини яратиш ва амалиётга жорий қилиш миллий ва минтақавий иқтисодиётда тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини интеграциялашган иқтисодий стратегиялар ёрдамида оширишга эришилади. Натижада, туристик корхоналарнинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишга эришилади, уларнинг туристик маҳсулот ишлаб чиқариш ва соитиш билан боғлиқ операциялари самарали амалга оширилади.

ИННОВАЦИОННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ В ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА

Хусанов Ч.К. - к.э.н., старший преподаватель ТашГИВ
Каграманова Ю-студентка 4 курса ТашГИВ

Аннотация: *В статье изучается теоретическая основа информационных технологий, применяемых в индустрии туризма.*

Аннотация:*Ушбу мақолада туризм индустриясида қўлланиладиган информацион технологияларнинг назарий асослари баён этилган.*

Annotation: *In the article is studied the theoretical foundations of information technologies used in the tourism industry*

Калит сўзлар*: туризм, инновациялар, информацион тизимлар, туристик бизнес, туризм соҳасида интернет*

Ключевые слова: *туризм, инновации, информационные системы, туристический бизнес, Интернет в сфере туризма.*

Keywords: *tourism, innovation, information systems, tourism business, Internet in the tourism industry*

В современных условиях жесткой конкуренции на рынке туристических услуг долгосрочный успех компании неразрывно связано с ее способностью непрерывно внедрять инновации. Традиционно инновации и инновационная деятельность в первую очередь ассоциируются с предприятиями наукоемких высокотехнологичных отраслей (Компьютерные и телекоммуникационные технологии, химия, фармацевтическая промышленность и др.), однако содержание понятия «инновация» более широк. Инновационная деятельность предполагает не

только практическое использование научно-технических разработок и изобретений, но и включает изменения в продуктах, процессах, маркетинге, организации и управлении производством. Инновационная деятельность в туризме находит свое воплощение в создании новых или улучшении существующих турпродуктов, совершенствовании транспортных, гостиничных и других услуг, освоении новых рынков, внедрении ведущих информационных и телекоммуникационных технологий, современных форм организационно-управленческой деятельности, новых подходов к удовлетворению потребностей туристов[69].

Инновации в туристической отрасли, как, впрочем, и в других, имеют в своей основе реализацию достижений научно-технического прогресса. Как успешные примеры в этой области можно привести создание современных высокотехнологичных комплексов, к примеру, 3D-планетарий в чешском городе Пльзень. С открытием этого необычного объекта, подобных которому во всем мире насчитывается менее десятка, туристический поток в город вырос почти на десять процентов. Другим успешным примером инновационной деятельности в туристической сфере можно назвать создание интерактивных и виртуальных музеев, и даже использование QR-кодов в обычных музеях – эти специальные метки при сканировании их мобильным устройством позволяют туристам получить дополнительную информацию об экспонате. Технологические факторы, влияющие на инновационные изменения в туризме, это, прежде всего, развитие информационных и коммуникационных технологий и новые возможности транспортировки. Электронный туризм – другое магистральное направление инновационных изменений[70]. С развитием информационных и коммуникационных технологий будет меняться весь туристский бизнес, от функций и процессов, до форм предприятий и продуктов (on-line-турагентства, е-предложение услуг, е-бронирование и продажи, продвижение через Интернет, виртуальные туры, предпринимательские сети и сети туристского опыта). Интернет трансформирует функции национальных и региональных правительственных организаций по туризму, туристических профессиональных ассоциаций. Они все шире участвуют в электронном маркетинге страны, ее туристских ресурсов, дестинаций, событий, а также принимают участие в интегрированных системах управления отношениями с потребителем (Customer Relation Management, CRM)[71].

Система управления туризмом меняется от индустриальной к пост-индустриальной, а туризм – от массового к индивидуализированному. С этим связана более дробная сегментация рынка и появление множества «нишевых» специализированных услуг и турпродуктов. Происходит приспособление туристской инфраструктуры, зданий и оборудования к потребностям таких новых, растущих групп туристов, как дети, пожилые люди и инвалиды.

Другим направлениями являются: использование новых туристических ресурсов (путешествия туристов на космических кораблях); изменение в организации производства и потребления (применение передовых принципов маркетинга и менеджмента); выявление и использование новых рынков сбыта продукции, а также использование новой техники и технологии. Именно

[69]Браймер Р. А. Основы управления в индустрии гостеприимства / Пер. с англ. – М.: Аспект Пресс, 2005. – 245с.
[70]Жукова М. А. Индустрия туризма: менеджмент организации / М. А. Жукова. - М.: Финансы и статистика, 20с.: ил.; 21 см. - Библиогр.: с.191-назв.).
[71]Зиновьев В. Н. Менеджмент: учеб.пособие/ В. Н. Зиновьев, И. В. Зиновьева. - М.: Дашков и К°, 20с.

использование новых технологий приносит большой эффект для деятельности предприятий туристической индустрии. На сегодняшний день эти технологии в основном заключаются в компьютеризации, глобализации и переход на электронику.

Электронный бизнес открывает большие возможности развития любому предприятию. Это новая форма рыночных отношений, основанная на применении новейших телекоммуникационных технологий и Интернета. Данная система торговли подходит и покупателю, и продавцам. Но главное, что туризм имеет важное преимущество перед другими секторами электронной торговли - его потребитель получает приобретаемый продукт непосредственно в месте его производства, в туристском центре.

На сегодняшний день широко применяемой в туристической индустрии инновационной технологией являются программы электронного бронирования и составления туров. Появление новой программы данного вида позволило не только удешевить средства связи, но и дало возможность работать всем участникам туристического рынка как единому офису. Работа с такими программами позволяет агентству получать оперативную и достоверную информацию о ценах и количестве свободных мест в любой момент времени, а также иметь возможность следить за прохождением заказа на всех этапах его осуществления. Существуют различные системы бронирования, они отличаются друг от друга набором предлагаемых услуг и технологией своей работы. Например, наиболее популярными в мире являются такие программы как Galileo, Amadeus, Sabre, Worldspan и многие другие.

Целями внедрения инноваций и развития инновационной деятельности на туристическом рынке Узбекистана являются:

1. создание конкурентоспособных продуктов и инфраструктуры;
2. предоставление услуг, соответствующих мировым стандартам, для формирования привлекательного имиджа;
3. создание бренда, что позволяет привлечь стабильно расчетный поток туристов, а следовательно, способствовать решению экономических и социальных вопросов региона и населения, проживающего на его территории.

На современном этапе инновационное развитие приобрело глобальный характер, а инновационная конкуренция формируется как специфический тип конкурентной борьбы в отраслевом и межотраслевом измерении. Инновации определяют эффективность хозяйственной и маркетинговой деятельности, служат источниками разноплановых конкурентных преимуществ

Инновация – это не просто что-то новое, это внедрение этого нового, будь это самого передового опыта в сфере управления, осуществления задач, внедрение технологий и последних научных достижений, направленное на улучшение продуктов и услуг, требуемое рынком. Туризм же является для многих стран мира основным источником дохода населения, имея долю в ВВП 50-60 процентов. Даже в развитых странах туризм является одной из важнейших отраслей экономики, что делает инновационный процесс, являющийся залогом развития любой отрасли, столь важным.

Туризм сегодня – интеллктоемкое и информоемкое производство услуг, что во многом связано со спецификой деятельности современной турфирмы. Огромный массив разнообразной информации, ее подбор и отбор, хранение, обработка и передача являются ключевым фактором развития и деятельности любого

туристического предприятия. Именно поэтому успех в современной туристической индустрии – это умелое использование новейших информационных технологий при создании, предложении и продвижении туристического продукта. Основными направлениями применения информационных технологий в деятельности туристической отрасли и каждого отдельного туристического предприятия являются использование специализированных программных продуктов и возможностей глобальных компьютерных сетей.

Инновационная деятельность в сфере туризма направлена на создание нового или изменение существующего продукта, на совершенствование транспортных, гостиничных и других услуг, внедрение передовых информационных и телекоммуникационных технологий. Люди стремятся к новым и нестандартным путешествиям. Их растущая осведомленность, новые потребности стимулируют туристский бизнес, побуждают к инновациям и нововведениям. Интернет – самый влиятельный информационный ресурс. По данным большинства опрошенных туристов, решение посетить Узбекистан ими было принято благодаря сети Интернет.

Основной целью процесса информатизации туристической отрасли является обеспечение своевременным поступлением достоверной информации, так как от объективности, оперативности, актуальности поступающих данных зависят не только успех принимаемого управленческого решения, но и дальнейшее поступательное развитие всей отрасли в целом. Сегодня в индустрии туризма нашли широкое применение современные информационные технологии в сфере бронирования, резервирования, интегрированные коммуникационные сети, системы мультимедиа, SmartCards, информационные системы менеджмента и др.

За годы реализации программы развития сферы услуг в Республике Узбекистан на 2012-2016 годы увеличился вклад отрасли в ВВП. На начало реализации программы, доля сферы услуг в ВВП составляла 50,5%, а по итогам 2015 года составляет 54,0%. Несмотря на имеющийся потенциал, доход от туризма в Узбекистане не превышает 2% от ВВП, тогда как в других странах (Испания, США, Франция, Египет, Малайзия, ОАЭ) доходы от туризма составляют от 10 до 45% от ВВП. При всем этом Узбекистан имеет большие перспективы развития данной отрасли.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШОРҚАЛИ КИШИЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

Х.Аликулов - СамДАҚИ катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди
Н.Қ.Ҳаққулов - СамДАҚИ ўқитувчиси

Аннотация*: Мақолада фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим омили сифатида экотуризмни ривожлантириш масаласига эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *табиат, экотуризм, сайёҳат, билим, фаровонлик, турмаҳсулот, Венгрия, Россия, миллий ғурур, даромад, ижтимоий фаоллик.*

Аннотация*: В статье уделено внимание к проблемам развития экотуризма, как важного фактора повышения социальной активности граждан.*

Ключевые слова: *природа, экотуризм, путишествие, знания, благосостояние, турпродукт, Венгрия, Россия, национальная гордость, доход, социальная активность*

Annotation*: This article reveals the problems of development of eco-tourism as an important factor of raising the social activeness of people.*

Key words:*Nature, ecotourism, travel, knowledge, welfare, tour product, Hungary, Russia, national pride, income, social activity*

Мамлакатимиз мустаққилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада туб ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Шу жумладан, туризм соҳасига ҳам катта эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар яратилиб берилди.

Туризмнинг кишиларнинг яхши дам олишини таъминлаш, саёҳатдан фориғланишни ҳосил қилиш, завқланиш туйғусини пайдо қилувчи кўплаб турлари мавжуд. Булар даволаниш туризми, дам олиш туризми, диний туризм, денгиз туризми, зиёрат туризми, оила туризми, экотуризм каби бир неча турларга бўлинади.

Маълумки, ҳар бир инсон авваломбор етук ва баркамол бўлиши нафақат билим ёки савия, энг аввало атроф-муҳитга бўлган муносабати, уни идрок этиши, табиат қонун-қоидаларини ўз ички кечинмаларидек қабул қилиши, яъни бир сўз билан айтганда инсон табиат билан ҳамоҳанг, уйғунлашган ҳолда фаолият олиб борсагина у том маънода маданиятга ва маърифатга эриша олади. Бу йўлда туризмни, айниқса, табиат билан боғлиқ бўлган барча йўналишлар, жумладан, экотуризм йўналишини янада жадал ривожлантириш давр талабидир.

Туризмнинг бу янги соҳаси – **Экотуризм** (Nature Tourism with a soft Touch, сўзма-сўз «табиатга юмшоқ тегувчи туризм»), яъни атроф-муҳитга энг кам таъсирини таъминловчи сайёҳлик тури бўлиб, экосайёҳлик дастури одатда экологик тоза жойларга боришни назарда тутади ва табиат резервациялари ва қўриқхоналарига уюштирилади. Бу каби саёҳатлар давомида экологияга бағишланган семинарлар, маҳаллий аҳоли билан учрашувлар каби тадбирлар уюштирилади. Бу йўналишда асосан табиат турмаҳсулот сифатида сотилади. Масалан, туристлар тоғларда дам олишга, чўлларда сайр қилишга, ўтлар теришга, ҳайвонларни кўришга, балиқ овига боришга махсус турлар ташкил қилишни сўрайдилар.

Туризм кишиларни яхши дам олишини таъминлаш, саёҳатдан фориғланиш ҳосил қилиш, завқланиш туйғусини пайдо қилиш билан бирга, юқори даражадаги иқтисодий даромад манбаидир. Маълумотларга кўра, “венгриялик чақалоқлар ва пенсионерларни ҳисобга олмаганда ҳар бир фуқаро йилда икки марта хорижий мамлакатларга туризм мақсадида чиқади. Бу кўрсаткич Россия аҳолисининг фақат икки фоизини ташкил этади.”[72]

Экотуристик саёҳатлар давомида инсон озгина бўлса ҳам ҳаёт ташвишларини унутади, эстетик завқ олади, гўзалликдан баҳраманд бўлади, чиройли манзараларни кўриб кўнгли фориғланади. Бу эса кишига фақат ҳаёт турмуш ташвишлардангина иборат эмаслиги, балки гўзаллик, улуғворлик ва мафтункорликни идрок этиш ҳам эканлигини таъкидлаб туради.

Шу маънода, Она-табиат инъомларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, табиатдаги биохилма-хилликни авайлаб-асраб, келгуси авлодларга беталофат етказиб бериш учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати билан бир қаторда, жамоатчилик назоратини кучайтириш, халқимиз онги ва тафаккурида она

[72]Ташмурадов Т. “Халқаро туризм”, Тошкент, “Турон-Иқбол” 2007, Б.51.

Ватанимиз табиатига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлод учун зарур ҳаётий шароитлар қолдиришимиз кераклигини кўрсатишдир.

Она – табиатни келажак авлод учун асрашнинг мазмун-моҳиятини талаба-ёшларимизга ўргатиш, уларнинг дунёқарашини чуқурлаштириш, табиий-илмий билимларини тизимга солиш ҳамда табиий муҳитга меҳр ва муҳаббат билан эътиборлироқ муносабатда бўлиш, уларда фуқаролик масъулиятини шакллантиришорқали қуйидагиларга эришиш мумкин бўлади:

- табиат, унинг мазмун-моҳияти ва фалсафий муаммолар доирасида тутган мавқеи тўғрисидаги тушунча ва хулосалар мустаҳкамланади;
- фалсафа тарихида табиат ва ундаги ҳодиса ва жараёнларнинг ёритилишига турлича ёндошувлар таҳлил қилиниб, уларнинг мазмуни аниқланади;
- табиат ҳақидаги билимлар инсоннинг ҳаётини фаровонлаштириш, унинг табиий хавфсизлигини муҳофазалаш ва келажагини таъминлаш учун қанчалик аҳамиятли эканлиги белгиланади;
- дунёнинг бирлиги ва яхлитлиги, чеклилик ва чексизлик масалаларига фалсафий таҳлил асосида ижодий ёндашилади;
- борлиқ масаласида фалсафа ва фан синтези, уларнинг умумийлик ва ўзига хослик жиҳатлари ўрганилади;
- табиатга тўғри муносабатда бўлиш, унинг бойликларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш маданияти шаклланади.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири ёш авлодда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш, бой маданий – тарихий меросимизнинг муносиб ворисларини вояга етказишдан иборат. Шубҳасиз, тарих сабоқлари асосида бунёд этилаётган бугунги кунимиз келажак тараққиётимиз учун замин яратади.

LES GRANDS VILLES DE L'OUZBEKISTAN

Mamatqulova K.A.- SamISI kat.o'qituvchi
Sharipova M .- Mn-214 gr.talabasi

Anotatsiya: *O'zbekistonning iqtisodiy va siyosiy mustaqilligi unga izlanishlar sohasida, fan va texnika, savdo-sotiq, iqtisod va xalqaro aloqalarni va turizmni rivojlantirish uchun katta imkoniyatlar yaratib berdi. Maqolada O'zbekistonning turizm salohiyati, qadimiy shaharlari, mashhur obidalari, qadamjolari bilan tanishtiradi.*

Анотация: *Экономическая и политическая независимость Узбекистана дала большие возможности решить самому вопросы в сфере исследования, науки и техники, в бизнесе, в экономике и развитии международных отношений, развитию туризма в Узбекистане. В докладе говорится о развитии туризма, о старинных городах, об исторических памятниках Узбекистана.*

L'indépendance économique et politique de l'Ouzbékistan donne la possibilité de résoudre par lui-même les questions de la recherche, des sciences et de la technique, du commerce, de l'économie, des relations internationales. Les hommes d'affaires étrangers ont le droit de propriété en Ouzbékistan. L'Ouzbékistan était célèbre pour les commercants.

La Grande Route de la Soie, voie du dialogue commercial, économique, politique et culturel entre l'Orient et l'Occident passait par le territoire de l'Ouzbékistan actuel.

L'Ouzbékistan est un pays développé. Il a un avenir brillant, puisque la république souveraine possède de grandes richesses naturelles: de riches gisements de houille, de manganèse, de cuivre, d'or, de gaz naturel, etc.

L'Ouzbékistan est un pays de vieille civilisation. Il a donné au monde beaucoup de savants et d'hommes de lettres dont le mathématicien et astronome AI-Khorazmi, le médecin Abou-AIi-ibn-Sina, célèbre en Orient sous le nom d'Avicenne, Oulug-Beg — le grand mathématicien et astronome, le poète Alicher Navoï et beaucoup d'autres sont connus dans le monde entier. En Ouzbékistan il y a beaucoup de grandes villes. Ce sont : Tachkent, -Samarkand, Bouhara, Khiva, Kokand, Àndijan, Namangan, Ferghana, Termez et d' autres.

Ключевые слова: *инфраструктура, рабочая сила, конкурентность кадров, реформирование системы высшего образования.*

Аннотация:*Бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал этишни талаб этади. Мақолада ишлаб чиқариш ва фан интеграциясини кучайтириш борасида тадбирлар тизими таклиф этилган.*

Калит сўзлар*: инфраструктура, ишчи кучи, кадрлар рақобатбардошлиги, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш.*

Annotation *To stability develop of market economy foresight make problem prepare the specialists. In the article proposed system of measures to effort integration between production and science.*

Key words*: Infrastructure, labor, competency of specialists, reform of higher education system.*

Устойчивое развитие рыночной экономики предусматривает наличие развитой инфраструктуры, в частности подготовки конкурентоспособной рабочей силы, роста профессионально - квалифицированного уровня работников. Это особенно важно для Узбекистана, который взял курс на дальнейшую либерализацию и углубление экономических реформ во всех сферах экономики, задач реформирования и модернизации страны. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годы (выделены пять направлений) определено « Развитие социальной сферы» где предусмотрена реализация мер по повышению занятости населения, совершенствования системы социальной защиты… повышения качества и развития высшего образования.[73]

[73] Указ Президента Республики Узбекистан « О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «.- Народное слово, 8 февраля 2017 год.

В Узбекистане тенденция устойчивых темпов экономического развития должна быть поддержана наличием достаточного числа специалистов высокого уровня. Для современного производства необходимы такие специалисты, которые бы могли использовать инновационные технологии. Они позволят вывести нашу национальную экономику на новый уровень конкурентоспособность продукции как на внутреннем, так и на внешнем рынках. Конкурентоспособность высшего образования - это не только условие, но и гарант нашего экономического роста.

Сфера образования позволяет не только удовлетворять, потребности экономики в кадрах, но это инструмент её модернизации, перевода на новый инновационный уровень, формирования новых отраслей и производств. «Ежегодные расходы на образование в Узбекистане составляют порядка 10-12 % к ВВП, что почти в 2 раза превышает соответствующие рекомендации ЮНЕСКО (6-7%) по размерам инвестиций в образование, необходимых для обеспечения устойчивого развития страны.»[74]

Спецфика сектора образования как рыночного сегмента заключается в том, что, ориентируясь на работодателей и работающих, он может менять структуру спроса на кадры на определённую перспективу. В этой связи, реформы в части удовлетворения динамических рыночных потребностей экономики и квалифицированных кадров предъявляют повышенные требования к высшей школе. Здесь необходимо поддерживать интеграционную связь, итоге говоря, цепочку: производство - наука – образование, которая бы определяла условие динамического развития экономики и устойчивой конкурентоспособности. Обучение через исследования, разработку идей и их внедрениях в вузах может активно ускорить технологический прогресс. В республике разработан и реализуется план действий по обеспечению позитивных качественных сдвигов в системе образования, созданию новых звеньев, соответствующих современным рыночным потребностям.В сфере высшего образования внедрена принципиально новая, усовершенствованная система регулярной переподготовки профессорско-преподавательского состава вузов. В 15 базовых вузах организованы курсы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров вузов. Дальнейшее реформирование в системе образования призвано обеспечить связь с рынком труда, а также интеграцию её с наукой и производством. Но здесь имеют место проблемы. Так, высшая школа как бы не старалась, не успевает за требованиями реальной рыночной экономики. Не секрет, что бакалавры не всегда могут найти работу по специальности как в негосударственном, тем более в государственном секторах экономики. Они отчасти могут пополнить армию безработных. Поэтому, на наш взгляд, необходимо обратить внимание на поиск новых форм, методов интеграции производства и науки (прежде всего учебных заведений). Необходимо реально подходить к подготовке специалистов по различным отраслям экономики.

По мнению экспертов, характерной чертой постиндустриальной эпохи становится узкая специализация, или скорее «ремесленничество» высшего уровня, когда универсальность обеспечивается исключительно инновационными механизмами. Так, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 годах предусмотрено исполнение

[74] Народное слово, 16 января 2016 года.

программ занятости населения путем создания 256,4 тысячи рабочих мест за счет реализации около 25 тысяч инвестиционных проектов по комплексному развитию территорий.[75] Подготовка квалифицированных кадров настолько многогранна, что она требует реформирования всех его сторон. В этой связи, подготовка кадров для различных сфер экономики должна отражать и давать не только количественные, но и качественные параметры. Система непрерывного образования должна стать не только условием, но и гарантом трудовой деятельности. Востребованность выпускников на рынке труда зависит от того, насколько их профессионально – квалификационные характеристики соответствуют требованиям конкретных производств, и позволяет гибко адаптироваться в зависимости от технологических новаций. Выпускники вузов должны обладать хорошим арсеналом теоретических и практических знаний, креативным мышлением, навыками самостоятельной учебы, чтобы быть востребованными в отраслях и сферах экономики. Поэтому, мы предлагаем следующие предложения по усилению интеграции производства и науки.

Во-первых, исходя из приоритетов реальной рыночной экономики, выделять на уровне общества необходимость подготовки специалистов по нужным направлениям экономики (например, подготовка специалистов по более узкой специализации по сервису, туризму, инженерно- коммуникационной инфраструктуры и т.д.). Сейчас маркетинговые обследования по выявлению спроса на специалистов, проводимые самими вузами, недостаточного качества, что обусловлено уровнем ресурсной базы и степенью разработанности подходов к оценке спроса на рынке труда. Механизм же формирования государственного заказа должен в большей степени быть приспособленным к определению будущего спроса на кадры, следовательно, тенденций развития рынка труда.Во-вторых, развитие негосударственного сектора. Опыт стран с переходной экономикой показывает, что сложный процесс, требующий четкой законодательной базы, механизм реализации и затрагивающей социальные аспекты. Формирование негосударственного сектора позволит создать конкурентную среду на рынке образовательных услуг. Так, например, в Малайзии частные университеты и частные колледжи составляют более 90%.

В-третьих, выделить перспективный перечень направлений обучения, профессий и специальностей и, в соответствии с ним, корректировать несоответствия (изменение образовательных стандартов, учебных программ и т.д.).В-четвертых, продумать об обновлении, совершенствовании учебного процесса в вузах. Упор делать не на академическую загруженность студентов, а на самостоятельное изучение предметов. Дать возможность студентам делать выбор в изучении обязательных предметов и факультативов (предметов второго уровня); причем самим студентам выбирать, у кого обучаться (какого педагога). Это позволит не только поднять интерес у студентов, но и ответственность, так как она будет наполнена системой тестов, своевременных аттестаций.В-пятых, начиная с момента поступления, студент должен не просто заниматься наукой, но непосредственно иметь связь с практикой (приглашение специалистов с производства, участие в научных исследованиях вузов, заранее иметь возможность апробирования своих навыков на производстве).В-шестых, расширить

[75] Народное слово, 8 февраля 2017 года

возможности получения высшего образования, через систему не только очного, но и заочного обучения, что существенно расширило бы границы повышения квалификации трудовых ресурсов.

В-седьмых, желательно расширить автономию, полномочия вузов в следующих направлениях: - академической сфере – установление набора курсов и учебных заведений (во многих странах Европы этот вопрос решает сам вуз); - кадровая политика - регулирование заработной платы, создание фондов за счет внебюджетных средств;

- финансовая сфера – установление платы за обучение с учетом затрат и качества обучения, стимулирование наиболее квалифицированных преподавателей.

В-восьмых, в зависимости от реальных потребностей рынка рекомендовать сокращение срока обучения в бакалавриате (с 4 до 2 лет); магистратуру (с 2 до 1 года), причем изменив и подняв требования во всех направлениях обучения.

ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ СФЕРЫ ТУРИЗМА

Хусаинова Л.Ю-СамИЭИ, доцент кафедры языков СИЭС
Саидов Н.Х. - СамИЭИ Магистр 2 курса гр.МХС-115

Аннотация:*Статья раскрывает принцип внедрения инновационных технологий в учебный процесс по иностранному языку для подготовки кадров в сфере туризма. Рассматриваетсяразличныеметодыбеседы.*

Annotation: *This article deals with the principles of introduction of innovational technologist into the educational process in foreign languages for training specialists in the sphere of tourism, as shill as different methods of conversation are discussed here.*

Қисқача шарҳ: *Мақола туризм соҳасида кадрларни тайёрлашда ходимлари учун чет тилини ўқитиш таълим жараёнида инновацион технологияларни жорий этиш тамойилларини очиб беради. Мақолада турли суҳбат усуллар кўриб чиқилари.*

Ключевые слова:*Речь, общение, предложение, цель, безграничный, художественная литература, ознакомление, умение, независимый.*

Reywords: *speaking, communication, sentence, aim, unlimited, fiction, introduction, skills, independent.*

Калит сўзлар: *Нутқ, мулоқот, таклиф, мақсад, чексиз, бадиий адабиёт, танишув, санъат, мустаҳқил.*

Коммуникативная ориентированность, направленная на обучение общению, на использование языка в его основной функции – в функции общения стала основной чертой модернизации системы подготовки кадров, владеющих иносранным языками для сферы туризма. Отсюда целью обучения иностранного языка является не овладение его системой, а овладение речью, речевыми действиями на данном языке. Значимость же речевого общения далеко выходит за рамки собственно актов говорения и обмена информацией.

Если же учесть, что изучение иностранного языка необходимо обучающемуся для выражения собственных мыслей, определённого воздействия на партнёров по

коммуникации, то в качестве основной единицы обучения следует рассматривать речевые действия.

Под модернизацией ситемы подготовки принято понимать не только способность правильно строить предложения, что обеспечивается лингвистической компетенцией, но и знания того, при каких условиях общения его можно употребить, а также умение правильно интерпретировать устные и письменные тексты с учётом условий общения.

Понятие «владеть языком» обозначает чисто речевое умение строить и понимать бесконечное число грамматических и осмысленных предложений.

Определение уровня коммуникативной компетенции, которого должны достигнуть учащиеся в процессе обучения, является принципиально важным для конкретизации цели обучения, определения его содержания и средств.

Иными словами, определение коммуникативной компетенции модернизация дает ясное представление о конечной цели обучения.

Формирование коммуникативной компетенции возможно только в процессе речевой практики, которая может и должна быть организована на каждом занятии с языком. Вместе с тем необходимо помнить о том, что язык представляет собой открытую систему, т.е. практически безграничен в многообразии слов и грамматических конструкций, поэтому полностью овладеть языком не могут и его носители.

Рассматривая сферы обращения с точки зрения коммуникативных потребностей обучающихся, целесообразно включить в коммуникативный минимум следующие: 1) социально-культурную; 2) социально-бытовую; 3) учебную; 4) художественной литературы; 5) массовой информации; 6) науки; 7) делопроизводства; 8) личные переписки; 9) зрелищно-массовую (кино театр).

Предложение приобретает смысл (становится высказыванием) только в процессе общения и только на основе учёта ситуации общения, превращаясь из языковой единицы в единицу коммуникации. В процессе общения производится обмен высказываниями, текстами, имеющими определенную цель, и обучение речевой деятельности возможно только через обучение построению и восприятию высказываний, состав и форма которых определяется целями и условиями общения. Являясь минимальной единицей общения, высказывание входит в состав более крупной единицы – текста. Объем текста определяется коммуникативной целью его автора.

Таким образом если обучают просто построению предложения, вырванному из ситуации общения то обучают языку. Обучение речевой деятельности начинается там, где предложение приобретает обусловленный контекстом смысл. Т.е. в речевом акте, когда участники общения решают реальные коммуникативные задачи, используя необходимый языковой материал. Вот почему в коммуникативно-ориентированной системе обучения основными учебными единицами должны стать ВЫСКАЗЫВАНИЕ И ТЕКСТ.

Вместе с тем мнение рассматривать высказывание в качестве основных учебных единиц ни в коей мере не означает отказ от обучения правильному построению грамматических конструкций на уровне словосочетаний и предложений, поскольку язык, речь представляют собой неразрывное единство. Коммуникативный подход состоит не в отказе от грамматики, а в функциональном подходе к ней, а также в использовании монологической речи (устной речи)

Таким образом, современная концепция модернизации системы изучения иностранных языков и принципы её расширения строятся на основе ведения и активизации нового материала. Её структурация имеет следующую типичную характеристику: 1) создание у обучающихся, практического представления о том для чего при необходимости им понадобится изучаемый материал в процессе общения, какова его функция в системе языка; 2) ознакомление обучающихся с ориентировочной основой действия, которым они должны овладеть для правильного употребления изучаемого материала в речи; 3) выработка у обучающихся соответствующих умений и навыков на основе выполнения коммуникативных упражнений; 4) употребление изучаемого материала обучающимися в процессе речевой практики на уровне высказывания и текста; 5) подведение итога: какие умения и навыки обучающиеся приобрели за занятие и за курс в целом.

Монологическая речь является наиболее распространенной формой языка. Для устной публичной речи монологическая форма является основной. Устный монолог соотносится с такими жанрами письменной речи как сообщения, доклад, реферат. Как форма речевой деятельности монологическая речь имеет определённые лингвистические и психологические характеристики.

Высказывание является реальной единицей общения, формой его существования и презентацией оказывается текст. Это может быть воспроизведение текста с различной целевой установкой, самостоятельным выступлением по теме текста с сообщением, докладом, участием в дискуссии, по обсуждаемой проблеме, реализация поставленной задачи требует выбора адекватной единицы, обучение качества которой должен выступать текст определенной длины и организации, обладающий следующими характеристиками:

1) достаточной протяжённостью; 2) структурно-композиционной оформленностью; 3) структурно-смысловой цельностью; 4) тематической исчерпанностью; 5) речевой вариантностью (иметь варианты реализации); 6) образцовостью (способность служить эталоном для образования речевых единиц по аналогии).

Следует заметить, что текстовой материал зачастую не является собственно учебным текстом в собственном смысле этого слова, т.е. методически обработанным – ограниченным объёмом, адаптированным, насыщенным изучаемым лексико-грамматическим материалом. Как правило, основой обучения избирается «естественный» текст – усложненный, трудный для восприятия синтаксис, дробность, бессистемность лексико-грамматических фактов языка. Организация, упорядочение, группировка языковых средств обслуживающих основные тематические ситуации.

Монолог представляет собой наиболее развёрнутый тип речи. В монологе в отличие от диалогов нет ничего «неожиданного», «ненормативного», обусловленного недостаточным контролем сознания. Это - организованная речь, поскольку говорящий планирует своё высказывание как единое целое, имея заранее заданное содержание. Необходимым условием порождения монологического высказывания является сформированное умение воспроизводить и интерпретировать вербальное сообщение. Для воспроизведения сообщения существенны два основных умения: умение извлекать смысловую информацию из печатных и звучащих источников и умение передавать эту информацию

вербальными средствами как в форме устного монологического, так и письменного реферативного высказывания.

Итак, участие в акте общения минимально двух участников предполагает прежде всего, диалогическую структуру общения, нежели монологическую, т.е. диалог более естественен, ибо он включает попеременное участие обоих участников общения. Состоит диалог из реплик, некоторые из которых имеют тенденцию к превращению в монолог. Последний более независим от собеседников, в значительно меньшей мере он ориентирован на возможную речевую реакцию со стороны собеседников. И в композиционно-языковом отношении монолог отличает более замкнутая структура, чем скажем, реплика в диалоге.

Однако отмеченные отличия монолога от диалога достаточно относительны.

XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS SOHASINI MUTAXASISLARNI TAYYORLASHNINGMOLIYAVIY STRATEGIK MUAMMOLARI

Z.D.Niyozov - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti «Bank va jamg‘arma ishi» kafedrasi mudiri, i.f.n.

A.M.Karimova - Samarqand bank koledji “Bank ishi” kafedrasi o‘qituvchisi,

R.S.Usmonov - **(**Samarqand OHAQMBY)

Maqolada «Xizmat ko‘rsatish va servis hamda turizm» ta’lim yo‘nalishida xizmat ko‘rsatish tizimlari uchun yetuk, malakali hamda raqobatbardosh mutaxassislarni tayyorlash jarayonida kuzatilayotgan muammolar va ularni bartaraf qilish chora – tadbirlari yuzasidan mualliflarning mulohazalari keltirilgan.

The article presents the authors' arguments on the problems of training specialists for the banking system and the measures to address them

Tayanch so‘z va iboralar: *Bank ishi, ta’lim sohasini rivojlantirish strategiyasi, o‘quv rejalarini takomillashtirish, o‘quv jarayonini amaliyot talablariga moslashtirish, o‘quv rejasi soatlarini optimallashtirish.*

Keywords and word-combinations: banking,education system development strategy, curriculum improvement, adaptation of the requirements of the educational process of practice activities, curriculum optimization.

“O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonida belgilangan ustuvor vazifalar ijrosini ta’minlash yuzasidan nazarda tutilgan parametrlarni amalga oshirishning asosiy moliyaviy manbasi sifatida tijorat banklari tomonidan ajratilayotgan kreditlar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa soha xodimlaridan bank kredit amaliyotining asoslarini bilishni taqozo qiladi. Shu bilan bir qatorda, mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarning tarkibiy elementlaridan biri sifatida e’tirof qilingan, naqd pulsiz hisob-kitoblar ko‘lami hamda qo‘llanilishi sohalarini kengaytirish borasidagi chora-tadbirlar majmuasi mazkur soha xodimlarida tegishli nazariy va amaliy ko‘nikmalarni talab qiladi. Bundan tashqari, xizmat ko‘rsatish va servis sohasi, xususan, turli yo‘nalishdagi turizm tashkilotlariga tashqi iqtisodiy faoliyatning yuritish borasida turli preferensiyalar va imtiyozlarning

berilishi soha xodimlaridan xalqaro hisob-kitoblar hamda xalqaro kredit tizimi faoliyatining asoslarini bilish va ulardan amaliy jihatdan foydalanish imkoniyatlarini oshirishni taqozo qiladi. E'tirof etilayotgan bilimlar sohaning bulg'usi mutaxassislari e'tiboriga "Bank va jamg'arma ishi" kafedrasi tomonidan o'tiladigan «Pul, kredit va banklar» va «Xalqaro valyuta – kredit munosabatlari» fanlari orqali yetkazilishi mumkin. Demak, mazkur fanlarning o'quv rejasiga kiritilishi mutaxasssislarning professional ko'nikmalarini shakllantirishda ijobiy ahamiyat kasb qiladi hamda kasbiy faoliyat sohasining bir qismini qamrab oladi.

Demak, ularga pul muomalasini tashkil qilish, bank faoliyati asoslari, banklarda buxgalteriya hisobi kabi fanlar bo'yicha bazaviy bilimlarning berilishi mehnat bozorida kuzatilayotgan trendlarga to'liq mos keladi. Fikrimizcha mazkur yo'nalish uchun mo'ljallangan o'quv rejasiga eng kamida:

1. «Bank ishi»
2. «Banklarda buxgalteriya hisobi»
3. «Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari» fanlarni kiritish.

Yuqorida keltirilgan mulohazalar va takliflarni umumlashtirgan holda quyidagilarni amalga oshirilishini maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

1. 5230700 «Bank ishi» ta'lim yo'nalishi bakalavrlari uchun mo'ljallangan o'quv rejasi qaytadan ko'rib chiqilib, bank faoliyati xususiyatlarini e'tiborga olgan holda optimallashtirilishi zarur. Optimallashtirishda ustuvorlik bank tizimini strategik rivojlantirish Davlat dasturlarida nazarda tutilgan yo'nalishlarga mos keluvchi fanlarning o'quv rejasiga joriy qilinishiga berilishi lozim. Faqat shu yo'l bilan bank tizimi uchun yetarli darajada nazariy bilimlar va amaliy ko'nikmalarga ega bo'lgan yetuk mutaxassislarni tayyorlash mumkin bo'ladi.

2. 5230700 «Bank ishi» ta'lim yo'nalishi bakalavrlari uchun mo'ljallangan o'quv rejasida nazarda tutilgan umumkasbiy fanlarning ishchi rejalari bank faoliyati xususiyatlarini e'tiborga oligan holda qayta ko'rib chiqilishi hamda kasbiy faoliyat va mutaxassislikga mos kelmaydigan fanlar o'quv rejasidan chiqarilishi zarur. Bu bilan bank sektori uchun tayyorlanayotgan mutaxassislar uchun mo'ljallangan o'quv rejasida fanlar o'rtasidagi aloqadorlik hamda ta'limning tizimli tarzda amalga oshirilishi ta'minlanadi.

3. Xizmat ko'rsatish va servis sohasi ta'lim yo'nalishida tahsil olayotgan talabalarga mo'ljallangan o'quv rejasiga «Pul, kredit va banklar», «Xalqaro valyuta – kredit munosabatlari» kabi fanlarnin kiritishi bulg'usi mutaxassislarda sohaning kelgusi rivojlanishining asosiy moliyaviy manbasi bo'lgan bank kreditlari va xalqaro moliya – kredit institutlari kredit liniyalari bilan ishlash ko'nikmalarini shakllantirishga yordam beradi. Shu bilan bir qatorda, bugungi kunda tezkor rivojlanib borayotgan elektron to'lovlar tizimi, masofadan xizmat ko'rsatish tarmoqlari faoliyati bilan tanishish imkoniyatini beradi.

4. «Moliya», «Buxgalteriya hisobi», «Iqtisod» kabi ta'lim yo'nalishlarining bitiruvchilari bir qismi O'zbekiston Respublikasi bank sektorida faoliyat yuritishini hisobga olgan holda, mazkur ta'lim yo'nalishlari o'quv rejalariga «Bank ishi», «Banklarda buxgalteriya hisobi», «Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari» kabi fanlarning kiritilishi zarur. Shu orqali bitiruvchilarning mehnat bozoridagi raqobatbardoshligini oshirish imkoniyati yaratiladi.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Рахимов З.О – СамИСИ, и.ф.н
Бабаев Ф.Т- СамИСИ , ассистент
Суюнов Р.Ғ. СамИСИ, магистрант

Аннотация: *Мақолада олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг инновацион жараённи ривожлантиришдаги ўрни қараб чиқилган. Ўқитувчи педагогик мулоқот инновацион жараёнида таълим жараёнини бошқариш бўйича лавозим мажбуриятини амалга оширишининг назарий жиҳатлари ёритилган.*

Калит сўзлари: *инновацион жараён, бошқарув, муносабат, таълим тизими, мотивлаш, фаоллик.*

Аннотация: *В статье рассмотрены место профессорско-преподавательского состава в развитии инновационного процесса в системе высшего образования. Расскрыты теоретические основы реализации должносьной инструкции в управлении процесса образования в педагогическом общении преподавателя.*

Ключевые слова: *инновационный процесс, управление, связь, система образование, мотивация, активность.*

Annotation: *This article is about the role of teachers in development of innovational process in higher education. Theoretical aspects of teacher's duties in fulfilling innovation process through pedagogic approach was highlighted.*

Key words: *innovation process, management, attitude, education system, motive, being active.*

Талабалар билан ва улар орасидаги ўзаро муносабатларда мақбул руҳий муҳит яратиш ўқитувчи таълим жараёнини амалга оширишда ўқитувчининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Гуруҳдаги ўзаро шахсий муносабатларни ўқитувчи, жамоа шаклланишига қадар бўлган босқичда мақсадли ташкил этиши лозим. Бунинг учун у юқори даражада ривожланган коммуникатив ўқувга-муносабат ва алоқалар ўрнатишга мойиллик ва иқтидор, таълим олувчиларни тушуна билишга эга бўлиши керак.

С.В.Кондратъеванинг маълумотларига кўра ўқитувчининг таълим олувчиларни тушуниш даражаси ва унинг уларга таъсири қандайлиги ўртасида муайян ўзаро боғлиқлик мавжуд. Тушуниш даражаси юқори бўлган ўқитувчида характерни шакллантирувчи таъсир биринчи ўринда туради, тушуниш даражаси паст бўлган ўқитувчида эса интизомий таъсир. Агар ўқитувчи таълим олувчилар фаолиятини ташкил этишга етарли эътибор бермаса, бунда интизомни сақлаб туриш учун кўп куч ва вақт сарфлашига тўғри келади.

Кишилар бошбошдоқ ва бепарволиклари туфайли тартибсизлик юзага келмайди, балки улар фаолияти яхши уюштирилмаганлиги туфайли шундай бўлади.

Педагогик мулоқот самарадорлиги, шунингдек ўқитувчи таълим жараёниники ҳам таълим олувчиларнинг машғулотлардаги шахсий иннавацион фаолликларига боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчининг ташкил этувчи ва бошқа таъсир ўтказиши ана шу фаолликни ривожлантиришга қаратилмоғи керак.

Таълим олувчилар шахсига ижобий муносабат ва рағбатлантириш йўсинларининг тизими педагогик мулоқот самарасининг муҳим қисми

ҳисобланади. Самарали рағбатлантириш мазмуни ва мезонлари [1] қуйида келтирилди:

1. Рағбатлантиришмунтазамамалгаошырилади.
2. Ўқитувчи айни нима рағбатлантиришга лойиқлигини тушунтириб беради.
3. Ўқитувчи таълим олувчилар муваффаққиятига қизиқиш билан қарайди.
4. Ўқитувчи муайян натижаларга эришганликни рағбатлантиради ва таълим олувчиларга бунинг моҳиятини тушунтиради.
5. Яхши натижаларга эришиш мақсадида ўқувчиларни ўзишларини ташкил эта билишликка ўргатади.
6. Ҳар бир таълимолувчининг рағбатлантириш у сарфлаган куч-ғайратга мувофиқ бўлиши керак.
7. Ўқитувчи эришилган натижани унга сарфланган куч-ғайрат билан боғлайди ва бундай муваффаққиятга келгусида ҳам эришиш мумкинлигини билдиради.
8. Олдинги топшириқ бажарилгандан сўнг янги ишга қизиқиш уйғонишига ҳаракат қилади.
9. Таълим олувчиларнинг эътиборини ўзлаштиришнинг юқори бўлишлиги мазкур таълим олувчилар имкониятларидан тўла фойдаланишга боғлиқ эканлигига қаратади.

Ўқитувчи педагогик мулоқот инновацион жараёнида ўқитувчи таълим жараёнини бошқариш бўйича лавозим мажбуриятини амалга оширади. Шу маънода ўқитувчининг талаба билан муносабати бошлиқнинг ўзига бўйсунувчи билан бўлган муносабатига ўхшайди ўқитувчи таълим жараёнини бошқаришда ҳам раҳбар қўллайдиган услубдан ўқитувчининг фойдаланиши мумкин [2].

Автократик (авторитар) услубнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, қаттиққўллик билан бошқарув ва кенг кўламдаги назорат ҳисобланади.

Демократик услубда бўлажак ишни муҳокама қилиш ва уни ташкил этишда гуруҳнинг фаол қатнашиши асосий ўзига хослик ҳисобланади. Иннавацион жараённи амалга оширишда ўқитувчи (ёки раҳбар) ва талаба (бажарувчи) ишининг ўзига хосликларини таъкидлаш зарур.

Ўқитувчи у ёки бу бўлинманинг раҳбаридан фарқи бир-бирида бажарувчиларнинг сонига кўра фарқланувчи бир неча жамоани (битта талабани, масалан курс лойиҳаси бўйича консулътация вақтида; кичик гуруҳни; гуруҳни; бутун курсни) ва бажарилаётган ўқув ишларини (маъруза, лаборатория иши, амалий машғулот, семинар ва ҳ.к.) бошқаради. Бир неча жамоани бошқариш оқибатида уларнинг ҳар бири билан ишлаш вақти нисбатан катта эмас. Бу ўзига инновацион хослик ўқитувчидан айрим шахсларни, айрим жамоани ўрганиш бўйича жадал руҳий ишлашни талаб қилади.

Ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро кўмаклашувни кафедралар ва деканатлар ташкилотчиси бўлиши лозим. Профессор ўқитувчиларни мотивлаштириш хам таълим менежментида катта ахамиятга эга.

Мотивлашнинг икки тури фарқланади:

- Муваффаққиятни мотивлаш;
- Муваффаққиятсизликдан кўрқишни мотивлаш.

Муваффаққиятни мотивлаш ижобий тавсифга эга. Таълим олувчиларнинг ҳаракати яхши натижаларга эришиш учун йўналтирилади. Шахсий фаоллик муваффаққияти таълим инновацияси таъсирига эга.

Мотивлашнинг юқорида қайд этилган турларидан ташқари ОТМларда ўқув фаолияти натижаларига касбий мотивлаш омили сезиларли инновацион таълимга таъсир кўрсатади, бунда ижобий муносабат муҳим деб биламиз.

ЗАМОНАВИЙ РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ СИФАТИДА

Худойқулов Й.А. - Тошкент давлат шарқшунослик институти катта ўқитувчиси, фал.ф.н.
Мамараҳимов Қ.Ҳ. - Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси

Анотация:*Мақолада ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири замонавий ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш таҳлил этилиб, бу борада юртимизда амалга оширилаётган ишлар ёритилган.*

Анотация:*В статье анализировань основной проблема как подготовка современный и конкурентоспособных кадров и осуществлаемыхделы в этом направлении нашем стране.*

Анотация: *The article analyzes the main problem as the preparation of modern and competitive personnel.*

Калит сўзлар*: Кадрлар, рақобат, таълим тизими, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, модернизация.*

Ключевые слова*: Кадры, конкуренция, Национальная программа подготовка кадров, модернизация.*

Янги минг йилликда дунё иқтисодиётида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Уларда энг муҳими жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларга бўлган талабнинг кучайиб бораётганлиги ҳисобланади. бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида кадрларга қўйилаётган талабларнинг юқорилигидир.

Ҳозирги давр кадрларга қўйилаётган универсал талаблардан бири уларнинг рақобатбардошлигидир. Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас”[76].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг устувор йўналишлардан бири албатта, юксак малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Шу сабабли олиб борилаётган муҳим ишларимизни самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлатимизда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди.

[76]Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. –Б.89.

Ўзбекистонда таълим жараёнидаги ислоҳотлар самараси, ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси, касбий-малакавий тайёргарлигини талаб даражасида таъминлашга хизмат қилаётган 9+3 схемаси асосидаги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими, бакалавриатура ва магистратура йўналишларидан иборат олий таълим муассасаларининг меҳнат бозорида талаб қилинаётган юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги роли ҳамда бу борада тўпланган тажриба билан халқаро ҳамжамиятни кенг таништириш мақсадида 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил, қарийб 1000 нафар вакил иштирок этди.

Халқаро конференция ишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича 1997 йил амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган "Таълим тўғрисидаги қонун" ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳиятини қисқача баён этиб, жумладан, "Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин ..." деди.

Шунингдек, Ислом Каримов қуйидаги фикрларни ҳам билдириб ўтади: "Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ"[77].

Шунингдек, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилди. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари фаолияти ривожлантирилиб, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилди ҳамда таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилмоқда.

Бироқ дунё меҳнат бозори ва иқтисодий тизими борган сари мураккаблашиб, кадрларга бўлган талабларнинг янада юқорилашувига олиб келмоқда. Шу сабабли давлатнинг кадрларни етиштириб чиқариш тизими ҳисобланган таълимни янада ривожлантириш ва модернизациялашга катта эътибор қаратиш лозимдир.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: "...таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир. Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича

[77]Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. Т.: "Ўзбекистон", 1999. –Б.362.

чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Афсуски, ҳеч ким бунинг учун жавобгар эмас. Нима сабабдан? Ахир, бу ўринда гап барчамизнинг фарзандларимиз тўғрисида, ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги ҳақида кетяпти”[78].

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир давлатнинг тараққиёти ва ривожланиши етишиб чиқаётган замонавий ва рақобатбардош кадрларга боғлиқдир.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рахимов З. О. - СамИСИ, И.ф.н
.Гиясов Б.Д. - СамДАҚИ, доцент, и.ф.н
Убайдуллаев Р. Қ. - СамИСИ, талаба

Аннотация:*Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари масалалари ёритилган. Таълим тизимидаги модернизацияга таълимдаги олиб борилаётган ислоҳатларнинг давлат миқёсида баъзан эса давлатлараро масала сифатида талқин этилиши қараб чиқилган.*

Калит сўзлар: *таълим тизими, модернизация, моддий-техник база, малакали мутахассислар, инновацион технологиялар, қайта тайёрлаш.*

Аннотация: *В данной статье описывается модернизации системы высшего образования в сфере обслуживания. Рассмотрены истолкования модернизации системы образования на уровне государства реформы в сфере образования*

Ключевые слова: *система образование, модернизация, материально-техническая база, квалифицированные специалисты, инновационные технологии, переподготовка.*

Annotation:*This article is about the important ways of modernization of higher education system. State reforms as well as international issues are considered as influencing factor in modernization of education in this system.*

Key words: *education system, modernization, technical supply, qualified specialists, innovation technology, re-preparation.*

Таълим тизимидаги модернизацияга ёрқин мисол таълимдаги ислоҳатлардир(таълимнинг тузилиши, мазмуни, шакл ва методларнинг тубдан ўзгариши). Кейинги даврларда таълим тизимидаги ўзгаришлар давлат миқёсида баъзан эса давлатлараро масала сифатида талқин этилади. Таълим тизимидаги ислоҳатлар ижтимоий эҳтиёж сифатида қабул қилиниши лозим. У эволюцион характерда ҳамда революцион характерда бўлиши мумкин.

Таълимни модернизациялашдан мақсад таълимнинг тараққиётини таъминлаш ва тизимда XXI асрда яшаётган жамияттнинг эҳтиёжлари, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари, ҳар бир шахснинг ва оиланинг эҳтиёжлари акс этиши

[78]Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шаҳсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатмизни 2016 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенггайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.45-46.

лозим. Бундай тараққиёт тизимини яратиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- Давлат томонидан тўлиқ таълим олиш ҳуқуқини таъминланиши;
- Таълим тизимининг барча босқичларида замонавий таълим сифатини таъминлаш;
- Таълимнинг хуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш ва ташкилий-иқтисодий механизмларни янги ресурсларини аниқлаш ва жалб этиш.
- Педагог мақомини кўтариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- Таълим тизимида шаффофликни таъминлаш ва унинг қатнашчиларини масъулиятини ошириш.

Модернизация жараёни йўналтирилган ҳар бир объектнинг бу жараёндаги тўлиқ иштирокини таъминлаш ҳам асосий масалалар қаторига киради (давлат, таълим тизими, иқтисодиёт ва бошқа тармоқлар, ижтимоий институтлар, жамият, оила).

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 20 майда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва у ўз моҳиятига кўра олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини ифода этади [1]. Бу қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган. Дастурда юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш ҳамда давлат таълим стандартлари (ДТС)ни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра, мазмуни бўйича турдош мутахассисликларни қўшиб юбориш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳаларда эҳтиёжи қолмаган мутахассисликларни ёпиш ҳисобига 2016 йилга қадар олий таълим бакалавриат босқичи йўналишларининг сони 228 тадан 165 тага, магистратура босқичининг мутахассисликлари эса 1200 тадан 500 тагача камайтирилди. Дастур ижроси доирасида инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари бўйича қабул квотаси босқичма-босқич оширилиб, бу йўналишларда таълим олаётган талабаларнинг умумий сони амалдаги 23 фоиздан 2015-2016 ўқув йилида 36 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу йўналишларга ажратилган давлат гранти ўринлари эса ўртача 5-10 фоизга кўпаяди. Шунга тенг равишда “таълим” “иқтисодиёт ва бизнес”, “ҳуқуқ” ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларга тегишли таълим йўналишларида қабул квотаси ва грант ўринлари, аксинча, камайиши кутилмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида’’ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришни кўзда тутгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Фармонда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ҳамда услубларини тубдан янгилашга оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришини талаб этади. Негаки, бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир.

Фармонда қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, ушбу курсларда машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳамда моддий-техник базани шакллантириш лозимлиги қайд этилди. Бу саъй-ҳаракатлар, албатта, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юксак малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бериш, олий таълим тизимини том маънода мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим омилга айлантириш, қолаверса, кадрлар тайёрлаш тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари жадал кириб бораётганини қайд этиш жоиз. Мазкур ҳужжатда ҳам олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши зарурлиги кўзда тутилди. Шубҳасиз, бу мамлакатимиз таълим тизими ривожини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши келажак авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишига, илғор фан ва техника ютуқларимиз, илмий лойиҳаларимиз дунёда эътироф этилишига замин яратади. Зеро, таълим ва тарбия устувор мамлакатда беқиёс янгиланишлар тобора юксак бўй чўзади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ -ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Худойбердиев Н - СамИСИ, н.ф.н,
Эшпулатова З - БҲ-313 гуруҳ талабаси

Анотация: *Мақолада мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш ва ижтимоий - иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ўзгаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулотда тутган ўрни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.*

Таянч иборалар: *ялпи ички маҳсулот, ҳаракатлар стратегияси, ижтимоий – иқтисодий, хизмат кўрсатиш, саноат, даромад, ижобий натижалар.*

Анотация: *В статье приведено на сегодняшний день рост валевой продукции в нашей стране благодаря социально-экономическим развитием, мерам актуальные вопросы и ответы на них. В статье описана сфера услуг, их преимушества и необходимость в валевой продукции. В том числе выевленны проблемы возникаюшие в результате указаные пути и их преодоления.*

Ключевые слова:*валевая продукция, стратегия действия, социально-экономическое, сфера услуг, промышленность, прибыль, положительные результаты.*

Annotation*: In the article today, the growth of volevoj products in our country due to socio- economic development measures for relevant questions and answers. The article describes services and their benefits and the need. Including identification of problems caused and the ways to overcome them.*

Key words*: volevoj products, strategy for action, socio-economic, services, industry, profit, positive results.*

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши билан бирга, бугунги кунда иқтисодий глобаллашув инқироз шароитига қарамасдан, мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий турмуш даражаси кундан кун яхшиланиб бормоқда.

“Мамлакатимиз иқтисодиёти стабиллашганлиги оқибатида аҳоли даромадларнинг ўсиши 2016 йилда 2015 йилга нисбатдан 11 фоизни ташкил қилган. Аҳоли даромадлари мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорлик объектларида банд бўлган одамларга тегишли. 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинди. Кичик бизнес мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги хиссаси 56,9 фоизгача ошди. 2016 йил яунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга оширилди.

Саноат маҳсулоти хажмлари -6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари-12,5 фоизга , чакана савдо айланмаси-14,4 фоизга, хизматлар - 12,5 фоизга ўсди. Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015-йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди.[79]

Ялпи ички махсулотни ошириш, аҳоли реал пул даромадларини ошириш, ҳалқ фаровонлигини ва иқтисодий-ижтимоий ҳаёт сифатини янада ошириш ислоҳотлари олиб борилмоқда

[79] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот-15.01.2017 йил

2017 йил “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”[80] деб эълон қилинди. Мамлакатимиз хукумати томонидан 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари белгилаб олинди.

“2017-2021 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони тасдиқланди. Бу Фармонда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ишлаб чиқилди.[81] Айнан шу харакатлар стратегияси учинчи стратегиясида “ Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

-Макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда ва иқтисодий ўсиш суръатларни сақлаб қолиш;

-Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш , миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;

-Қишлоқ хўжалиги модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

-Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболи ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом этиш;

-Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш;

-Туризм соҳасини ривожлантиришга замин бўлиб келади.[82]

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар ошишини 2015 йилда ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтган эдилар.

Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йлдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини таҳминан 2 баробар қисқартиришга эришмоғимиз керак.

Биз ўз олдимизга қўйган вазифалар қанчалик асосли эканини қуйидаги ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш учун ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш зарур. Агар кейинги 11 йилда бу кўрсаткич 8 фоиздан юқори бўлиб келганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифани амалга ошириш учун мустахкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади.[83]

Бизнинг фикримизча, келгуси йилларда нафакат ташқи талабнинг, ички талабнинг ҳам ошиб бораётганлигини инобатга олиш зарур. Хизмат кўрсатиш

[80]Ҳалқ сўзи.уз
[81]Strategy. Regulation.gov.uz
[82]Шу ерда
[83]www.darakchi.uzМақола. Бўлимлар: Жамият

сохасини янада такомиллаштириб, замонавий хизматлар турини улушини ошириб бориш лозим. Яъни ялпи ички маҳсулотда 2016 йилда 12,5 фоизга хизматлар ўсганлиги ва ушбу кўрсаткич хизмат кўрсатиш соҳасига ички талабнинг ошиб боришидан, иқтисодий кўрсаткичларда етарлича ўз ифодасини топишидан далолат беради.

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулот иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар билан биргаликда, бугунги кунда мамлакатимизда холи ҳам норасмий фаолият (оилавий бизнес, дўконлар, ёрдамчи хўжалик, якка тартибдаги меҳнат фаолияти кабилар) соҳалари кенгайди. Ушбу секторларда хизмат қилувчилар ўртасида норасмий фаолият олиб бораётганлар холи ҳам мавжуд.

Фикримизча, бугунги кунда хизмат кўрсатиш секторининг янада такомиллаштириш ишларини олиб борилса ялпи ички маҳсулотдаги улуши кейинги йилларда янада ортиб бориши табиийдир.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

З.И.Абдуллаева - СамИСИ,катта ўқитувчи
Д.Абдуллаева-СамИСИ, МХТ-215 гурух талабаси

Аннотация:*Ушбу мақолада муаллиф томонидан иновацион таълим технологияларининг моҳияти ва мазмуни очиб берган.*

Таянч иборалар*: инновация, ривожланиш, технология, тадқиқот.*

Аннотация: *В данной статье автором раскрыта сущность и содержание инновационного образовательных технологий.*

Ключевые слова*: инновация,развитие, технология, исследование.*

The summary:*In given article the author opens essence and the maintenance innovative educational technologies.*

Key words*: innovation, development, technology, research.*

*Луғавий жиҳатдан **“инновация”** тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.*

Инновация – *муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият*

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovationas” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асослангаан техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”[84].

А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан

[84] Ўзбекистон миллий энциклопеияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.

бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади.

Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганган. **Инновацион таълим** (инг. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Инновациялар турли кўринишга эга. Қуйидагилар инновацияларнинг асосий **кўринишлари** саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш **мақсади** кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгиланиш)** деб юритилади.

Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади

Илмий адабиётларда “новация” (янгиланиш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвязинскийнинг эътироф этишича, “янги”, “янгилик” тушунчаси нафақат муайян ғояни, балки ҳали амалиётда фойдаланилмаган ёндашув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда

жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турувчи шароит ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш ғояларини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

Моҳиятига кўра новация ва инновация ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Улар қуйидагилардир (1-жадвал):

1-жадвал

Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

Асосий фарқлар	
Новация	**Инновация**
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

И.П.Подласыйнинг фикрига кўра, таълим инновационлари қуйидаги **ўзгаришлар**га олиб келади:

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- талаба (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган.

Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш

муносабат ёки жараённинг, биринчидан, ички мантиғини, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди.

В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Ҳар қандай инновацияда "янги", "янгилик" тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади.

Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзгартириш, янгилашни назарида тутади.

Субъектив янгилик маълум объектнинг ўзини янгилаш заруриятни ифодалайди.

Маҳаллий янгилик алоҳида олинган объект учун киритилаётган янгиликнинг амалий аҳамиятини тавсифлаш учун хизмат қилади.

Шартли янгилик эса муносабат, объект ёки жараёнда мураккаб, прогрессив янгиланишнинг содир этилишини таъминловчи маълум элементларнинг йиғиндисини ёритишга хизмат қилади.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишга эътиборни қаратади. Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб борувчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни эканлиги таъкидланади. Россиялик олимлар – А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, Н.П.Степанов ва б. эса инновацион жараён ҳамда унинг таркибий қисмларини ўрганишга эътиборни қаратган. Бу ўринда улар инновацион жараённинг ташкил этилишига нисбатан қуйидаги икки ёндашув мавжуд эканлигини эътироф этади:

1) янгиликнинг индивидуал микро даражаси (унга кўра қандайир янги ғояга амалиётга жорий этилади);

2) алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи микро даража (бу ўринда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирланиши, бирлиги, рақобати ва бирининг ўрнини иккинчиси томонидан эгалланиши аҳамиятли саналади).

А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов ва В.С.Толстойлар ўз тадқиқотларида янгилик киритишнинг тизимли концепцияни асослашга уринган. Бу ўринда муаллифлар инновацион жараёнларнинг қуйидаги икки муҳим босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатишади:

1. Янгилик сифатида намоён бўладиган ғояларни ишлаб чиқиш (м: корхона, ташкилот томонидан муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқишнинг режалаштирилиши).

2. Янгилик (муайян маҳсулот)ни кенг кўламда ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндашувлар кузатилаи. Улар:

1. Гностик-динамик ёндашув (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни

ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадилар, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадилар).

2. Индивидуал фаолиятли ёндашув (бунда педагоглар ўзларининг индивиуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола амалиё фаолиятда педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадилар).

3. Кўп субъектли (диалогик) ёндашув (мазкур ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни ҳамкасбларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

4. Инсонпарварлик ёндашуви (ушбу ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади).

Индивидуал-ижодий ёндашув (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалининг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади).

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали

муаммоларни ечишга қаратилган фаолият.

Моҳиятига кўра инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти қуйидагилар билан белгиланади: - янгиликни қўллашга тайёргарлиги;

- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида БКМни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

Демак, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизимининг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда рўй беради.

Таълим амалиётида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади.

Педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига

кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI RIVOJIDA MALAKALI KADRLARNI TAYORLASH MUAMMOLARI.

Norboyeva D.J.- SamISI, kat. o‘qit.
Jalilov Sh.Z - KTB -115 guruh talabasi

Annotatsiya: *Maqolada xizmat ko‘rsatish soxasiga mutaxassislarni tayorlashda ijtimoiy psixologiyaning o‘rni muximligiga bo‘lgusi mutaxassislarda kommunikativ bilimdonligini nazariy uslublarini amalga tadbiq qila olishi yo‘l-yuriqlari asoslab berilgan.*

Анотация: *В стате раскрита для подготовки спесиалистов значителное место занимает социалная психология при подготовке кадров для сфери услуг. Розвивать и формировать коммуникателност у будуших спесиалистов и умет теоретический стил коммуникации.*

Annotation: *The artikle ensures validity means of implementation kommunikative intelligenke of spekialiss in shoving importanke of sokial and psychologikal preparation of kadres in servike sektor.*

Kalit so‘zlar *Samarali, raqobatbardosh, kadrlar, muammo, tiklovchi, to‘ldiruvchi, yaxshilovchi funksiya, bashoratli.*

Ключевые слова *Плодотворный, конкурентоспособный, кадръ, проблема, реконструксия, наполнителъ, восхвслятъ, пророческий.*

Key words*Fruitful, competition, kadrlar, riddle, erect, improving function, propfietic.*

XXI asrda yangi avlod raqobatbardosh kadr va garmonik rivojlangan qobiliyat egasi bo‘lib, kelajakda yuqori madaniy tafakkur va mustaqil ravishda ilmiy-texnika va ijtimoiy-siyosiy axborotlar yo‘naltirilgan vazifalarni hal qilishlari zarur. Bu reja bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasida Milliy dastur bazasida raqobatbardosh kadrlar bilan ta’minlash mamlakatimiz va xorijiy davlatlar fani, texnika, texnologiya va iqtisod rivojini hisobga olgan holda yuqori darajaga erishish nazarda tutilgan.

Ayni vaqtda O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan ta’lim muassasalari zimmasiga erkin, mustaqil fikr yurita oladigan, tafakkuri va dunyoqarashi keng, bilimli, shuningdek, mutaxassisligi bo‘yicha chuqur bilim, yuksak malakaga ega bo‘lgan kadrlar (mutaxassislar)ni tayyorlab berishdek ma’suliyatli ijtimoiy vazifa yuklangan.[85]

Bu o‘z navbatida insoniyat yaratgan ma’naviy–ilmiy boyliklarga, insonning o‘ziga yangicha munosabat, yondashuvni yuzaga keltirdi. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek: “Fuqarolar endi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni ishtirokchisi, bajaruvchisi emas, balki bunyodkori va tashkilotchisidir”.[86] Bunday yangicha yondashish albatta o‘z oldiga yangicha fikrlash, yangicha tafakkur, milliy mafkuraning keng qamrovli sifatlarini

[85] Kadrlar tayyorlash milliy dasturi //Oliy ta’lim: me’yoriy hujjatlar to‘plami. – Toshkent: Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. 2010. – 20-bet.
[86]Karimov I. A. O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – T.: O‘zbekiston, 2011y. – 440 b.

shakllantirish vazifalarini qo‘ydi. Shuning uchun ham yangi ta’lim konsepsiyasi qabul qilindi va unda keyingi rivojlanishlarning barcha yo‘nalishlari qayta ko‘rib chiqildi.

Malakali kadrlar tayyorlash tizimini uzluksiz ravishda rivojlantirish ehtiyoji va turli ishlab chiqarish soxalarida ko‘p yillik ish staji bilan faoliyat yuritayotgan shaxsning o‘z imkoniyatlarini to‘liq amalga oshirmasligi shaxsni har tomonlama kasbiy faoliyatda o‘zini namoyon qilishi muammosini yuzaga keltirdi. Bu moammolarni hal qilmasdan turib kelgusi kasbiy faoliyatdagi muvaffaqiyatli sifatli ta’limini va rejalashtirishni amalga oshirish mumkin emas. Muammoning amaliy ahamiyati uni turli fan doiralar qatorida psixologiya doirasida ham o‘rganilish muhimligini ko‘rsatib berdi.

Yangi asrda faoliyat ko‘rsatadigan xizmat ko‘rsatishsohasida etakchi mutaxassislar qanday bo‘lmog‘i kerak? Ushbu savolni ham o‘z ichiga olgan tadqiqot natijalarining tahlili ko‘rsatishicha, respondentlar nazarida savdo va xizmat ko‘rsatish sohasida zamonaviy mutaxassislar ma’naviy etuk, ma’rifatli, hozirgi zamon menejment ilmini, yangi axborot-muloqot texnologiyalarini chuqur egallagan, xodimlar va mijozlar kungliga yo‘l topa oladigan, o‘z fikrini ravshan bayon qila oladigan, muloqot ko‘nikmalariga, tashkilotchilik, ishbilarmonlik qobiliyatiga ega, ijtimoiy psixologik bilimdon inson bo‘lishi zarur. Ijtimoiy psixologik tadqiqotlar natijalari ko‘rsatishicha, turizm va servis sohasida mutaxassislar faoliyatida muloqot juda muhim o‘rin tutadi. Chunki, ular o‘z faoliyatlarini asosan muloqot orqali amalga oshiradilar. Odatda muloqot deganda kishilarning o‘zaro ma’lumot, fikr, his-tuyg‘u, kayfiyatlar va hokazolar almashish asosida bir-birlari bilan nutqli yoki nutqsiz aloqalar o‘rnatish va rivojlantirish jarayoni tushuniladi.

Ana shu yo‘nalishda olib borilgan izlanishlar natijasida kadrlar malakasini oshirish tizimi uchun umumiy bo‘lgan asosiy tendensiyalar aniqlandi va tizimlashtirildi. Ularning asosiylari: tiklovchi, to‘ldiruvchi, yangilovchi va bashoratlovchi hisoblanib kadrlar malakasini oshirishning dasturli-maqsadli funksional asosini tashkil etadi.

1. Tiklovchi funksiya. mutaxassis muvaffaqiyatli faoliyat ko‘rsatishi uchun nazariy-amaliy ahamiyat kasb etgan zarur axborotlarni saralashni taqozo etadi. Ular o‘z vaqtida Oliy o‘quv yurtlari auditoriyalarida o‘zlashtirilgan, biroq keyinchalik qisman unutilgan yoki faoliyat davomida foydalanilmay kelinadi.

2. To‘ldiruvchi funksiya mutaxassis faoliyatida asqotadigan, biroq ob’ektiv va sub’ektiv sabablariga ko‘ra oliy o‘quv yurtlarida o‘rganilmay qolgan axborotlarni tizimlashtirishni ko‘zda tutadi.

3. Yangilovchi funksiyaning tamoman yangi axborotlarni o‘rganishni va umumlashtirishni talab etadi. U eskirib qolgan stereotip fikrlashni va ishlash metodlarini yo‘qotishga, yangi texnologiyalarni o‘zlashtirishga qaratilgan.

4. Bashoratlovchi funksiya fanga tegishli ma’lum hodisalarni ularning sonli nazariyalari asosida tushuntirish, asosiy jarayonlarni modellashtirish, qonun va xususiyatlarini analitik tasavvurlash, hodisalarning kechish muddat va sonini oldindan aytib berish imkoniyatlari mavjud bo‘lgan axborotlarni to‘plashga imkon beradi.

Xizmat ko‘rsatish sohasida mutaxassislar kishilar bilan oqilona va ustalik bilan muloqotda, muomalada bo‘la olishi, ularning ish faoliyatida muvaffaqiyatga erishishiing eng muhim omillaridan biridir. Bu sohaning etuk mutaxassisi Deyl Karnegi fikricha, kishilarning o‘z ish faoliyatidagi yutuqlari o‘n besh foizlari uning

kasbiy bilim va ko‘nikmalariga bog‘liq, bo‘lsa, sakson besh foizi uning odamlar bilan muamolada bo‘la olish qobiliyatiga bog‘liq.[87].

Demak, xizmat ko‘rsatishsohasida yuqori malakali, raqobotbardosh mutaxassislarni tayyorlash, kelgusida ular faoliyatining samaradorligini ta’minlash ularda muloqot ko‘nikmalarini, qolaversa ijtimoiy psixologik bilimdonlikni shakllantirish taqazo etadi. Ijtimoiy psixologik bilimdonlik tushunchasi odamlar ko‘ngliga yo‘l topa olish, o‘zining notiqlik sa’nati, muloqot ko‘nikmalari bilan xodimlar, mijozlarga samarali ta’sir eta olish va maqsad sari yo‘naltira olishi, samarali muzokaralar olib borish, yuqori muomala madaniyatiga egaligi kabi hislatlarini o‘zida mujassam etadi.

Ish muloqoti jarayoni dastlabki qarashda sodda tuyiladi. Aslida ish muloqoti jarayoni juda murakkab, ko‘p qirrali jarayondir. Odatda muloqotning uchta tomonini ajratish mumkin. Muloqot jarayonida kishilar uzaro ma’lumot almashadilar, bir-birlariga ma’lum ta’sir kursatadilar va bir-birlarini idrok qilishadi. Shuningdek, ish muloqotida ham uzviy bog‘liq uchta tarkibiy qism bor. Ular quyidagilar:

- doimiy muloqotda bo‘ladigan xodimlar, mijozlarning ruhiyxususiyatlari xaqida ma’lumotga ega bo‘lish;
- kishilarning tashqi qiyofasi, turishi, qarashi, xatti- harakatiningboshqa jihatlariga qarab ichki ruhiy kechinmalari istakxohishlarini bila olish;
- xodimlar, mijozlar bilan maqsadga muvofiq, munosabat o‘rnatish;
- samarali maqsadli ta’sir ko‘rsatish.

Ijtimoiy psixologik trening vositasida turizm sohasida mutaxassislar, pedagoglar, yuristlar, vrachlar, tarjimonlar, rahbar xodimlarda samarali muloqot, muomala ko‘nikmalarini, shaxslararo munosabatlarda sezgirlikni, kommunikativ bilimdonlik va etuklikni shakllantirish mumkin.

Xorijda psixotreningning bir nechta turlari bor. Amerikalik taniqli psixolog Keel Rudestam "T-gurux" ya’ni trening guruxining foydalanish maqsadi bo‘yicha Z ta tipini ajratadi:

1) tashkilotchilik faoliyati samaradorligini oshirish uchun zarur ko‘nikmalarni shakllantirishga yo‘nalgan trening guruxi:

2) shaxslararo munosabatlarini shakllantirishga va kichik guruxlardagipsixologik jarayonlarni o‘rganishga yo‘nalgan:

3) senzitivlik treningi-shaxslararo munosabatda sezgirliknioshirishga, shaxsni rivojlantirishgayo‘nalgan:

Bu sohadagi adabiyotlar tahlili bo‘yicha va tajribali mutaxassislar fikricha, pedagogika, psixologiya fanlarini o‘qitishda trening elementlaridan foydalanish, raxbar xodimlar, psixolog- pedagoglar, turizm sohasining mutaxassislarida muloqot ko‘nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishda ularga ijtimoiy psixologiya bo‘yicha chuqurroq, bilimlar berish, ijtimoiy psixologik trening, videotreninglardan foydalanish yuqori samaralar beradi.

Bizning nazarimizda xizmat ko‘rsatishsohasida mutaxassislarni pedagoglarni, paxbap xodimlarni, tarjimonlar, sayyohlik guruxlari boshqaruvchilarini tayyorlashda ijtimoiy psixologiya, ish muloqoti psixologiyasi, ijtimoiy psixologik trening, videotrening kurslari o‘quv rejasiga kiritilishi maqsadga muvofiq.

[87] Karnegi.D. Kak priobretayut druzey i okazivayut vliyanie na lyudey – Kiev,1989. – S. 11.

Ijtimoiy psixologik bilimdon kishi esa bunday holda qulay vaziyat topib, u kishining avval yaxshi, ijobiy fazilatlarini ta’kidlab, keyingina konkret o‘zgartirish mumkin va lozim bo‘lgan xulq-atvor xususiyatini ko‘rsatishi va uni o‘zgartirishga u kishida imkoniyat va qobiliyat mavjudligini ta’kidlaydi. Chunki faqat shu uslub bilangina boshqa kishiga ta’sir qilish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, xizmat ko‘rsatishsohasida bulg‘usi mutaxassislarni tayyorlashda ijtimoiy psixologik va kommunikativ bilimdonlikni shakllantirish uslublarini o‘rganish, yaratish va amaliyotga tatbiq, qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

КАЧЕСТВО И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ ПРОДУКЦИИ СТРОИТЕЛЬСТВА

доц.Суюнов А.С.,доц.Буриев Х.Т., ассист..Суюнов Б.А.-
каф.«Менежмент в строительстве».Самаркандский Государственный архитектурно-строительный институт.

В последние годы ведутся практические работы по созданию и эксплуатации систем управления качества на строительных организациях и на предприятиях промышленности строительных материалов, изделий и конструкций в Узбекистане.

Решаемые задачи отличаются принципиальной новизной, так как в работе установлена связь (зависимость) между условиями выполнения технологических операций, причинами, приводящими к появлению дефектов, и показателями качества продукции, а также приводится научно-обоснованный подхода к организации систем управления процессом формирования показателей качества продукции в процессе ее изготовления, который может быть использован на заводах и в строительных организациях.

Кроме того, в работе дается методика наглядного отображения процесса формирования качества продукции предприятий стройиндустрии при ее изготовления на заводе, а также даны рекомендации по организации оперативного управления процессами формирования качества продукции заводов ЖБИ при ее изготовлении.

В результате разработан простой, доступный для каждого завода способ количественной оценки показателей качества работы технологических линий и заводов в целом. Это позволит планировать количественные показатели повышения качества работы исполнителей, линий, цехов, учитывать результаты работы, проводить стимулирование достижений и другие мероприятия в системе менеджмента качеством продукции. Наглядность процесса формирования качества продукции поможет своевременно обращать внимание на ненормальности в работе и оперативно принимать меры для предотвращения дефектов.

Таким образом, наряду с установлением уровня качества и обеспечением заданного уровня качества весьма важное значение имеет и стадия поддерживания достигнутого уровня качества, т.е. стадия потребления (эксплуатации)продукции, от которой непосредственно зависит степень проявления всех ее свойств, заложенных при проектировании и в процессе производства работ.

Качество конечной продукции формируется на всех **стадиях строительного производства**, охватывающих добычу минерального сырья и его первичное обогащение, изготовление материалов, полуфабрикатов, изделий и конструкций, возведение зданий и сооружений. По отношению к конечной продукции, на каждой стадии строительного производства изготавливается полуфабрикат, который подвергается переработке в процессе дальнейшего производства. Однако для каждой стадии этот полуфабрикат является законченной промежуточной продукцией. Качество этой продукции определяется требованиями, предъявляемыми к ней на последующих стадиях производства. Например, к

железобетонному изделию - элементу сборной конструкции сооружения предъявляются требования:

-на стадии монтажа: допуски и очертания стыковых граней, масса, не превышающая грузоподъемности крана и др.;

-на стадии послемонтажных работ: заводская готовность, качество поверхностей и др.;

-на стадии эксплуатации: прочностные качества, тепло-звуко-гидроизоляция, размер ежегодных эксплуатационных расходов и др.

Обеспечение этих требований, определяющих качество промежуточной продукции, гарантирует, что ее использование на последующих стадиях производства не создает препятствий для достижения заданных качеств конечной продукции или не потребует дополнительных затрат для этого.

Исследование показали, что от 30% до 60% всех отклонений показателей качества в готовом здании в худшую сторону появляются в результате плохого качества строительных конструкций, поставляемых на постройку, и недостатков в работе строительно-монтажных организаций.

Исследования, проведенные нами в предприятиях промышленности строительных материалов, изделий и конструкций Республики Узбекистан показывают, что внедренные системы управления качеством носят часто информативный характер, они только информируют о состоянии дела. Обратные связи, в виде оперативных воздействий на производственные процессы, осуществляются в недостаточном объеме. На ряде других заводов железобетонных конструкций, внедривших и систематически осуществляющих систему операционного контроля качества, увеличились коэффициенты качества труда исполнителей и качества продукции в среднем в 1,5 раза. Таким образом, анализ выполненных работ показывает, что:

- за последние 10 - 15 лет выполнено большое, число исследований и практических разработок по решению отдельных вопросов, связанных с управлением качеством продукции, и созданием систем менеджмента качеством в строительных организациях и на заводах сборного железобетона;

- внедрение локальных и комплексных систем управления качеством дает ощутимые положительные результаты, но пока ещё не охватывает всех сторон проблемы;

- не разработаны теоретические и практические вопросы, связанные с организацией и проведением операционного (сплошного) контроля качества продукции, что часто сводит систему менеджмента качеством к уровню информационных систем.

Таким образом, можно сделать вывод, что до сих пор не разработаны оперативные мероприятия по устранению причин, приводящих к появлению дефектов, отсутствуют более капитальные мероприятия по совершенствованию технологических процессов с целью повышения качества продукции строительной индустрии, в конечном итоге конкурентоспособность продукции строительства не отвечает предъявляемым требованиям со стороны потребителей.

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Урдушев Х.- СамҚХИ и.ф.н.,доц.,
Акбаров Х. – СамҚХИ, катта ўқитувчи.

Аннотация. *Мақолада кўп тармоқли фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш модели ва уларнинг амалда қўллаш масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар. *Ривожланиш, муаммолар, оптималлаштириш, моделлар, иқтисодий ислоҳотлар, моделларини қўлланиш соҳалари, модел.*

Кейинги йилларда Республикамиз қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан фермер, деҳқон хўжаликларида ва аҳоли томорқасида етиштирилмоқда. Аҳолини мева-сабзавот ва узум ҳамда унинг қайта ишланган маҳсулотлари билан таъминлашда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг роли тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришлар чуқурлаштирилмоқда, бу жараёнда аграр соҳада эришилаётган ютуқлар фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, аксинча, соҳада иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш асосий мақсад қилиб қўйилмоқда.

Методлар ва усуллар. Бозор иқтисодиёти даврида қишлоқ ҳўжалигини тармоқларини самарали ривожланиши жуда кўп омилларга боғлиқ. Бу омиллардан бири – қишлоқ хўжалиги тармоқлари ишлаб чиқаришининг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти – қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни шундай иқтисодий механизмларни ишлаб чиқишни тақозо қиладики, у истиқболда ривожланиши давлат томонидан белгиланадиган, ўз манфаатлари доирасида ҳаракат қиладиган, мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларини барқарор ривожланишини оптимал кўрсаткичларини аниқлаш вазифалари туради.

Қишлоқ хўжалигида бўлаётган ўзгаришларни аграр соҳанинг истиқболли ривожланишини режалаштиришда ҳисобга олиш керак бўлади. Бундай ҳолларда аграр соҳанинг ривожланишининг истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда математик моделлаштиришнинг ўрни тобора ошиб боради.

Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кўплаб моделлар ичидан оптималлаштириш моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, уларнинг қандай қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганлигига боғлиқ бўлади. Айтайлик, пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган бўлса, экин турлари бўйича экин майдонларини оптималлаштириш ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ерда оптималлаштириш усуллари ёрдамида фермер хўжалигида етиштирилган ғалланинг давлат бюртмасидан ортиқча қисмини реализация қилишни оптимал кўрсаткичларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий-математик моделлаштиришнинг оптималлаштириш усуллари, масалан мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари бўйича қуйидагиларни аниқлаш мумкин: экин турлари бўйича майдонларни оптимал таркибини;етиштирилган маҳсулотларни реализация қилиш

бўйича оптимал кўрсаткичларини;қайта ишланиб олинадиган маҳсулот турлари бўйича оптимал кўрсаткичларини.

Биринчи ҳолда, “Фермер хўжалиги экин майдонларининг оптимал таркибини аниқлаш” масаласида оптималлик мезони қилиб бир гектар экин тури майдонидан кутилаётган фойдани, иккинчи ҳолда, яъни “ Фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишни оптималлаштириш” масалалаасида эса етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишдан олинадиган фойдани максималлаштиришни олиниши мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, юқорида келтирилган моделлаштириш жараёнини бирлаштириш асосида “Фермер хўжалиги экин майдонлари ва етиштирилган маҳсулотларни сотишни оптималлаштириш” иқтисодий-математик моделини тузиш мумкин.

Экин майдонларининг оптимал таркибини аниқлаш масаласини иқтисодий-математик моделини келтирамиз.

Белгилашлар. S_1 ваS_2 хўжалик бўйича сабзавот ва боғ-токзорлар экин майдони; T – фермер хўжалигидаги мавжуд меҳнат ресурслари; $m_i - i$ чи сабзавот турини ишлаб чиқариш учун 1 га қилинадиган меҳнат сарфи;$m_j - j$ чи мева-узум навини ишлаб чиқариш учун 1 га қилинадиган меҳнат сарфи; $v_i \ - i$ чи сабзавот тури ҳосилдорлиги;$v_j \ - j$ чи мева-узум навини ҳосилдорлиги; a_i,$a_j - i$ *ва* j чи сабзавот тури ва мева-узум нави маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 1 га экин майдонига қилинадиган харажатлар, сўм; $a_i = C_{ki}v_i$, бу ерда C_{ki} - i чи сабзавот турининг 1 ц маҳсулотини ишлаб чиқариш харажатлари,сўм; $a_j = C_{kj}v_j$, , бу ерда C_{kj} - j чи мева-узум навининг 1 ц маҳсулотини ишлаб чиқариш харажатлари, сўм; $b_i - i$ чи экин турининг 1 га майдонидан олинадиган пул тушуми, сўм;$b_j - j$ чи мева-узум навининг 1 га майдонидан олинадиган пул тушуми, сўм; $b_i = P_{ki}v_i$, бу ерда $P_{ki} - \ i$ чи сабзавот турининг 1 ц маҳсулотини сотишдан олинадиган пул тушуми;$b_j = P_{kj}v_j$,, бу ерда $P_{kj} - \ j$ чи мева узум навининг 1 ц маҳсулотини сотишдан олинадиган пул тушуми;

Изланаётган ўзгарувчилар: $x_i - i$ чи сабзавот тури майдони;$x_j - j$ чи мева-узум нави майдони; f_1 – товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари суммаси ва бошқа харажатлар; $f_{1i} \ - i$ чи сабзавот турининг ишлаб чиқариш харажатлари, сўм; $f_{1j} \ - j$ чи мева-узум турининг ишлаб чиқариш харажатлари, сўм; $M_{1i} - \ i$ чи сабзавот тури бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми; $M_{1j} - j$ чи мева-узум тури бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми; $f_{2i} - i$ чи сабзавот тури маҳсулотини сотишдан олинадиган пул тушуми, сўм;$f_{2j} - \ j$ чи мева-узум маҳсулотини сотишдан олинадиган пул тушуми, сўм; f_2 – товар маҳсулотларини сотишдан олинадиган жами пул тушуми; f – товар маҳсулотларини сотишдан олинадиган жами фойда.

Индекслар: $i = 1,2,3, \dots , n$ - хўжаликда етиштириладиган экин турлари рақамлари. , $j = n + 1, n + 2, \dots , m$- мева-узум навлари.

Энди юқорида келтирилган белгилашларга асосан, оптималлаштириш моделининг таркибли модели келтирамиз. Фермер хўжалигини фойдасини максималлаштириш $Z_{max} = f$,

қуйидаги шартларда:

сабзавот турларини умумий экин майдони бўйича: $x_i \le S_1$, $i = 1, \dots , n$.

мева ва узум навларининг умумий экин майдони бўйича: $x_j \le S_2$,

меҳнат ресурслари бўйича: $m_i\,x_i + \quad m_j\,x_j \le T,$

ҳар бир сабзавот экин тури ва мева-узум етиштиришни харажатлар ҳисоби:

$$a_i x_i \le f_{1i},\ \ a_j x_j \le f_{1j},$$

жами харажатлар ҳисоби: $f_{1i} + \quad f_{1j} = f_1,$

ҳар бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш ҳажми:

$$v_i x_i = m_{1i}, \quad v_j x_j = m_{1j},$$

ҳар бир маҳсулот турини сотишдан тушган пул тушуми: $b_i x_i \le f_{2i},\ \ b_j x_j \le f_{2j},$

маҳсулот сотишдан олинган жами пул тушуми: $f_{2i} + \quad f_{2j} = f_2,$

товар маҳсулотларини сотишдан олинадиган жами фойда:$f = f_2 - f_1,$

номанфийлик шарти:

$x_i \ge 0, x_j \ge 0, f_1 \ge 0, f_{1i} \ge 0, f_{1j} \ge 0, m_{1i} \ge 0, m_{1j} \ge 0, f_{2i} \ge 0, f_{2j} \ge 0, \quad f_2 \ge 0, f \ge 0.$

Кўриниб турибдики, қаралалаётган иқтисодий-математик масаланинг моҳияти, маҳсулот ишлаб чиқаришдан максимал фойда олиниши режалаштирилаётган экин турлари ва уларнинг майдонлари бўйича уйғунлигини оптимал кўрсаткичларини аниқлашдан иборат бўлади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида ёрдамчи номаълумлар ёрдамида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бошқа иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш мумкин бўлади.

Бу соҳада чет элларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиб чиқиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлар билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини режалаштириш, ер ресурслари потенциалини баҳолаш ишларида экстремал табиий-минтақавий ҳудудларнинг табиий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни оптималлаштиришда чизиқли ва математик дастурлашнинг параметрик масалаларини қўллашни мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

САМАРКАНД ВИЛОЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АҲАМИЯТИ

Ш.А.Султонов - СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири
Г.С.Мустафоев -СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси
И.Тиллаев - ИК-314 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада вилоят ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий аҳоли бандлигига қаратилган чора тадбирлари, муаммолари бандлик ҳолати ёритилган.*

Калит сўзлар: *Модернизациялаш, давлат иш билан бандлик сиёсати, ишчи кучи таклифи, ишсизлик, меҳнат ресурслари.*

Аннотация: *В статье проводится на территории региональных социально-экономических мер, направленных на решение проблем занятости населения, выражающееся в ситуации в области занятости.*

Ключевые слова*: модернизация, государственная политика в области занятости, предложения труда, безработица и трудовые ресурсы.*

Annotation:*The article carried out in the territory of the regional socio-economic measures aimed at the population's employment problems, reflected in the employment situation.*

***Key words**: modernization, the state employment policy, labor supply, unemployment and labor resources.*

Самарқанд вилояти иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларининг таъминлашга, аҳолини иш билан юқори даражада таъминланганлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат иш билан бандлик сиёсати вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таркибий қисми сифатида меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича иш билан бандлик муаммоларини ечишга йўналтирилиши зарур. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишда меҳнат бозорининг аҳамияти каттадир.



1-расм. Меҳнат бозорида аҳолини иш билан бандлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири

Чунки вилоятда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи айнан меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис, бу инфратузилмани самарали ривожлантириш вилоятда ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади (1-расм).

Қишлоқ жойларида аҳоли иш билан бандлигини таъминлашнинг меҳнат бозори орқали тартибга солиш фаол рол ўйнайди. Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бозор иқтисодиёти тизимидаги алоҳида ўрни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Меҳнат бозорининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш шаклида ифодалаш мумкин.

Эркин иқтисодий ислоҳотлар шароитида иш билан бандлик ва ишсизлик бир бирига тез алмашиниши мумкин. Самарқанд вилоятида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва ишсизликни камайтиришда меҳнат бозорининг аҳамияти катта ҳисобланади. Чунки ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаби айнан меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис, бу инфратузилмани самарали ривожлантириш иқтисодиётни янгилаш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

2015 йилда мамлактимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур дастур доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Биз қуйида Самарқанд вилояти аҳолисининг сони, меҳнат ресурслари ва иш билан бандлигини ҳудудий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш қанча долзарблигини тўла тасаввур қилиш учун демографик вазиятга бир назар ташлайлик. Бизда аҳолининг табиий ўсиши кейинги йилларда бир оз секинлашганига қарамасдан, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг юқорилигича сақланиб турибди. Кейинги йилларда, республикамизда аҳолининг ўсиши ўртача 1,5% ни ташкил этмоқда. Бу эса, меҳнат ресурсларини мутаносиб равишда ўсишига олиб келмоқда.

Самарқанд вилояти аҳолиси 2015 йилда 3444.8 минг кишига етди. Вилояти аҳолиси 2010 йилда 3046,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 113,0 % га ўсган.

Самарқанд вилоятда меҳнат ресурслари салмоғи 2010 йилда 1698,2 минг киши бўлиб, 2015 йилда 1988,0 минг кишига етган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2015 йилда 115,0 %га ўсган. Иш билан банд бўлган аҳоли сони 2010 йилда 1141,5 минг киши, 2014 йилда 1314,5 минг кишига етган ёки мос даврга нисбатан 117,1 %га ўсиши кузатилди.

Таҳлиллардан кўринадики, жами иш ўринларига талаб 2010 йилда 49,4 минг киши бўлса, 2015 йилда 69,1 минг кишига ўсган ёки 2010 йилга нисбатан 2015 йилда 139,8 %га ўсиш тенденсиясига эга. Жами иш ўринларига бўлган талаб вилоятда 2010-2011 йилларда бироз камайиб, 2011 йилдан бошлаб ўсиш тенденсиясига эга.

Самарқанд вилоятида ишсизлик даражаси 2010 йилда 5,1 %, 2015 йилда эса 5,5 % га тенг бўлиб, кўрилаётган даврда бу кўрсаткич пасайиш тенденсиясига эга (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги ҳолати (минг киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	**Йиллар**						
	2010 йил	**2011 йил**	**2012 йил**	**2013 йил**	**2014 йил**	**2015 йил**	**2010-2015 йилларда ўсиши (% да)**
Аҳоли сони	3046,2	3102,5	3140,2	3 197,2	3380,8	3444.8	113.1
Меҳнат ресурслари	1698,2	1720,1	1742,3	1794,6	1952,8	1 988,0	117.1
Иш билан банд бўлганлар	1141,5	1160,8	1229,9	1271,0	1314,5	1 357,3	119.0
Жами иш ўринларига талаб	49,4	59,0	62,5	68,3	67,3	69.1	139.8
Ишсизлик даражаси (%да)	5,1	4,0	4,8	4,7	5,4	5.5	--

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Иқтисодиётнинг юксалиш даврида иш билан бандлик хизмати нафақат янги турдаги фаолиятларга ишчи кучини жойлаштириш, балки меҳнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, ишсизларни қайта ўқитишни турли дастурларини ишлаб чиқиш, зарур малакага эга ишчиларни танлаб олиш усуллари ва ишчи кучига талабни ошириш имкониятлари ҳамда шарт-шароитларига эга бўлади. Иқтисодиётнинг таназзули даврида, иш билан бандлик хизмати органлари меҳнат бозорининг канъюктурасидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларининг ечими тўғрисида мақбул таклифларни бериши мумкин. Меҳнат бозорини таҳлил қилишда иш билан бандликка кўмаклашиш доирасидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафақат иш билан бандлик хизматининг самарали фаолиятини баҳолаш, иш билан бандлик сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, балки иш билан бандлик муаммолари бўйича янги ечимларни таклиф қилиш имкониятлари юзага келади.

2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2011-2015 йилларда қишлоқ жойларида ҳисобланган меҳнат ресурслари баланси (минг киши)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2011	2012	2013	2014	2015	2011-2015 й.й.да ўсиш, (%)
1	Доимий аҳоли сони	2459,8	2553,8	2595,9	2630,5	2660,6	108,2
2	Меҳнат ресурслари	1232,7	1254,6	1286,1	1328,2	1403,4	113,8
3	Шундан, иқтисодий фаол аҳоли	895,3	944,6	983,3	958,4	981,5	109,6
4	Иш билан банд бўлганлар	844	876,9	902,8	984,3	927,9	109,9
5	Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар	501,4	530,4	580,2	659,8	702,2	140,0
6	Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар	321,9	346,5	322,6	324,5	248,4	77,2

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2011-2015 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг қишлоқ аҳолиси сони 108,2 %га кўпайган. Бу даврлар мобайнида меҳнат ресурслари 113,8 %га ошган. 2011-2015 йиллар мобайнида яратилаётган янги ва қўшимча иш ўринларининг ортиб бориши натижасида иш билан банд бўлганлар ҳиссасининг бу даврларда 109,9 %га ўсишига эришилган. Шундан иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар ҳиссаси 140,0 %га ўсган бўлса, иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар ҳиссаси 77,2 %ни ташкил этган.

2015 йил давомида Самарқанд вилоятида ишсизлик нафақасини олганлар сони 31 кишини ташкил қилган ёки 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 98,4 % га кескин камайган. Бунга сабаб иш сўраб мурожаат қилганларнинг аксарият қисмини ишга жойлаштирилганлиги, айримларининг жамоат ишларига жалб қилинганлиги ёки малакасини ошириш, қайта касбга тайёрлашлардан ўтказилганларнинг миқдори ўсганлиги билан изоҳланади. Маҳаллалар томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинганлар сони 2010 йилда 2462 кишини ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 4159 кишига этган. Бу кўрсаткич 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 68.9 %га ошган.

Шунингдек, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан, қайта касбий тайёргарликдан ўтганлар миқдори ҳам 2015-2010 йилларда 1025 ва 841 кишига этган ёки 121,9 % га ортган. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат иш билан бандлик жамғармасининг пассив йўналишларига сарфланишининг тежалиши иш билан таъминлашнинг фаол йўналишларига сарфланадиган маблағларни молиялаштиришни кенгайтириш учун манба бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда унинг ҳудудий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.А.Султонов - СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири
Г.С.Мустафоев -СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси
И.Тиллаев - ИК-314 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада аҳоли бандлигига қаратилаётган эътибор ва давлатнинг асосий вазифалари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *демографик таъсир, меҳнат бозори, бандлик, ижтимоий муҳофаза, фаол сиёсат, давлат сиёсати, ижтимоий ҳимоя, касбий тайёрлаш.*

Аннотация:*В статье приведена занятости населения и охват основных задач государства.*

Ключевые слова*: демографические последствия, основанные на рынке труда, занятости, социальной защиты, активной в политике, государственной политики, социального обеспечения, профессиональной подготовки.*

Annotation: *The article attention to the population's employment and coverage of the main objectives of the state.*

Key words:*the demographic impact, based on the labor market, employment, social protection, active in politics, public policy, social security, vocational training.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 апрел 2007 йилдаги 616-сонли қарорига асосан, меҳнат бозорининг самарали ишлаши ва тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг энг муҳим вазифалари деб ҳисобланган ва унга кўра ушбу вазирликнинг зиммасига қуйидагилар юклатилган:

- минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, демографик омилларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқболли йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шаклларини кенг татбиқ этиш ҳисобига аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш;
- демографик ўзгаришлар ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ ўзгариб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳолига касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;
- аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, камҳарж оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган тарзда ва аниқ ёндашувни кучайтириш;

- меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза ҳилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Меҳнат бозори фаол сиёсат олиб боришнинг энг самарали йўналишларидан бири меҳнат бозорининг энг муҳим институти бўлган иш билан бандликнинг ихтисослашган умуммиллий хизматидир. Унинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. У, биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашига ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради.

Бундан ташқари, иш билан бандлик хизмати вазифаларига қуйидагилар киради: иш қидирувчиларга касблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ишсизларни янги мутахассисликлар бўйича ўқитиш; ногиронлар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёшлар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишга муҳтож бўлган бошқа гуруҳлари учун иш жойларини банд қилиб қўйиш; иш кучуни ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш; оддий йўл билан ишга кира олмайдиган фуқароларнинг (кўп болали ва ёлғиз ота-оналарнинг) иш билан бандлигига кўмаклашиш учун иш ўринларини қўллаб-қувватлаш; ишсизларнинг тадбиркорлик ва мустақил фаолияти билан шуғулланишларига ёрдам кўрсатиш; оммавий ишдан бўшатишларни тўхтатиб қолиш учун компенсация тўловларини амалга ошириш.

Республикамизда давлат иш билан бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Иш билан бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро тажрибага мос келади. Масалан, аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунга кўра давлат фуқароларига ўзлари учун мос келадиган иш танлашда ва ишга жойлашда бепул ёрдам кўрсатади, ишсизларга бепул таълим олиш имконияти яратиб берилади, янги касбга ўқиётган вақтда стипендия тўланади, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкони берилади, ишсиз фуқаролар даромадларини қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилади. Иш билан бандлик хизмати мурожаат қилган меҳнаткашларга ва иш берувчиларга ишга эга бўлиш имконияти ҳақида ва иш кучи билан таъминлаш тўғрисида, бирор касб эгаллашни истайдиган фуқароларга қўйиладиган талаблар ҳақида ахборотлар берилади; фуқароларнинг ўзларига мос келадиган иш топишларида, иш берувчиларга эса зарур ходимлар танлашда кўмаклашади. Иш билан хизмати иш берувчиларга ёшлар, ногиронлар, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари сақлаш ва яратиш дастурларини қўллаб-қувватлашни кафолатлайди. Саноати ривожланган мамлакатлардаги ишга жойлаштириш бюролари каби республика иш билан бандлик хизмати органлари иш ўринларини таклиф қилиш ва иш кучига бўлган талаб ва таклиф тўғрисидаги статистик маълумотларни, ахборот материалларини эълон қилиб боришни таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 15 ва 23 моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш Республика жамғармасини ташкил қилиш ҳақида”ги 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон қарорига, “Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Махкамасининг 606-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 1993 йил 8-июндаги 277-қарорига, “Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1993 йил 24-июн 310-қарорига кўра меҳнат бўйича муассасаларига аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қўшимча иш жойларини бунёд қилиш ҳуқуқи берилган.

Ишчи кучларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари вақтинча молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналарга, турли мулкчилик кўринишдаги янги корхоналарни яратишга кредитлар бериш йўли билан сарфланади.

Бундай маблағлар тўлов, таъминланганлик ва қайтариб бериш шарти билан қисқа муддатга (узоғи билан 1 йилгача) ва устав жамғармаси бадали сифатида тағдим қилинади.

Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан бериладиган кредитларнинг ҳисоб ставкаси (проценти, фоизи) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги томонидан пул-кредит муносабатларини тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қўшимча иш жойлари яратиш учун аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан маблағлар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари тасдиқлаган “Бандлик” дастурларига кўра амалга оширилади[88].

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан қуйидаги тадбирларни амалга оширишда фойдаланилади:

Аҳолининг рақобатга чидамсиз қатламлари (умумтаълим мактабларини битирувчилар, кўп болали ва ёлғиз аёллар, пенсия арафасидагилар, ҳарбий хизматдан қайтганлар) ва ишсизлар учун, шу тоифадаги шахслар 50%дан кўпни ташкил қиладиган жойларда иш жойлари бунёд қилиш мақсадида молиявий маблағларни ажратиш.

Ҳокимиятларнинг махсус комиссиялари хулосасига кўра корхоналарга ходимларнинг ёппасига ишдан бўшатилишнинг олидини олиш мақсадида ва мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш учун молиявий ёрдам бериш.

Камида 80% гача қурилиш ишлари бажарилган, лекин тугалланмаган ва шу даражага келганда қурилиш тўхтатилган объектларда, шунингдек фойдаланилмаётган ва бўшатилган ишлаб чиқариш майдонларида иш жойларини бунёд этишда қатнашиш.

Корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари билан биргаликда қишлоқ маҳсулотларини ва ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича янги иш жойларини яратиш.

Истисно ҳолларда, алоҳида тоғли, дашт ва саноати ривожланмаган ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш учун бандликка кўмаклашувчи марказларқошида ишга тушириш муддати 6 ойдан ошмаган кичик корхоналар очиш мумкин.

Устивор ривожланиш ҳудудлари аҳолисини қабул қилинган дастурларга мос равишда бандлигини таъминлаш учун тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

[88] Абдураҳмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Аҳоли иш билан бандлиги инфраструктураси. Т.: 2000. 66-67б.

Иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида амалга оширадиган фаол сиёсатнинг навбатдаги йўналиши ишсизларга вақтинча ва жамоат ишларининг дастурларини ривожлантириш орқали меҳнат бозорига қайтишда ёрдам кўрсатишдир. Бундай дастурлар биринчи марта АҚШда 30-йилларда пайдо бўлган эди. Ўша йилларда жамоат ишлари умуммиллий хусусиятга эга эди ва ўзига юқори малакани талаб қилмайдиган ишларни қамраб оларди. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда мазкур дастурлар баъзан бутун мамлакатни, кўпинча эса аҳолининг айрим тоифаларини, ҳудудларни ёки даврларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур дастурлар ишсизларга махсус касб тайёргарлигисиз ҳамма учун қулай фаолият турларини тақдим этади. Бу дастурларни амалга ошириш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, улар қуйидаги иш турларини бажаришга қаратилган: йўл қурилиши ва уни таъмирлаш, кўприклар барпо этиш ва таъмирлаш (АҚШ ва Японияда): эрларни ўзлаштириш – дарахтлар ўтқазиш, ирригация, каналлар, портлар, аэродромлар қурилиши ва уларга хизмат кўрсатиш; экологик тадбирлар (Австралия тажрибаси). Муниципиал маъмурлар ҳақ тўланадиган ижтимоий жамоатлар ишлари – булар қарияларга, ногиронларга қараш хизматлари ва ҳоказолар (Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси) ҳам мавжуддир.

Кўпинча жамоат ишлари тўлиқ бўлмаган иш куни мобайнида давом қилади, бундан мақсад вақтнинг бир қисмини касб тайёргарлигига ёки доимий иш қидиришга бағишлашдир. Мазкур дастурларнинг қатнашчилари одатда энг кам иш ҳақи оладилар.

Вақтинча ишларнинг ташкил этилиши бир қатор принсипларга асосланган. Вақтинча ишлар бандлик хизмати томонидан бевосита ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади:

1. бу ишлар айнан вақтинча бўлиши ва улар одатдаги иш ўринлари билан рақобатга киришмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки,бундай ишлар жамоат ишларининг махсус дастурларисиз амалга оширилмаслиги лозим;
2. бундай ишларнинг қатнашчилари фақат чекланган вақт мобайнида шуғулланишлари мумкин, масалан, 1 йилгача, кейин нормал ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлиши билан дарҳол бу дастурларни янгилашлари мумкин.

Вақтинча ёки жамоат ишлари дастурларининг самарадорлиги, биринчидан, қўшимча иш ўринлари яратишда намоён бўлади (мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда, жамоат ишлари соҳасида ҳар 100та иш ўрни бошқа секторларда 40 та доимий иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади). Иккинчидан, ишсизларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашда намоён бўлади (ҳаммага маълумки, иш билан бандларнинг руҳий ҳолати ишсизларнинг ҳолатидан анча яхшироқдир).

Умуман олганда, аҳолини иш билан тўла таъмин қилиш ягона ва асосий вазифа бўлиб қолмаслиги керак. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, аҳолини иш билан таъминлаш ва иш билан банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий муҳофазасини ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ошишига, инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечиришига хизмат қилмоғи лозим.

2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга алоҳида эътибор берилаётгани, содда қилиб айтганда, ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмасин, деган тамойилга амал қилиб келинаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди.

Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Айтиш керак – бошқалар ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришиш албатта осон эмас. Бу йўлда бир йиллик ёки беш йиллик давр ҳам камлик қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан кундалик ҳаётимизни ўзгартиришимиз керак.

Аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Чакана савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсди.

Аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда[89].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

[89]Каримов.И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришякунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи. 15.01.2016 й.

ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Ю.Хасанова-старший преподаватель кафедры
«Бухгалтерский учёт на производстве» КарИЭИ
А.Равшанов- доцент кафедры «Экономика» КарИЭИ

Аннотация:*В статье уделено внимание результатам проводимой в государстве активной инвестиционной политики, которая в свою очередь, обеспечивает в полной мере возможность пользоваться ресурсами, увеличивать доходы местного и государственного бюджетов, степени производства, улучшению условий жизни населения, а также увеличению финансовой возможности в регионах.*

Ключевые слова: *инвестиции, инвестиционная политика, финансирование, модернизация предприятий, внешний оборот, экспорт, импортозамещение.*

Аннотация: *Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг мақсадли олиб борилиши, худуддаги мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланишга имкон яратилиши ҳамда ҳудуддаги аҳоли бандлигининг ошишига, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсишига, маҳаллий ҳамда республика бюджети даромадларининг кўпайишига ва аҳоли турмуш даражасининг яхшилашига молиявий имкониятларимизнинг оқилона таъминлаш омиллари ёритилган.*

Калит сўзи*: инвестиция сиёсати, молиялаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, экспорт, хорижий инвестициялар, ташқи айланмаси, ялпи инвестициялар.*

Annotasion:*In article the attention to results of the active investment policy pursued in the state which in turn, provides fully opportunity to use resources, to increase the income of local a state budgets, extents of production, to improvement of living conditions of the populations, also increase in financial possibility of the regions.*

Key words: investing, investment policy, financing, modernization of enterprises, external turnover, tax benefits and customs payments

Важнейшим инструментом динамичного и сбалансированного экономического роста, осуществления глубоких структурных преобразований и диверсификации экономики является проведение активной инвестиционной политики. Привлечение иностранных инвестиций в первую очередь, частных инвестиций, создание для этого необходимого инвестиционного климата и гарантий для иностранных инвесторов -важнейшее условие обеспечения структурных преобразований нашей экономики и модернизации производства, роста экспорта и обеспечения импортозамещения. Внешние и внутренние инвестиции, в первую очередь, должны быть направлены в ведущие отрасли экономики, которые должны стать локомотивами для обновления всей экономики и стабильного роста.

В условиях углубления экономических реформ и либерализации экономики Республики Узбекистан возрастает роль и значение проблемы широкого привлечения иностранных инвестиций в экономику для осуществления глубоких структурных сдвигов, технического перевооружения производства, роста конкурентоспособности продукции. Успешное выполнение поставленных задач обуславливает необходимость глубокого изучения накопленного опыта решения проблемы привлечения иностранного капитала в экономику страны, выработки новых подходов и методов стимулирования. За последние годы в этой области

сделано немало: разработаны правовые основы и приняты соответствующие законы; создана необходимая нормативная и методическая база оценки инвестиционного климата в республике. Вместе с тем, изменение форм и методов инвестиционного процесса, переход к проектам и программам освоения и использования инвестиций, в том числе иностранных, потребовали совершенствования сложившихся методов и приемов стимулирования привлечения иностранного капитала с учетом накопленного мирового опыта. Усилилось внимание к экономическим и организационным механизмам их привлечения и использования.

За годы независимости в Узбекистане была осуществлена большая работа по созданию благоприятного инвестиционного климата, сформирована широкая система льгот и преференций для привлечения иностранных инвесторов. И поэтому предпринимаемые шаги по развитию инвестиционной политики страны нельзя рассматривать как простой процесс дальнейшего совершенствования существующего механизма привлечения инвестиций.

Для динамично развивающейся экономики, стремящейся к преодолению технико-технологической отсталости и развитию производства, привлечение дополнительных финансовых ресурсов и рациональное их использование имеет большое значение, поэтому вопрос привлечения иностранных инвестиций в экономику страны является весьма актуальным. Углублению процессов структурных преобразований, модернизации и диверсификации промышленности способствовало осуществление активной инвестиционной политики.

В докладе Президента нашей страны на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и определению важнейших направлений и приоритетов экономической и социальной программы правительства республики на 2017 год отмечено, что в экономику инвестировано более 16,6 миллиарда долларов США, или на 9,6 процента больше, чем в 2015 году. Завершена реализация 164 крупных инвестиционных проектов общей стоимостью 5,2 миллиарда долларов США.[90]

Отличительная особенность проводимой в Узбекистане инвестиционной политики состоит в том, что приоритет отдаётся инвестиционным проектам, направленным на создание новых высокотехнологичных производств, обеспечивающих глубокую переработку местных сырьевых ресурсов. Важную роль в экономическом развитии Узбекистана играют прямые инвестиции, которые по отношению к другим формам притока иностранного капитала считаются наиболее полезными (создание новых рабочих мест, распространение современных научных знаний, техники и технологий; увеличение производственного потенциала и модернизации производства; увеличение налоговых поступлений в бюджет и т.д). К тому же прямые иностранные инвестиции не влекут за собой увеличение внешнего долга страны.

Республика Узбекистан обладает существенными преимуществами для привлечения иностранных инвестиций. Помимо выгодного географического расположения в Центральной Азии, а также социальной и политической стабильности, страна располагает значительными запасами богатых природных

1.Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической и социальной программы на 2017 год.14 января 2017 год. Ташкент

ресурсов, обладает большим потенциалом для дальнейшего развития промышленной и сельскохозяйственной инфраструктуры, а самое важное, обеспечивается благоприятный инвестиционный климат, основанный на ряде принятых законодательных актов.

На территории Узбекистана успешно функционируют предприятия, полностью основанные на иностранном капитале и зарубежных методах корпоративного управления. Создание на базе собственного сырья импортозамещающих производств обеспечивает экономическую независимость страны. Опыт страны в реализации программ локализации показывает, особенно в части снижения зависимости от внешних рисков, формирования внутреннего спроса и насыщения рынка необходимыми потребительскими товарами и комплектующими изделиями. В Результате проводимая в государстве активная инвестиционная политика, в свою очередь, обеспечивает в полной мере возможность пользоваться ресурсами, увеличению доходов местного и государственного бюджетов, увеличению степени производства, улучшению условий жизни населения, а также увеличению финансовой возможности.

Сегодня актуальными остаются такие формы и меры государственного регулирования инвестиционной деятельности, как разработка и осуществление государственных и инвестиционных программ и прямое управление государственными инвестициями; предоставление государственной помощи в виде дотаций, субсидий, субвенций, бюджетных ссуд на развитие отдельных территорий, отраслей, предприятий, производств; проведение финансовой и кредитной политики, политики ценообразования, амортизационной политики; контроль за соблюдением государственных норма и стандартов и др.

В целях коренного повышения эффективности проводимых реформ, создания условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, реализации приоритетных направлений по модернизации страны и либерализации всех сфер жизни Указом Президента Республики Узбекистан была утверждена стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годах, где планируется реализовать отраслевые программы, предусматривающие в общей сложности 649 инвестиционных проектов на сумму 40 миллиардов долларов США. В результате в последующие 5 лет производство промышленных товаров увеличится в 1,5 раза, его доля в ВВП-с 33,5 процента до 36 процентов, доля перерабатывающей отрасли-с 80 процентов до 85 процентов.[91]

Дальнейшее углубление экономических реформ подразумевает выработку и осуществление стратегии привлечения иностранных инвестиций основанной на комплексном, программно-целевом подходе, заключающемся в создании и реализации целевых, или комплексных инвестиционных программ, охватывающих всю совокупность предприятий различных отраслей, расположенных на одной территории. При этом данные программы должны быть рассчитаны на решение стратегически значимых задач либерализации экономики.

[91] Указ Президента Республики Узбекистан о Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. 7 февраля 2017 года, Ташкент

УЗУМЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Саламов И.С.–доцент,и.ф.н., Жонибеков Ф.Б., - катта ўқитувчи, Сам.ҚХИ. Қишлоқ хўжалигида менежмент факультети, Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси

Аннотация. *8-10 ноября 2016 года в комплексе «Узэкспомарказ» города Ташкента прошла 1-Междунароодная ярмарка овоще-фруктов. В соответствии с этим была создана своеобразная система в выращивании овоще-фруктов, картошки, бахчевых культур, также повышение объемов производства винограда и снабжение предприятия сырьем, обеспечение качественного хранения. В научной статье будут изложены свойства появления 38 процентного сахара сорта винограда, который был создан на основе естественного отбора в некоторых регионах республики путем народной селекции, областные фермерские хозяйства, 16-ти миллиардные договора с Российской Федерацией, возможности гидрогелевого вещества, достигнутые экономические результаты в виноградстве, выводы и предложения, а также список использованных литератур.*

Annatation: *From the eighth to the tenth of November in 2016 year, the first international fair of fruit and vegetables was held in "Uzexpomarkaz" complex. By this, the specific system was created in cultivation of fruit-vegetables, potatoes, melon crops as well as increasing amounts of grape production and providing company with supplies and also provide quality of storage. The science article includes the properties of appear of 38 percentage sugar variety of grape, which was created on natural selection farm of agriculture. Contacts which value of 16 billion with Russia Federation, the possibility of gidrogel substance, the economical results reached in grape manufacture, Conclusion and the used literature.*

Калит сўзлар: *хизмат, инфратузилма, инновация, 41-параллел, 41-меридиан, 612 миллион АҚШ доллари ва ҳ.о.*

Кириш: Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 5 октябридаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонида келтирилган талабларни ва бажарилиши керак бўлган юмушларни ўрганган ҳолда мавзумиздаги асосий йўналишларни белгилаб берди. Фармон ижроси жойларда ўз натижаларини бермоқда. Шифобахш неъмат деб аталмиш узум, ҳосилидан тортиб, унинг шохлари, барги, уруғию новдаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Уни озиқ-овқат, дори-дармон, гўзаллик воситаси сифатида ишлатамиз. Бундан ташқари: - таркибида қанд кўплиги сабабли унинг шарбати заифлашган беморларга дармон бўлади. Айнан шу сабабли қандли диабет билан оғриган беморларга тавсия этилмайди. У юрак-ишемик касалликларида қўл келади; -камқонликда тавсия этилади.Ҳуқуқий асос яратилганлигини ҳисобга олиб, 1-Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам мазкур ҳужжат асосида ташкил этилдики, бу янги савдо йўлакларини очиш,экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши кутилган эди,ҳақиқатда ҳам шундай бўлди. Ярмарка эндиликда ҳар йили анъанавий равишда икки босқичда ўтказилади.Бошлаб вилоятларда, кейин республикада.

Материаллар ва методлар: Тошкент туманининг Паркент туманида ўтказилган узум сайлида 8 вилоят вакиллари ўз узумлари билан иштирок этди. Бу сайилда энг юқори қандлик миқдорига эга бўлган узум 26 фоиз билан ғалаба қилди. Шунда қандай сабабга кўра 38 фоизгача қандни ўзида сақлайдиган Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги ер шарининг 41-параллелида, 41-меридианида жойлашган Учқора қишлоғининг табиий танлов асосида халқ селекцияси йўли билан яратилган "Учқора узуми" ва асосан "Учқора майизи" деб донг таратган, шоирлар,ёзувчилар қаламларида мавжланган ҳамда таърифланган. Республикамизда 2016 йил якунлари билан 160 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 36 мингдан ортиғи кўп тармоқли йирик фермер хўжаликларидир. Жумладан, Самарқанд вилоятида олдин 19 116 та фермер хўжалиги фаолият юритганбўлса, мавжуд хўжаликларни оптималлаштириш натижасида 2012 йилда уларнинг умумий сони 7 723 тани,2014 йилда8 388тани, 2016 йилга келиб, улар сони 1,3 баробарга ошди. Четга маҳсулот ишлаб чиқариш-экспорт қилиш ҳажми Республикамизда охирги 5 йилда 167 мартага ошиб унинг таркибидаги тайёр товарлар миқдори 68,5 фоизни ташкил қилди. 2016 йил якуни билан бу кўрсаткич 70 фоиздан ошди. Мақолани тайёрлашда таққослаш, монографик, статистик, ва бошқа усуллар ёрдамида таҳлил қилганмиз.

Натижалар ва уларнинг таҳлили:Илмий-амалий изланишларимизни мева-сабзавотчилик,полиз ва узумчиликка ихтисослашган Самарқанд вилояти ва айрим туманлар мисолида ўргандик. Узумнинг асосий хусусияти - таркибида кислоталарнинг кўплигидир. Улар нафас олиш йўлларини енгил қитиқлайди, шу сабабли балғам кўчишини осонлаштиради ва йўтални юмшатади.Токнинг ҳамма аъзоларидан инсон саломатлиги учун зарур бўлган элементлар мавжуд бўлгани учун ушбу илмий мақолада сифатли узум ва майиз олишдаги инновацион гидрогел моддасининг хусусиятлари, 2016 йил якунлари бўйича Самарқанд вилоятлари туманларининг иқтисодий таҳлил натижалари берилган. Хуласа ва таклифлар,фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 августдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, узумчилик тармоғини ривожлантиришдаги ҳуқуқий асосларнинг биридир.Узумчилик тармоғи ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Республикамизда 2016 йили 1 миллион 735 минг 300 тонна узум етиштирилди, 2015 йили эса 1 миллион 579 минг тонна бўлган эди. 2016 йилда етиштирилган ва истеъмолчиларга етказилган узум 156 300 тоннага ёки 9,9 фоизга 2015 йилга нисбатан кўпайди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 2015 йил якуни бўйича иқтисодий таҳлил натижасини кўриб чиқсак, 38 913 тонна узум етиштирилди. Мамлакатимизнинг 32 миллион аҳолини таъминлаш билан биргаликда, хориж мамлакатларига ҳам витаминли маҳсулотларни етказиб бериш натижасида хориж валютасини киритиш имкониятлари яратилади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти В.Путин таклифи билан 2017 йилнинг 4-5 апрелида давлат ташрифи билан катта делегацияга бош бўлиб Москвага боришдилар ва жами 16 миллиард АҚШ долларига 55 та келишув ва шартномалар тузилди. Шундан 612 миллион АҚШ долларига мева-сабзавот,полиз ва узум маҳсулотларига. Айниқса, икки давлат ўртасида тузилган алоқаларнинг минтақалар,яъни вилоятдар ўртасида ўрнатилган алоқалар жуда эътиборлидир.

Жумладан, Андижон вилояти билан Россиянинг Красноярск ва Новосибирск вилоятлари ўртасида мева-сабзавот,полиз ва узум маҳсулотларига 70 миллион АҚШ долларига шартномалар тузилди. Шу сингари Наманган вилояти эса Сверловск ва Челябинск вилоятлари билан шартномалар тузишдилар.Қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга инновацион технологияларни жорий этиш ва узум навлари ҳам алоҳида эътиборда талаб қилади. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни, картошка, полиз ва узумни сақлайдиган совутиш камераларининг умумий қуввати 850 минг тоннадан ошиб кетди. Хорижга ушбу инновацион навлар маҳсулотларини экспорт қилишни амалга ошириш учун ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил етилгани алоҳида ўрин тутади. 2016 йил 27 январда Ташқи иқтисодий алоқалар ва Савдо вазирлигида ўтказилган республика ишчи гуруҳининг махсус йиғилиш баёнида 2016 йилда республика ҳудудларида етиштирилган ҳўл ва қуритилган мева-сабзавот, полиз, узум ва дуккакли маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортиқча қисмини тартибли экспортини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра, (ТИФ ТН коди 07-08 бўлган) мева-сабзавот,полиз ва узум маҳсулотлари Самарқанд вилоятида 2016 йил якуни бўйича иқтисодий таҳлил натижасини кўриб чиқсак, 36 799 гектар токзорларнинг ҳар бир гектаридан 165 центнердан ҳосил олиниб,ялпи ҳосил 607 085 тоннани ташкил қилди. 2015йилда эса 38913 тонна узум етиштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 ноябрдаги“2014 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги 311-сонли қарорига асосан 1 миллион 362 минг 500 тонна узум етиштириш белгиланиб,амалда бажарилди. Маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва мамлакатга хориж валютасини киритиш учун 2014 йил июн ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро анжуманда 40 мамлакатдан 200 дан зиёд шу соҳанинг мутасадди вакиллари ва бошқа меҳмонлар келиб қатнашдилар. 2014 йил 6 ойда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 7 фоизга кўпайди. Ўзбекистонда 320 кун қуёшлидир. Интенсив боғларни яратишнинг икки қулайлиги бор: 1) иқлим шароитимиз яхши; 2) илм-фан ютуқларига асосланиб иш олиб бориш. Республикамизда 175 турдаги мева ва узум навлари ўстирилмоқда, 170 дан ортиқ сабзавот ва картошка навлари мавжуд, уларни 180 та давлатга 80 дан зиёд мева-сабзавот, полиз, узумларни ва бошқа сархил ҳамда қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини уларга бўлган талабини қондириш,ортиқчасини хориж мамлакатларига экспорт қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш асосида меҳнатга яроқли аҳолимизни бандлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бўлганлиги учун Ўзбекискистон Шунингдек, ток навдаларидан олинган шарбат сочни ўстириб мустаҳкамласа, уруғидан олинган ёғ сочларни янада мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Самарқанд вилояти туманларида узум етиштиришга катта эътибор

қаратилмоқда. 2016 йилда вилоятда 1 гектар токзорлардан олинган фойда сўммаси 4 миллион 140 минг сўмни ташкил этган бўлса, жумладан Самарқанд шаҳрида эса 8 миллион 632 минг сўмни ташкил қилди.Вилоят узумчилигидаги рентабеллик даражаси эса 33,3 фоизни ташкил қилди. Туманлар узумчилигида энг юқори 34,8 фоиз рентабеллик даражасига эришган Самарқанд туманидир. Узумчилик тармоғи ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Республикамизда 2016 йили 1 миллион 735 минг 300 тонна узум етиштирилди, 2015 йили эса 1 миллион 579 минг тонна бўлган эди. 2016 йилда етиштирилган ва истеъмолчиларга етказилган узум 156300 тоннага ёки 9,9 фоизга 2015 йилга нисбатан кўпайди.

Хулоса ва таклифлар: **Хулоса:** 1) Самарқанд вилояти туманларида узум етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда,лекин лалмикор ва сув кам худудларда сувга бўлган ўсимликнинг талабини 45 фоизгача камайтириш имкониятига эга бўлган гидрогел моддасини токзорларга қўллаш амалга оширилган эмас; 2) Республикамизда етиштирилаётган узумлар ҳақида айрим олимлар, раҳбар ва мутахассислар тўлиқ маълумотга эга эмаслиги таҳлилларимиз натижасида сезилди; 3) Вилоятнинг узумчилик тармоғидаги рентабеллик даражаси 2016 йилда 33,3 фоизни ташкил қилди. Жумладан, Самарқанд туманида 34,8 фоиз бўлиб, вилоят туманлари ичида энг юқори рентабеллик даражасига эришган. 4) Вилоятда 1 гектар токзорлардан олинган фойда сўммаси 4 миллион 140 минг сўмни ташкил этган бўлса, жумладан Самарқанд шаҳрида эса 8 миллион 632 минг сўмни ташкил қилди;

Таклифлар: 1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бошқа товарларни истеъмолчиларга буюртма столлари орқали етказиш бўйича 1989-1991 йилларда фаолият кўрсатган ва товар айланмасини 1,3-1,5 баробар оширган буюртма столи фаолиятини инновацион техника ва техгологиялар асосида тиклаш ва такомиллаштиришда Япония, Канада, Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Чили, Хитой мамлакатлари тадбиркорлари билан **қўшма корхоналар** ва **қўшма лойиҳалар** тузиб, янгича тартибда амалда ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

INNOVATSION RIVOJLANISHDA MEHNAT BOZORINING SAMARALI SHAKLLANISH MEZONLARI VA KO'RSATKICHLARI

B.U.Bozorov - SamDU dotsenti
A.A.Abdusaidov - SamDU assistenti

Annotatsiya:*Ushbu maqolada innovatsion rivojlanish sharoitida hududiy mehnat bozorining samarali rivojlantirish mezonlari yoritib berilgan. Ishchi kuchining qayta taqsimlanishi, ishchi kuchiga bo'lgan talab va taklif o'rtasidagi munosabatlar yoritib berilgan.*

Kalit so'zlar: *Innovatsion rivojlanish, monetaristik usullar, indikatorlar, mehnatga munosabat, talab va taklif.*

В данной статье освещены критерии эффективного развития регионального рынка труда в условиях инновационного развития. А также рассмотрены вопросы перераспределения, спроса и предложения рабочей силы.

Ключевые слова: *Инновационное развитие, монетарные методы, индикатор, отношение к труду, спрос и предложение.*

Annotation:*The article highlights the criteria for the effective development of the regional labor market in conditions of innovative development. And also the issues of redistribution, supply and demand of the labor are considered.*

Keywords: *Innovative development, monetary methods, indicator, attitude to work, supply and demand.*

Mamlakatimizda olib borilayotgan ijtimoiy-siyosiy tuzilmada aholini ish bilan bandlik muammosi murakkab jarayon sifatida qaralmoqda va chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda O'zbekistondagi aholini mehnatda bandlik holati mehnat va ijtimoiy – siyosat sohasidagi ba'zi kamchiliklar bilan bog'liqdir.

Hozirgi bozor munosabatlari sharoitida vaziyatning o'ziga xosligi shundan iboratki, mehnatga qobiliyatli yoshdagi aholining o'sish sur'atlari ma'lum darajada bir xil emasligi, mehnat resurslari sonining o'sishi bilan jamoat xo'jaligidagi ish bilan bandlik dinamikasi o'rtasidagi bog'liqlikning qattikligidir. Mehnat resurslari tarkibiga aholining tabiiy harakati o'zgarishining ko'payishi ta'sir ko'rsatmoqda. Shuni ta'kidlash muhimki, mehnatga qobiliyatli yoshga kirayotgan yigit va qizlarning ko'pchiligi mehnatga qobiliyatli aholini kengaytirilgan takror ishlab chiqarishni emas, balki uning tabiiy yo'q bo'lishi o'rnini qoplaydi, ya'ni avlodlarning jadal almashuvi sodir bo'ladi, u mehnat resurslarining sifat tarkibi keskin o'zgarishiga sabab bo'ladi. Ayni vaqtda kelgusida xodimlarning ommaviy ravishda bo'shatilishi natijasida ish bilan bandlik vaziyati mehnatga qobiliyatli aholining o'sishi sezilarli darajada ko'payishi tufayli murakkablashuvi mumkin.

Bugunga qadar mavjud bo'lgan ish bilan bandlikning tarmoq tuzilishi jamiyat mehnat potensialidan foydalanish samaradorligining darajasi pastligini aks ettiradi va u tubdan o'zgartirishga muhtojdir.

Ish bilan bandlikdagi tarkibiy tanazzulning bevosita oqibatlari, aqliy mehnat kishilarining boshqa mamlakatlarga ketib qolishi – ilm-fan sohasidan va ilmiy bilimlar ko'proq talab qilinadigan ishlab chiqarish tarmoqlaridan xodimlarning vositachilik sohalariga, shuningdek, malakasini yo'qotib, norasmiy faoliyat sohalariga o'tib ishlashidir. Qayd qilingan ishsizlik darajasidagi tarkibiy orqaga ketish ish bilan bandlik xizmati mijozlari orasida mutaxassislar ulushining yuqori ekanligida namoyon bo'lmoqda. Holbuki, kadrlar potensialini, ayniqsa, oliy va o'rta maxsus ma'lumotli mutaxassislarni shakllantirish uzoq vaqtni hamda mablag'ni talab qiladi[92].

Iqtisodiyotni boshqarishning monetaristik usullari islohotlarning dastlabki bosqichlari uchun mos bo'lib, davlat korxonalariga narxlarni oshirish yo'li bilan har qanday chiqimni ham xaridorlar yelkasiga yuklashga, shuningdek ortiqcha xodimlarga ham ish haqi to'lashga imkon berib kam samarali bo'lib chiqdi: xodimlarni ishdan bo'shatish jarayonlari obyektiv holatlarga emas, balki hukumat va bank tuzilmalarining o'zboshimcha hatti-harakatlariga bog'liq bo'lib qoladi (davlat korxonalariga imtiyozli qarzlar va subsidiyalar berilishi hatto eng samarasiz ishlaydigan korxonalarni ham bankrotlikdan saqlab qoladi). Natijada ishsizlikning o'sishi muqarrar bo'lib qoldi[93].

Mehnat bozorining asosiy indikatorlaridan biri ishlovchilarning ishga joylashish ko'rsatkichidir. Shu nuqtai-nazardan olib qaraladigan bo'lsa, ishga joylashganlar sonining ham mutlaq, ham nisbiy ko'rsatkichlarning oshayotganligini mehnat bozoridagi ijobiy

[92] Abduraxmonov Q. X. Mehnat iqtisodiyoti (Nazariya va amaliyot). -T.: "Mehnat" 2004, -290 b.

[93] Abduraxmonov Q. X., Murtazoyev B.Ch. Mehnat bozori. (o'quv qo'llanma). -T.: 1999. 53-55 b.

tendensiya sifatida baholash mumkin. Tajribaning ko'rsatishicha mamlakat mehnat bozoridagi talab asosan malakasiz

mehnatga yo'naltirilgan degan fikrni qisman tasdiqlaydi. Ishlovchilar orasida ish joyini tez-tez o'zgartiradigan, hamda uncha yuqori malakaga ega bo'lmaganlarning ko'pligi mehnat bozoridagi vaziyatni keskinlashtiradigan holatlardan biridir. Tahlillar shundan dalolat beradiki, bunday vaziyat asosan ichki mehnat bozorining yetarli darajada rivojlanmaganligi, xodimlar qo'nimsizlik darajasining yuqoriligining in'ikosi sifatida yuzaga keladi. Ish beruvchilar uchun o'z hisobidan kadr tayyorlashdan ko'ra, mehnat idoralari orqali arzon ishchi kuchiga ega bo'lish iqtisodiy jihatdan manfaatliroq bo'lgani uchun ham, mehnat bo'limlari yordamida ishga joylashganlar orasida yuqori malakaga ega bo'lmagan shaxslarning salmog'ini ortib borayotganlik tendensiyasi ko'zatilmoqda. Bundan tashqari, mehnat bozori infratuzilmasi elementlarining, jumladan ijtimoiy hamkorlik mexanizmining yetarli darajada rivojlanmaganligi, mehnat bozoridagi umumiy jarayonlarga jamiyatning mos ravishda tezkorlik bilan moslasha olmasligi uning oldiga yalpi ishsizlik muammosini ko'ndalang qo'yishi mumkin.

Ishchi kuchining qayta taqsimlanishi, uning mehnat bozoridagi harakatiga, binobarin, ishchi kuchiga bo'lgan talab va taklif o'rtasidagi miqdor-sifat jihatidan muvofiqlikka erishish ko'lamlariga bevosita ta'sir etuvchi omillar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning yangicha sharoitlarini shakllantiradigan makroomillarga bog'liq[94]. Shuning uchun ham ishsizlik miqyosining haddan tashqari oshib ketishining oldini olish va ishsizlarni ishga joylashtirishga yordam berish bo'yicha amalga oshiriladigan chora-tadbirlar quyidagilardan iborat bo'lmog'i lozim:

- mehnat munosabatlari sohasida ijtimoiy hamkorlikning uch tomonlama mexanizmini takomillashtirish;
- mamlakatning har bir hududida mehnat zahiralari va ish joylari sonining ham sifat, ham soni jihatidan o'sish mutanosibligiga erishish;
- yangi taraqqiy etgan tarmoqlar va faoliyat turlarini rivojlantirish yo'li bilan yangi ish joylarini barpo etish. Bu tadbirlarni amalga oshirishda qishloq xo'jaligidan bo'shayotgan xodimlarni iqtisodiyotning boshqa tarmoqlariga, jumladan sanoat, kichik va xususiy biznes, xizmat ko'rsatish va boshqa sohalarga taqsimlashga ahamiyat berish kerak bo'ladi;
- ish bilan bandlikning tarmoq va professional tarkibini takomillashtirish, qishlok joylarida ishsizlik miqyosining oshib ketishini oldini olish va nihoyat yalpi mahsulotning ko'payishi uchun zamin yaratadi;
- iqtisodiyotda oqilona ish bilan bandlikni ta'minlash;
- mehnat bozorida raqobat mexanizmini yo'lga qo'yish samaradorligini oshirish, ishchi kuchining sifat ko'rsatkichlarini to'xtovsiz oshirib borish mazkur mexanizmning asosi bo'lib hisoblanadi;
- samarali va "egiluvchan" mehnat bozorini shakllantirish, yangi mehnat bozori infratuzilmasining faoliyatini takomillashtirish, xodimlarning kasbiy harakatchanligini oshirish, hamda mehnat bozorining alohida segmentlariga ta'sir ko'rsatish orqali ishsizlarda yangi kasblarga qiziqish uyg'otish;

[94] Isroilova D. Mehnat bozorining shakllanish tendensiyalari. // O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi. 2003. №10. 60-61 b.

– mehnat bozorida faol siyosat olib borish borasidagi rivojlangan mamlakatlar tajribasidan keng foydalanish, jamoat ishlari tarmog'ini kengaytirish, ishsizlarni o'qitish va qayta o'qitish tizimini va yangi ish joylarini barpo etish;

– yoshlar o'rtasida ishsizlikni kamaytirish chora tadbirlarini ishlab chiqish.

Bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida mehnatga bo'lgan talabni rag'batlantirishning birdan-bir vositasi investisiyalar samaradorligini ta'minlashdir. Mehnatga bo'lgan talabning navbatdagi omili o'zaro bir-birini to'ldiradigan mehnat resurslari bilan bog'liqdir. Agar bitta stanokni xodim boshqarsa va bu xildagi stanoklar narxi oshsa, u holda bu stanoklarda ishlaydigan ishchilarga talab boshqa teng sharoitlarda pasayadi va aksincha bo'ladi.

Tahlillarga asoslanib bizning fikrimizcha, mehnat bozori tarkibiy qismlari hisoblangan moliyaviy muassalarning faoliyatida ish kuchiga bo'lgan talabni oshirish bo'yicha davlat siyosatini bajarishga qarab mexanizmning ishlab chiqilishi oqilona ish bilan bandlikni ta'minlash sharti hisoblanadi.

SHuni alohida ta'kidlash joizki mehnat bozorining mehnat munosabatlarini tartibga solishning samarali mexanizmini takomillashmaganligi mehnat bozori infratuzilmasi rivojlanishiga va buning natijasi o'laroq aholining oqilona ish bilan bandligini shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Aholini ish bilan bandligini samarali tartibga solish mexanizmi subyektiv yig'ma tushuncha. Samarali ish bilan bandlikni tartibga soluvchi mexanizm mehnat bozori infratuzilmasiga kiruvchi tarkibiy qism elementlari majmuasidir.

Aholining oqilona ish bilan bandligini ta'minlashning takomillashtirilgan yangi mexanizmi quyidagi asosiy shart-sharoitlarning ta'sirini tartibga solishi lozim: ishchi kuchiga talabning oshishi va unga taklifning kamayishi; yollanma ish kuchiga mehnat haqini (narxini) eng past miqdorini aholi jon boshiga to'g'ri keladigan minimal iste'mol byudjetidan kam bo'lmagan holda belgilash; mehnatga qobiliyatli o'smirlar, pensionerlar, ko'p bolalik ayollar va nogironlar ish bilan bandligini oshirishni rag'batlantirish; ishsizlarning malakasi, raqobat qobiliyati va safarbarligini oshirish, ish bilan bandlik xizmati infratuzilmasining samarali rivojlanishini ta'minlash va boshqalar.

Mamlakatimiz mustaqillikni erishganidan shu vaqtga qadar zamonaviy mehnat bozori hali tarkib topish jarayonidadir. U hali mezon asosida o'zining yaqqol qiyofasiga ega bo'lib ulgurganicha yo'q. Bu jihatdan uni birinchi turga intiluvchi aralash mehnat bozori deb atash mumkin. Mazkur bozorning shu jihatlarini e'tiborga olgan holda uning innovatsion rivojlanishining barcha demografik, ijtimoiy, iqtisodiy va boshqa jihatlari quyidagi mezonlarda o'z aksini topadi: ishchi kuchiga talab va taklif o'rtasida bozor muvozanatiga erishish; mehnat bozorining sifat ko'rsatkichlarini ta'minlash; aholining ish bilan bandligiga oid axborotlar tizimini takomillashtirish;kadrlarning kasbiy harakatchanligi va eksportabelligini rivojlantirish; ishsizlikni kamaytirish; malakali mehnatbozorini shakllantirish va boshqalar.

Mazkur mezonlar quyidagi ko'rsatkichlar yordamida aniqlanadi: mavjud va yangi yaratilgan ish joylarining soni, mulkchilikning turli xil shakllari, aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan YaIMning hajmi; ishchi kuchi eksportidan kelgan tushum miqdori, aholining migrasion oqimi, eksport qilingan ishchi kuchi salmog'i; mehnat resurslarining malaka va ma'lumot darajasi, mehnat bozoridagi raqobatbardoshlik, mehnat bozori institusion tuzilmalari samaradorligi, samarali va egiluvchan mehnat bozorini shakllantirish va rivojlantirish; malakali kadrlardan foydalanish samaradorligi; malakali kadrlarni tayyorlashda moddiy-texnik ta'minot, oliy va o'rta toifadagi

mutaxassislar salmog'i; ijtimoiy ishlab chiqarishda band bo'lmagan shaxslar va ishsizlik soni hamda ularning nafaqa miqdori, yangi ishga joylashtirish, xizmat bo'yicha boshqa ishga o'tish munosabati bilan qayta tayyorgarlik, yangi ish joyiga ko'chirib keltirish; mehnat bo'limida hisobda bo'lgan bo'sh ish o'rinlari va lavozimlarining to'liq ro'yxati, mehnat bo'limida hujjatlarni rasmiylashtirish bo'yicha ma'lumotlar, ishsizning huquqlari va majburiyatlari to'g'risidagi to'liq axborot, ish beruvchilar to'g'risidagi axborot, yangi kasbga tayyorlash va qayta tayyorlash imkoniyatlari to'g'risidagi axborot, mulkchilikning turli xil shakllari va h.k.

Tahlilar natijasida nazariy jihatdan yuqorida qayd etilgan mezonlar va ularning ko'rsatkichlaridan mehnatga layoqatli aholining oqilona ish bilan bandligini shakllantirishni tartibga solish mexanizmlarini, tegishli maqsadli kompleks dasturini hamda kompleks tahlili va istiqbolini belgilashning metodologik asoslarini yaratishda va ularni tadbiq etishda foydalanish mumkin.

БАНДЛИК ВА БОЙЛИК МАНБАИ БЎЛГАН ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Саламов И.-доцент,и.ф.н, Казакова З.С.-ассистент - Сам.ҚХИ "Қишлоқ хўжалигида менежмент" кафедраси.

Аннотация: *на основе решения первого президента нашей страны И.А. Каримова от 12 апреля 2016 года «О мерах совершенствования системы купли и пользования фруктами, овощами, картофелем и бахчевой продукцией», постановления Кабинета Министров от 28 августа 2015 года «О мерах совершенствования механизма урегулирования экспорта фруктов, овощей, картофеля, бахчевой продукции и винограда» создаются возможности введение инновационных технологии в модернизацию отраслей овощеводство, фруктов и винограда. У нас существует большие возможности инфраструктуры обеспечения занятости в виде обслуживающего направления. Таким образом, в нашей научной статье дана информация о местных и международных выставках, проходящих в нашей республике; мнение иностранных участников; договора, составленные с иностранными государствами; определение предпринимательство и делопроизводства; свойство и особенности о бизнеса и финансовой устойчивости, процитированные нашими мудрецами; семи сокровищах и дополнительных направлениях; результатах экономического анализа; выводы и предложения, использованная литература.*

Annotation: *"Buying fruit-vegetable, potato and field products and to reach perfection of using system measures from them" concern to order of the first president of the republic of Uzbekistan I. A. Karimov on 12 april 2016, "Fruit-vegetable products, potato, field goods and controlling and improving on grape export mechanism measures" on the basis of order of the Department of Ministry on 28 august 2015, fruit-vegetable and creating innovation technologies opportunities to modernize grape-growing branch are presented. Employment opportunities of infrastructure are provided, also at the service direction present in ours' country. Similarly, this scientific article demonstrated on local and international exhibition among our republic, overseas minds, made agreements with foreign countries, describes of entrepreneurship and erudite, be occupied business also in the finance sides would power said by our bright people, seven-*

treasury and additional direction, results of economic analysis, summarize and suggestion, list of reference are given.

Калит сўзлар: *инфратузилма, хизмат,бойлик, инновацион технологиялар, хориж билан шартномалар,бандлик ва ҳ.о.*

Кириш: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 5 октябридаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонида келтирилган талабларни ва бажарилиши керак бўлган юмушларни ўрганган ҳолда мавзумиздаги асосий йўналишлар белгилаб олинди. Фармон ижроси жойларда ўз натижаларини бермоқда. Ўтган 2016 йилнинг 8-10 ноябрь кунлари Тошкентда I-Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтди.Унда 40 дан зиёд мамлакатдан 100 дан ортиқ компаниялар қатнашдилар. Кўргазмада 150 дан ортиқ мева-сабзавот,узум ва полиз маҳсулотлари қўйилди. Хитойнинг "Jiujiu Silk" компанияси раҳбари Жу Лие ўз интерьюсида "Ярмаркада иштирок этиб, Ўзбекистон нафақат мева-сабзавот етиштириш, балки уни бирламчи ва чуқур қайта ишлаш бўйича бой тажрибага эга эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Намойишга қўйилган маҳсулотнинг ташқи кўриниши, сифати, қадоқланиши бизга жуда маъқул. Мазасига эса таъриф йўқ. Шахсан менга олма, анор, хурмо ва узум жуда ёқди. Тадбир давомида ҳамкорлик алоқаларини ўрганиш, катта миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолаш ниятидамиз"-деди. Шу асосда хориж мамлакатлари билан мева-сабзавот, полиз,узум маҳсулотларига савдо-сотиқ шартномалари тузиш жараёнлари ривожланмоқда.

Материаллар ва методлар: 2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти В.Путин таклифига биноан давлат ташрифи билан Россияда бўлди.Россиянинг Ўзбекистонда 900 дан ортиқ қўшма корхонаси, Ўзбекитоннинг Россияда Ўзбекистон капитали билан ишлаётган 600 та корхонаси фаолият кўрсатмоқда Икки давлат ўртасида 16 миллиард АҚШ долларига шартномалар тузилди. Жумладан мева-сабзавот,полиз, узумга 612 миллион АҚШ долларига шартнома тузилди. Биргина Андижон вилояти Красноярск ва Новосибрск вилоятлари билан мева-сабзавот,полиз, узумга тузган шартномаси 70 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мақолани тайёрлашда таққослаш, монографик, статистик, ва бошқа усуллар ёрдамида таҳлил қилганмиз.

Натижалар ва уларнинг таҳлили:Топилган бойликни мақсадли ишлатиш ҳам катта талантдир. Ёзувчи Темир Малик ўз асарларида бойлик ҳақида шундай таърифни келтиради. Бойлик-сокиндай кўринган денгиз узра қурилган бир қайиқдир. Денгиз бир чайқалса, тамом, қайиқдан ном нишон қолмайди. Ҳуқуқий меъёрлар чегарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан иқтисодий манфаатдорликни кўзлаб мустақил қарор қабул қилиши мумкин. Тадбиркорликнинг асосий мақсади-максимал даражада даромад олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир.Бизнинг фикримизча: Тадбиркор - бу мулкчиликнинг турли шаклларида меҳнат қилаётган кишиларга нисбатан ўзининг илмий-амалий салоҳиёти, онгли меҳнати, асосли ва ишончли таваккалчилиги, яратувчанлик қобилиятига эгалиги, табиат, жамият ва иқтисодий қонунлардан тўғри фойдалана оладиган, технологик ва иқтисодий, молиявий,

сиёсий, маънавий-маърифий, экологик дунёқарашни ўзида мужассамлаштирган, бошқаларга қараганда устунликка эришиб келаётган замон кутган кишидир. Бизнинг фикримизча: Ишбилармон - бу мулкчиликнинг бир хил турида меҳнат фаолиятини олиб бораётган, ўзи бажараётган юмушини бошқаларга нисбатан юқори даражада устамонлик билан уддалаётган омма ўртасида обру-эътиборга сазавор бўлиб келаётган бир соҳанинг мутахассиси, касб эгаси,ҳунарманидир. Республикамиз тадбиркорлари томонидан 2016 йилда сабзавот 11 272,5 минг тонна, полиз 2 045,2 минг тонна,картошка 2 958,3 минг тонна,мева 3042,7 минг тонна,узум 1735,3 минг тонна етиштилди. 2015 йилда эса мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан 12 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 556 минг тонна узум, 2 731 минг тонна мева етиштирилди. Самарқанд вилояти мисолида инновацион техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобидан инфратузилма соҳасида 2017 йилнинг биринчи чорагида 146 та янги иш ўрни яратилиб,ёшлар бандлиги таъминланди.Тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагилар киришини эътибордан қолдирмаслик зарурийдир,яъни: хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркин тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланиш ҳамда молиявий жиҳатдан бақувват бўлиш учун доноларимиз айтиб ўтган еттита хислат ва хусусиятларга яна битта "**маънавий-маърифий етук бўлишни мақсад деб билиш"**ни қўшиб улар санаб ўтган еттитасини бугунги янги талаблар асосида биз томонимиздан такомиллаштирилиб, истиқболда янги авлод вакилларининг ушбу тавсия этилаётган қуйидаги**саккиз хислат ва хусусиятни ўзлаштириб олишлари мақсадга мувофиқ деб биламиз:** 1)маънавий-маърифий етук бўлишни мақсад деб билиш; 2)эрта тонгда уйғонишни одатийлигини таъминлаш; 3)маъноли фикрлаш ва омма олдида ишончли нутқ билан чиқиш санъатини эгаллаш,яъни нотиқлик кўникмасига эга бўлиш; 4)ҳар бир йўналишдаги натижавий ҳолатларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш қобилятини қўлга киритиш ва уни такомиллаштириш; 5)билмаганини ақл-идрок ва фаросатли бўлган ҳолда бошқалардан сўраб ҳамда кўриб ўрганиш; 6)назарий-амалий билим ва тажрибаларни ҳамда шу соҳанинг олимлари томонидан берилаётган илмий-амалий тавсияларини жамлаб, келажакдаги мақсадга етиш учун муаллифлар билан биргаликда ҳаётга жорий этишни режалаштириш ва босқичма-босқич амалга ошириб бориш; 7)бажариладиган ишларда сарф-харажатларни имкон даражада илмий- амалий тавсиялар асосида қисқартириш; 8)доимий равишда кунлик ҳисоб-китобни тўғри ёритиш ва уни расмийлаштириш, яъни темир дафтарга ёзиб бориш. Булардан ташқари, авлодлар томонидан ижтимоий, иқтисодий-молиявий жиҳатдан бақувват бўлишда қуйидаги **етти хазинани тавсия этишган,**уларга эътиборни қаратиш ҳам яхши натижаларни беради.Улар қуйидагилардир: 1) товуқ; 2) сигир; 3) ўрмон; 4) сув тегирмони; 5) ёғ жувоз; 6) ипак қурти; 7) асалари. Бозор иқтисодиёти шароитидаги бизлар томонимиздан қўшимча хазина манбаларини тадбиркорлар, ишбилармонлар, бизнесменлар, ҳалол пул топиш йўлида ҳаракатдаги пулдорларнинг истиқболда амалга ошириши керак бўлган йўналиш ва соҳаларини ўзлари фаолиятида амалга ошириш қўллаш ҳамда шу соҳаларни ташкил этишда йўналишлар инфратузилмасини ҳам ташкил этишини асослаб қуйидагиларни тавсия этамиз: -чумчуқчилик (Бухоро хони Амир Олимхоннинг севимли таоми бўлган экан), -беданачилик (бугунги кунда ҳам уни гўшти ва тухуми халқимизнинг севимли таомидир), -кафтарчилик (унинг гўшти

парҳез таомдир), бошқа қушлар зоти ва улар турини кўпайтириш; -балиқ (жумладан аквариум балиқлари); -қуён; -чўчқа; -зуллик (шуллик-тиббиётда қўллаш учун); - чувалчанг (тупроқ унумдорлини оширишга хизмат қилади, АҚШнинг Колифорния штатидан қизил чувалчангни океан ортидан катта маблағлар сарфлаб импорт қилишга ҳожат қолмайди) ; -яшил ўғитлар (экилган экинларни яшиллик ҳолатида шудгорлаб ташлаш йўли билан тупроқ унумдорлиги оширилади); -ҳамма дарахтлар барглари (ёқиб юборилмайди,чуқур қозиб тупроқ ва бошқа хашаклар аралашмаси қатламларига оддий чувалчанглар ва сув солиниб 35 см қалинликда кўмиб ташланади ҳамда тез-тез суғорилиб турилади. Ушбу истиқболли органик-маҳаллий ўғит камида олти ой чиритилади.Чиришини, яъни органик моддаларни анорганик маддага айланишини чувалчанглар, микроорганизмлар ва сув амалга оширади); - чаён,-қора қурт; -илон (Тошкент туманида учаласи ҳам кўпайтирилиб,заҳари лаборатория шароитида олиниб тиббиётга ишлатилади ва хорижга экспорт қилинади); -сабзи ва суви {(Табобат илмининг султони,ватандошимиз Абу Али Хусейн ибн Абдулла ибн аль-Хасан ибн Али ибн Сино Бухоро вилоятининг Ибн Сино туманидаги Афшона қишлоғида 980 йилнинг 22 августида туғилиб 1037 йилда Эрон мамлакатининг Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Ғарб мамлакатлари ушбу юртдошимизни Авиценна номи билан эзозлайдилар. Ибн Сино сабзини саратон касалини олдини олишда ва даволашда ишлатган.Америка шифокори Н. Уокер сабзининг тиббиётдаги ўрни ҳақида кўплаб китоблар ёзган ва унга қуйидагича таъриф берган: “Сабзи даҳшатли рак касаллигига қарши курашда давримизнинг мўжизаси ҳисобланади”.деган)}; -картошка шарбати; -зайтун; -папайё (қовун дарахти меваси,саратон касалини олдини олишда ишлатилади, Ўзбекистонга Малазия мамлакатидан уруғи олиб келинган); -ҳақиқий ҳарбий хизмат; -гимнастика; -жисмоний тарбия; -сайёҳлик йўналишлари; - касб; -ҳунар; -мутахассислик; -тадбиркор фермер; -тадбиркор деҳқон; -китоблар; -матбуот; -сублиматорлар {(3та вазифани бажаради: 1)Маҳсулотни музлатиш;2)Маҳсулотни сувсизлантириш, (30 даражада иссиқликда); 3).Қадоқлаш, (кукун ҳолатда). Олма 1987 йилда буён,қулупнай мевасини 25 йил сувсизлантириб сақланган)}; -биогумос; -муқобил энергия (қуёш батареялари, шамол тегермони-генератори энергияси-Қўшрабод туманида тиббий пунктга ўрнатилган, биогаз қурилмаси, ва ҳ.о.); -инфратузулма (жумладан: буютма столлари; сўров столлари; “Дала-уй”; “Дала-истеъмолчи”; “Буюртмачи-бажарувчи”; “Магазин-истеъмолчи”, “Ошхона-истеъмолчи” ва хизматнинг бошқа турлари); -хусусий техникалар; - хусусий магазин ва бошқа шундай йўналишларда ихтисослашган кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда яшаётган кишиларнинг ўз кучи, тажрибаси ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиши - ўта муҳим жараёндир, Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши республикамизда ўрта синфни шакллантиришнинг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади. жБиргина Самарқанд вилоятида 2016 йилда етиштирилган гўшт маҳсулотини истеъмолчиларга етказишдан олинган фойда 138 525 миллион сўмни ташкил қилди, лекин рентабеллик даражаси 11,9 фоиз бўлди. Мевачилик тармоғи тадбиркорлари томонидан олинган фойда 80 171 миллион сўмни ташкил қилиб,рентабеллик даражаси эса 32,8 фоиз бўлди. Икки тармоқ эришган натижаларни таққосласак, 20,9 пунктга мевачиликда иқтисодий кўрсаткич якунлари чорвачиликнинг гўшт етиштиришдаги кўрсаткичидан юқоридир.

Хулоса ва таклифлар.Хориж мамлакатларига экспорт қилинаётган товарларимиз ўз навбатида чет эл сармоясини олиб келади. Бу билан биз қуйидаги ютуқларни қўлга киритамиз: 1) Икки давлат халқининг дўстлик ришталарини мустаҳкамлаймиз; 2) Хорижнинг янги техника ва технологияларини ватанимизга, жумладан Самарқанд вилоятимизга олиб кирамиз; 3)инфратузилма соҳасида тадбиркорлар, ишбилармонлар, бизнесменлар сонини кўпайишига эришамиз; 4) Янги иш жойларини ташкил қилиш ва олий ўқув юртларини,коллежларни битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш имкониятлари пайдо бўлади. 5)Инфратузулма соҳасига тадбиркорларни жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш-бойлик манбаидир. Ўзбекистонда яшаётган меҳнатга яроқли аҳолининг 24-45 фоизи шу соҳада ишлаши қониқарли эмас.улар бажараётган хизматларнинг сифатини яхшилаш учун шу йўналишдаги ходимларни малакасини доимий равишда ошириш мақсадга мувофиқдир.6) Юқорида матнда келтириб ўтилган қўшимча хазина манбаларини ишга тушириш бандликни таъминлашнинг ихчам ва катта маблағ талаб қилмайдиган турларидир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Э.С.Файзиев -СамИСИ, и.ф.н.
Д.Курбанов – СамИСИ, магистр

Аннотация: *Мақоладакорхона фааолиятида асосий фондларнинг тутган ўрни ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг хозирги ривожланиш босқичидаги аҳамияти масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар*; асосий фондлар,самарадорлик,фондлар қайтими,фондлар сиғими,фондлар рентабеллиги,фан техника тараққиёти,таркибий ўзгаришлар.*

В данной статье отражены вопросы, связанные местом основных фондов в деятельности предприятия и повышения их эффективности использования в современных условиях развития.

Ключевые слова; основные фонды, эффективность ,фондоотдача, фондоемкость, рентабельность фондов,научно технический прогресс.

This article reflects the issues related to the location of fixed assets in the activities of the enterprise and to improve their efficiency in modern development conditions.

Keywords: Fixed assets, efficiency, capital productivity, capital intensity, profitability of funds, scientific and technological progress

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;

- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабороториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат

сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор "вакуумни", ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шаклларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шаклларини, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш,* ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг хозирги босқичида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай корхонада ўзи эгалик қилувчи барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида кўп маротаба қатнашадиган, ўзининг моддий – ашёвий шаклини узоқ муддат давомида сақлаб қоладиган ва ўз қийматини маҳсулот таннархига қисмларига бўлиб ўтказадиган корхона асосий фондларининг бир қисмидир. Бошқача сўз билан айтганда, асосий ишлаб чиқариш фандларининг қиймати сотилиган хизматлар таннархига, уларнинг аммортизиция ажратмалари шаклидаги эскириш даражасига кўра қисмларга бўлинган ҳолда киради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг сон ва сифат тавсифлари бўйича ишлаб чиқариш корхонасининг техник таъминланганлиги ва жорий иқтисодий ҳолатини аниқлаш мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонанинг асосий муаммоси бўлиб ҳисобланади. Унинг тўғри ҳал этилишидан кўпчилик ҳолатларда корхонанинг молиявий ҳолати, меҳнат унумдорлигини ўсиши, турстик хизматлар таннархининг камайиши, умумий ҳолда туристик хизматлар бозорида корхонанинг рақобатбардошлиги каби масалалар боғлиқ бўлади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятининг қуйидаги йўналишлари бўйича амалга ошириш мумкин:

- фондлар қайтимини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ҳаракат қилмайдиган асосий фондларни (майдонлар, транспорт, асбоб ускуна, анжом) тугатиш ёки ижарага бериш;
- маҳсулот сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг прогрессив усулларини жорий қилиш;
- фондлар сиғимини камайтириш имкониятларини қидириб топиш;
- фондлар билан қуролланишни ошириш. Ушбу ишни замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин бўлади. Яъни унумдорлиги юқори,чиқитсиз ва энергия сарфи кам бўлган замонавий технологияларни жорий этиш.
- эскирган асбоб-ускуналардан,уларни сақлаш харажатларидан тезроқ холос бўлиш мақсадида қутилиш;
- маҳсулотнинг самарали рекламасини ташкил этиш.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш корхонаси ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг малакасини ошириш, уларнинг ишга ижодий ёдошишлари, меҳнат унумдорлигини ошиши, шунингдек ишлаб чиқариш корхонасини мохирлик билан бошқариш кабиларга бевосита боғлиқ бўлади.

Ҳар қандай ташкилот, хусусан ишлаб чиқариш корхонаси учун асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Асосий фондларни қўллаш самарадорлиги улардан фойдаланишни яхшилашнинг экстенсив ва интенсив омиллари қанчалик тўлиқ жалб қилинганлигига боғлиқ.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив яхшилаш харакатдаги асбоб-ускунанинг иш вақтини ошириш, шунингдек корхонадаги мавжуд асбоб-ускуналардан тўлароқ фойдаланишни кўзда тутади.

Асбоб-ускуна иш вақтини оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таъмирлаш ва хизмат кўрстиш сифатини ошириш хисобига асбоб-ускунанинг смена ичидаги тўхтаб туришини камайтириш ва тугатиш, ишлаб чиқаришни ишчи кучи, хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, электр энергияси билан ўз вақтида таъминлаш;
- асбоб-ускунанинг тўхтаб туришини камайтириш, унинг сменали иш коэффициентини ошириш.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши бўлиб, харид қилинган лекин ўрнатилмаган асбоб-ускунани тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек ортиқчасини сотиш ҳисобланади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив яхшиланиши асбоб-ускунанинг вақт бирлигидаги загрузка даражасини оширишни кўзда тутади. Бу меҳнат қуролларини техник такомиллаштириш ва модернизациялаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни такомиллаштириш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш йўли билан эришилади.

Фондлар қайтимини оширишнинг муҳим резерви бўлиб, янги жорий этилаётган ишлаб чиқариш қувватлари ва асбоб-ускуналарни тез ўзлаштириш ҳисобланади.

ЧУҚУР ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Э.С.Файзиев - СамИСИ, и.ф.н
З.Шодмонова - СамИСИ магистр

Аннотация:*Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уни янада ривожлантириш масалалари атрофлича ёритилган.*

Калит сўзлар: *таркибий ўзгаришлар, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, классик тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳити.*

Annotation:*The article role of small business and private entrepreneurship in the country's economy and development issues pertinent to lit.*

Key words: *structural changes, the classic small business, entrepreneurship, business, entrepreneurship, innovative business environment.*

Аннотация:*В статье роль малого бизнеса и частного предпринимательства в вопросах экономики и развития страны Уместно подсвечена.*

Ключевые слова*: структурные изменения, малый бизнес, классический предпринимательство, инновационный предпринимательство, бизнес-среда.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг мазмуни авваламбор иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш хисобланади. Ушбу ишни рўёбга чиқаришнинг асосий йўлларидан бири бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Республикамиз хукумати

томонидан айнан ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 2012 йилнинг январидан бошлаб соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектларида ягона солиқ миқдори 5%ни ташкил этди. Ундан ташқари фоиз миқдори кам бўлган узоқ муддатли кредитлар ажратиш амалга оширила бошланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 10 октябридаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жихатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4848 номли фармони бўлди десак муболаға бўлмайди.

Тадбиркорлик – бу шахсий фойда ва ижтимоий наф – боғлиқликлиги асосида тижорат ва бошқа муваффақиятга эришиш мақсадларида мулк, пул маблағлари ва бошқа ресурслардан новаторлик фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик юрутувчи субьектларнинг ташаббускор фаолиятидир.

Тадбиркорликнинг икки модели мавжуд: классик ва инновацион тадбиркорлик.

Классик тадбиркорлик – бу ананавий консервацион тадбиркорлик. У корхона фаолияти рентабеллигини ошириш ва хизматлар номенклатурасини янгилаш учун хўжалик юритишнинг ананавий усулларидан фойдаланилган ҳолда ресурслардан максимал фойдаланишга йўналтирилади.

Инновацион тадбиркорлик авваламбор новаторлик ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тадбиркорнинг роли бозорда аввал номаълум бўлган янгиликларни яратиш ҳисобланади. Ушбу иш иқтисодиётнинг ананавий усулларидан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади, аммо уларнинг янги боғлиқлигида, жумладан:

- янги яъни истеьмолчи учун ноъмалум неъматларни яратиш;
- янги нарсани жорий этиш, яьни ушбу тармоқда ишлаб чиқаришнинг нотаниш усули (услуби)дан фойдаланиш;
- янги сотув бозорини ўзлаштириш;
- хом ашёнинг янги манбасини олиш;
- тегишли сотувларни амалга ошириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатлари- нинг хуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривож- лантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг хозирги босқичидаги ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланиши шубҳасиздир. Ушбу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш имкониятларини вужудга келтиради.

Фикримизча, соҳада ўз фаолиятини юритувчи хўжалик субъектлари ишларини янада жадаллаштириш учун, уларга кенг эркинлик бериш, улар- нинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, хуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг про- филактикаси самарадорлигини ошириш ва хуқуқбузарликларга йўл қўйил- маслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш сохасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси бўлиб ҳисобланиши лозим.

Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини мутасадди органлар томонидан таъминланиши соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлади.

Президент Фармонидаги айрим янгиликларга тўхталиб ўтишни лозим топдик. Чунки айнан улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада жадал суръатлар билан ривожланишига замин яратади. Улардан асосийлари бўлиб қуйидагилар хисобланади:

- ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий тахлили асосида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш хамда уларга йўл кўймас- лик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг самара- дорлигини оширишга доир асосланган таклифларни икки ой муддатда, бел- гиланган тартибда киритсинлар;

- тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўскинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб кўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги конун хужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминласинлар.

- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ри- вожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофик тасдиқлансин. Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирликлар ва идораларнинг, махаллий давлат хокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин;

- 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб: тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахсларнинг тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг конунчилик бузилганлиги холатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қиска муддатли текширувлар бундан мустасно;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор килинади;

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта хуқуқбу- зарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун хужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган такдирда, инсоннинг соғлигива ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этиладилар;

- ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар хуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур хужжатларни расмийлаштирган такдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиладилар;

- тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш хуқуқидан махрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди;

Фикримизча, юқорида қайд этилган янгилик ва ўзгаришлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада жадаллаштирилишига шубҳа уйғотмайди.

М У Н Д А Р И Ж А

І ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Каримов С. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЕТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ…….. 3

Худайбердиев Х.У., З.Ш.Жалилов. АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ…….. 7

Султонов Ш.А., Г.С.Мустафоев., Э.Муродов ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕР-НИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КАСАНАЧИЛИК, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА…… 10

Jomonqulova F.E., Muxamadiyev A.N., Uzakova S.B. MUSTAHKAM INFRATUZILMANI YARATISH, KENG QAMROVLI BARQAROR INDUSTRIALIZATSIYA VA INNOVATSIYALARNI HAYOTGA TADBIQ ETISHGA KO‘MAKLASHISH……... 15

Мухитдинов Д.Х., Мирзакобилов.Ж., Авлаев Ш. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И РОССИЕЙ…… 17

Urunova N. OILAVIY TADBIRKORLIKNI TASHKIL ETISHNING ASOSIY YO’NALISHLARI…… 20

Mingboyev A., N. Xoliqov.. XIZMAT KO’RSATISH SOHASIDA INNO-VATSIYANING MOHIYATI VA TURLARINING NAZARIY MASALALARI. 22

Абдуллаева З.И, А.А. Остонов, РОЛЬ НАУКИ И ИННОВАЦИИ В СОЗДАНИИ БЛАГОПРИЯТНЫХ УСЛОВИЙ ДЛЯ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬ-НОСТИ ОБЩЕСТВА…….. 25

Азаматов Ш. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНГА УНДОВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР…… 29

Холмуродов О.Н. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ИННОВА-ЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР……... 32

Азаматов Ш. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ДИВЕРСИФИКА-ЦИЯ ҚИЛИШ ТУРЛАРИ……... 34

Бобоқулов С.Б. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ……..…… 38

Холмуродов О.Н, Худаярова Ч. АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ СИФАТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ……... 41
Джалилов Ф. АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ…… 44
Дустова М.Х., Ш.Б.Бутунов. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ…… 48
Хайдаров З.Х., И.А.Хайдарова. ДИСЦИПЛИНА ОЖИДАНИЯ И ПРИОРИТЕТЫ…… 51
Мардонов Б.Б. МАҲАЛЛАЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ…… 55
Музаффарова.К.З. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАНИНГ ЎРНИ…… 58
Muratov Sh.A., Hasanov Sh.T., Nurullaev U.U. XIZMATLARNING PAXTACHILIK SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI O'RNI…….. 62
Ўринова Н., Холмаматов.Д. ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ЖАЛБ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ…….. 66

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рахимов З.О. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ…… 71
Усманова Д.К. Амиров.А.М. ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЦЕЛЕСООБ-РАЗНОСТИ РЕАЛИЗАЦИИ ПРЕДЛОЖЕНИЙ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГУП МЕЖДУНАРОДНОГО АЭРОПОРТА «САМАРКАНД»……... 74
Юсупов А.С. ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ……. 78
Ниёзов З.Д., Ж.Қ.Мирзакобилов. КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ ИНВИСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ ЙЎЛЛАРИ…….. 82
Ниёзов З.Д., Р.И.Азимова. ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА БАНК ХИЗМАТ-ЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ…… 85
Мусаев Ҳ .Н, Сайид-Ахмедов Т. Н, КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ШАРОИТДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ…… 87
Хайдаров З.Ш, Бегалиев З.С. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА СКОРИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА КРЕДИТ БЕРИШНИ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ…….. 90

Хайдаров З.Ш, Бегалиев З.С. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СКОРИНГ УСУЛИ АСОСИДА КРЕДИТ БЕРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ……. 93
Пашаходжаева Д.Д, Мукумова Р.Х, Вафаходжаева Д.М, Боронов Б.Ф. ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ УЧЕТА И АУДИТА АВТОСЕРВИСНЫХ УСЛУГ… 96
Н.Аликулов Ғ., Б.Н.Жуманов, Й.Зухуров. «ЯГОНА ОЙНА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА КАДАСТР ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ЖАРАЁНИ-НИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ…… 98
Мусаев Ҳ.Н., Ш.Умарова, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ…… 103
Алиева С.С., Хамраев Ш.С. ФИНАНСИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОДУКТОВ…….. 105
Мусаев Ҳ.Н., Р. М. Абдухалил-зода, АУДИТНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ: УЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ…….. 109
Musaev X.N., O.X.Jumanov. METHODOLOGY AUDIT PROCEDURES AND ITS RISK ASSESSMENT……. 114
Алиева С.С, ФАКТОРЫ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ РОСТ ОКАЗЫ-ВАЕМЫХ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ И ФИНАНСОВУЮ УСТОЙЧИВОСТЬ ФИНАНСОВЫХ ИНСТИТУТОВ……. 116
Мусаев Ҳ. Н., Г.М. Бердиқулова, АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ….. 120

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

Мусаева Ш.А, Д.И.Усмонова, ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ РЫНКА ХОЛОДИЛЬНОЙ ТЕХНИКИ НА ПРИМЕРЕ АО «СИНО»……. 123
Шакаров А.Б., Хонкелдиева Г.Ш., Шакарова З.А., А.Х.Эргашев. КОНЦЕПЦИИ РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ И РОЛЬ МАРКЕТИНГА В АГРАРНЫХ ОТНОШЕНИЯХ……. 126
Маматкулова Ш.Ж., Наркулова Ш.Ш., Зокиров Ш. МАМЛАКА-ТИМИЗДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШИНГ ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ…… 129
Насимов Д., Насимов Д. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ЭГИЛУВЧАНЛИГИНИ ТАЪ-МИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ……. 132
Нормахматов Р., Ғ.Я.Пардаев., Ш.И.Исмоилов. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲ-СУЛОТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХИЗМАТЛАРИ – ХАВ-ФСИЗЛИКНИ

ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР…… 136
Бобоев Н.Д., Холмаматов Д.Ҳ., Садинов Ш.Х. МАРКЕТИНГ-ЛОГИСТИКА ИННОВАЦИЯ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ КОМПЛЕКС УСУЛИ…….. 138
Каландаров У.Х., М.У.Тилябов., Шукуров З.К., С.С. Абдурахимов. СТРАТЕГИЯ ТОРГОВЛИ БИНАРНЫМИ ОПЦИОНАМИ ПО ТЕПЛОВОЙ КАРТЕ…….. 141
Amriddinova R.S., Z.A.Fayziyeva. BOOKING.COM ONLAYN BRON-LASHTIRISH IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH…… 143
Даминов Ф.М., Тоштемиров Д.Ў. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАШКИЛОТЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ…… 147

IV ШЎЪБА.ТУРИЗМСОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Адилова С.О., Толибова З.Т. ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И СПОРТ В ЖИЗНИ МОЛОДЁЖИ УЗБЕКИСТАНА…….. 152
Адилова С., Иноятов О.С. ВОСПИТАНИЕ КУЛЬТУРЫ ПОВЕДЕНИЯ СТУДЕНТОВ…….. 154
Абдуназаров С.А. ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА…… 156
Адилова С., Иноятов О.С. РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ…….. 159
Зобова Е.В., Яковлева Л.А. ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА В РОССИИ…… 162
Ахмеджанова Ф.А., А.Остонов. РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМ КАЧЕСТВА И БЕЗОПАСНОСТИ ТОВАРОВ ДЛЯ ОБСЛУЖИВАНИЯ ТУРИСТОВ…… 166
Маматкулова Ш.Ж., Наркулова Ш.Ш., Ш.Б.Омонов. СУРХАНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ…….. 168
Зубаев А., Адилова С. РУССКИЙ ЯЗЫК В МИРЕ. ПРОГНОЗЫ НА БУДУЩЕЕ…… 174
Алимова М.Т., САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҲУДУДИЙ ТУРИСТИК КЛАСТЕРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ …….. 175
Абдуллаев Ф., А.Исмаилов, ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ…… 179
Маматқулов Х., У.Бойназаров., О.Хайдаров. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАБИИЙ, ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАРНИНГ РОЛИ……... 182
Абдуллаев Ф., М.Рўзметов., А.Исмаилов. ТУРИСТИК

КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ…….. 188
Хусанов Ч.К., Каграманова Ю. ИННОВАЦИОННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ В ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА…….. 191
Аликулов Х., Н.Қ.Ҳаққулов, ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КИШИЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ……... 194
Mamatqulova K.A., Sharipova M. LES GRANDS VILLES DE L'OUZBEKISTAN..... 196

V ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мардонов Р.С. СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ КАК ФАКТОР ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ БУДУЩИХ МЕНЕДЖЕРОВ СЕРВИСНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ…….. 200
Musinov S.M., X.Ziyodullayev. TA'LIM-TIZIMI JARAYONIDA YOSHLARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH MUOMMOLARI…… 204
Niyozov Z.D., F.M.Daminov, BANK TIZIMI UCHUN MUTAXASISLARNI TAYYORLASHNING STRATEGIK MUAMMOLARI……. 207
Суюнов О.Ж. МУАММОЛИ СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ…….. 209
Хамракулова О.Д. ПРОБЛЕМЫ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ УГЛУБЛЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ……... 213
Хусаинова Л.Ю., Саидов Н.Х. ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС ПО ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ СФЕРЫ ТУРИЗМА …….....…. 216
Niyozov Z.D., A.M.Karimova., R.S.Usmonov. XIZMAT KO'RSATISH VA SERVIS SOHASINI MUTAXASISLARNI TAYYORLASHNING MOLIYAVIY STRATEGIK MUAMMOLARI…… 219
Рахимов З.О., Бабаев Ф.Т.,. Суюнов Р.Ғ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ…….. 221
Худойқулов Й.А., Мамараҳимов Қ.Ҳ. ЗАМОНАВИЙ РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ СИФАТИДА…… 223
Рахимов З. О., Гиясов Б.Д., Убайдуллаев Р. Қ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ…….. 225
Худойбердиев Н., Эшпулатова З. МАМЛАКАТИМИЗДА ЯЛПИ ИЧКИ

МАҲСУЛОТНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ -ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР…… 228
Абдуллаева З.И., Д.Абдуллаева, ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ…… 230
Norboyeva D.J., Jalilov Sh.Z. XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI RIVOJIDA MALAKALI KADRLARNI TAYORLASH MUAMMOLARI…….. 235

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Суюнов А.С., Буриев Х.Т., Суюнов Б.А. КАЧЕСТВО И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ ПРОДУКЦИИ СТРОИТЕЛЬСТВА……... 239
Урдушев Х., Акбаров Х, КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ…… 241
Султонов Ш.А., Г.С.Мустафоев., И.Тиллаев. САМАРКАНД ВИЛОЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АҲАМИЯТИ…… 243
Султонов Ш.А., Г.С.Мустафоев., И.Тиллаев. АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ……... 248
Хасанова Ю., А.Равшанов. ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА…….. 253
Саламов И.С., Жонибеков Ф.Б. УЗУМЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ……...…… 256
Bozorov B.U., Abdusaidov A.A. INNOVATSION RIVOJLANISHDA MEHNAT BOZORINING SAMARALI SHAKLLANISH MEZONLARI VA KO’RSATKICHLARI…….. 259
Саламов И., Казакова З.С. БАНДЛИК ВА БОЙЛИК МАНБАИ БЎЛГАН ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ……. 263
Файзиев Э.С., Д.Курбанов. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ…… 267
Файзиев Э.С., З.Шодмонова. ЧУҚУР ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ…….. 271

Қ А Й Д Л А Р У Ч У Н

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»
мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

(2017 йил, 25-27 май)

2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси
Босма табоқ 17.75
Буюртма № 52 Адади 50 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А.Темур кўчаси, 9 уй.